



Сайфиiddин АНАРКУЛОВ,

Ўзбекистон Миллий университети, Археология кафедраси таянч докторанти

E-mail: nsgi_zr85@mail.ru

PROBLEMS OF SOCIO-ECONOMIC ADAPTATION IN MODERN CITIES AND THEIR ETHNOLOGICAL REVIEW

Abstract

This article deals with the problems of the socio-economic adaptation of people in modern cities. The article analyzes the process of human adaptation in the urban environment, including his mental and social adaptation, ethnic problems of adaptation, ethnic characteristics of mastering modern professions. On this aspect, numerous studies have been and are being carried out in which various approaches and theories based on their specificity are put forward. First, in the cities there is a sociocultural sense of alienity among migrants. In addition, economic and ethnic enclaves play an important role in the mobility of migrants, especially where religious and ethnocultural factors are strong. The emergence of economic and ethnic enclaves with the Muslim population and migrants from Southeast Asia in European cities, as well as the emergence of separate Chinese quarters in major US cities and the socio-economic classification of the population in all cities around the world are characteristic of modern urbanization processes.

Key words: urban anthropology, marginals, ethnic enclaves, multiculturalism, historical and ethnographic region, labor market.

ПРОБЛЕМЫ СОЦИО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ АДАПТАЦИИ В СОВРЕМЕННЫХ ГОРОДАХ И ИХ ЭТНОЛОГИЧЕСКОЕ ОБОЗРЕНИЕ

Аннотация

В данной статье рассматриваются проблемы социо-экономической адаптации людей в современных городах. В статье анализируется процесс адаптации человека в городской среде, в том числе его психическое и социальное приспособление, этнические проблемы адаптации, этнические особенности овладения современными профессиями. По данному аспекту проводились и проводятся многочисленные исследования в которых выдвигаются различные подходы и теории, основанные на их специфике. Во-первых, в городах существует социокультурное чувство чужеродности среди мигрантов. Кроме этого экономические и этнические анклавы играют важную роль в мобильности мигрантов, особенно там где сильны религиозные и этнокультурные факторы. Возникновение экономических и этнических анклавов с мусульманским населением и мигрантами из Юго-Восточными Азии в Европейских городах, а также появление отдельных китайских кварталов в крупных городах США и социо-экономическая классификация населения во всех городах по всему миру характерны для современных урбанизационных процессов.

Ключевые слова: городская антропология, маргиналы, этнические анклавы, мультикультура, историко-этнографический регион, рынок труда.

ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРЛАРДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МОСЛАШУВ МАСАЛАСИ ВА УНИНГ ЭТНОЛОГИК ТАВСИФИ

Аннотация

Ушбу мақолада замонавий шаҳарларда кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий мослашуви муаммолари тадқиқ этилган. Одамнинг шаҳар муҳитига мослашувида рўй берадиган жараёнлар, жумладан, унинг руҳий ҳолати, этнопсихологияси, хўжалик фаолиятида рўй берадиган ўзгаришлар таҳлил этилган. Дунё миқёсида ушбу муаммо доирасида жуда кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Улар ўзларига хос хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда бир-биридан фарқли ёндашувларни ва назарияларни илгари суришган. Биринчи навбатда, шаҳарга кўчиб келувчида ўзга бир муҳитдаги ижтимоий-маданий бегоналик ҳисси (маргиналлик) вужудга келади. Кўчиб келувчининг бундай тўсиқларни енгиб ўтишида иқтисодий ва этник анклавлар муҳим ҳисобланиб, унда диний, маданий омиллар етакчи ўрин эгаллайди. Европа шаҳарларида мусулмон ва жанубий-шарқий осийлик муҳожирлар иштирокида иқтисодий ва этник анклавларнинг пайдо бўлиши, Америкадаги йирик мегаполисларда хитойликлар, латин америкаликлар алоҳида кварталларининг шаклланиши ёки дунёнинг барча шаҳарларида аҳоли жойлашувидаги ижтимоий-иқтисодий таснифланиши замонавий шаҳар қиёфаси учун хос хусусият ҳисобланади.

Калит сўзлар: шаҳар антропологияси, маргиналлик, этник анклавлар, мултимаданият, тарихий-этнографик вилоят, меҳнат бозори.

КИРИШ. Шаҳар антропологиясини ўрганишда унинг этник ва ижтимоий таркиби, шаҳар аҳолисига хос бўлган мультимаданият, кишиларнинг турмуш тарзи каби ўзига хос хусусиятларга алоҳида эътибор қаратилади. Замоनावий шаҳарлар қиёфасини тадқиқ этишда яна шундай жиҳат борки, бу кишиларнинг шаҳар муҳитига ижтимоий-иқтисодий мослашуви масаласидир. Чунки, бу жараён қайсидир иқтисодий қонунлар ёки ижтимоий қоидалар қолипидан ташқарида ҳам рўй бериб, ўзида этномаданий, баъзи ҳолларда, сиёсий соҳани ҳам қамраб олади.

Замоनावий шаҳарларни ўрганиш борасидаги этнологик тадқиқотларда этник гуруҳларнинг замоनावий шаҳар шароитига мослашувида миллий урф-одатлар, анъанавий хўжалик фаолияти, маданий белгилар ёки диний мансублик каби омиллар муҳим саналади.

Ушбу мақолада кишиларнинг замоनावий шаҳар муҳитига мослашувида моддийлик ёки маънавий-руҳий ҳолатнинг устуворлик қилиши хусусида қиёсий таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Маълумки, кишилар нафақат қишлоқ, балки бир шаҳардан бошқасига кўчиб ўтганда ҳам ўзига нотаниш бўлган ижтимоий-иқтисодий, маданий масканга тушиб қолади. Одатда, қишлоқдан шаҳарга кўчиб келган киши шаҳар жамиятида кишилар ўртасидаги муносабатларнинг қишлоқдагидек, маълум анъанавий одатлар эмас, балки аниқ мақсадни кўзда тутувчи муносабатлар [1] шаклида намоён бўлади. Мослашувнинг илк давридаги ноодатий муносабатларни кўрган муҳожир ўзида бу жамият учун бегоналик ҳиссини англайди. Натижада, мавжуд тўсиқлар уларда маргиналлик [2] ҳолатини пайдо қилади [3]. У эндиликда ўзигидан кечмаган ҳолда тил, маданиятдаги янги муҳитдагидан кескин фарқ қилувчи хусусиятлардан воз кечишга, ўзининг “оламини” яратишга интилади. Маргиналлик ҳолати бегона жамиятга тушиб қолган кишиларнинг этник, ижтимоий ёки диний асосида яқинлашувини тақозо қилади. Тўғри, ҳар қандай кишида ўзи учун нотаниш бўлган муҳитга тушгандаги дастлабки ҳис-ҳаяжоннинг бўлиши табиийдир. Қолаверса, маргиналлик ҳолати, асосан, айрим Нью-Йорк, Лондон, Париж каби дунёнинг турли миллат вакиллари кўчиб борадиган шаҳарларида учрайди.

АСОСИЙ ҚИСМ. Маълумки, аҳолининг кўчиши ички миграция йўсинда рўй беради. Эндиликда кишидаги бегоналик маданият ёки тил масаласида бўлмай, балки турли ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тўсиқларга дуч келади. Давлат аҳоли миграцияси оқибатида рўй бериши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида аҳолининг кўчиб келишига сунъий тўсиқлар қўяди. Масалан, шаҳарда таълим олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш ёки турар-жой сотиб олиш имконияти шаҳарда рўйхатдан ўтган ёки ўтмаганлиги билан боғлиқ бўлиб қолади [4]. Бундай шароитда, шаҳарга кўчиб келувчининг олдида, этник ёки маданий эмас, балки, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни бартараф

этиш, мавжуд шарт-шароитга мослашиш масаласи биринчи ўринга чиқади.

Кишиларнинг янги жамиятга мослашувида дуч келиши мумкин бўлган яна бир ўзига хослик диний мансублик масаласидир. Диний мансублик асосидаги маданий муҳитнинг кўлами юқоридаги этник ёки иқтисодий омиллар пайдо қилган анклавлардан кенглиги билан изоҳланади. Чунки ушбу доира ўз ичига бир нечта этник гуруҳларни қамраб олади. Масалан, муҳожир мусулмонлар Ғарбий Европа шаҳарларида титул этнос билан илик бўлмаган муносабатлар натижасида янги жамиятга бутунлай киришиб кета олмайдилар [5]. Улар эндиликда қариндошлик муносабатлари ёки диний таъйинларга асосланиб, ўз ҳаётларини яратишга ҳаракат қилишади. Натижада, Европа шаҳарларида Яқин Шарқ, Жанубий-Шарқий Осиё муҳожирларининг ўзига хос кичик макони шаклланади. Бундай маданий майдонда ўзларининг анъанавий урф-одатларидан фойдаланишига имконият пайдо бўлади. Масалан, Кореяда ишлаётган мусулмон муҳожирлари гўшт маҳсулотларини покистонлик сотувчилардан харид қилишади, Париж шаҳрида яшовчи афроосиёлик миллат вакиллари орасида (асосан ёши кексалари) турли маросимларда бир-бирларини молиявий жиҳатдан қўллаш, ҳудди ўзбек халқидаги тўйона сингари берилган ёрдам пулларини қайд этиб бориш дафтارينинг юритилиши қабилар шулар жумласидандир. Бу одатлар нафақат моддий, балки ўзлари учун янги жамиятдаги муҳожир учун жуда катта маънавий далда ҳам ҳисобланади. Ушбу руҳий мадад кишиларнинг шаҳар муҳитига ижтимоий-иқтисодий мослашувида катта рол ўйнайди. Шу ўринда кишиларнинг шаҳар жамиятига мослашувида моддий ва маънавий омилларнинг кесишган нуқтасини кузатиш мумкин. Лекин шу ўринда таъкидлаш лозимки, яратилган ушбу маданий маскан дунёнинг энг йирик мегаполисларидаги полиэтник шароитда жуда тор макондай кўринади. Сабаби, таъкидланган усул муҳожирнинг янги манзилга тўла мослашиб кетишини таъминлай олмайди. Асосан, биринчи авлодда қўл келган ушбу этномаданий муҳитлар кейинги авлодларда, албатта, трансформацияга учрайди. Чунки шаҳарга кўчиб келган муҳожирнинг иккинчи авлодида аралаш идентиклик кузатиш мумкин [6].

Ғарбда кишиларнинг жамиятга мослашувида иқтисодий анклавлар ролининг муҳимлигини таъкидлайдиган қарашлар кўп учрайди. Уларда, асосан, кам даромадли соҳалардаги ишчи кучига бўлган эҳтиёж муҳожирларга янги муҳитга мослашиб кетишида яхши имконият эканлиги алоҳида таъкидланади [7]. Агар аҳоли миграцияси билан боғлиқ жараёнлар таҳлилига эътибор қаратилса, аксарият ҳолларда иқтисодий омиллар туфайли эканлиги кўзга ташланади. Чунки пул топиш илинжида штатларга келган муҳожир, унинг манбасига кам аҳамият беради ва, асосан, сабзот сотади ёки такси ҳайдайди ва ҳоказо. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу кўп ҳолларда

муҳожирнинг янги жамиятга мослашувидаги биринчи босқич ҳисобланади. У турли йўллар билан ўз ҳаётини шу жамият билан боғлашга ҳаракат қилади. Кейинчалик унда ёки унинг фарзандида янада даромадлироқ, жоиз бўлса, камситилмайдиган соҳаларда ишлаш истаги кучайиб боради. Энди, мексикалик тарбиячининг фарзанди бола парвариш-лаб кун кўришни, осийлик сотувчининг фарзанди эса дўконда сотувчилик қилишни ва бошқа бир лотин америкалик муҳожирнинг фарзанди кўча тозалаш ёки такси ҳайдашни хоҳламайди. Натижада, уларнинг ўрнини кейинги пул топиш истагида келган муҳожирлар эгаллайди.

Кишиларнинг шаҳар шароитига мослашиб кетишида яна бир муҳим жиҳат бўлиб, бу кўчиб келувчининг ижтимоий келиб чиқиши билан боғлиқ жараёнлардир. Ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсирида йирик шаҳарларда бой ва камбағаллар кварталлари, маълум этник гуруҳ маданияти устувор бўлган даҳалар (chinatown, bleakcity), ишчилар шаҳарчаси каби микромаконлар вужудга келади. Турар-жой сотиб олаётган шахс ўз имкониятларидан келиб чиқиб, шаҳарнинг қайси қисмидан харид қилиши ёки ижарага олишини ҳал қилади. Агар имконияти юқори бўлса, уй-жой қимматроқ бўлса ҳам, шаҳарнинг марказий қисмидан харид қилади ёки ижарага олади. Чунки улар уй-жойнинг нархига эмас, асосан, инфратузилманинг қулайлигига эътибор қаратишади. Имконияти юқори бўлмаган кишилар эса шаҳар атрофидан, маиший хизмат юқори бўлмаса ҳам, турар жойларнинг нархи арзон даҳаларда жойлашадилар. Масалан, Тошкент шаҳрига кўчиб келган, арзон турар жой истагида бўлган кишилар орасида шаҳар атрофидаги туманларда яшаб, кунлик катнов асосида меҳнат фаолиятини олиб бориш ҳолатини кузатиш мумкин. Бир қарашда буни табиий ҳолдаги танланиш жараёни дейиш мумкин. Яъни шаҳарларидаги турли таснифланган районлардаги талабларга мослашиб, яшаб кета олган кишиларгина ўз машғулотларини давом эттиришлари, ўз ҳаётларини шу макон билан боғлашлари мумкин. Акс ҳолда, уларнинг ўрнини шу ерда яшашга қодир бўлган кишилар эгаллайди [8].

Кишиларнинг мослашувида уларнинг ижтимоий келиб чиқиши билан боғлиқ жараёнларни ўрганишда, Европа шаҳарларидаги қизиқ ҳолатни кузатиш мумкин. Бу Европага кўчиб келаётган муҳожирларнинг дуч келиши мумкин бўлган турли тўсиқларни четлаб ўтиш мақсадида, маълум бир микромаконларда тўпланиб боришидир. Қайсидир маънода бу усул муҳожирни шаҳардаги ижтимоий муаммолар тўлкинидан эсон-омон ўтиб олишини таъминлайди. Масалан, Швецияга Яқин Шарқдан кўчиб келаётган муҳожирларнинг шаҳар муҳитига мослашиб кетиши, ишсизлик муаммоси билан курашиш, меҳнат бозорида ўз ўрнига эга бўлишида этник анклавларнинг ўрнини юқори ҳисобланади. Муҳожирларнинг шаҳарларидаги этник ижтимоий тармоқлар билан боғланиши, уларда иш топиш имкониятларини оширади. “Инсайдер-аутсайдер”

муаммосини ҳал этилаётган, маҳаллий этнослар муҳожирларни салбий кутиб олган шароитда этник анклавлар муҳим саналади [9]. Айтиш мумкинки, ушбу усулда ижтимоий-иқтисодий мослашув-дагимуаммоларнинг моддий кўриниши маънавий-руҳий йўл билан ҳал этилади.

Лекин этник анклавлар бошқа бир муаммони, яъни шаҳар шароитида яшаётган муҳожирлар ўртасида меҳнат бозоридаги рақобат турли этник зиддиятларни келтириб чиқаради. Масалан, Кореядаги Жанубий-Шарқий Осиё муҳожирлари ёки Россия меҳнат бозоридаги Ўрта Осиёликлар ўртасидаги ўзига хос рақобат шулар жумласидандир. Чунки, одатда, иш берувчилар муҳожирларни меҳнатга кам ҳақ тўлаш мақсадида олишади. Ўлкага янги кўчиб келаётган муҳожир, тезроқ иш топиши учун албатта, қийин шароитга ёки паст иш ҳақи учун ҳам ишлашга тайёр бўлади. Бу кўп ҳолатларда аввалроқ келган, юқори маош олаётган бошқа бир муҳожирнинг ишсиз қолишига сабаб бўлади. Демак, этник анклавлар ҳам кишиларнинг шаҳарларга ижтимоий-иқтисодий мослашувидаги энг қулай восита ҳисобланмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг марказий шаҳарларига аҳолининг кўчиб келиши жараёни кучли бўлиб, бу асосан, ички миграция кўринишида содир бўлмоқда. Шунинг учун ҳам шаҳарларга аҳолининг мослашувида ўзига хосликлар мавжуд бўлиб, шаҳарларга ижтимоий-иқтисодий мослашув-даги тарихий-этнографик ҳудудларга хос хусусиятларнинг мавжудлигидир. Ушбу масаланинг муҳимлиги шундаки, ижтимоий-иқтисодий мослашувда тарихий-этнографик ҳудудларга хос хусусиятларнинг негизида моддий ёки маънавий-руҳий ҳолатнинг ётганлиги тўғрисидаги саволларни тўғдиради.

Маълумки, Ўзбекистон шаҳарлари аҳолиси сонининг ўсишида ички миграциялар асосий омиллардан бири ҳисобланади. Уларнинг маъмурий марказ сифатида эканлиги, кўплаб олий таълим муассасаларининг шу ерда жойлашганлиги, меҳнат бозорида имкониятларнинг кенглиги, кўплаб замонавий турар жойларнинг қурилаётганлигини асосий сабаблар тарзида қайд қилиш мумкин.

Адабиётлардан маълумки, миграцион жараёнлар нафақат маълум бир давлат, балки бутун дунёда аҳоли сони ва этник таркибининг ўзгаришига сабаб бўлмоқда [10].

Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларида хизмат кўрсатаётган овқатланиш жойлари ҳамда бозорларида турли тарихий-этнографик вилоятларга хос бўлган этник ва маданий белгиларни кўплаб учратиш мумкин. Маълумки, ўзбек халқи таомларида умуммиллий хусусиятлар билан бирга, фарқли белгилар ҳам учрайди. Масалан, Тошкент норини, Хоразм тухумбараги, Қашқадарё тандир гўшти, Ғиждвон кабоблари, Чуст оши ва бошқалар. Бухоро вилояти аҳолисига хос бўлган таомлар доимо кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлган. Тошкент шаҳрида уларга тегишли овқатланиш шаҳобчаларининг доимо гавжумлиги бунинг исботидир. “Бухоро”, “Ғиждвон таомлари”,

“Лаби Ҳовуз”, “Чинор” каби яна кўплаб бошқа номдаги ошхоналарда фақатгина бухоролик ошпазлар фаолият кўрсатади. Шаҳарлардаги энг кўзга кўринган емакхоналарнинг аксариятида, албатта, шу вилоят вакили ишлайди. Ҳар бир вилоятнинг миллий таом масаласида ўзига хос ўринга эгаллигини алоҳида таъкидлаган ҳолда, бу борадаги хулосаларни чиқаришда, асосан, аҳоли орасида сўров натижаларига асосланилди. Сўровномада иштирок этганларнинг аксарияти Бухоро вилоятига хос бўлган таомларни хуш кўришини қайд этди. Баъзилар таомларнинг ўзига хос мазасини, бошқалари танлаш имкониятининг кўплигини, яна кимлардир ушбу номдаги ошхоналарнинг кўплиги ёки аксарият кишилар айнан шу ошхоналарни танлагани учунлигини сабаб қилиб кўрсатдилар. Бу бухороликлар орасида таом тайёрлашнинг ўзига хос маданиятга айланганлигини кўрсатади. Баъзида, касби ошпаз бўлмаган, лекин овқат пиширишга мойиллиги туфайли ёрдамчи хизматчилик фаолиятдан бош ошпаз даражасига эришганлар ҳам бўлганлиги ахборотчилар томонидан қайд этилди. Шунинг учун бўлса керак, ушбу вилоят вакилларининг аксариятида ижтимоий-иқтисодий мослашувда таом пишириш ёки шу тармоқдаги хизматларда фаолият кўрсатиш ҳисси устуворлик қилади.

Кейинги тадқиқотлар йирик шаҳарлар бозорларидаги маҳсулотлар савдоси хусусида бўлиб, бу ерда ҳам этографик-вилоятларга хос бўлган жиҳатлар кўзга ташланади. Масалан, нон савдоси билан Фарғона водийси, қуруқ мевада Самарқанд, гуруч билан савдо қилишда Хоразм ҳамда гўшт савдоси билан, асосан, Қашқадарё вилояти вакиллари машғул эканлигини кўриш мумкин. Буларнинг барчаси, албатта, ўзига хос сабаб ва омилларга эга.

Агар Тошкент шаҳри мисолида кўриладиган бўлса, Чорсу, Қўйлик, Фарҳод бозорлари асосий гуруч сотиладиган марказлар ҳисобланади. У ерда деярли беш юздан ортиқ киши бевосита бозорда туриб гуруч сотиш билан шуғулланади. Бундан ташқари, Тошкент шаҳри бўйлаб “Хоразм гуручи” номи остидаги ўнлаб шаҳобчаларда яна кўплаб кишилар гуруч сотиш билан шуғулланади. Гуруч сотувчиларнинг аксарияти айнан шу вилоят вакиллари ҳисобланади. Харид қилувчилар хоразмлик сотувчилар гуручнинг хусусиятини яхши тушунтириб бериши, гуручнинг асосан шу минтақада етиштирилгани учун “биринчи қўл” дан олиш мақсадида уларга мурожаат қилишларини қайд этишган. Сотувчилар билан бўлган суҳбатларда шу нарсага гувоҳ бўлиш мумкинки, гуруч савдоси – бу бозор растасида туриб гуруч сотишдан иборат эмас, балки, ўзига хос бир тизимдир. Чунки, бу иш бир киши билан амалга оширилмай, бир қанча одамларнинг иштирокида йўлга қўйилади. Агар гуруч савдоси тизимида машғул бўлганларнинг барчаси ҳисобга олинандиган бўлса, юқоридаги рақамлар яна бир неча баробар кўпайиши аниқ. Бу жараёнда гуруч сотувчи энг сўнгги вазифани бажаради холос. Маҳсулотнинг

бозорга етиб келгунгача бўлган даврда мавсумда маҳсулотни тўпловчи (таъминотчи), етказиб берувчилар асосий ишни бажаради. Маҳсулотни тўплаш мавсумий бўлиб, асосан, йилнинг куз ойларида амалга оширилади. “Буруч (гуруч) билан савдо қилиш учун алоҳида ўқиш гаракмийди, Хоразмли бўлиш гарак” (шевада) дейди ахборотчилардан бири. Таъминотчилар фаолияти билан танишилганда шунга гувоҳ бўлиндики, бошқа соҳа вакиллари ҳам бу борада фаол иштирок этадилар. Ахборотчиларнинг таъкидлашларига кўра, гуруч савдоси кўшимча даромад олишнинг энг қулай усулидир. Тўғри, бошқа вилоятларда ҳам аҳолининг шולי етиштириш билан шуғулланишини қайд этиш керак. Лекин ҳеч бирида Хоразмдагидек томорқа хўжалигида ҳам шолчилик кенг тарқалмаган. Воҳа аҳолисининг ушбу маҳсулотга нисбатан ўзига хос муносабати уларни гуруч савдосининг “эгалари”га айлантирди.

Нафақат Хоразм воҳаси, балки бошқа вилоятларда, шунингдек, айрим туманларда ҳам ўзига хос хўжалик тармоқларининг устувор эканлигини кўриш мумкин. Масалан, Олтиариқ бодринги, Паркент узуми, Бахмал олмаси шулар жумласидандир. Бу жиҳат кўпчилик томонидан эътироф этилса-да, ушбу тармоқлар мазкур минтақа аҳолисининг шаҳарлардаги ижтимоий-иқтисодий мослашуви таянчига айлангани йўқ.

Лекин ижтимоий-иқтисодий мослашувда таянчга айланган шундай савдо тармоғи борки, бу гўшт савдосидир. Ушбу маҳсулот кундалик сотилиши бўйича энг фаол озик-овқат турларидан бири ҳисобланади. Республиканинг исталган қисмидаги бозорию, савдо дўконларида алоҳида гўшт расталарини учратиш мумкин. У ерларда республиканинг жанубий воҳа вакиллари алоҳида ажралиб туради. Тошкент шаҳридаги гўшт савдосида яна бир тарихий-этнографик вилоят бўлган Қашқадарё вилояти етакчи ўринни эгаллайди.

Қашқадарё вилоятининг табиий шароити аҳолининг азалдан бу ерда чорвачилик билан шуғулланишига имкон яратган. Адабиётларда Жанубий Ўзбекистонда яшовчи ўзбекларнинг ўз анъанавий чорвачилигига эгаллиги қайд этилганлигини кўриш мумкин [11]. Воҳа аҳолисининг бугунги хўжалик ҳаётида ҳам чорвачиликнинг аҳамияти камаймаган. Вилоятнинг мамлакат учун гўшт етказиб берувчи маскан сифатида эътироф этилиши ҳам бунинг тасдиғидир. Ҳозирда Тошкент шаҳридаги гўшт савдоси марказларида ушбу вилоят вакилларини жуда кўплаб учратиш мумкин. Қолаверса, гўштнинг анъанавий усулда пиширилган “тандир гўшти”, “яхна”, “чўпонча” каби таомлари шаҳардаги энг кўзга кўринган овқатланиш шаҳобчалари таомналаридан алоҳида ўрин эгаллади. Тошкент шаҳри меҳнат бозоридаги ушбу соҳа деярли мазкур минтақа вакиллари томонидан ривожлантирилмоқда.

ХУЛОСА. Ўзбекистоннинг турли тарихий-этнографик вилоятларининг хўжалик юритишида

етақчилик қилган тармоқлар бора-бора ўша ҳудуд кишининг этнографик хусусиятига айланган. Шу боис ҳам шаҳар аҳолиси гўшт ёки гуруч савдоси деганда Қашақадарё ёки Хоразм вакиллари тушуниши масаланинг бир томони бўлса, мазкур ҳудуд аҳолисининг ўзликни англашида айтиб ўтилган соҳаларнинг катта рол ўйнаши унинг кейинги муҳим жиҳатидир.

Ижтимоий-иқтисодий мослашувдаги моддий ёки маънавий жиҳат устунлигини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Биринчидан, инсоннинг маънавий-руҳий ўзлигига содиқлиги моддий таъминланганлик билан бевосита боғлиқ бўлган. Масалан, ўзи учун бегона жамиятда яшаётган муҳожир овқатланиш жойларида ҳамма қатори бу ерда янграб турган куйни тинглаб ўтириши мумкин. Лекин унинг иқтисодий имконияти яхши бўлса, ўзининг маданиятига хос бўлган қўшиқни буюртма қила олади, яъни ундаги моддий етуклик маънавий-руҳий ўзлигини намоён қилишда муҳим рол ўйнайди. Иккинчидан, иқтисодий омилнинг ўзигина кишининг ижтимоий-маданий мослашувини ҳал эта

олмайди. Тасаввур қилайлик, йирик шаҳарларда кийин аҳволда яшаётган муҳожирларнинг ҳолати, биринчи навбатда, иқтисодий шароити яхши бўлган муҳожирда ачиниш ҳиссини уйғотади. Мусулмон қийналаётган кишининг мусулмон эканлиги учун қайғуриши – бу одамдаги ижтимоий-маданий ўзликни англаш деб аталган маънавий-руҳий омилнинг натижасидир. Унга кўрсатилаётган ёрдамнинг замирида унинг ёрдам беришга имконияти мавжудлиги ҳиссидан кўра, ёрдамга муҳтож кишининг ўзининг миллатдоши ёки диндоши эканлиги тўғрисидаги ақидалар устунлик қилади.

Ўзбекистон шаҳарларидаги турли тарихий-этнографик вилоят вакиллариининг маълум тармоқларда етакчилик қилишида ҳам, биринчи навбатда, мазкур ҳудудларнинг иқтисодий таракқиёти тарихан шу соҳаларга боғлиқ эканлиги бўлса, ушбу вилоят кишисида айтилаётган машғулотга нисбатан ўзликни англаш ҳисси деб қаралиши унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий мослашувиди маънавий асос бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Гидденс, Э. Социология. Тошкент: Шарқ, 2002. –Б.634.
2. *Маргиналлик* лотинча “*marginalis*” (ўлкада жойлашмоқ), 1920-йиллардан бошлаб АҚШ штатларига кўчиб келган ҳамда ундаги ижтимоий муҳитга мослаша олмаган аҳолига нисбатан қўлланилган социологик атамадир.
3. Рязанцев, С.В. Этническое предпринимательство как форма адаптации мигрантов // *Общественные науки и современность*. 2000. №5. –С. 74.
4. Ли, Куан Ю. Мой взгляд на будущее мира. Москва: Альпина нон-фикшн, 2017. –С.37.
5. Хрусталёв, И.М. Этническое предпринимательство мусульманских диаспор в странах Западной Европы// *Вестник МГИМО Университета*. –М., 2011. –С.189.
6. Ojeda, W. Urban Ethnicity in Santiago de Chile Mapuche Migration and Urban Space. – Berlin, 2009. –P.27.
7. Caroline, B., Brettel. Urban History, Urban Anthropology, and the Study of Migrants in Cities. Article in *City & Society*. June 2008. –P.132.
8. Парк, Р.Э. Избранные очерки. –Москва: ИНОАН РАН, 2011. –С.67.
9. Andersson, M., Larsson J. and Öner Ö. Ethnic Enclaves and Immigrant Self-employment: A Neighborhood Analysis of Enclave Size and Quality// *IFN Working Paper No. 1195*, 2017. –P.3.
10. Муртазаева, Р.Х. Миграционные процессы в Узбекистане в конце XX – начале XXI веков: исторические события и новые тенденции. –Германия, 2015. –С.14.
11. Кармышева, Б.Х. Типы скотоводства в южных районах Узбекистана и Таджикистана (конец XIX–нач. XX вв.) // *СЭ*. №3. 1969. –с.44-51.



Илҳомжон ҒУЛОМОВ,

Ўзбекистон Миллий университети, Тарих факультети Ўзбекистон тарихи кафедраси таянч докторанти

E-mail: ikgulamov@mail.ru

THE OBJECTIVES OF THE 1920 CENSUS IN TURKESTAN

Abstract

In this article, it is defined the affairs of register of the population in Turkestan ASSR (Turkestan Autonomous Soviet Socialist Republic) in 1920. In addition, Soviet Union's purposes is determined widely which is from register of the population. In 1920, the population of the Turkistan is registered and Central Statistical Committee formed population's statistics. The final results of the register of the population are analyzed respectively through the published main statistic sources which are regions' sections. Through the conclusion of the register of the population the economical, social, and political life is planned to the next decades in this place. As well as, through the final results of the affairs of register of the population, the number of total population and national content of the regions' sections are listed. In the article, the process to prepare of the register of the population and its many shortcomings has been revealed and given the scientific conclusions.

Key words: the affairs of register of the population, the program of register of the population, the number of population, the population report, migration, natural growth of the population, statistics, permanent population, population density, city, village.

ЦЕЛИ ПЕРЕПИСИ 1920 ГОДА В ТУРКИСТАНЕЗ

Аннотация

В данной статье изложены мероприятия по переписи населения произведенной в 1920- году в Туркестанской АССР. Также, подробно освещены цели правящих кругов Советской власти от переписи населения. Сформулирована статистика населения, которая была зарегистрирована Управлением Центральной статистики в 1920 году в ходе переписи населения края и конечные итоги данных мероприятий были анализированы на основе первичных статистических ресурсов опубликованных вилоятскими разделами. Далее речь пойдет о планировании дальнейшей социально-экономической и политической жизни в стране на последующие годы и планировании финансов на основе итогов переписи населения. Кроме того, по итогам переписи населения в разделах территории были приведены общее количество населения и национальный состав населения в вилоятах. В статье изложены подготовительные мероприятия по переписи населения и ряд допущившихся ошибок. Приведены научные заключения.

Ключевые слова: Мероприятия по переписи населения, программа по переписи населения, число населения, отчет о переписи населения, миграция, естественный прирост населения, статистика, постоянное население, плотность населения, город, уезд, кишлак.

ТУРКИСТОНДА 1920 ЙИЛГИ АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРИДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАДЛАР

Аннотация

Мазкур мақолада Туркистон АССРда 1920 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари ёритилган. Шунингдек, мақолада аҳолини рўйхатга олиш тадбиридан Совет ҳокимияти ҳукмрон доира вакилларининг кўзланган мақсадлари ҳам апрофлича ёритилган. 1920 йили ўлка ҳудудида ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбири жараёнида Марказий статистика бошқармаси томонидан рўйхатга олинган аҳоли статистикаси шакллантирилганлиги ва мазкур тадбирнинг якуний натижалари вилоятлар кесимида чоп этилган бирламчи статистик манбалар асосида апрофлича таҳлил қилинган. Ушбу тадбир натижасига асосланган ҳолда иқтисодий режалаштирилиши ва келгуси йилларга ўлкадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётни режалаштирилгани тўғрисида сўз боради. Бундан ташқари ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг якуний натижалари бўйича ҳудудлар кесимида умумий аҳоли (хўжаликлар) сони ҳамда вилоятлардаги аҳолининг миллий таркиби келтирилган. Мақолада ўлкада аҳолини рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик ишларининг олиб борилиши ҳамда унинг бир қатор камчиликлари тўғрисида апрофлича тўхталиб, илмий хулосалар берилган.

Калит сўзлар: Аҳолини рўйхатга олиш тадбири, аҳолини рўйхатга олиш дастури, аҳоли сони, аҳолини сони ҳисоботи, миграция, аҳоли табиий ўсиши, статистика, доимий аҳоли, аҳоли зичлиги, шаҳар, уезд, қишлоқ.

КИРИШ. Маълумки, Россия империяси томонидан Туркистон ўлкасини истило этилиши ўлкамизнинг турли вилоятларига хусусан, шаҳар ва қишлоқларига йиллар давомида кўплаб миқдорда бошқа миллат вакиллари ижтимоий-иқтисодий қолаверса сиёсий мақсадларни амалга ошириш йўлида кўчириб келтирилган. Дастлаб Россия империяси даврида ўлкада маҳаллий аҳоли вакиллари бошқариш учун турли сабаблар билан рус, украин, беларуслар ҳамда бошқа миллат вакиллари иборат кўплаб оилалар кўчириб келтирилган бўлса, совет ҳокимияти ҳукмронлиги йилларида ҳам мазкур жараён худди шундай давом этиб борди. Шу туфайли ҳам Ўзбекистон худудида доимий истиқомат қилиб келган маҳаллий аҳолининг миллий таркиби ҳамда умумий аҳоли сони кейинги йилларда сезиларли даражада ошиб борганлигини ўтказилган аҳоли рўйхатга олиш тадбирларининг якуний натижалари орқали билишимиз мумкин. Шундай экан бугунги кунда ўтган асрнинг турли йилларида Туркистон ўлкасида кейинчалик эса Ўзбекистон ССР худудида ўтказилган аҳоли рўйхатга олиш тадбирларини бирламчи манбалар асосида ҳолисона тадқиқ этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

АСОСИЙ ҚИСМ. Совет ҳокимияти ҳукмронлиги йилларида бутун Россиянинг барча худудларида хусусан, ўлкамизда 1920 йилда аҳоли рўйхатга олиш тадбирининг ўтказилиши ва ундан кўзланган мақсадлар ҳамда унинг якуний натижаларига тўхталмоқчимиз.

1920 йили Бутунроссия аҳоли рўйхатга олиш тадбирлари В.И.Ленин ташаббуси билан мазкур йилнинг август ойида ўтказилиши белгиланади. 1920 йилги аҳоли рўйхатга олиш тадбирига катта аҳамият берилиб, ушбу тадбирни ўтказиш учун совет ҳокимиятининг турли йўналишлардаги идораларига ҳамда марказий статистика бошқармаси (МСБ) ва унинг маҳаллий органларига мазкур тадбирга ҳар томонлама сўзсиз ёрдам беришлари талаби қўйилади. Хусусан, В.И.Ленин ўзининг 1920 йил 28 июлда МСБ ва унинг худудий бўлинмаларига юборган телеграммасида шундай сўзлар битилган эди: “Аҳоли рўйхатга олиш бу фақатгина рўйхатчининг иши эмас, балки, у бутун республиканинг иши, барча совет идораларининг ишидир” деган сўзлар билан аҳоли рўйхатга олишга топшириқ беради[1]. Ўлкамиздаги аҳоли рўйхатга олиш тадбирларининг якуний натижаларини таҳрир қилиш ва рўйхатга олиш ишларга умумий раҳбарлик қилиш Туркистон АССР Марказий статистика бошқармаси бошлиғи Д.Красновский томонидан амалга оширилиши белгиланади.

1920 йилги аҳоли рўйхатга олиш тадбирининг якуний натижаларини таҳлил қилар эканмиз Туркистонда истиқомат қилувчи ҳамда маҳаллий бўлмаган турли миллат вакиллари миқдори дастлабки ўтказилган (1897 йил февраль) аҳоли рўйхатга олиш тадбири якуний натижаларида келтирилган сондан деярли тўрт баравар ўсиб, ўлкадаги умумий аҳоли миқдоридagi улуши 9,5 фоизни ташкил этган[2]. Ўтказилган

тадбир натижалари чоп этилган бирламчи манбалар ҳамда мазкур даврда фаолият юритган бир қатор маҳаллий матбуот нашрларида чоп этилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, аҳоли рўйхатга олиш тадбиридан кўзланган асосий мақсадлардан бири ўлканинг қайси худудида қанча аҳоли истиқомат қилишини аниқлаш ва шу асосида ўлкага рус ҳамда бошқа миллат вакиллари иборат бўлган кўплаб аҳоли кўчириб келтириш, бу эса том маънода ўлкани секин асталик билан руслаштириш ҳамда Россиянинг таркибий қисмига айлантиришдан иборат бўлган. Бундан ташқари ўлка худудида ўтказилган аҳоли рўйхатга олиш тадбирлари орқали тўпланган статистик маълумотларга асосланиб, асосан минтақа иқтисодиётини олдиндан режалаштириш, ўлкадаги меҳнат ресурсларини Россия манфаатлари йўлида тақсимлаш ҳамда демографик вазиятни ўрганиш каби бир қатор масалаларни ҳал этишда фойдаланилди.

Мазкур йилги аҳоли рўйхатга олиш тадбири ўлканинг шаҳар ва шаҳар типидagi худудларда бир ҳафта, қишлоқ худудларида эса икки ҳафта муддатда ўтказилиши белгиланди[3]. 1920 йилги ушбу тадбир маълумотларига кўра бутун Туркистон АССР ўлкаси аҳолиси 5 221 963 нафарни ташкил қилиб, ундан 39,3% - ўзбеклар, 20,8% - козоклар, 10% - қирғизлар, 7,7% - тожиклар, 5,1% - туркманлар, 1,4% - қорақалпоқлар, 10,3% - руслар, 5,4% - бошқа миллат вакиллари ташкил этиши қайд этилган[4]. Яна бир манбада келтирилишича шу йили худуд аҳолиси сони 5 664 500 нафарни ташкил қилган деган маълумотлар учрайди [5]. Аҳоли рўйхатга олиш тадбирларининг якуний натижалари чоп этилган кўплаб ҳамда демографик йўналишда чоп этилган бир қатор адабиётларда 1920 йили худуднинг умумий аҳолиси тўғрисида турлича рақамлар келтирилади. Шу боис ҳам архив маълумотларини ва ушбу тадбир натижалари чоп этилган статистик тўпламларни ҳар томонлама атрофлича таҳлил қилган ҳолда ўрганиш лозим.

1920 йилги ушбу тадбир учун ишлаб чиқилган ва МСБ томонидан тасдиқланган дастурда “миллат” тушунчасига оид статистикага катта эътибор берилмаган. Лекин, биз мазкур тадбирнинг якуний натижаларини бирламчи манбалар асосида таҳлил қилганимизда шу нарса аниқландики, маҳаллий миллат вакиллари рўйхатга олувчи ҳисобчиларнинг саволларига чалқашликлар билан жавоб беришган. Рўйхатга олувчи ҳисобчиларнинг аксарияти рўйхатга олиш варақаларини ўзлари тўлдириб, бир қатор чалқашликлар билан рўйхатга олиш варағини тўлдирган бўлишлари мумкин. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, рўйхатга олувчи ҳисобчиларнинг аксарияти руслар ва бошқа миллат вакиллари ҳисобланган. Мазкур йилги тадбир натижаларида аҳоли сони миллатлар ҳисимида келтирилган статистик жадваллар борки, ҳар бир кишида бироз бўлсада шубҳа уйғотади. Ўлкада истиқомат қилувчи аҳоли сони ва миллий таркиби тўғрисида қайта чегараланишдан сўнг ташкил этилган Ўзбекистон ССР худудида дастлаб

1926 йили ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбири натижасида аввал ўтказилган тадбирларга нисбатан аниқроқ маълумотлар тўпланган.

1920 йили ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбири натижасига кўра аҳолиси сони кўплиги бўйича Фарғона вилояти биринчи ўринда турган – 2 112 000 нафар (37,3%), иккинчи ўринда Сирдарё вилояти – 1 305 000 нафар (23.1%), сўнг Еттисув вилояти – 959 700 нафар (16.9%) ва Самарқанд вилояти – 792 800 (14%) нафар кишини ташкил этган. Энг кам аҳоли ҳозирги Туркменистон ҳудуди аҳолиси – 333 900 (5,9%) нафарни ташкил этган[6].

Туркистон ўлкасида дастлаб, Россия империяси ҳукмрон доиралари ташаббуси билан 1897 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбири якуний натижаларини 1920 йилги мазкур тадбир якунида аниқланган аҳоли сонига нисбатан вилоятлар кесимида солиштирилса, Амударё вилоятида аҳоли сони сезиларли даражада камайган (17%), Еттисув ва Самарқанд вилоятларида ҳам аҳоли сони бироз камайгани кузатилган (2 дан 3%гача), Сирдарё вилояти бўйича ўзгармаган, Туркменистон ҳудудидаги аҳоли сони 12%га ошган. Фарғона водийси аҳолиси сони эса 27%га ошган[7]. Мазкур рақамлардан кўриниб турибдики, баъзи вилоятларда аҳоли сони сезиларли даражада ошган бўлса бази бир вилоятларда эса аксинча аҳоли камайган. Юқорида вилоятлар кесимида рақамлар билан келтирилган мазкур жараённи қуйидагича изоҳлаш мумкин. 1917 – 1918 йилларда ўлкадаги жуда кўплаб миқдорда ҳосилларнинг нобуд бўлиши, ўлкада очарчиликнинг авж олиши, минглаб қорамоллар кирилиб кетиши, бутун ўлка ҳудуди

бўйлаб турли эпидемияларнинг тарқалиши, бунга кўшимча равишда ўлкада фуқаролик урушларининг авж олиши ҳамда бироз олдинроқ бўлиб ўтган биринчи жаҳон уришига ўлка аҳолисининг жалб этилиши аҳоли сони камайиб кетишига асосий сабаблардан бўлган десак ўринли бўлади.

1920 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбири маълумотларига кўра Самарқанд, Сирдарё, Еттисув, Амударё ва Фарғона вилоятларининг унча катта бўлмаган (асосан аҳоли сони кам бўлган кичик қишлоқлар ва тоғли) ҳудудлари аҳолиси рўйхатдан ўтмаган. 1920 йилда Туркистон ўлкаси шаҳарлари унчалик катта бўлмаган. Ўлкада 50 000 дан ортик аҳолиси бўлган йирик шаҳарлар сони 6 та бўлиб, мазкур йирик шаҳарлар Тошкент шаҳри аҳолиси – 232 000 нафар, Самарқанд шаҳри аҳолиси – 173 000 нафар, Қўқон шаҳри аҳолиси – 121 000 нафар, Фарғона шаҳри аҳолиси – 82 000 нафар, Андижон шаҳри аҳолиси – 79 700 нафар ва Наманган шаҳри аҳолиси – 76 300 нафарни ташкил этган. Еттисув вилоятида шаҳар аҳолиси сони нисбатан кам (9.4%)ни ташкил этган[8]. Уларнинг деярли ярми вилоят маркази бўлган Олмаотада истиқомат қилган. Қолган аҳоли майда шаҳар типидagi шаҳарчаларда ва қишлоқларда истиқомат қилган.

1920 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг якуний натижалари вилоятлар миқёсида чоп этилган бирламчи статистик манбалар асосида мазкур йили рўйхатга олинган аҳолини миллатлар кесимида таҳлил қилганимизда шаҳар ҳамда қишлоқ аҳолисининг умумий сони 5 221 963 нафарни ташкил этди. Мазкур аҳоли сонини миллатлар кесимида қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин[9].

Жадвал 1

Миллатлар номи	Шаҳар аҳолиси сони	Қишлоқ аҳолиси сони	Жами аҳоли сони	% ҳисобида
Ўзбеклар	561765	1488990	2050755	39,3
Қирғиз-қозоқлар	32476	1059449	1091925	30,8
Қора-қирғизлар	6512	515780	522292	
Туркманлар	633	266048	266681	5,1
Тожиқлар	120189	279723	399912	7,7
Руслар	202029	334642	536671	10,3
Қорақалпоқлар	2909	72216	75334	1,4
Қурама	-	50652	50652	0,9
Таранчи	6059	39467	45526	0,8
Қипчоқлар	226	31614	31840	0,6
Татарлар	16248	6255	22504	0,4
Форслар	25999	9327	35326	0,7
Арманлар	19352	711	20063	0,4
Бошқа миллатлар	47153	25329	74482	1,6
Жами	1 040 850	4 181 113	5 221 963	100

Мазкур таҳлилий жадвал асосида шуни кўришимиз мумкинки, Туркистон ўлкасида истиқомат қилувчи қишлоқ ҳудудлари аҳолиси сони шаҳар аҳолисига нисбатан тўрт баробар кўп бўлган. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, 1920 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ташкил этиш жараёнларига етарликча тайёргарлик

қўрилмаган ва ушбу жараёнда аҳоли тўғрисидаги кўплаб маълумотларни таҳминий олган ҳолда ҳисоботларга киритиб юборилгани кўплаб ҳудудлар аҳолиси тўғрисидаги чалкашликларга олиб келган.

1920 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирида нафақат ўлкамиз ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли сони, миллий таркиби,

тили, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг кундалик турмуш тарзи ҳамда миграция каби масалалар тўғрисида статистик маълумотлар олинди ва 1897 ва 1917 йилларда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига нисбатан аниқроқ маълумотлар тўпланди. Мазкур йилги тадбир давомида ўлкадаги ҳар бир қурилган иншоотлар сони, ўлкага Россия ва Европа давлатларидан кириб келувчи турли хилдаги хом-ашё буюмлари, Россияга юбориладиган маҳсулотлар тўғрисида, аҳоли истиқомат қиладиган уйлар сони, турли ташкилот ва заводларга қарашли алоҳида бинолар ва уларнинг сони ва шу каби аҳолини рўйхатга олиш тадбирига мутлақо алоқаси бўлмаган моддий ва номоддий буюмларгача барчасининг рўйхати ҳудудлар кесимидаги статистик рўйхати тузилди. Бу эса Совет ҳокимиятининг ҳукмрон доира вакилларига ўлкани бошқаришда янада кўпроқ қулайликлар бериши олдиндан режалаштирилган мақсадлардан бири эди. Марказий статистика бошқармасига аҳоли тўғрисидаги барча керакли маълумотларни тўплаш ҳамда умумий яхлит ҳолда чоп этиш вазифаси топширилган.

1920 йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбирларига жалб этилган турли соҳа вакилларининг аҳолини рўйхатга олиш бўйича на тажрибаси, на етарли тайёргарлиги бўлмаганлиги сабабли, аҳоли истиқомат қилувчи манзилгоҳларнинг номига жиддий аҳамият берилмаган. Баъзан ҳудудларни номлашда (асосан қишлоқ ҳудудларида) катта ариқ номларидан, масжид номларидан фойдаланилган, бошқа ҳолатларда эса миллат номи билан ёзилган, масалан, Наманган уездида қорақалпоқлар қишлоғи, Помирда тожик қишлоғи. Мазкур йилги тадбирнинг Амударё вилояти бўйича аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг якуний натижалари чоп этилган манба таҳлилига кўра, Амударё вилоятида қишлоқ жамоаси қуйидагича гуруҳланган: Чимбой уездида битта қишлоқ жамоасига ўрта ҳисобда 1517 нафар аҳоли тўғри келган бўлса, Шўраҳон уездида эса бу кўрсаткич – 3316 нафарни ташкил этган. Бундан ташқари мазкур ҳудуднинг биргина Чимбой уездида 253 та аҳоли истиқомат қилувчи ҳудудлар борлиги келтирилган [10].

1920 йили вилоятлар кесимида чоп этилган статистик тўпламларни бир бири билан таққослаб таҳлил қилганимизда аксарият ҳудудлар аҳолиси сони тахминий эканлиги айтилиб, бунинг асосий сабаби қилиб эса тоғли ҳудудлардаги аҳоли истиқомат қилувчи манзилгоҳлар узоклиги ва ушбу ҳудудларда камсонли аҳоли истиқомат қилиши боис мазкур ҳудудлар аҳолиси рўйхатга олинмагани таъкидланади.

1920 йилда Бутунроссия аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари вақтида Туркистон ўлкасининг кўплаб чекка-чекка тоғли ва даштли ҳудудлари мазкур тадбирга қамраб олинмаган. Буни биз биргина Амударё вилояти мисолида кўришимиз мумкин. Ушбу вилоят маданий марказлардан узокда бўлганлиги, темир йўллар бўлмаганлиги ва статистик ходимларнинг етишмаслиги туфайли вилоятнинг кўплаб уездлари аҳолиси рўйхатга

олинмаган. Масалан: Шўраҳон уездида қуйидаги ҳудудлар аҳолиси рўйхатга киритилмаган бўлиб, булар иккита кўчманчи қирғиз-қозоқ – Мингбулоқ ва Тамдин уездлари ҳамда Первоначальный қишлоғи шулар жумласидандир. 1920 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирида Амударё вилоятининг Чимбой уездида 12 805 та хўжалик рўйхатга олинган бўлиб, бунга Қўнғирот туманидаги 389 та хўжалик киритилмаган. Шўраҳон уездининг ўтроқ туманида 9 882 та хўжалик рўйхатга олинди, ҳудуднинг кўчманчи бўлган тахминий 2 400 та хўжалиги рўйхатдан ўтмаганлиги қайд этилади. Худди шу каби Сирдарё вилоятида тахминий ҳисоб-кичиоқларга кўра жами 5 940 та хўжалик рўйхатга олинмагани қайд этилган [11].

Мазкур йили Амударё вилояти аҳолисининг миллий таркиби ҳам Самарқанд, Сирдарё, Фарғона вилоятларига ўхшаб ранг-баранг бўлган. Қизилқум қумлари ва унга чегарадош бўлган Амударё қуйи оқимининг шарқий қисмида асосан қирғиз-қозоқлар истиқомат қилган. Амударё ирмоғининг марказий ва ғарбий қисмларида асосан қорақалпоқлар истиқомат қилган, улар аҳолининг тўртдан уч қисмини ташкил этган. Ушбу вилоятнинг жанубий ва жануби-шарқий қисмида асосан ўзбеклар истиқомат қилган [12]. 1920 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирида Туркистон АССРнинг вилоятларида истиқомат қиладиган барча аҳоли тўлиқ рўйхатга олинмагани сабабли ҳам мазкур йилги тадбир натижалари асосида вилоятлар кесимида аҳоли сони тўғрисида аниқ маълумот бериш қийин.

1920 йилги аҳоли рўйхати натижаларига кўра Самарқанд вилоятининг рўйхатга олинган хўжаликлари сони 138 280 тани ташкил этиб, шундан шаҳар аҳолиси сони 167 532 нафарни, қишлоқ аҳолиси сони эса 625 117 нафарни ташкил этган [13]. 1897 ва 1920 йилларда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларининг якуний натижаларини солиштириб таҳлил қилганимизда Самарқанд вилоятининг олтига шахри аҳолиси сони 23 йил ичида 30%га ортганини кўриш мумкин. Энг катта ўсиш Самарқанд шахрида кузатилади, сўнг Каттакўрғон ва Хўжанд шаҳарлари. Фикримизча мазкур шаҳарлар аҳолисининг ортиб боришига асосий сабаблардан бири бу темир йўлга яқин жойлашганлиги бўлиши мумкин. 1920 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирида ишлаган статистика бошқармаси раҳбарлари мазкур вилоятнинг Жиззах уезди аҳолидан бўшаб қолгани ва мазкур ҳудудда ташландик қишлоқлар борлигини қайд этганлар [14]. Бизнинг фикримизча мазкур ҳудудда 1917 йилдаги қурғоқчилик, эпидемия ва очарчилик туфайли аҳоли истиқомат қилувчи қишлоқларидан бошқа ҳудудларга кўчиб ўтиши сабабли ушбу қишлоқлар бўшаб қолган бўлиши мумкин.

Бутунроссия аҳолини рўйхатга олиш давомида Россиянинг турли ҳудудларидан кўчириб келтирилган руслар, украинлар, беларуслар ва бошқа миллат вакилларига истиқомат қиладиган шаҳар ҳамда уездлар аҳолиси тўлиқ рўйхатга олинган. Аҳолини рўйхатга олиш тадбирига

маҳаллий тилни билмайдиган кўплаб статистларни жалб этилган бўлиб, мазкур рўйхатга олиш ходимларига аҳолининг маҳаллий тилини, урф-одатини, ўлкадаги ҳудудларни яхши билган ва рус тилини ўзлаштирган маҳаллий таржимонлар бириктирилган. Кўплаб статистлар эса таржимонсиз ўзлари рўйхатга олиш ишлари билан шуғулланганликлари учун ҳам маҳаллий миллат вакилларига тадбир учун ишлаб чиқилган дастур ҳамда саволларни яхши тушунтириб бера олишмаган. Шу сабабли ҳам рўйхатга олиш ишларининг якуний натижаларида жуда кўплаб ноаниқликларга дуч келинади. 1920 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари белгиланган муддатда ўз ниҳоясига емаган. Амударё, Сирдарё вилоятлари ва Фарғона водийсида истиқомат қилувчи кўчманчи аҳолини рўйхатга олиш жуда қийин кечган. Шу сабабли ҳам мазкур йилги тадбирнинг давоми 1921 йил ёз ойларида ҳам амалга оширилган.

ХУЛОСА. Ўзбекистонда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини тарихий жиҳатдан ёритиш ҳамда мазкур тадбирлардан кўзланган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий мақсадларни қиёсий таҳлил этиш бугунги кунда тарихчилар олдида турган долзарб мавзулардан биридир. Ўлкамиз ҳудудида бугунги кунга қадар расман ўтказилган аҳоли рўйхати тадбирларининг якуний натижаларини мазкур даврга оид бирламчи манбалар ҳамда архив маълумотлари асосида қиёсий таҳлили этиш ва мазкур тадқиқот юзасидан илмий хулосаларни бериш мақсадга мувофиқдир. Мазкур тадқиқотдан олинган натижалар асосида берилган хулосалар бугунги кунда аҳолиси тез суръатлар билан ўсиб бораётган Ўзбекистоннинг демографик тараққиёт йўналишларини белгилашда ҳамда келгусида кутилаётган муҳим ўзгаришларни аниқлашда илмий асос бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Материалы всероссийских переписей 1920 года. Перепись населения в Туркестанской Республике. Часть I. Поселенные итоги. Выпуск III. Поселенные итоги Сыр-Дарьинской области. – Ташкент, Издания ЦСУ Туркестанской Республики. 1923 г. – С.6-7.
2. Материалы всероссийских переписей 1920 года. Перепись населения в Туркестанской Республике. Часть I. – Ташкент, Издания ЦСУ Туркестанской Республики. 1923 г. – С.17-19.
3. Убайдуллаева Р. Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари. – Тошкент, Ўзбекистон. 1977. 8-бет.
4. Отчет о деятельности Совета Народных Комиссаров и Экономического Совета Туркестанской Республики на 1 октября 1922 года. – Ташкент, 1922 г. – С.53.
5. Статистический ежегодник 1917-1923 гг. Том I. – Ташкент, 1924 г. Издание ТЭС. – С.27.
6. Исмоилов А. Динамика численности сельского населения и населенных пунктов Аму-даринского области. Проблемы народонаселения: Труды всесоюзной межвузовской научной конференции, посвященной проблемам народонаселения Средней Азии (Ташкент, сентябрь 1965 г.) – Москва, Московского университета. 1970 г. С.171.
7. Уалиева С.К. Семейно-брачные отношения в Казахстане в конце XIX – первой четверти XX века (по материалам переписей 1897, 1926 гг). номли тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. Усть-Каменогорск. 2003 г. – С.14.
8. Отчет о деятельности Туркестанского экономического совета за февраль-октябрь 1921 года. – Ташкент, 1923 г. С.23-24.
9. А).Материалы всероссийских переписей 1920 г. Поселение итогов Самаркандской области. – Ташкент, Издания ЦСУ Туркестанской Республики. 1924 г. – С.29., Б).Материалы всероссийских переписей 1920 года. Перепись населения в Туркестанской Республике. Часть I. Поселенные итоги. Выпуск II. Поселенные итоги Аму-Дарьинской области. – Ташкент, Издания ЦСУ Туркестанской Республики. 1923 г. – С.6., С).Материалы всероссийских переписей 1920 года. Перепись населения в Туркестанской Республике. Часть I. Поселенные итоги. Выпуск III. Поселенные итоги Сыр-Дарьинской области. – Ташкент, Издания ЦСУ Туркестанской Республики. 1923 г. – С.4.
10. Материалы всероссийских переписей 1920 года. Перепись населения в Туркестанской Республике. Часть I. Поселенные итоги. Выпуск II. Поселенные итоги Аму-Дарьинской области. – Ташкент, Издания ЦСУ Туркестанской Республики. 1923 г. – С.11-12.
11. Уалиева С.К. Семейно-брачные отношения в Казахстане в конце XIX – первой четверти XX века (по материалам переписей 1897, 1926 гг). номли тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. – Усть-Каменогорск. 2003 г. – С.19.
12. Галиев А.Б. Население Казахстана в конце восстановительного периода: численность, национальный и социально-профессиональный состав. номли тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган автореферат. – Алма-ата, 1979 г. – С.22.
13. Материалы всероссийских переписей 1920 г. Поселение итогов Самаркандской области. – Ташкент, Издания ЦСУ Туркестанской Республики. 1924 г. – С.48-49.
14. Материалы всероссийских переписей 1920 года. Перепись населения в Туркестанской Республике. Часть I. Поселенные итоги. Выпуск III. Поселенные итоги Сыр-Дарьинской области. – Ташкент, Издания ЦСУ Туркестанской Республики. 1923 г. – С.4.



Фазлиддин ЖУМАНИЁЗОВ,
Тошкент ахборот технологиялари университети
Урганч филиали ўқитувчиси
E-mail: zulfiqar-77@mail.ru

THE RAIL TRANSPORT EMERGENCE IN THE SYSTEM OF KHOREZM OASIS TRANSPORT INFRASTRUCTURE THE

Abstract

This article describes the history of the railway construction in the Khorezm region and its impact on the transport infrastructure of the region. At all stages of human development, vehicles needed them, and attention was paid to their creation and improvement. There is no doubt that by the 21st century this sector is the most developed infrastructure. Its evolution has always evolved with the progress of society, sometimes at an incredible rate. As you know, transport communications are a blood vessel of the country's economy. Studying the history of transport communications in the region, we can draw important conclusions about the socio-economic status of the region and the history of the formation of ancient caravans and trade routes. Railways are very important in the transport system. The natural geographical location of the Khorezm oasis greatly affects its trade, economic and political relations with other regions of the world. This article identifies key factors affecting the formation and development of railway transport services in Khorezm, and considers the gradual progress and updating of new services in the region.

Keywords: Railway, desert, Lower Amu Darya, caravans, Chorghui-Urgench-Kungrad, Khorezm People's Republic project, Khiva Khanate, Central Asia.

ВОЗНИКНОВЕНИЕ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА В СИСТЕМЕ ТРАНСПОРТНОЙ ИНФРАСТРУКТУРЫ ХОРЕЗМСКОГО ОАЗИСА

Аннотация

В данной статье описывается история строительства железной дороги в Хорезмской области и ее влияние на транспортную инфраструктуру региона. На всех этапах человеческого развития транспортные средства нуждались в них, и внимание уделялось их созданию и совершенствованию. Нет сомнений в том, что к 21 веку этот сектор является наиболее развитой инфраструктурой. Его эволюция всегда развивалась с прогрессом общества, иногда с невероятной скоростью. Как известно, транспортные коммуникации являются кровеносным сосудом экономики страны. Изучая историю транспортных коммуникаций в регионе, мы можем сделать важные выводы о социально-экономическом статусе региона и истории формирования древних караванов и торговых путей. Железные дороги очень важны в транспортной системе. Естественное географическое положение Хорезмского оазиса в значительной степени влияет на его торгово-экономические и политические отношения с другими регионами мира. В этой статье выявляются ключевые факторы, влияющие на формирование и развитие железнодорожных транспортных услуг в Хорезме, и рассматривается постепенный прогресс и обновление новых услуг в регионе.

Ключевые слова: Железная дорога, пустыня, Нижняя Амударья, караванные пути, Чорджуй-Ургенч-Кунград, проект, Хорезмская Народная Республика, Хивинское ханство, Центральная Азия.

ХОРАЗМ ВОҲАСИ ТРАНСПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ТИЗИМИДА ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Аннотация

Мазкур мақолада Хоразм воҳасида темир йўл қурилишининг тарихи ва унинг воҳа транспорт инфратузилмасига таъсири ҳақида сўз юритилади. Инсоният тараққиётининг барча даврларида транспорт воситаларига эҳтиёж сезган ва уларни яратиши ҳамда такомиллаштиришига эътибор қараб келинган. XXI асрга келиб мазкур соҳани энг ривожланган инфратузилмадан иборат эканлигига шубҳа қолмади. Унинг эволюцияси жамият тараққиёти билан доимо уйғун равишда, баъзида эса ақл бовар қилмайдиган даражада тез ўсган. Маълумки, транспорт коммуникация тизими мамлакат иқтисодиётининг қон томири ҳисобланади. Воҳада транспорт коммуникация тизимини тарихини ўрганиши орқали биз ҳудуднинг ижтимоий иқтисодий ҳолати ва қадимги қарвон ва савдо йўлларининг шаклланиши тарихи ҳақида муҳим хулосаларга келиши имкониятини беради. Темир йўллар транспорт тизимида жуда катта аҳамиятга эга. Хоразм воҳасининг табиий географик жойлашуви унинг жаҳоннинг бошқа минтақалари билан савдо- иқтисодий ва сиёсий муносабатларига улкан таъсир кўрсатади. Мазкур

мақолада Хоразмда темир йўл транспорт хизматининг шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатган асосий омиллари аниқланади ва воҳада мазкур тизимда янги хизматларни босқичма-босқич тараққий этиб янгилаиб ўзгариб борганлигини тадқиқ қилинади. Транспорт соҳасининг муҳим бўғинлари ҳисобланган темир йўл соҳасини пайдо бўлиши ва воҳаси тараққиётидаги ўрни ўрганилади.

Калит сўз: Темир йўл, сахро, қуйи Амударё, савдо карвонлари, Чоржўй-Урганч-Қўнғирот, лойиҳа, Хоразм Халқ Республикаси, Хива хонлиги, Марказий Осиё.

КИРИШ. Хоразм воҳаси минг йиллар давомида икки қатта сахро – Қорақум ва Қизилқум ҳамда Устюрт қирлари орасида гуллаган маскан сифатида кўпгина босқинчи ва саргузашт излаган сайёҳларнинг ҳам назаридан четда турди. Ташқи дунё билан уни воҳани яратган Амударё ва унинг яқинидан ўтган карвон йўллари боғлаб турарди, холос. Қуйи Амударё ҳавзаси ва у орқали Марказий Осиёга темир йўл тортиш ғояси руслар босқинининг биринчи йиллариданоқ бошланган. Ақл бовар қилмайдиган лойиҳалар ва таклифлар илгари сурилишига қарамай, уларнинг амалга ошишига кўп йиллар керак бўлган. Воҳанинг географик жойлашуви ва мазкур даврда минтақа халқ ҳўжалигининг тараққиёт даражаси Хоразмни Марказий Осиё темир йўл тармоқига улаш жараёнини қийинлаштирди.

АСОСИЙ ҚИСМ. Хива хонлиги даврида воҳада транспорт-коммуникация тизими ривожланишида турғунлик ҳолати рўй берди. Жаҳоннинг бошқа минтақаларида XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб юклар, асосан, темир йўл транспорти орқали ташилар эди. Мазкур даврда Хоразм воҳасида юк ташиш асосан от араваларда амалга оширилган. Хивадан Бухорогача қуруқликда юк ташиб келтириш бир туядаги юк учун 1-1,5 тиллагача ҳақ олинган[1]. Хивадан Оренбургга қадар бўлган 1000 км (360 верст) масофани карвонлар 44-45 кунда босиб ўтган[2]. Ушбу рақамлар воҳада транспорт тизими ўта паст даражада ривожланганлигидан далолат беради. Хоразмга темир йўл тортиш ғояси марифатпарвар Хива хони Муҳаммад Раҳим II даврида бошланди. У 1883 йил августда Петербургга қилган саёҳати давомида шахзода Николай Рамоновга Хивага темир йўл қуришни илтимос қилади. Шахзода унга “ўйлаб кўрамиз” деб жавоб беради. 1897 йил Хивага Гаринов, Штукенбург ва Поповлардан иборат геология-қидирувчи лойиҳачилар гуруҳи етиб келиб Александров-Гай-Хива-Чорджей йўналишида темир йўл қуриш лойиҳасини ўрганишга киришадилар. 1873 йилда чор Россияси кўшинлари томонидан бўйсундирилган Хива хонлиги ҳудудида пахтачилик, ғаллачилик, ипакчилик каби соҳаларнинг ривожланиши, хом ашёни қайта ишлаш корхоналари — пахта тозалаш ва ёғ-мой заводларининг қурилиши тайёр юкларни ташиш имкониятларини кенгайтиришни талаб қилди. Шу сабабли дунёдаги илғор давлатлар саноатчилари орасида ўз ўрнини эгаллаш учун қурашаётган рус ишбилармонлари Ўрта Осиёдан арзон хом ашёни ташиб кетиш йўллариини излай бошладилар. Натижада, 1865-1888 йиллар орасида ўлкага темир йўллар тортиш борасидаги 40 дан ортиқ лойиҳалар муҳокама этилди. 1898 йил Хива хони вазири Ислом

Хўжа Хивага темир йўл қуриш лойиҳаси туздиради ва Хива Қўша дарвозасини қурдиради. 1911-1913 йилларда Ислом Хўжа темир йўл қурилиши ҳаракатларини бошлаб юборади. Лекин унинг бевақт ўлими мазкур лойиҳаларни фақат қоғозда қолиб кетишига олиб келади. Россия ҳукумати Ўрта Осиёга темир йўл қуриш стратегик аҳамиятга эгаллиги учун "Ўрта Осиё темир йўлини қуриш бутун дунё жамияти"ни ташкил этди. Комиссияга бир қанча чет давлатларнинг йирик мутахассислари ҳам ўз таклифларини юбордилар. Хусусан, Петербург академиясининг фахрий аъзоси бўлган машҳур француз инженери Фердинанд Лессепс (1805–1894) Россиянинг Стамбулдаги элчиси граф Н.П.Игнатъевга (1858 йилда элчи бўлиб Хива ва Бухорога келган) Франциянинг шимолидаги Паде-Кале шаҳарчасидан то Ҳиндистоннинг ғарбидаги Пешевар шаҳригача темир йўл қуриш ҳақида таклиф юборди. Мазкур йўлнинг узунлиги 11055 км. бўлиб, унинг 7550 км. Европа мамлакатлари ва Россияда қурилган ҳамда ишлаб турган магистраллар орқали ўтарди. Келажакда Оренбургдан то Пешеваргача бўлган 3503 км. йўлни қуриб, ишга тушириш учун 2 йил ва 3 млн. франк маблағ талаб қилинади[1]. Катта муҳокамадан сўнг, Лессепснинг таклифлари рад қилинди. 1874 йилда рус инженери Барановскийнинг таклифлари кўпчиликнинг эътиборини тортди. У Саратов шаҳри яқинида Волга дарёси устидан темир йўл кўприги қуриш, кейинчалик йўлни Урал чўли ва Устюрт қирлари орқали Хива хонлиги ҳудудига келтириш, сўнгра уни Туямўйин яқинидан Амударё устига қуриладиган кўприк орқали ўтказиб, Бухорогача олиб боришни таклиф қилганди. Кейинги босқичда эса, жанубга бурилган йўл Қарши ва Жерм орқали тоғлардаги Нуксан, Читрал, Миёнқалъа дараларидан ўтиб, Пешеварга етказилиши кўзланган эди. Бу лойиҳа ҳам қабул қилинмаган бўлса-да, Буюк Британиянинг йирик мустамлакаси бўлган Ҳиндистонга, Ўрта Осиё орқали темир йўл қуриш ғояси сақланиб қолаверди. Ўрта Осиёда дастлабки темир йўл қурилиши қутилмаган бир шароитда ва режалаштирилмаган жойда, Хоразмдан анча йироқда бошланган бўлса-да, Хива хонлиги орқали темир йўл қуриш ғояси сақланиб қолди. 1893 йил октябрида Бошмаков ва Гронский исмли инженерлар Россия Алоқа йўллари министрлигига Каспий денгизининг шарқий қирғоғидаги Кандирли кўрфазидан Амударёгача тор йўлакли темир йўл изини ётқизиш таклифи билан мурожаат қилдилар. Орадан 3 йил ўтгач, Амударёнинг қуйи оқимидаги ерларни ўрганаётган инженер А.Глуховский Красноводскдан Сарикамиш кўлигача темир йўл изларини ётқизиш ва ундан Амударёгача кемачиликни ташкил этиш мақсадга мувофиқ

бўларди, деган таклифни илгари сурди. 1911 йилда рус инженерлари М.А.Маевский ва В.Н.Харчевский Хўжайлидан Чоржўйгача темир йўл изларини ётқизиш имкониятларини ўрганиб чиқдилар. Хоразм халқ республикаси ўрнатилгач, Амударё кемачилиги идорасининг пароход ва баржалари кўпайтирилди, автомобиль, кейинчалик эса ҳаттоки самолётлар ёрдамида юк ва одамларни ташиш ишлари бошланди. Аммо уларнинг барчаси темир йўл ҳақидаги муаммони четга суриб қўя олмади. ХХСР Марказий Ижроия Комитетининг 1923 йил 23 октябрида бўлган мажлисида Россиянинг Хивадаги вакили Б.Г.Городецкийнинг маърузаси тингланди ва куйидаги мазмунда қарор қабул қилинди: “Хоразм республикаси Чоржўй ва Урганч оралиғида темир йўл қуришни ўта зарур деб ҳисоблайди. Шу билан бир қаторда темир йўл қурилишига Хоразм — ишчи кучидан бошқа ҳеч нарса беролмайди. СССР ҳукуматига Хоразмга темир йўл изларини ётқизиш жуда муҳим эканлигини билдириш учун, Иқтисодий Кенгашга зарур лойиҳани тайёрлаш ва уни Москвага кетадиган комиссия аъзоларига етказиб бериш таклиф этилсин”[2]. Мамлакат халқ хўжалигини тиклаш, биринчи навбатда йирик корхоналар, энергетика ва кон саноатини ривожлантиришга эътибор бераётган большевиклар Хоразм раҳбарларининг илтимосларини инобатга ҳам олмадилар.

Урушининг ғалаба билан тугалланганлиги ва мамлакатдаги маънавий кўтаринкилик мавжуд бўлган бир шароитда Хоразмга темир йўл излари ётқизиш таклифлари яна илгари сурилди. СССР Министрлар Советининг 1947 йил 10-16 ва 28 мартларда қабул қилган “Чоржўй-Урганч-Кўнғирот темир йўлини қуриш тўғрисида”ги қарорлари асосида узунлиги 600 км. бўлган йўл барпо этилиши керак эди. Фашистлар вайрон этган ва талаб кетилган ғарбий ҳудудларда тиклаш ишлари давом эттирилаётган, техника ва зарур асбоб-ускуналар етарли бўлмаганлиги сабабли асосий ишларни Турксиб, Катта Фарғона, Тошсоқа каналлари қурилиши тажрибасидан келиб чиққан ҳолда – умумхалқ ҳашари усулида амалга ошириш кўзланган эди. 25 августдан бошланадиган қурилиш ишларига жиддий тайёргарлик кўрилди. Ҳашарчиларнинг белгиланган жойларга келишидан бир ҳафта олдин 72 та чойхона, 146 та дўкон, 56 та ошхона, 200 та тандир, 7 та ҳаммом, 45 та сартарошхона, 130 та кийим-кечак ва этикдўзлик устахоналари, 20 та врачлик ва 45 та фельдшерлик пунктлари, 385 та ўринлик касалхона, 32 та почта ва бошқа кўплаб маиший-маданий муассасалар шайлаб қўйилди[3]. 1947 йил 26 сентябридан бошлаб Амударё флотилияси, автомобиллар, аравалар, бир қисм меҳнаткашлар вакиллари самолётларда темир йўл излари ётқизиладиган жойларга келтирила бошланди. Умумий сони 70 минг кишидан ошиб кетган қурувчилар орасида инженер, техник, тупроқшунос ва бошқа касбдаги малакали мутахассислар ҳам бор эди. Дунёдаги биронта темир йўл Чоржўй-Кўнғирот темир йўли қурилишидагидек оғир шароитда, техникасиз фақат қўл кучи билан,

минглаб одамларнинг жасорати эвазига амалга оширилмаган эди. Темир йўл излари ётқизилиши режалаштирилган Чоржўй-Урганч қисмининг дастлабки 399 километрдан 260 километри Қорақумнинг кўчиб юрувчи қум барханлари, Туямўйин тизмасининг мураккаб қисмидан ўтарди. Куз фасли бўлишига қарамасдан ҳарорат 30-35 даражагача кўтарилиб, меҳнаткашларни оғир аҳволга солиб қўярди. Натижада жазирама вақтлари дам олиб, кечаси соат учларгача гулхан ёруғида ишлашга тўғри келди. Суюлиб кетаверадиган қумни маҳкамлаш, қаттиқ тупроқ ва тош қатламларини қазिश ишлари анча катта меҳнатни талаб қиларди. Туямўйин тизмасидан ўтадиган йўлни очиш учун портловчи моддалар ёрдамида 29 минг кубометр қоя тошлар қўзғатилди. Мардонавор меҳнат натижасида 40 кунда 4 млн. 800 минг кубометр тупроқ, тош ва қум кўчирилди[4].

Чоржўй-Урганч темир йўли 1952 йил 18 декабрда фойдаланишга топширилди. Ҳозирда Хоразм темир йўл ҳудуди бекатлари ва корхоналари Кўнғирот минтақавий темир йўл узели таркибида фаолият кўрсатади. Воҳа темир йўл тузилмаси йилдан йилга кенгайиб борди ва унинг таркибида янги корхоналар ташкил этилди. 1953 йил 1 мартда “Урганч темир йўл масофаси”, 1953 йил 21 февралда “Урганч сигналлаштириш ва алоқа масофаси”, 1997 йил “Ўзтемирйўлконтейнер” АЖ га қарашли Урганч ишлаб чиқариш участкаси (ЖДК), 1998 йил 18 мартда “Ўзтемирйўлийловчи” АЖ Хоразм филиали, 1995 йил 8 февралда ташкил қилинган “Кўнғирот минтақавий темир йўл узели” унитар корхонаси Хоразм ҳудуди бугунги кунда юқорида кўрсатилган соҳа корхоналаридан 12 нафарини бирлаштирди.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин темир йўл соҳасида, жумладан, Хоразм темир йўл ҳудудида ҳам туб ўзгаришлар бўлди. Хоразм темир йўл ҳудуди бекатлари ҳар иккала томондан ҳам Туркменистон Республикаси ҳудуди билан чегарадош бўлиб, собиқ иттифоқ тугагандан кейин Хоразмга юк олиб келиш ва йўловчи поездларининг ҳаракати қийинлашиб кетган эди. Туркменистон орқали ўтиш тўловлари чет эл валютаси ҳисобига амалга оширилди эди. Истиқлол йилларида Навоий-Учкудуқ-Султон Увайстоғ-Нукус йўналишида темир йўлқуриш ишлари тугалланиб ниҳоясига етди. Мамлакатимиз ҳудудлари темир йўл излари билан тугаллаштирилди.

2004 йил 11 март куни мухташам Амударё устига қурилган темир йўл-автомобил қўшма кўпригининг очилиши Хоразм вилояти учун юксалиш ва ривожланиш эшикларини очиб берди. Хоразм вилояти Республикаимиз ҳудудига темир йўл орқали уланди. Бунгача вилоятимиздан ташқарига ва Республикаимиз марказига қатнайидиган йўловчи поездлари қатнови тўхтаб қолган эди. Кўприк ишга тушгандан кейин юк поездларининг сони ҳам кўпайди. Тошкент-Урганч-Тошкент, Тошкент-Шовот-Тошкент йўналишларида йўловчи поездларининг ишга тушиши қувонарли воқеа эди. Ниҳоят, 2007 йилнинг октябр ойидан бошлаб

Урганч-Саратов йўловчи поезда ҳаракати йўлга қуйилди. Шунингдек, 2010-2011 йиллар давомида Урганч Локомотив депосига замонавий типдаги 4 та ТЭП 70 БС, УЗТЭ 16 маркали юк ва йўловчи поездларини тортишга мўлжалланган тепловозларнинг Компания томонидан берилиши, айниқса, юк ва йўловчилар ташиш ҳажмининг ошишига сабаб бўлди.

2017 йил Бухоро-Мискин йўналишида 354,2 км лик янги, тез юрар поездлар қатнови учун мўлжалланган темир йўл линияси фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 25 апрел кундаги ПҚ-2927 сонли “Урганч-Хива” янги темир йўл линиясининг қурилиши тўғрисидаги қарорига асосан 2017 йил 27 апрел куни Урганч-Шовот бекатлари оралигининг 402-километрида янги темир йўл линиясининг қурилиши бошланди. Мазкур йўналиш 2018 йил ноябр ойида қуриб битказилди ва 4 декабрда биринчи “Тошкент-Хива” поезда Хива шаҳрига келди.

ХУЛОСА. Хоразм воҳасида темир йўл қурилиши халқ хўжалигининг барча соҳаларида туб

ўзгаришлар юз беришига олиб келди. Темир йўл қурилиши натижасида воҳанинг минтақа шаҳарлари билан ўзаро савдо-иқтисодий муносабатлари кучайди. Темир йўл қурилишига қадар воҳага юк ташишда асосий рўл ўйнаган дарё транспорти йиллар давомида ўз аҳамиятини йўқотиб борди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мазкур соҳада маълум бир давр турғинлик даври рўй берди. Воҳани Республика билан боғловчи темир йўл Туркменистон ҳудудидан ўтганлиги сабабли 2004 йилга қадар соҳада инқироз ҳолати юз беришига олиб келди. Мазкур даврда воҳага юклар асосан автомобил йўллари орқа ташилиши натижасида йўлларнинг асвалт қопламасига чиддий зарар келтирди. Кейинчалик янги тармоқларнинг ишга туширилиши натижасида соҳада яна жонланиш юз бера бошлади. Темир йўл тармоғини Хивага қадар кенгайтирилиши воҳага сайёҳлар оқимини кучайишига хизмат қилди. Соҳага жалб қилинган инвестициялар натижасида бугунги кунга келиб ушбу соҳада хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланди.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ЎзР. МДА), И-1 фонд, 27-рўйхат, 926-иш, 14-варақ.
2. Ходжаев, С.М. Развитие транспорта Узбекистана. – С-7.
3. Железная дорога в Среднюю Азию // “Туркестанские ведомости”, 1873, 17 июля.
4. ЎзР. МДА, 80-жамғарма, 1-рўйхат. 5-иш, 42-варақ.
5. Мунько Н. Подвиг в пустыне // “Экономика и жизнь”, 1967. – № 11. – С. 23.
6. Маҳмудов М. Хоразмнинг пўлат излари // “Хоразм тарихи истиқлол кўзгусида” китобида. – Б. 41.
7. Сейтимбетов М. Железнодорожное строительство в Каракалпакстане (1946–1975 гг.). Автореф. дисканд. ист. наук. — Нукус, 1994. – С. 5.
8. Поезда в Узбекистане // [www.centralasia-travel.com/ru/countries/uzbekistan/...](http://www.centralasia-travel.com/ru/countries/uzbekistan/)



УДК:93/94:327(470+575.1/.4)(043.3)

Ойбек КЛИЧЕВ,

Бухоро давлат университети докторанти (DSc) тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

THE OFFICES IN BUKHARA EMIRATE AND THE STAFF WORKED THERE

Abstract

Throughout the conduct of researches related with the study of establishments in the Central Asian region at the end of the 19th and the beginning of the 20th century the studies indicated that there is not an entire study of the chancelleries in the central and local organizations of the emirate of Bukhara. Most of the documents related with archive of qushbegi containing the history of the emirate of Bukhara had been prepared in the ministry of Bukharai Sharif are held in the Central state archive of the Republic of Uzbekistan. It in its turn stipulates the necessity of the study of chancelleries existing in the central government of the emirate. Thus, it is important to have the necessary info on the preparation of the written source prior to its study. Furthermore, the documents prepared in the ministry of the Bukharai Sharif are prominent with their profound info on the internal and external policy of the country. In the article there is a discussion on the chancelleries existing in the central and local organizations of the emirate of Bukhara.

Key words: Ministry of Bukhoroi Sharif, secretariat, Khavli-poyon, chancellery, editor, secretary, head secretary, qushbegi, qazikalan, shogirpesha.

ОФИСЫ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ И ПЕРСОНАЛ РАБОТАЛИ ТАМ

Аннотация

На протяжении всего времени проведения исследований, связанных с изучением учреждений в Центрально-Азиатском регионе в конце 19-начале 20 века, исследования показали, что в центральных и местных организациях Бухарского эмирата не проводится углубленного изучения канцелярий. Большая часть документов, относящихся к архиву кушбеги, содержащему историю Бухарского эмирата, была подготовлена в министерстве Благословенной Бухары и хранится в Центральном государственном архиве Республики Узбекистан. Это, в свою очередь, обуславливает необходимость изучения канцелярий, существующих в центральном правительстве эмирата. Таким образом, важно иметь необходимую информацию о подготовке письменного источника до его изучения. Кроме того, документы, подготовленные в министерстве Благословенной Бухары, отличаются глубоким знанием внутренней и внешней политики страны.

Ключевые слова: Министерство Бухорои шариф, секретариат, Хавли-поён, канцелярия, редактор, секретарь, мирзабаши, кушбеги, козикалон, шогирдпеша.

БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ ДЕВОНХОНАЛАР ВА УЛАРДА ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН ХОДИМЛАР

Аннотация

XIX аср охири - XX аср бошларида Ўрта Осиё минтақасида мавжуд муассасалари тарихини ўрганиш масалаларига доир тадқиқотларни таҳлил этиши жараёнида Бухоро амирлигидаги марказий ҳамда маҳаллий идораларда мавжуд девонхоналарнинг фаолияти яхлит ҳолда ўрганиш амалга оширилмаганлигини кўрсатди. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида Бухоро амирлиги тарихига доир муҳим маълумотларни ўзида жамлаган қўшбеги архивидаги ҳужжатларнинг аксарияти айнан Бухорои шариф вазоратхонасида тайёрланган. Бу, ўз навбатида, амирлик марказий ҳукуматида мавжуд девонхоналар фаолиятини ўрганиш заруратини келтириб чиқаради. Зеро, ҳар бир ёзма манбани ўрганишдан олдин унинг тайёрланиши билан боғлиқ маълумотларга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, Бухорои шариф вазоратхонасида тайёрланган ҳужжатлар мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати тўғрисида атрафлича маълумот бериши билан аҳамиятли. Мазкур мақолада Бухоро амирлигидаги марказий ҳамда маҳаллий идораларда мавжуд девонхоналар тўғрисида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Бухорои шариф вазоратхонаси, мирзахона, Хавли-и поён, девонхона, муҳаррир, котиб, мирзабоши, қўшбеги, қозикалон, шогирдпеша.

КИРИШ. Бухоро амирлигидаги маъмурий эътибор қаратар эди. Натижада, амирлик ҳудудида муассасалар ўз фаолиятини амалга ошириш бир катор девонхоналар ташкил этилади. жараёнида ҳужжат юритиш ва сақлашга алоҳида Амирликнинг ички ва ташқи муносабатларида

муҳим аҳамият касб этган Бухоройи шариф вазоратхонаси (Бухоро амирлигининг бош ижро муассасаси – *О.К.*)нинг фаолияти, у ердаги иш юритиш тартиби ва ходимлар таркиби каби масалалар чуқур тадқиқ этилмаган.

Тарихий манбалар ва адабиётларни тадқиқ этиш натижасида, Бухоро амирлигида бевосита амирлик ҳукуматиға тегишли қуйидаги девонхоналар ташкил этилганлиги аниқланди:

1. Бухоройи шариф вазоратхонасига қарашли девонхона.

2. Юқори даражадаги амалдорлар ҳузуридаги (тўпчибоши, козикалон, раисикалон) девонхоналар.

3. Бекликлардаги девонхоналар.

Бухоройи шариф вазоратхонасига қарашли девонхона амирликдаги энг катта девонхоналардан бири бўлиб, у ўз ичига қуйидаги девонхоналарни оларди:

1. Мамлакатнинг молиявий масалаларини амалга ошириш учун масъул девонхона.

2. Худуд бекликлари ва фуқароларнинг муурожаатлари билан шуғулланувчи девонхона.

3. Амирликнинг барча худудларидаги иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи қуйи қўшбеги девонхонаси;

4. Россия империяси ҳукумати вакиллари билан давлатлараро муносабатларни амалга оширадиган махсус мирзахона – девонхона.

5. Бухоро амирлиги ҳукуматининг Россия императори сиёсий агентлигида ташкил этилган девонхона.

АСОСИЙ ҚИСМ. Манбаларда Бухоро аркида юқори қўшбеги тасарруфидаги “*мирзахона-и калон*” фаолият юритганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Ушбу девонхона вазоратхона таркибига кирувчи иккита девонхонадан ташкил топган [1]. Уларнинг биттаси мамлакат хазинасидаги олтин, хирож маблағлари ва тушумларнинг сарҳисоби ва турли хилдаги харажатларни амалга ошириш билан; иккинчиси эса бекликлар билан муносабатга киришиш ҳамда хорижий мамлакатларга чиқиш учун амирлик фуқароларига паспорт (рухсатномалар)ни тақдим этиш билан шуғулланган.

Мирзахона-и калон – юқори қўшбеги ховлисидаги хоналарда жойлашган. У хазина қирим ва чиқим харажатларини амалга оширган. Ушбу девонхонада 10 нафар мирза фаолият юритар эди. Амирнинг мамлакат бўйлаб сафарларида ушбу девонхонадан учта мирза жалб қилинган. Уларнинг бири ҳисоб амалиётини, иккинчиси маблағларни қабул қилиш ва сафар харажатлари рўйхатини олиб бориш, учинчиси эса маблағ ажратиш ишлари билан шуғулланган. Қўшбеги ховлисида жойлашган иккинчи девонхонада ҳам 8-10 нафар мирза ишлар эди. Девонхоналарда алоҳида-алоҳида мирзабошилар тайинланган ва қўшбегига ҳисобот бериб турган. Ушбу девонларни *мирзо-и калон* – бош мирза бошқарган [2]. Девонбеги, яъни қуйи қўшбеги девонхонаси Арк қўргони этагида жойлашган эди. У яна *Ҳавли-и поён* – яъни қуйида жойлашган ховли деб аталади.

Л.И.Ремпелнинг маълумотларига қараганда, ушбу муассаса тўрт ховли комплексидан ташкил топган. Унинг биринчи ховлисида махсус от ва аравалар учун мўлжалланган – отхона, иккинчи ховлида бир-бирига қарама-қарши қурилган закотхона бўлган. Ховлининг ўнг томонида жойлашган хоналарда амирлик бекликларидан, чап томонидаги хоналарда эса бевосита Бухоро ва унинг атрофидаги худудлардан келиб тушадиган закот тушумини қайд қилиб борадиган мирзалар фаолият юритган. Учунчи ховлида мирзахона – қуйи қўшбеги девонхонаси жойлашган бўлиб, у ерда олти ёрдамчи мирзаларга эга мирзо-и калон фаолият юритган. У барча закот тушумларининг тўғри қайд этилишини назорат қилган. Ушбу ховлининг ўнг томонида қуйи қўшбегининг ўзи, тўртинчи ховлида оиласи ва шахсий хизматкорлари жойлашган [3].

Юқори қўшбеги ва Россия императори сиёсий агентлиги ўртасидаги ёзишмалар билан махсус мирзахона – девонхона шуғулланган. Ушбу девонхона аркнинг сайисхона ховлиси таркибига кирувчи хоналарда жойлашган эди. Девонхона икки хонадан иборат бўлиб, унинг биринчисида мирзалар, иккинчисида эса дафтardор ҳамда мирзо-и мунший фаолият юритишган [4].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Россия императори сиёсий агентлигида ҳам Бухоро амирлиги ҳукуматининг девонхонаси ташкил этилади. Бу девонхона агентлик биносидида жойлашган бўлиб, амирлик ҳукумати номига йўлланадиган мактубларни таржима қилиш ҳамда ўзаро ёзишмаларни олиб бориш тадбирларини амалга оширган. Ушбу муассасани Мирбадалов Ҳайдар хожи бошқариб келган.

Амирликдаги юқори лавозимлар орасида тўпчибошида ҳам девонхона бўлиб, унда ўнта мирза, бий унвонидаги ёрдамчи – ясовулбоши, турли унвонлардаги ясовуллар, ҳарбий қуролларни қабул қилиш ва тарқатиш ишларига масъул шахс ҳамда шахсий хизматкорлар фаолият юритарди [5].

Бухорода қозикалон ва раисикалонларнинг девонхоналари уларнинг шахсий биноларида, кўпинча, ўз уйларида ташкил этилган. Амирликдаги фуқаролик ишлари бир халфа, икки муҳодир (хулоса ва қарорларни тайёрловчи ва етказувчи шахс – *О.К.*), олтига мирза ва элликка яқин мулозимлардан иборат раисикалон девонхонасининг фаолияти натижасида ҳал этилган [6].

Амирликдаги диний, суд ишлари қозикалон девонхонасида кўриб чиқилар ва ҳал этилар эди. Қозикалон ихтиёрида иш бошқарувчи мирза, қозилар, тергов фаолиятиға масъул – мулло аъзам, хўжалик ишлари бошқарувчиси – девонбеги, отхона бошлиғи – мирохўрбоши, маҳрам ва қуйи хизматкорлар бор эди [7]. Амирлик бекликларида ҳам девонхоналар ташкил этилиб, уларда девонбеги, мирзо-и мунший, миршаб, мироб, амин (оқсоқол), пойгирчи каби амалдорлар фаолият юритади [8].

Амир, қўшбеги ва амирлик девонхоналарида фаолият юритган ходимлар масаласига келсак, девонхоналарда муҳаррир, котиб, мирзабоши ва

мирзалар фаолият юритганлар. Давлат муассасаларидан ташқари йирик савдогар ва савдо компанияларида фаолият олиб борган мирзалар гуруҳи ҳам мавжуд эди. Амирликдаги савдо-сотик ишлари билан шуғулланувчи катта амалдорлар хузурида турли хилдаги қарз, олди-сотди шартномаларини тайёрлаш учун мирзалар фаолият олиб борар эди. Кўтара савдо билан шуғулланувчиларда эса бир нечта мирзалар ишлаган. Улардан бири *мирзо-и сари сандуқ* – яъни сандик яқинидаги мирза деб аталган. У ўз хўжайини маблағларининг хазинабони вазифасини бажарган [9].

Амирлик ҳукумати девонхонасида фаолият олиб борган энг муҳим лавозимлардан бири муҳаррирлардир. Улар ўз навбатида уч тоифага ажратилган:

1. *Муҳаррири девони саркор* – давлат девонхонаси муҳаррирлари.

2. *Муҳаррири амлок* – амлок ерлари билан шуғулланувчи муҳаррирлар.

3. *Муҳаррири воқеанавис* – кунлик қайд ва воқеаларни ёзиб борувчи муҳаррирлар [10].

Н.В.Ханьковнинг маълумотларига кўра, амир хузурида аҳолига турли хилдаги аризаларни ёзиб берувчи ўнта шундай шахслар фаолият олиб борган эди [11]. Бу муҳаррирлар, кўпинча, аҳолидан амир ва қўшбеги номига келаётган ариза ва шикоят хатларини тузиш ишларига раҳбарлик қилишарди. Уларни Россия империяси идораларида фаолият олиб борувчи "письмоводитель"ларга қиёслаш мумкин.

Амирликдаги девонхона ходимлари жамоасининг асосини котиб ва мирзалар ташкил этарди. Масалан, улар амир мактубларини тайёрлаш ва давлат амалдорлари номига йўлланадиган мурожаатларни ёзиш ишларини бажарган. Амир хузурида иккита мирза бўлиб, унинг биринчиси *мирзо мушриф* – (яъни дафтардор ёки мирзо-и калон), иккинчиси *мирзо мунший* (котиб) деб номланган. Амир Музаффар даврида Мирза Абдул Азим Сомий мирзо мунший лавозимида бўлган [12].

Архив ҳужжатларида Мирзо Муҳаммад Амин ва Мирзо Баҳромлар Амир Абдулахад даврида мирзо мушриф ва мирзо мунший лавозимларида фаолият юритганликлари тўғрисида маълумотлар мавжуд [13]. О.А.Чехович ўз тадқиқотларида, *мирзо-и дафтардор* лавозимида ишлаган Мирзо Раҳматулло (Мирза Аъло) амирга 8-9 йил давомида хизмат қилганлиги ва алоҳида нуфузга эга бўлганлигини таъкидлайди. Шунингдек, қўшбеги Жон Мирзо-бий ҳам амир мирзаси лавозимида фаолият юритганлиги ҳамда иккала мирзалар танҳога эга бўлганлиги тўғрисидаги маълумотларни ҳам тақдим этади [14]. Тарихий манбалар таҳлили амирликда қўшбеги лавозимида фаолият олиб борган Жон Мирзо-бий ва Мирзо Насрулло-бий каби қўшбегилар ўз вақтида амир ва амир хонадони вакилларининг мирзалари сифатида иш бошлаганликларини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивидаги ҳужжатлар орасида Бухоро амирлигида

энг юқори давлат муассаси ҳисобланган Бухорои шариф вазоратхонасида фаолият юритган ходимлар рўйхати мавжудлиги аниқланди. Ушбу рўйхат ҳамда ундаги маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги мулоҳазалар илгари сурилди [15].

– Бош вазир, яъни қўшбегиларнинг алмашуви даврида вазоратхонада фаолият юритган ходимлар рўйхати тузилган. Рўйхатлар амирга янги тайинланган қўшбеги томонидан тасдиқлаш учун тақдим этилади. Уларнинг биринчисида вазоратхонада фаолият юритган ходимлар рўйхати, иккинчисида эса янги ходим сифатида қабул қилиниши керак бўлган шахслар рўйхатидир.

– Мазкур рўйхатларда шогирдпешаларнинг номи, унвони, этник таркиби яъни қайси қавмга мансублиги тўғрисидаги маълумот ҳам мавжуд. Унда чиғатой, сарой, кенагас, юз, таке, манғит, қирғиз каби уруғ вакилларига мансуб бўлган Исҳоқ қоровулбеги чиғатой, Раҳматулло қоровулбеги сарой, Ашур қоровулбеги кенагас, Мирзо Муҳаммад қоровулбеги эроний, Саид қоровулбеги қирқ юз, Соҳиб қоровулбеги таке, Зоқирбек жевачи манғит қабилар номи қайд этилган. Бу ўз навбатида амирлик ҳукуматида фаолият юритган ходимларнинг этник таркибини аниқлаш масаласига ойдинлик киритади.

– Шунинг алоҳида таъкидлаш мумкинки, шогирдпешалар рўйхатини тузишда қўшбеги уларнинг худудий мансублигини аниқлаш учун Кўлобий, Бухорий, Карманаги, Шаҳрисабзий каби нисбаларни инобатга олган. Буни рўйхатдаги Жўрабек жебочи Бухорий, Хусайн жебочи туркистонлик ва Муҳаммад Раҳим мирзабоши Карманагий каби амалдор номларидан билиб олиш мумкин. Ушбу маълумотлар қўшбеги қўл остидаги ходимларнинг келиб чиқишини аниқлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

– Рўйхат ходимларнинг лавозим даражасидан келиб чиқиб тартиб билан ёзилган. Рўйхатда 57 қоровулбеги, 21 мирохўр, 74 жевачи, 60 мирзабоши, 34 чухра оғасининг номлари келтириб ўтилади. Унда вафот этган ходимларнинг номлари ҳам мавжуд.

– Рўйхатда бевосита Гиёс, Мизроб-бек, Тағойи – (вафот этган), Муҳаммад Юсуф, Абдулғофур, Лоло, Абдусамат, Қозоқбек, Хўжа Мурод, Назар Али, Саидбек, Норбек – (вафот этган) мирзабошиларнинг номлари мавжуд. Ушбулар амирлик девонхонасида асли-насли ким, қаердан, қандай лавозимдаги амалдор ва умуман олганда кимлар фаолият юритганлиги хусусида муҳим маълумотларга эга бўлиш имконини беради.

ХУЛОСА. Юқорида билдирилган фикрлар асосида қуйидаги фикр-мулоҳазаларга келиш мумкин:

Бухоро амирлигида марказий ва маҳаллий бошқарув муассасаларида тизимли тарзда девонхоналар ташкил этилган. Ушбу девонхоналар аниқ йўналтирилган фаолиятни амалга оширишга хизмат қилган.

“мирзахона-и калон” ҳамда “махсус мирзахоналарнинг фаолияти асосида амирликда иш юриш

билан боғлиқ тадбирлар тартиблаштирилган шаклда олиб борилган деган хулосага келиш мумкин.

марказий девонхоналарда фаолият юритган ходимларнинг рўйхати қўшбеги томонидан тайёр-

ланиб Бухоро амирига тақдим этилиши девонхоналар амирлик маъмурияти тизимида муҳим бўгин вазифасини бажарганлидан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР

1. ЎзР МДА Р-2678-фонд, 1-рўйхат, 448-йиғмажилд, 37- варақ.
2. Андреев М.С. Чехович О.Д. Арк Бухары в конце XIX – начале XX вв. – Душанбе: Изд-во Дониш, 1972. –С.80-81.
3. Ремпель Л.И. Далекое и близкое. Страницы быта, строительского дела, ремесла и искусства Старой Бухары: Бухарские записки. – Ташкент: Изд-во. Литературы и искусства им. Гафура Гуляма, 1981. – С.72.
4. Андреев М.С. Чехович О.Д. Арк Бухары в конце XIX – начале XX вв. – Душанбе: Изд-во Дониш, 1972. –С.39
5. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. – Санкт-Петербург: – Т.1. Изд-во В.Березовского, 1911. –С.253.
6. Ремпель Л.И. Далекое и близкое. Страницы быта, строительское дела, ремесла и искусства Старой Бухары: Бухарские записки. – Ташкент Изд-во. Литературы и искусства им. Гафура Гуляма, 1981. – С.74.
7. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. – Санкт-Петербург: – Т.1. Изд-во В.Березовского, 1911. –С.237-238.
8. Маджлисов А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в XIX – начале XX века. – Душанбе-Алма-Ата: Ирфон, 1967.-С.51.
9. Сухарева О.А. Бухара. XIX – начало XX в (Позднефеодальный город и его население). – Москва: Наука, 1966. –С.238.
10. Маджлисов А. Аграрные отношения в Восточной Бухаре в XIX – начале XX века. – Душанбе-Алма-Ата: Ирфон, 1967. –С.101-102.
11. Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства. – Санкт-Петербург: Тип. Императорской Академии Наук, 1843. –С.191.
12. Тўраев Х. Мирзо Сомийнинг шахсий архиви // Мозийдан садо. – Тошкент: 2015. – №3. –Б. 32-33
13. ЎзР МДА Р-2678-фонд, 1-рўйхат, 250-йиғмажилд, -варақ.
14. ЎзР МДА Р-2678-фонд, 1-рўйхат, 448-йиғмажилд, 37- варақ.
15. ЎзР МДА И-126-фонд, 1-рўйхат, 65-йиғмажилд, 1-варақ.



Маишура ТЕМИРОВА,
Қўқон давлат педагогика институтини ўқитувчиси

HISTORY OF RADIOFICATION INFRASTRUCTURE IN UZBEKISTAN (1927-1991)

Abstract

This article highlights the shortcomings and problems with the material and technical base of the radio in the country. During the Soviet period, radio served as their main means of propaganda. The analysis of the research of existing organizations in the Central Asian region shows that the radio of the republic was not completely covered by the history of the Soviet and post-Soviet periods. There is a lot of information on the history of radiofication in the Central State Archive of the Republic of Uzbekistan and the incomplete analysis of scientific coverage of the history of the radio in the country requires a scientific study of the subject. The article also provides specific facts about the construction and equipping of the Tashkent Radio House. In addition, provides the scientific data on the material and technical condition of regional radios. This information will help to research the history of Uzbekistan radio.

Keywords: radio, material and technical base, the process of radiofication, equipment, radio station, programs, radio center, radio committee, information, radio waves.

ЎЗБЕКИСТОНДА РАДИОЛАШТИРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ТАРИХИ (1927-1991)

Аннотация

Мазкур мақолада Республикани радиолаштириш жараёнидаги радионинг моддий-техник базасига доир камчилик ва муаммолар тўғрисида тўхталиб ўтилади. Советлар ҳокимияти даврида радио уларнинг асосий тарғибот воситаси бўлиб хизмат қилган. Ўрта Осиё минтақасида мавжуд ташкилотлар тарихини ўрганиш масалаларига доир тадқиқотларни таҳлил этиш жараёнида республика радиоси советлар даврида ҳам, мустақиллик йилларида ҳам тарихийлик нуқтаи назаридан тўлиқ ёритилмаганлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивида радиолаштириш тарихига доир кўплаб маълумотларнинг мавжудлиги ва республика радиосининг тарихини илмий жиҳатдан ёритиб берувчи тадқиқотларнинг яхлит ҳолда таҳлил этилмаганлиги мавзунини илмий асосда ўрганишни тақозо этади. Шунингдек, мақолада Тошкент радио уйининг қурилиши ҳамда аппаратуралар билан жиҳозланишига доир аниқ фактлар келтирилган. Бундан ташқари вилоят радиоларининг моддий-техник ҳолати тўғрисидаги илмий асосга эга бўлган маълумотлар берилган. Ушбу маълумотлар Ўзбекистон радиоси тарихини ўрганишга қаратилган изланишларни амалга оширишга хизмат қилади.

Калит сўзлар: радио, моддий-техник база, радиолаштириш жараёни, аппарат, радиостанция, дастурлар, радиоузеллар, радио комитет, ахборот, радио тўлкинлари.

ИСТОРИЯ ИНФРАСТРУКТУРЫ РАДИОФИКАЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ (1927-1991)

Аннотация

В данной статье освещаются недостатки и проблемы с материально-технической базой радио в стране. В советское время радио служило основным средством пропаганды. Анализ исследований существующих организаций в центрально-азиатском регионе показывает, что радио республики не было полностью охвачено историей советского и постсоветского периодов. В Центральном государственном архиве Республики Узбекистан имеется много информации об истории радиофикации, а неполный анализ научного освещения истории радио республики требует научного изучения предмета. В статье также приводятся конкретные факты о строительстве Ташкентского Дома радио и его новейшем оборудовании. Кроме того, приведены научные основы материально-технического состояния региональных радиостанций. Эта информация поможет провести исследование истории радио Узбекистана.

Ключевые слова: радио, материально-техническая база, процесс радиофикации, оборудование, радиостанция, программы, радиоузел, радиокомитет, информация, радиоволны.

Ўзбекистонда мунтазам радиоэшиттиришлар базасини яхшилашга доир кўплаб ишлар амалга 1927 йилдан бошланган бўлиб[1], ўтган давр оширилди. Дастлабки радио бешта кичик хонадан мобайнида республикада радионинг моддий-техник иборат бинода фаолиятини бошланган[2]. Тошкент

шаҳридаги бу бино радиоэшиттириш учун мўлжалланмаган бўлиб, талабга жавоб бермас эди. Бироқ радиолаштириш жараёнининг ўзигаёқ кўп вақт ва маблағ сарф этилганлиги сабабли радиоэшиттириш биносини янгилаш учун ҳаракатлар фақат 1945 йилга келибгина ҳукумат раҳбарлари томонидан бошланди. Маиший техника ва мавжуд камчиликлар сабабли Тошкент радио уйи 1949 йил якунига қадар ҳам ишга туширилмайди. Янги бинонинг таъмирлаш ишлари охирига етмаслиги оқибатида узатиш линияларини радиога улаб бўлмайди. Бу ҳолат 1950 йил учун мўлжалланган эшиттириш режасини амалга оширилмаслигига сабаб бўлади. Шу сабабли Тошкент шаҳрида радиоэшиттириш ва радио тўлқинлари имкониятидан тўла фойдаланиш учун ЎзССР Вазирлар Кенгашининг 1950 йил 17 февралда “Тошкент радио уйини қуриш ва ишга тушириш чора тadbирлари тўғрисида” қарор қабул қилади[3]. Аммо республикадаги мавжуд иқтисодий қийинчиликлар сабабли радио уйи 1959 йилда қуриб битказилди[4].

1966 йил 26 апрел соат 5 дан 22 дақиқа 52 сония ўтганда бўлиб ўтган кучли zilзила оқибатида Радио биноси биринчи силкинишдаёқ қаттиқ зарарланди ва бу бинода эшиттиришлар олиб бориш мумкин бўлмай қолди. Аммо эшиттиришлар бир дақиқа бўлса ҳам тўхтамади. РАФ автоулови эшиттиришларни олиб бориш кўчма аппаратхонаси сифатида қайта жиҳозланди. Тошкент шаҳри тез суръатларда қайта тиклана бошлади. Радио уйи янги биносининг ҳам қурилиши бошланди. 1966-йил кузида биринчи янги комплекс қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилди. Ўзбекистон радиоси учун 5 қаватли бино қуриб битказилди[5]. 1982 йилга келиб бадий эшиттиришлар тайёрлашга мўлжалланган 3 қаватли АСК (аппаратно-студия комплекс) деб аталувчи қўшимча бино ишга туширилди. Бу бинода катта бадий жамоаларни ёзиш учун саҳни 545 кв. м бўлган катта концерт студияси, саҳни 287 кв. м бўлган ўрта ҳажмдаги студиялар (кичик концерт ва камер), драматик эшиттиришлар ҳамда ҳар хил турдаги радио спектаклларни ёзиб олишга мўлжалланган 2 та БДБ (бадий-драматик блок) деб аталувчи студия мавжуд бўлиб, у ҳажми жиҳатидан Собик Иттифокда Москва ва Ленинграддан кейин 3-ўринда турар эди. Ушбу бино ўз даврида Чехословакия ва Венгрияда ишлаб чиқарилган замонавий техника билан жиҳозланган бўлиб, тез вақтда эшиттиришлар ҳажмини 62 соатга етказиш имконини берди[6]. Тошкент радиоси ташкил топган дастлабки йилларда радиостанция таркибига атиги иккитагина студияли радиомарказ, иккита трансляция узели, иккита аппаратхона ва иккита оркестр кирган[7]. Шу йилларда Тошкентда учта радиокарнай бўлиб, бу карнайлар қоғоздан ясалганди. Буларнинг бири Мехнат саройига, иккинчиси Революция хиёбонига ва учинчиси Ўрдага ўрнатилган эди[8]. Чунки республикада радиолаштириш жараёнини унинг моддий-техник базаси билан биргаликда ривожлантириб боришнинг имкони бўлмаган.

Радиолаштириш жараёнининг дастлабки йилларида узатиш линиялари ва электр симлари ҳали тўлиқ техник талабларга жавоб берадиган ҳолатга келмаганди. Шу сабабли Тошкент радиостанциясида эфир вақтида ҳам муаммолар келиб чиқиб турган[9]. 1928 йилларда ҳам радиолаштиришнинг бошланғич ҳолатида бўлган республика радиосининг техник ускуналарга ва унинг соzлигини текшириш кабиларга бўлган талабларини Москва ва Ленинград шаҳарлари билан тузилган шартнома асосида амалга оширади. Жумладан, 1927 йил 9 февралдаги[10] Почта ва Телеграф Халқ комиссарлигининг Слабий Ток заводи билан келишувига биноан (1927 йил 3 март)[11] келтирилган радио ускуналар ёрдамида радионинг техник ҳолатини яхшилаб турилган. Дастлабки даврда радиостанциядан узатиш симлари техник хавфсизликларга жавоб бермас эди. Симлар баъзи жойларда дарахтларга осилган, яна бошқа бир жойда чириган арқонлар билан тортиб қўйилган ҳолатда эди. Бундай ҳолатни республиканинг кўплаб ҳудудларида кўриш мумкин эди[12]. Жуда катта ҳудудга эга бўлган мамлакатнинг барча ҳудудларида ҳам радиолаштириш жараёни осон кечмаганлигини шу фактнинг ўзиёқ кўрсатиб турибди. Бу бўйича ҳукумат томонидан тегишли чоралар кўрилган. Хусусан, 1927 йил 2 июлда И.С. 6. 120 қисмдан иборат батарея қурилмаси ўрнатилди[13]. 1940 йилга келиб ҳам Ўзбекистон радио комитети техник ускуналар ва аппаратлар билан яхши таъмин қилинмаганди[14]. 1941 йилгача товуш икки усулда - фотоэлектрик ҳамда механик усулда ёзиб олинган[15]. Буларнинг биринчисида киноплёнка, иккинчисида эса граммофон пластинкалари ишлатиларди. Радиода магнит плёнкасига ёзувлар тушириш дастлаб 1946 йилда бошланган. Унгача “Шоринафон” деган аппарат ишлатилди. У пайтда фақат кичик-кичик асарлар ёзилган. Москва радиоси республикага овоз ёзувчи бригадаларни юбориб турарди. Биринчи марта бригада 1949 йилда Тошкентга келган[16]. 1948 йилга келиб магнитофон орқали овоз ёзиш йўлга қўйилди. Бу аппарат олдингиларига қараганда анча қулай ва товуш ёзиш сифати ҳам анча сифатли эди[17]. Магнитофондан фойдаланишнинг ўзиёқ радиоэшиттириш ишларида анча силжишларга эришишга туртки бўлди. Эндиликда мухбирлар дастурлар учун материалларни пахта далаларида, завод ва фабрика ишхоналарида туриб ёзиб олиш имкониятига эга бўлдилар.

1950 йил 11 февралда ЎзССР Вазирлар Кенгашининг “Ўзбекистонда радио ишларини яхшилаш” тўғрисидаги қарорида республика радиосининг моддий –техник жиҳатдан аниқ натижага эришмаётганлиги сабабларини кўрсатиб беради. Ушбу ҳолат сабаби радиолаштириш жарёнида унинг моддий имкониятлари ҳисобга олинмаганлигини, яъни сифатдан соннинг ортиқлиги, бунинг устига замон талабига жавоб бермайдиган, анча эски ва кучсиз ускуналардан ҳалигача фойдаланишда давом этаётганлиги, мўтадил электр таъминоти билан

таъминланмаганлигида еди. Алоқа вазирлигига қарашли энг яхши тамирланган радиоузелларда ҳам биргина 1949 йилнинг 11 оyi ичида 12098 соат қотиб қолишлар бўлган. 450 та линияга, 8517 радионуктага шикаст етган. Бундай техник муаммолар вилоят радиоларида ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, 1950-йилларнинг охирида Фарғона вилоятининг кўплаб туман ва колхоз марказлари мавжуд бўлиб уларга симлар орқали узатиладиган радиоприёмниклар ўрнатилган эди. Жумладан, радионукталар нисбатан кўпроқ бўлган Боғдод, Кува, Куйбишев, Тошлоқ туманларида радиоприёмниклар мунтазам ишлаб турган. Аммо ҳали радиоэшиттиришларда техник носозликлар туфайли камчиликлар мавжуд бўлган. Жумладан, Ёзёвон тумани Мичурин номидаги колхоздаги аҳоли уйларига симлар орқали радиоприёмниклар ўрнатилган бўлишига қарамасдан, улар яхши ишламас эди. Бу ҳолат Олтиариқ туманидаги Ленин совхозидан ҳам учрайди. Ленинград туманидаги Ҳамза Ҳакимзода номидаги совхозда эса тўхтаб-тўхтаб ишлаган [18]. Бундай ҳолат республиканинг бошқа вилоятларида ҳам учраб турган. Хусусан, Андижон вилоятида 1950 йиллар охирида ҳам радиоэшиттиришларнинг яхши ишлаши учун шароит яратилмаган бўлиб, кўпгина радиоузеллар яроқсиз бинога жойлаштирилган. Сирдарё вилоятида эса фақатгина район марказларидаги 5 та колхоз ва 1 та совхозда радиоэшиттиришларни тинглаш мумкин еди. Модомики бу пайтда вилоятда 15 та колхоз ва 2 та совхоз мавжуд бўлиб, уларнинг кўплари радиолаштирилмаган. Чунки радио симлари хатто вилоятда аҳоли яшайдиган барча пунктларга етиб бормаган. Бу йилларда Қорақалпағистон АССР ва Хоразм вилояти район радиоузеллари бундан ҳам ёмон шароитда ишлади. Жумладан, Янгиариқ районида радиоузелларнинг ускуналари энг оддий талабларга ҳам жавоб бермаслиги сабабли аппаратлар тез-тез бузилиб турарди. Бундай ҳолатлар оқибатида радиоэшиттиришлар баъзан бир неча кунлар тўхтаб қоларди [19]. Бунга сабаб радиостанция тармоқларининг етарли даражада техник жиҳозлар билан таъминланмаганлиги ва эски ҳар хил турдаги аппаратлардан фойдаланишда давом этилаётганлиги ҳамда мўътадил электр таъминоти билан таъмин этилмаётганлигида эди. Шу сабабдан радиомарказларга аҳоли томонидан тез-тез шикоят хатлари келиб турган [20]. Ушбу ҳолатга биргина сабаб республикани радиолаштириш жараёни бўйича бошдан ишлаб чиқилган аниқ бир дастурнинг йўқлиги, бажарилаётган техник ишлар устидан назорат ўрнатилмаганлигида эди. 1958 йилдан Радиоэшиттириш комитетнинг моддий-техника базасини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқариш ва техника бошқармаси ташкил этилди. Радиоэшиттиришларнинг ҳажми аста-секин ўсиб бориб, 1959 йилга келиб иккита дастур орқали эфирга узатиладиган радиоэшиттиришларнинг ҳажми 12 соатни ташкил этди. 1960 йилгача республикада ўтказиладиган анжуманлар, содир бўлган воқеа-хадисалар ҳақида радиорепортажлар

аввал тасмага ёзиб олиниб, сўнгра ушбу ёзувлар асосида тайёрланган эшиттиришлар эфирга узатилган. 1960 йилда Ўзбекистон радиоси футбол репортажини биринчи маротаба бевосита стадионнинг ўзидан олиб эшиттирди, 1961 йилда эса давлат аҳамиятига эга бўлган меҳмонларни кутиб олиниши ҳақидаги репортаж бевосита Тошкент аэропортидан олиб эшиттирилди (трансляция қилинди). Бу – шаҳарда ва республикада бўладиган анжуманлар, воқеа-хадисалар, байрамларни бевосита радиоэфирга улашдаги илк қадамлар эди. Ушбу даврда Ўзбекистон радиосида стерео магнитофонлар, стерео микрофонлар йўқ эди. Муҳандис, техник ходимлар, шахсан овоз ёзиш режиссори Наби Ҳасановнинг саъй-ҳаракатлари билан моно турдаги магнитофон стерео турдаги ёзувларни ёзишга мослаб қайта жиҳозланди. Барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, монотурдаги микрофонлар ёрдамида 1962 йил Ўзбекистон радиосида 1-маротаба стерео турдаги мусиқий асарлар овоз ёзиш режиссори Наби Ҳасанов иштирокида ёзилди. Республика радиосида стерео турдаги ёзувларга асос солинди. Бу бинода 17 та студия ва аппаратхоналар, монтажхоналар мавжуд бўлиб, улар ўша давр учун энг замонавий ҳисобланган техника билан жиҳозланди. 1970-йилларда бадий ёзувлар ёзиш учун учта аппаратхонани стерео ускуналар билан жиҳозлаш ишлари бошланиб, 1972 йилдан стерео турдаги бадий ёзувлар ёзиш кенг йўлга қўйилди. 1975 йил бошидан бошлаб эшиттиришларнинг 2 соати стерео турда берилди. Бу республика радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйининг эфирга узатаётган илк бора стерео эшиттиришлари эди. Бу дастурларнинг очилиши билан бир қаторда маҳаллий эшиттиришлар 1975 йил 24 соатни ва 1977 йил 41 соатни ташкил қилди. 1978 йил Тошкент радио уйига Республика радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйи мақоми берилди [21]. Республикани радиолаштириш учун барча вилоят округлари Радио комитетга маблағ ажратган. Жумладан, Андижон Оқрижроқўми – 5260 рубль ва Тошкент Оқрижроқўми – 600 рубль топширган. Радиолаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар борасида юзага келган вазият мураккаблашиб борган, 1928-1929 бюджет йилининг биринчи ярми якунига етаётган бўлсада, савдо ташкилотларига радиоаппаратуралар буюртмаси учун имкониятлари етарли бўлмаган [22]. Хуллас 1927-1928 йилларда радиостанциянинг моддий ҳолати яхши бўлмаган. Радиокомитет раҳбари Кокшаров 1928 йил 31 мартда Халқ Комиссарлари совети Файзулла Хўжаевга радиостанция иқтисодий жиҳатдан қийин вазиятда эканлиги тўғрисида ахборот берган [23]. Шу сабабдан радиолаштириш ишларини ривожлантириш учун республикадаги фаолият олиб бораётган ишчилар ҳам ўзлари кўнгилли тарзда моддий кўмак бериб турган. Жумладан, 1927 йил март ойида “Ўртоқ” номи тамаки фабрикасини юблейини нишонлаш учун ишчилар томонидан йиғилган 300 рубль пулни ишчиларнинг ўзлари радиоприёмниклар ва радиокарнай сотиб олиш учун

беради. Прёмник ва карнай сотиб олинб ўрнатиш учун мантёрга бериледи. Аммо бу ускуналарни ўрнатиш учун яшик сотиб олишга 300 рубль пул етмаганлиги сабабли май ойида ҳам амалга оширилмайди[24]. Чунки ўрнатиш яшикларини сотиб олиш учун ҳам яна маблағ керак эди. Умуман олганда, республика радиосининг моддий-техник базаси аста-секинлик билан бойиб такомиллашиб борди. Чунки бу давр тақозоси бўлиб, республикада радиоэшиттиришларни йўлга қўйиш совет ҳукумати раҳбарлари таъбири билан айтганда зудлик билан амалга оширилиши зарур бўлган жараён эди. Лекин республиканинг иктисодий ҳолати ушбу жараённи тўла-тўқис равишда амалга ошириш имкониятига ега бўлмаган. Аммо республикани радиолаштириш ишлари у вужудга келгандан (1927й) буён ҳеч бир даврда тўхтаб қолмади ва шуни кўриш мумкинки, 1980 йиллар ўрталаридан республика радиоси ҳар жиҳатдан юксалди. 1991 йил Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, республикада бошқа

оммавий ахборот воситалари сингари айниқса радиого бўлган эътибор ҳам давлат миқёсида, ҳам аҳоли орасида ортиб борди. Бу эса ўз навбатида радионинг моддий-техник ҳолатини янада яхшиланиши учун замин яратди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда радиолаштириш жараёни ўзига хос тарихга эга. Энг муҳими, республиканинг радиолаштирилиши аҳолининг ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим воқелик бўлди. Хусусан, аҳолига ахборот етказиш, бўлиб ўтаётган жараёнлар тўғрисида маълумот бериш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, онгу тафаккурини бойитиш, мақсадли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, халқнинг муайян тадбирларга сафарбар қилиш, миллатимиз турмуш-тарзидаги анъаналарни бойитиш, турли истеъодларни юзага чиқаришда ўша даврда оммавий ахборот воситаларининг энг таъсирлиси бўлган радионинг ўрни катта бўлган.

АДАБИЁТЛАР

1. ЎзР Р. МДА, Р.736-фонд, 5-рўйхат, 611-иш, 35-варақ
2. Жабборов Ж. Миллионлар минбари// Гулистон–1977. № 5–Б.4.
3. ЎзР Р.МДА, Р.837-фонд, 33-рўйхат, 6874-иш, 3-варақ
4. Есин. А. Радио и телевидение Узбекистана: дост, достижения, проблемы. Т.: Узбекистан, 1975.– Б.3.
5. Махамметов М. Атамуратова Ш. Телевидение ва радиорежиссуараси. –Т.: Нисо полиграф, 2017 –Б.9.н
6. Махамметов М. Атамуратова Ш. Телевидение ва радиорежиссуараси. –Т.: Нисо полиграф, 2017 –Б.10.
7. ЎзР МДА, 837-фонд, 5-рўйхат, 253-иш, 15-варақ
8. Раҳмонов. Р. Ўзбекистон-халқ аудиторияси–Т.: Ўзбекистон, 1977– Б.7.
9. ЎзР МДА, 1822-фонд, 1-рўйхат, 99-иш, 22-варақ
10. ЎзР МДА, 837-фонд, 5-рўйхат, 253-иш, 16-варақ
11. ЎзР МДА, 1822-фонд, 1-рўйхат, 104-иш, 12-варақ
12. Правда востока // Радио-рабочим // 1927.7 апрел. (№1974)
13. ЎзР МДА, 1822-фонд, 1-рўйхат, 104-иш, 23,32-варақ
14. ЎзР МДА, 2356-фонд, 1-рўйхат, 101-иш, 1-варақ
15. Шоумаров Ҳ. Радио уйида суҳбат // Фан ва турмуш. – 1969. - №5. – Б.4.
16. Обидова З. Радиого бахшида умр // Ўзбекистон матбуоти. – 1996. - №2. – Б. 14-15.
17. Шоумаров Ҳ. Радио уйида суҳбат // Фан ва турмуш. – 1969. - №5. – Б.4.
18. ЎзР Фарғона вилояти Давлат Архиви. 125-фонд, 1-рўйхат, 336-иш, 202- варақ
19. Волков В. Уч марта ўн минутдан // Ўзбекистон матбуоти. – 1996. -№4. – Б. 39-40.
20. ЎзР Фарғона вилояти Давлат Архиви. 125-фонд, 1-рўйхат, 336-иш, 202- варақ
21. Махамметов М. Атамуратова Ш. Телевидение ва радиорежиссуараси. –Т.: Нисо полиграф, 2017 –Б.10.
22. ЎзР МДА, 837-фонд, 6-рўйхат, 182 - иш, 9-варақ.
23. ЎзР МДА, 1822-фонд, 1-рўйхат, 111-иш, 48-варақ
24. Правда востока // Из-за ящика // 1927.7 апрел. (№1974)



Гарим МАЧИН,

кандидат исторических наук, доцент исторического факультета НУУз.

E-mail. G.V.Machin1942@mail.ru

N.A. MUKHITDINOV AND N.S. XRUSHEV: THE EVOLUTION OF MUTUAL RELATIONS (SKETCHES TO THE POLITICAL IMAGE)

Abstract

2. Айрим ҳудудлар ҳали ҳам аниқ топографик карталарга киритилмагани учун уларни рўйхатга олиш;
3. Барча ҳисобот маълумотларини жамлаб, ягона архив базаси яратиш;
4. Ўзбекистон ССР ва Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларнинг катта масштабли карталари мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, уларнинг 1:200000 масштабдаги карталарини тузиш;
5. Юқоридаги ишларни амалга ошириш учун малакали кадрларнинг етишмаслигини ҳисобга олиб, картография курсларида шу соҳада ишловчи мутахассисларни қайта тайёрлаш [4].

Конференция якунида қабул қилинган қарорга кўра, Марказдан Ўрта Осиё республикаларида картография соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш учун мутахассис олимлар сўралади. 1925 йил 21 октябрда Москва ва Ленинграддан 28 кишилиқ картограф олимлар Ўрта Осиё республикаларига ёрдамга келадилар [4]. Бу ҳаракатларнинг натижаси ўларок, 1926 йилда Ўзбекистон ССР, Тожикистон АССР, Туркменистон ССР ҳудудининг барча текислик, автомобиль ва темир йўлларини ўзида мужассам этган тўрт фаслдаги ҳолати акс этган карта 1:5 000 000 масштабда 2000 нусхада чоп этилган.

Ўрта Осиё республикаларида картографик тадқиқотларнинг ортда қолишига яна бир сабаб – бу етарли даражада геодезик-картографик қурилмалар билан таъминланмагани ёки икки, учта республикага битта қурилманинг берилиши уларнинг навбат кутишига ва тадқиқотларнинг ортда қолишига сабаб бўларди. Хусусан, Тожикистон АССР давлат ер қўмитаси раиси Анваров 1926 йил 25 мартда айни дамда Ўзбекистон ССР да ишлатилаётган геодезик асбобларни Бидал даштида фойдаланиш учун Ўзбекистон ССР ҳукуматидан сўрайди [5]. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети Давлат ер қўмитаси раиси Джурабаев айни дамда бу асбоблар Зарафшон вилоятида ишлатилаётгани ва октябрга қадар жўната олмаслиги ҳақида жавоб ёзган [5]. Джурабаев ўз ҳисоботида 1926 йил 18 октябрда Тожикистон АССР ҳукумати вакили Самуйлога 28 турдаги геодезик асбобларни берилгани тез орада яна 5 турдаги асбобларни жўнатилиши ҳақида қайдларни келтиради [5]. Бундай шароитда кутиш учун кетган давр мобайнида айрим геодезик-картографик белгилар кейинги асбоб етиб келгунча ўз ҳолатида сақлаб қолина олмаган ҳолатлар ҳам учрайди: “Ўрта Осиё сув ресурслари бошқармаси бошлиғи Дунаев ўзининг 1927 йил 16 апрелдаги ҳисоботида “Савой” магистраль каналли трассасидаги геодезик белгиларга аҳоли зарар бергани, 1922 йилдаги “РСФСР ҳудудидаги барча

геодезик белгиларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қарорга мувофиқ Ўзбекистон ССР ҳудудидаги барча геодезик белги, сигналларни қайта кўриб чиқиш ва зарур ҳолларда таъмирлаш тўғрисида қарор чиқарган” [6].

1927 йил 10 декабрда Ўзбекистон ССР ва Қирғизистон АССР ўртасида сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича муаммо келиб чиқаётгани ҳақида Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши (СредазЭКОСО)га маълумот келиб тушган. Шунда Крутиков ва Белков гидрографик чизмаларининг эскилигини инobatга олган ҳолда, янги чизмалар тайёр бўлгунга қадар йилнинг 15 апрелидан 1 июлга қадар сув ресурсларини ўтказиши ҳақида Қирғизистон АССР ҳукуматига жавоб йўлланган [6]. Бу муаммоларни бартараф этиш учун 1927 йилдан ер юзасида топографик съёмка билан бирга аэросъёмкалардан фойдаланиш бошланди.

Р.И. Аболин томонидан 1929 йилда тузилган Қозоғистоннинг жанубий қисмига тегишли ўрта масштабдаги тупрок-геоботаник карта ҳам ўзининг мазмуни ва сифати жиҳатидан ландшафт карталаридан қолишмайди. Йирик ва ўрта масштабдаги ландшафт карталарини яратиш жараёнида каттами-кичикми табиий географик комплекслар мавжуд эканлиги ва уларни ҳосил қилувчи компонентлари ҳақиқатдан ҳам бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва ўзаро алоқадор эканлиги маълум бўлди. Ўрта Осиё минтақасида олиб борилган табиатни ўрганиш бўйича тадқиқотлар мавзули карталарни яратиш билан бирга олиб борилди [7]. Фақатгина 1930 йиллардан кейингина Ўзбекистон ҳудудида ландшафтларни карталаштириш ишлари амалга оширила бошланди. Жумладан, 30-йилларга келиб, Б.Б. Полинов, И.В. Ларин, А.Д. Гожев ва бошқаларнинг айрим-айрим ҳудудларда олиб борган ландшафт изланишлари натижасида бир қатор аниқ ландшафт карталари тузилди. СССР ҳарбий кенгашининг 1931 йил 16 августдаги №137 сонли қарори билан давлат ҳудудида топографик, геодезик, аэро-фото-топографик, гидрографик ва гидрологик ишлар олиб бориш орқали стратегик карталар тузилган [8]. 1931 йил 22 октябрда Ўрта Осиёдаги барча топографик ва геодезик ишлар билан шуғулланувчи корхона ва муассасаларга ўз ҳудудларидаги объектларда олиб борган топографик-геодезик ишларини суратлари билан тайёрлашлари ва 1932 йил 1 январдан қолган объектлардаги ишларни ҳам тугаллаб, Ўрта Осиё геодезия бошқармасига жўнатишлари ҳақида қарор келган [9].

1932 йил профессор И.Г. Александрова томонидан Ўрта Осиёни электрлаштириш схемаси картаси ишлаб чиқилган бўлиб, бу карта 1:1 000 000 масштабда тузилган. Унда Ўрта Осиёда қуриладиган ИЭС, ГЭС ва лойихалаштирилаётган темир йўллар чизмаси ҳам киритилган [10]. Бундан ташқари шу йили В. Филиппова муҳаррирлигида Ўрта Осиё республикалари дарё ҳавзалари ва суғориш тизимлари белгиланган 2 турдаги карталари Илинка картографик фабрикасида нашрдан чиққан [10]. Натижада, Ўрта Осиё республикаларида сув

ресурсларидан фойдаланиш бўйича вужудга келаётган муаммолар бир қадар тартибга солинишига имкон яралган.

1932 йил СССР Давлат режалаштириш қўмитаси буйруғи билан шу йилнинг 15 ноябригача Ўрта Осиё республикаларида астрономо-геодезик, аэро-фото, топографик, картографик ва гравиметрик ишлар олиб бориш орқали бу ердаги қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариши, электрлаштириш, транспорт тизими, ўрмон ва сув хўжалиги тизимидаги фойдасиз харажатларни аниқлаш вазифаси юклатилади [8]. Шу йили 1928 йилдан буён ҳар бир Иттифоқдош республикалар учун топографик, геодезик, аэро-фотографик, гравиметрик ва картографик ишлар учун зарурий техника, транспорт ва зарурий материаллар харажатлари, ишчиларга махсус билим олишлари учун университетларда махсус курсларда таълим бериш ва ойлиқлар ҳисоботи жамланган [8].

1932 йил 14 майда Қишлоқ хўжалиги Халқ комиссари Исхаков буйруғи билан Ўзбекистондаги барча ҳудудларда геодезик белгилар қайта кўриб чиқилиб, зарарланганлари таъмирланиб ҳимоя чоралари кўрилган [11]. Шу бўйича карталарда қишлоқ жойларда мактаб, касалхона, машина-трактор станциялари ва бошқа манзилгоҳларга керакли геодезик белгилар қўйиб чиқилган. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советига йилда бир маротаба бу белгиларни текшириш вазифаси юкланган. 1932 йил 15 июлда бу текширув бўйича Закиров раислигида қишлоқ хўжалиги ресурсларини ҳисобга олиш комиссияси ташкил этилиб, Ўзбекистон ССРдаги барча объектлар ва ресурсларни қайта рўйхатга олишга киришган [11]. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Файзулла Хўжаевга юқоридаги комиссия раиси Закиров томонидан республика ҳудудидаги совхоз, колхоз, шахсий хўжалик, аҳоли яшаш пунктлари, ўрмон, саноат, транспорт, экин майдонлари (пахта, гуруч, беда, ғалла, тамаки ва бошқалар) ни шифровка қилиш учун 7000000 рубль маблағ зарурлиги ҳақида маълумот берилади [11].

1932 йилда СССР давлат геодезия бошқармаси ва Ҳукумат аэрофотосъёмка ташкилоти тасарруфида Ўрта Осиё ҳудудини аэрофотосъёмка қилиш ва хўжалик карталарини дешифровка материаллари билан бойитиш вазифаси юкланган янги ташкилот – Ўрта Осиё Аэрогеодезик трести тузилди [12, 29-варақ].

1933 йил 15 апрелда Ўрта Осиё аэрофотосъёмка отряди раҳбари Таманов 1 майга қадар ўз отрядига қулай самолёт ва замонавий фотоаппарат ва камералар сўрайди [12, 7-варақ]. 1933 йилда Ўрта Осиё Иқтисодий қўмитаси раиси Паскуцкий Аэрогеотрестга Ўрта Осиёда геодезик ва картографик ишлар олиб бориш учун 200000 рубль ажратилгани, айти дамда бу иш билан Ўрта Осиёда Аэрогеотрест ва Ҳарбий топографик бўлимдан ташқари 30 га яқин ташкилот бу иш билан шуғулланаётгани ва ажратилган маблағ сарф-харажатларга етмаслиги билдирилган [12]. Бундан кўриш мумкинки, 1932 йилда олиб борилган ҳисоб-

китобга кўра, Ўрта Осиё республикалари геодезик ва картографик ишлар олиб бориш учун Марказ томонидан етарли маблағ ва техникалар билан таъминланмаган.

Республикамизда картография соҳасини ривожлантиришда ва турли хил мазмундаги карталар чоп этиб, мамлакат жамоатчилигини карталар билан таъминлашда Тошкент картография фабрикасининг (дастлаб бу корхона шундай деб юритилар эди) аҳамияти катта. 1934 йили Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ягона бўлган Тошкент картография фабрикаси (ҳозирги «Картография» илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси) ташкил этилди. Унга давлат муассасалари ва жамоат ташкилотларини мавзули, сиёсий-маъмурий ва маълумотнома хариталари билан, шунингдек, умумтаълим муассасаларини ўқув харита ва атласлар билан таъминлашдек кўплаб вазифалар юклатилди. Кўп ўтмай суғориладиган худудларнинг 1:10 000

масштабли қишлоқ хўжалик хариталари ва Ўзбекистоннинг 1:500 000 масштабдаги маъмурий харитаси ва Ўрта Осиё халқларининг миллий тилларида ўқув хариталари тузилиб, нашр этилди [13]. Картография фабрикада фақат географик карталар эмас, балки тарих карталари ҳам тузилиб чоп этилган.

ХУЛОСА. XX аср бошидан картографик тадқиқотлар ҳам янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистоннинг ички қисмлари XX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврда ҳали комплекс жиҳатдан тўлиқ ўрганилмаганлиги, табиат компонентлари табиий географик қонуниятлар асосида бир бутунликни ташкил қилиши ҳамда улар доимо ўзаро алоқада эканлиги тўғрисидаги типологик қарашларнинг шаклланмаганлиги сабабли мукамал ҳолатда карталаштиришнинг илмий жиҳатдан иложи бўлмади.

АДАБИЁТЛАР

1. Муртазаева Р.Х., Эшов Б., Саидбобоев З. Тарих атласларини яратилиш тарихи масаласига доир // Ўзбекистон миллий атласини яратишнинг илмий-услубий асослари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2009.
2. Мирзалиев Т., Сафаров Э.Ю., Эгамбердиев А., Қорабобоев Ж.С. Карташунослик. – Т., 2012.
3. ЎзР МДА Р-17-фонд, 1-рўйхат, 535-иш.
4. ЎзР МДА Р-94-фонд, 1-рўйхат, 249-иш.
5. ЎзР МДА Р-837-фонд, 2-рўйхат, 425-иш.
6. ЎзР МДА Р-837-фонд, 5-рўйхат, 386-иш.
7. Хамидов А. Ўзбекистонда картографик тадқиқотларнинг ривожланишининг илмий асослари // Ўзбекистон миллий атласини яратишнинг илмий-услубий асослари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2009.
8. ЎзР МДА Р-10-фонд, 1-рўйхат, 95-иш.
9. ЎзР МДА Р-9-фонд, 1-рўйхат, 407-иш.
10. ЎзР МДА Р-10-фонд, 1-рўйхат, 1151-иш.
11. ЎзР МДА Р-837-фонд, 10-рўйхат, 431-иш.
12. ЎзР МДА Р-9-фонд, 1-рўйхат, 1205-иш.
13. Эгамбердиев А., Увраимов С. Атласлар – картографик энциклопедиялар. – Т., 2017.



Нурулло ТУРСУНОВ,

Термиз Давлат университети докторанти, т.ф.н., доцент

THE ROLE OF SHEEP IN THE DEVELOPMENT OF CATTLE BREEDING IN THE SURKHAN OASIS

Abstract

This article deals with Lithuanians who are rich in various fodder, located in the mountainous and foothill areas of the Surkhan oasis, where there are ample opportunities for animal husbandry. There are a lot of historical literature and sources, where we are talking about the emergence of breeding and its types and the development of animal husbandry in the oasis, about providing this industry with labor, which plays an important role. It is also said that the development of sheep breeding, breeding tribal sheep, providing the population with livestock products, meeting the demand for agricultural products that, on the basis of handicraft, contribute to the development of processing livestock products. The article pays special attention to the scientific analysis of sheep breeding in economic life, its role in the life of the population, based on local conditions, great importance is attached to their cultivation, the creation of favorable conditions for obtaining breeding cattle and sheep. It should be noted that livestock products play an important role in the daily life of the population of the Surkhan oasis. Preparation, production, processing has its own ancient history, about which the population of the oasis has accumulated a great historical experience. Despite the simplicity, the preparation of products and their processing in the article highlights the issues of assimilation by the human body of food, taking into account the climate, preservation of health, accumulation of forces by the body, which are separately highlighted in the work. The author of the article widely covers the development of sheep breeding in the Surkhan valley, at the end of XIX century and the beginning of the XX century. In his article, a special place is given to the role and place of osseous farming in the economic activity of rape. The author in his article dwelled on favorable natural conditions, pastures available in the studied regions. Also in the article is well illuminated totems and cults, connected sheep.

Key words: *oasis, terrain, pasture, steppe, mountains river, people, rape, shepherd, live stock, sheep, economy, see sons, material culture.*

РОЛЬ ОВЦЕВОДСТВА В РАЗВИТИЕ СКОТОВОДЧЕСКОГО ХОЗЯЙСТВА В СУРХАНСКОМ ОАЗИСЕ

Аннотация

В данной статье говорится о богатых различными кормами литовках, расположенных в горных и предгорных территориях Сурханского оазиса, где имеются широкие возможности для занятия скотоводством. Приводятся множество исторических литератур и источников, где речь идёт о возникновении племенноговодства и его видах и развитие скотоводства в оазисе, об обеспечении этой отрасли рабочей силой, играющей важную роль. Также говорится о том, что развитие овцеводства, выращивание племенных овец, обеспечение населения животноводческой продукцией, удовлетворение потребности в сельскохозяйственных продуктах, которые на основе ремесленничества способствуют развитию переработки скотоводческой продукции. В статье особое внимание уделяется научному анализу овцеводства в хозяйственной жизни, его роли в жизни населения, исходя из местных условий придаётся большое значение их выращиванию, созданию благоприятных условий для получения племенной породы крупнорогатого скота и овец. Надо отметить, что продукты животноводства играют важную роль в повседневной жизни населения Сурханского оазиса. Подготовка, производство, переработка имеет свою древнюю историю, о котором население оазиса накопил большой исторический опыт. Несмотря на простоту, подготовки продукции и их переработки в статье освещены вопросы усвоения организмом человека продуктов питания, с учётом климата, сохранения здоровья, накоплению сил организмом, которые отдельно освещены в работе. Автор статьи широко освещает развитие овцеводства в долине Сурхан, в конце XIX века и начале XX века. В статье особое место овцеводства в хозяйственной деятельности населения. Автор в данной статье остановился о благоприятных природных условиях, пастбищах, имеющихся в изучаемом регионе. Также в статье хорошо освещена тотемы и культуры, связанные овцам.

Ключевые слова: *оазис, местность, пастбище, степь, горы, река, народ, населения, пастух, животноводства, овец, хозяйства, времена года, материальная культура.*

СУРХОН ВОҲАСИДА ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ҚЎЙЧИЛИКНИНГ ЎРНИ

Аннотация

Ушбу мақолада Сурхон воҳасида чорвачилик билан шугулланиш учун кенг яйловлар, турли озуқага бой тоғ ва тоғолди ҳудудларнинг борлиги тўғрисидаги кенг имкониятлар очиб берилган. Воҳада чорвачилик ривожини, насл ва турларнинг пайдо бўлиши ҳақида қўлаб тарихий адабиётлар, манбалар маълумот беради, чорвачилик деҳқончилик ривожини, уни ишчи кучи билан таъминлашда энг муҳим вазифани ўтагани таъкидланади. Айниқса, қўйчиликнинг ривожланиши, наслдор қўй зотларини этиштириш туфайли аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига талаб-эҳтиёжларини таъминлаш, чорва маҳсулотларини ҳунармандчилик асосида қайта ишлашни тараққий эттиришига имконият яратди. Воҳада қўйчиликнинг хўжалик ҳаётидаги ўрни, уларни қўпайтириш, насл олиш билан боғлиқ ҳолатлар муҳим аҳамиятга эга, шароитидан келиб чиққан ҳолда мазкур соҳага эътибор берилганлиги илмий таҳлил этилган. Шунингдек, Сурхон воҳаси аҳолисининг кундалик турмушида чорвачилик маҳсулотларининг ўрни катта эди. Чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулоти сифатида фойдаланиш қадимий тарихга эга, воҳа аҳолиси ушбу соҳада катта тажриба тўплаган. Чорвачилик маҳсулотларини тайёрлашда қайта ишлаш технологияси оддий, соддалигига қарамай, аҳоли иқлим, минтақа ҳолатига, маҳсулотнинг одам организмига ҳазм бўлиши, соғлиқни сақлаш, танага куч-қувват беришига алоҳида эътибор қаратилганлиги ёритиб берилган. Мақолада Сурхон воҳаси аҳолисининг хўжалик фаолиятида чорвачиликнинг ривожланишида қўйчиликнинг ўрни ҳақида фикр юритилади. Воҳада табиий шароитнинг қулайлиги, кенг яйловларнинг мавжудлиги ва халқимизнинг қўй култи билан боғлиқ эътиқод ва қарашлари баён этилган.

Калит сўзлар: воҳа, ҳудуд, яйлов, дашт, тоғ, дарё, халқ, аҳоли, чўпон, чорвачилик, қўй, хўжалик, фасл, моддий маданият.

Сурхон воҳаси аҳолиси хўжалик фаолиятининг муҳим тармоқларидан бири – бу чорвачилик эди. Аҳолининг турмушида чорвачиликнинг ўз ўрни бўлган. Истеъмол учун керак бўлган гўшт, сут, тухум, ёғ каби маҳсулотлар шу чорвачилик соҳаси орқали етказиб турилган. Деҳқончиликка ўхшаш чорвачилик ҳам бу ҳудудда қадимдан мавжуд бўлган. Табиий шароитнинг муҳимлиги, қулайлиги, кенг яйловларнинг мавжудлиги чорвачилик ривожига кенг имкониятларни юзага келтирган.

Ўрганилаётган даврда, яъни XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида воҳа аҳолисини 2 гуруҳга: ўтроқлашган ва ярим ўтроқ аҳолига бўлиш мумкин. Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, ўрганилаётган даврда Бухоро амирлигида 1,7 миллион йирик шохли ҳайвонлар, 10 миллиондан ошиқ қўйлар, тоғли ҳудудларда 6,5 миллионга яқин эчкилар бўлган [1].

Шунингдек, ўша даврда Сурхон воҳасида чорва моллари XX аср бошларида Денов беклигида 5 минг туя, 80 минг от, 100 минг бош қорамол, 400 минг қўй, Шеробод беклигида 3 минг туя, 40 минг от, 70 минг бош қорамол, 100 минг қўй, Бойсун беклигида 1 минг туя, 25 минг от, 30 минг бош қорамол, 80 минг қўй шундан 66 % ни майда моллар, 20,1% ни йирик шохли моллар, қоракўл қўйлар эса бутун молларнинг 20,5% ни ташкил қилган [2].

Сурхон воҳасининг табиий-географик ва иқлим шароити аҳолининг хўжалик фаолияти ва турмуш тарзи шаклланишида муҳим омил бўлиб келган. XX аср бошларида ўз замонида анъанавий мазкур шароитга мослашган уч хил хўжалик мавжуд бўлган: воҳаларда яшовчи ўтроқ **деҳқончилик хўжалиги**, дашт ва ярим даштларда қисман кўчиб юрган аҳолининг **чорва хўжалиги**, воҳаларга яқин ва дарё қуйи оқимида жойлашган **чорва-деҳқончилик** хўжалиги. Хўжалик-маданий типларнинг чегараси этник ҳудудга тўғри келмайди. Аммо

тарихий жиҳатдан этник маданий бирлик узоқ давр ичида хўжаликка мос равишда шаклланиб келган [3].

Ҳудуд чорвачилик хўжалигини 4 та турга: яйловли, кўчманчи, ҳайдаладиган, доимий-ҳайдаладиган-яйловли [4] хўжаликларга бўлиш мумкин.

Чорвачилик асосан, бепоён дашт-яйлов ерларда: Ғузур-Бойсун чўлларида, Шеробод-Қизирик даштликларида, Боботоғ этакларида асосан ярим ўтроқ ўзбек аҳолиси бўлган қўнғирот, дўрмон, юз, жалоир, қарлук, турк ва бошқа уруғ-қабилалар ўртасида кенг ривожланган. Сурхон воҳасининг деярли барча дашт-чўл қисми ярим ўтроқ аҳоли измида бўлиб, уларнинг чорваси учун яйлов вазифасини ўтаган [5.]. Воҳа аҳолиси қўйнинг икки турини қўпайтиришган ва боқишган. Булар қоракўл ва думбали қўйлар [6]. Қоракўл қўйларини Работак араблари Таллашқон, Қизирик даштликларида асосан териси ва жуни учун боқишган [7]. Араб бойлари 5-6 сурувгача қўй-эчкиларга эга бўлишган ва ҳар сурувда 500-600 дан қўй бўлган. Қўйлар сурувини отар дейишади. Қўйларни отарларга бўлиб бокқанлар. Ҳар бир отарда 800-1500 гача қўйлар мавжуд бўлган [8].

Думбали қўйларнинг эса қозоқи, жайдари (қозоқи ва ҳисори қўй чатишмаси), ислиқи, ҳисори каби зотлари мавжуд. Бу қўйлар гўшти, ёғи бўлиши билан бошқа қўйлардан фарқ қилган. Жайдари ва қозоқи қўйларни Фарғона водийси, Тошкент воҳаси, Жиззах вилояти, юқори Зарафшон водийси, юқори Қашқадарё воҳаси (Китоб, Шаҳрисабз, Яққабоб, бекликларида) чўл ва тоғолди ҳудудида яшовчи ўзбекларнинг турк, қурама, жуз, қирқ, минг, қипчоқ, қанғли каби қавмларига мансуб аҳоли ҳам парвариш қилишган.

Ҳисор қўйларини Шарқий Бухоронинг Денов ва Бойсун бекликларида яшовчи қарлук, турк, лақай, қўнғирот, жалоир, барлос каби ўзбек қавмлари сақлашган. Чунки бу қўй зоти иқлимга мослашган бўлиб, Ҳисори қўйлар каби жайдари қўйлар ҳам

гўштдор ҳисобланган[9]. Шуниси қизиқки, Сурхон воҳасида бу қўй зотларининг барчаси ҳам боқилади.

Яйловларда воҳа иқлим шароитига мослашган қўй турлари боқилган. Масалан, воҳанинг Бойсун ва Кўхитанг тоғлари ҳудудларида асосан энг кўп ёғ ва гўшт қиладиган ҳисори қорақўйлар боқилиб, ёз ойларида тоғ зоналарига ҳайдалган. Бу қўйларнинг, яъни ҳисори қўйларнинг юнги дағал, қирик, йўғон бўлади. Думбаси лагансимон, тўши қирра, бели ва бўйни узун, боши катта ва тумшуги чўзинчоқ бўлади. Шохи йўқ. Ранги қора, кўк, кулранг ёки қандай бўлишидан қатъий назар, ушбу белгилари билан ажралиб турган[10].

Бойсун беклигининг чўл зоналарида ва Шеробод беклиги ҳудудларида қўйларнинг бошқа турлари ҳам боқилган бўлиб, бу қўйлар: ислики қорақўй (ҳисори қорақўйларга қараганда кичикроқ, жуни майинроқ бўлган, козоқи қўй ҳам деб аталган), ғалжаки (Афғонистон ҳудудидан ўтган), чибаланг (араби, қорақўл), кўрғўза (қозоқи ва чибалангдан урчиган) ва сартипаранг (Сартибой томонидан яратилган). Қўйлар тана ва думба тузилишига қараб ҳам турлича номланган. Масалан, капкирт думба, ойна думба, шалпи думба, қўйларга бу ном думба тузилишига қараб берилган номлардир. Агар капкирт думба тури яхшироқ боқилса, думбасининг оғирлиги 30-35 кг.гача етган[11].

Амударёнинг оқ деб аталган адирларида Оқгарди деб номланган туркман қўйлари ҳам боқилган. Бу қўйларнинг Сурхон-Шеробод воҳасига келиши XIX асрнинг 60 йилларидан Шеробод беклигининг Амударё қирғоқларига туркманларнинг келиб жойлаша бошлаган даврига тўғри келади. Бухороликлар камбағал ва нон излаб келган бу туркманларни “Нон талап” деб аташган[12].

Бугунги кунда Ҳисор тоғ тизмасининг Кўхитанг тоғ ва тоғолди адирликлари Бойсун тоғи ҳудудларида Ҳисори қўй зоти сақланиб қолинган. Айниқса, Бойсун туманининг Бойсун жамоа хўжалигида ҳисори қўйини кўпайтириш учун кўп йиллик тажрибаларини йиғиб, йилига бир марта насл олишга, яъни ҳисори қўйнинг наслини сақлаб қолишга, наслнинг бузилиб кетмаслигига интилишди.

Воҳа чорвачилигининг қўйчилик соҳасида тўл олиш масъулятли давр ҳисобланган. Бунда чўпонларимиз қўйларни қисқа вақтда урчитиш учун кўчқорларни сурувга қўшишган. Шунингдек, кўчқорни ҳар йили бошқа- бошқа отарлардан наслини яхшилаш учун олиб келинган ва куз ойининг бошланишида танлаб олинган зотдор кўчқор 1 октябрдан то 10 октябргача совлиқларга қўйилиб, тўл олиш март ойига мўлжалланган. Дашт зоналарида эса кўчқорлар август ойида қўйилиб ва декабр, январ ойларида тўл олишган. Кўчқор сурувнинг ичида бўлса, белига кўяк (кигиз, латта ёки чармдан бўлган махсус халта кўчқорнинг совлиқ билан бевақт қўшилишига имкон бермайдиган восита) тақиб қўйилган. Тўл олиб бўлгач, эркак

қўзилар орасидан кўчқорга қолдириладиганларини танлаб олишган[13].

Қўй туғиб кўзисини ўстиришга қолдирилса кўзили қўй, тери учун сўйилса сувой ёки бўйдок қўй дейилган [14].

Ота-бобаларимиз қўй-қўзиларни ёшига қараб: янги туғилганини барра, қўзи, эчкини эса улоқ, сутдан чиққан кўзини ширбоз, 4-5 ойлиги-“сараёқ кўзи”, ундан каттароғи-“чаба кўзи”, улоқни эса туга, 6-ойлик улоқ-тувча, эркак улоқ такача. Чўпонлар қўйларининг бир йиллигини – кўзи дейишган. Така – бир ёшли эркак эчки. Жилпин, жалпиллоқ – урғочи эчки. Тўхли – икки яшар қўй, уч яшари – шишак, тўрт яшари – чори, беш яшари – панжи, олтига чиққани – манги, етти йиллигини – чанг деб атаганлар[15]. Чибич эчки – туққан эчки. Пичилган такани - “сарка” дейишган[16].

Совлиқлар ичида бир ёшда бўлиб, туққан урғочи қўйни **түсоқ** деб аташган. Ундан кейинги ёшдаги барчаси **совлиқ** деб аталган. Туққан қўй, икки вақтда эмизилган. Биринчиси Чошгойи- мол азондан боқилиб, чошгоҳда олиб келинган. Иккинчиси шомлатиб келиш, бунда ҳам қўй соғилган, қўзилар эмизилган.

Қўй-эчкини соғиш учун қўзиларни ажратиш керак бўлган. Бунинг учун **қўра**- (қамиш, арча, заранг дарахтидан тўқиб тайёрланган, қўзиларни ичига солиб қўядиган айланма тўсиқ. Қиш фаслида кишлаш учун тўсиқнинг ички қисмида лойдан деворлар ясалган).

Тўла-ердан қазилган, усти чим билан ёпилган кўзи-улоқни олиш учун оғзи бўлган, нафас олиш учун тешик қўйилган хона. Унинг ичига кўзи-улоқни совуқ-иссиқдан сақлаш учун гўнг солишган. Бундай хоналар бир нечта бўлган.

Кўган-эчкининг қилидан (юнги) тайёрланган ип бўлиб, эшилиб тайёрланган аркон ҳар 20-30 см жойда кўзини боғлаш учун бурчак – кўганбов қилинади. Ҳар бир сурувда 2-3 кўган бўлади. Ҳар бир кўтонда 25-30 кўгантов бўлади ва кўзичоқлар шунга боғланади.

Кўтон-жануб томони қуёш тушиши учун қолдирилган, шимол томони ёпиқ ва ярим ёпиқ шаклда қурилган қўй суруви учун махсус жой. Қишда сурувлар махсус жойлар - “кўтон” ларда сақланган. Бу сурувни совуқ шамол, қор ва ёмғирдан ҳимоя қилган. Кўтоннинг ёнида ўтов ва пахсадан қилинган хона - “**қўшхона**” ҳамда нон ва овқат пиширадиган алоҳида хона-“**мардхона**” ҳисобланган [17].

Қўй жунидан айрим хўжалиқларда кигиз, палос, гилам, қоп ва хуржун ишлаб чиқарилган ва қисман савдо қилинган[18]. Қўй терисидан пўстин ва телпак, тўшама, меш, саноч ва уй-рўзғор буюмлари ясалган[19].

Чўпон ҳар доим ўзи билан пичоқ, таёқ, игна, ип, бигиз, жуводдиз, чакмоқтош олиб юрган. Шу анжомларни солиб юрадиган идиш чармдан тикилган. Унинг узунлиги ярим метр бўлиб, чўпон ёнига тақиб юрган. У “гудар” ёки “гидар” деб аталган. Чўпон яйловда чойдуш (қумғон), коса, қошиқ, пичоқ, пиёла олиб юрган. Шу идишларни

солиб юрадиган махсус халта чармдан тикилган ва уни “таркич” деб аташган [20]. **Чанок**-эчки терисидан тикилган, чўпоннинг нон солиб юрадиган халтаси[21].

Чўпон баҳорда кўйлар кўзилагандан, эчкилар улоқлагандан кейин сурувни кишни кўтонлардан тоғли ва тоғолди адирлардаги яйловларга ҳайдаб чиққанлар. Эрта баҳорда яйловларга чўпонлар ўтор ҳолда (оила абзоларисиз) енгил кўч-кўронлари (кўшхона) билан **чўлик, чакарлар** (ёрдамчи чўпонлар) ҳамроҳлигида чиқишган. Халқимиз орасида тарқалган афсонага кўра кўй жаннатдан келтирилган, деб ҳикоя қилинади. Ҳозиргача чўпонлар ўз рисоласи ва пирига эга. Уларнинг пири Чўпонога ҳисобланган. Аммо, ўша ҳурмат—этибор ниҳоятда оғир, машаққатли меҳнат эвазига эришилган. Бу ҳақида: “Дехкон ёқанда (ёмғир қор) тинади, чўпон эса ўлганда (қариганда) тинади” деган халқи нақли мавжуд.

Кўйни яйловда боқиш учун яйловнинг ер фаунасига қараб, ҳудуд танланган. Воҳада яйловларни табиий шароити ва фойдаланиш жиҳатига кўра:

1. Тоғ бағри ва чўл яйловлари, яъни пастки тоғолди ва чўл зонаси районларидаги кузги-қишкис-баҳорги яйловлар;

2. Ўрта тоғ районларидаги баҳорги-ёзги яйловлар;

3. Юқори тоғ районларидаги ёзги яйловлар[22].

Фольклоршунос олим Б.Саримсоқовнинг ёзишича, ўзбеклар ўз меҳнат фаолиятида икки хил йил тақвимларидан фойдаланганлар. Бу тақвимлар кишиларнинг чорвачилик ҳамда деҳқончилик фаолиятининг амалга кириши ва турланиши билан бошқарилган. Демак ўзбекларда икки хил йил ҳисоби бўлиб, улар қуйидагича белгиланган: деҳқон йили 22 мартдан, чўпон йили эса 16 мартдан бошланган[23].

Дарҳақиқат, 22 мартдан кейин Ўрта Осиё шароитида ер илиб, ўсимликларга амал қиради. Чўпон йилининг 16 мартдан бошланиши ҳам ерга амал кириши ва ўт-ўланларнинг ўсиб чиқа бошланиши билан боғлиқ. Ана шу кундан бошлаб, чорвадорлар ёзги яйловларга кўчиш ишларини бошлаб юборишган[24].

Йилнинг тўрт фаслига мослаб, яйловда кўйлар боқилган. Отар ёзда тоғ яйловларида боқилган бўлса, қишда бу яйловлардан фойдаланиб бўлмаган. Чунки яйлов қалин қор қатлами билан қопланган ва ҳаво совуқ бўлган. Баҳорда тоғ этакларидаги яйловлар эрта кўкламда ўсиб чиқадиган ўсимликлар билан қопланган. Бу ўсимликлар молни тўқ тутган. Шу сабабдан кўй ва эчкиларни баҳорда тоғ этакларидаги яйловларда боқишни маъқул кўришган. Бундай яйловларда боқилган кўй, эчкилар тез семирган. Кейинчалик, бу яйловларда янтоқ ва қизилмиа ўсган. Шунга кўра бу яйловлардан куз ва қиш фаслларида ҳам фойдаланиш мумкин бўлган [25].

Ёз фасли охиридаги кўзилар оналаридан ажратилган. Кузда кўй боқишнинг аҳамияти жуда

катта бўлган. Кўйларнинг қишдан омон-эсон чиқиши, уларнинг куз пайтидаги ахволига (соғлиги ва семизлик даражаси боғлиқ бўлган. Қишдан соғлом ва семиз чиққан кўйлар, баҳорда барвақт ва бақувват кўзи туккан. Шўра ва шувоклар ўсган яйловларда отларни боқиш энг мақбул иш ҳисобланган. Кузги яйловларда энг кўп тарқалган ўтлар сета, пашмакшўр, донашўр, шувок, янтоқ, шўра, қизилча деб аталган. Кузга бориб яйловлардаги ўсимликларнинг ҳаммаси ўсишдан тўхтайти ва уруғлари пишиб етилади. Кўйлар уларни иштаҳа билан еган ва тўйимли бўлган [26].

Тоғ яйловларидаги сой, дарё ва булоқларнинг суви чучук бўлади. Шу сабабли бундай яйловларда боқиладиган кўйларга туз бериб туришга тўғри келган. Туз берилмаганда кўйларнинг иштаҳаси пасайиб, улар озиб кетган ва тупроқ ялайдиган бўлади. Шунинг учун тоғ яйловларидаги кўйларга истаганча туз едиришган. Туз кўйлар дам оладиган жойдаги қозиларга осиб кўйилган охурларга солинган [27].

Чўпон таёғи муқаддас ҳисобланган. Чўпон таёғи одатда пишиб бўлган “четан”, “қирғай” ёки “қизил тут” дарахтидан қилинади. Чўпон таёғи муқаддас ҳисобланганлиги боис чўпон бўлувчи шахс унга эга бўлиш ниятида қурбонлик қилиб, бирор бир ҳайвонни сўйган. Шундан кейингина чўпон таёғига эга бўлган. Чўпонлар таёқларини доимо ўзлари билан олиб юрганлар ва уни оёқ остига эмас, четроққа кўйишга ҳаракат қилганлар [28]. Шунингдек, ҳар бир одамнинг тутами ўз гавдасига мос бўлганлиги боис, чўпон тўққиз тутам узунликдаги таёққа суяниб турганида унинг учки қисми чўпоннинг иягига тегиб турар экан [29]. Халқимизда “Таёқсиз чўпон-чўпон эмас”- деган нақл бежизга тарқалмаган.

Отар яйловда ҳайдаб юрилган пайтларда, кечаси ҳам очиқ жойларда қолиб кетган. Чўпонлар ҳам ўз навбатида отар олдида ётган. Бунда, чўпонларга қўлга ўргатилган саркаси ёрдам берган. Сарка қилиш учун танланган улоқни чўпон нон ёки жўхори билан боқиб, қўлга ўргатиб олган. Чўпонга ўрганиб қолган сарка, у қаёққа борса изидан ҳеч қолмаган. Бир сарка чўпонларга олти-етти йил хизмат қилган. Кейинчалик эса унинг ўрнига янғисини тайёрлашган [30].

Табиийки чўпонлар ўз кўйларини, бошқа отар кўйлардан фарқлаш учун белги ҳам кўйганлар. Бундан ташқари, ҳар бир отар маълум бир ҳудудда боқилиб, қўниш деб аталади. Ҳар бир қўниш оралиғи 8-10 км гача бўлган. Қўниш чегараси тепаликлар, сойлар орқали белгиланган. Ҳар бир қўнишнинг отар сувланадиган қудуғи, сойи ёки булоғи бўлган. Шу сабабли, қўниш номлари шулардан олинган. Масалан, Узунқудуқ қўниши, Оқ-булоқ қўниши, Шўрбулоқ қўниши, Кампирсой қўниши, Шўрабулоқ қўниши, Бодихаво қўниши, Кўкабулоқ қўниши, Шўрсой қўниши ва бошқалар.

Бандихон, Шеробод-Қизирик даштлари, Музработ пасттекисликлари, Боботоғ, Бойсунтоғ ва Кўхитанг этакларида чорвадорлар чорва молларини қудуқ суви билан суғоришган. Кенг чўл яйлов-

ларидан фойдаланиш ва ўша ерларда чорвачиликни ривожлантириш чорвани қай даражада сув билан таъминлаш имкониятларига боғлиқ эди. Яйловларда оқар сув, дарё бўлмаганлиги туфайли қудук қазиб, сув чиқаришга тўғри келган.

Чўпонлар хилма-хил қудуклардан фойдаланганлар. Қудукларнинг чуқурлиги 3-5 метрдан 30-35 метргача етган. Қудуклар атрофида қўйларнинг сув ичиши учун лойдан ариқча (нова) ва ҳовузча қилинган. Сув олдин ҳовузчага, кейин новага қуйилган. Қудук ёнида қазилган ҳовуз **обхона** деб аталган. Обхонанинг тагида **обдов** бўлиб, ундан сув охурларга оққан. Бир қудукнинг суви билан ҳар куни 500-1500 қўй суғорилган ва бу қудукдан 50-60 йил фойдаланишган. Ҳар қудукнинг суви ҳам ҳар хил, айримларининг суви шўр бўлса, айримлариники чучук бўлган. Қудукдан сув от ва туя ёрдамида тортиб олинган. Сув идиши қовға деб аталган. Чўпонлар ишлатадиган **қовға** хўкиз терисидан тайёрланган. Унга 15-20 литр сув кетган [31].

Ўтмишдан то ҳозирги кунгача туркий халқларда қўй муқаддас жонивор сифатида эъзозланган. Айниқса, элшунос олима Е.М.Пешчерева маълумотларида, Марказий Осиё халқларида қўйга қадимдан инсонларни балоқазолардан асровчи илоҳий жонивор деб қарашган [32].

Ўзбек хонадонларида қўчқор калла суягини ёмон кўзлардан асраш воситаси сифатида бирон-бир дарахтга осиб қўйиш одати ханузгача мавжуддир[33]. Хоразмда эса ёмон кўзлар қўйнинг шохига тегиб қайтсин, деган мақсадда хонадонларда шохдор қўчқорлар боқилган[34]. Қўйларга бошка

жониворлар каби ҳеч қачон тумор тақишмаган. Бунинг сабаби қўйнинг ўзи инс-жинслар ва ёмон кўзларга қарши ҳимоячи ҳисобланган [35]. Шунингдек, қадимги Турон ва Эрон халқлари уруш ва ғалаба худосини қўчқор кўринишида тасаввур қилганлар [36].

Қорақалпоғистон Республикасининг Эллик-қалъа туманидаги Қўйқирилганқалъа ёнидан топилган остодондаги одам ҳайкалчасининг бўйнида қўй шаклидаги тақинчоқ бўлган. Қабр ва остодондаги қўй суяги ва қўй шаклидаги тақинчоқлар ҳам ўз-ўзидан маҳаллий халқларнинг қўй культига сифинганликларини кўрсатади [37]. Халқимизнинг қўй култи билан боғлиқ эътиқод, тасаввур ва қарашлари, уларнинг моддий маданиятида ҳам акс эттирилган.

Хулоса қилиб айтганда, Сурхон воҳасининг табиий жойлашиши жиҳатидан яйловларнинг қулайлиги, чорва учун турли-туман ўтлоқлар ва ўт-ўланларнинг кўп бўлиши, қўйларнинг кўпайиши ва семиришига имкон берган.

Воҳанинг Бойсунтоғ, Боботоғ, Кўхитантоғ этаклари ва Тангимуш, Бандихон, Қизирик, Музrabод, Шеробод, Жарқўрғон ҳудудларининг паст текисликлари қадимдан ўзининг кўм-кўк ўтларга бой яйловлари билан ном чиқарган. Сурхон воҳаси тоғ яйловларида қўйларни боқиш учун турли хил шифобахш ўсимликлар ўсганки, булар воҳада қўйчиликнинг ривожланишида асосий омил бўлган. Воҳада, қўйчиликнинг ривожланиши, наслдор қўй зотларини етиштириш туфайли аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжларини таъминланган.

АДАБИЁТЛАР

1. ЎзРМДА. 47-жамғарма, 1-рўйхат, 115-иш, 10-варак. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом России. Т.П.- СПб., 1911. С. 124.
2. Покотило Н.Н. Отчёт о поездке в пределы Центральной и Восточной Бухары в 1886 г.-Ташкент, 1888.- С.65.
3. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти.Т.: ”Ўқитувчи”, 2003.-Б.8.
4. Кармышева Б.Х. Типы скотоводства в южных районах Узбекистана и Таджикистана. // Советская этнография. 1969. №1.-С. 45.
5. Дала ёзувлари, 1999-2018 йиллар. Қизирик тумани, Бойқишлоқ, Кунчиқиш, Шеробод тумани, Хомкон, Кампиртепа, Қизилолма қишлоқлари.
6. Шаниязов К. Основные отрасли животноводства в дореволюционном Узбекистане // Хозяйственно-культурные традиции народов Средней Азии и Казахстана. -М.: Наука, 1975.-С.189.
7. Дала ёзувлари, 2017 йил. Шеробод тумани Рабатак, Қизирик тумани, Араб, Азон қишлоқлари.
8. Дала ёзувлари, 2018 йил. Бойсун тумани, Кофирун, Гумматак қишлоқлари.
9. Бўриев О., Хўжамбердиев Т. Ўзбек халқи боқий кадриятлари. Қарши. “Насаф”, 2005. Б.41.
10. Дала ёзувлари, 2018 йил. Шеробод тумани, Бойбулоқ, Вандоб, Хитой қишлоқлари, Жарқўрғон тумани, Боболочин, Исмоилтепа қишлоқлари, Бойсун тумани, Тўда, Сайроб, Қўнғирот, Шўроб қишлоқлари.
11. Турсунов Н.Н. Жанубий Сурхон воҳаси этнографияси.-Тошкент: “Yangi nashr”, 2015.-Б.57.
12. Маев Н.А.Очерки Бухарского ханства // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып.V-СПб, 1879.-С.155
13. Дала ёзувлари, 2018 йил. Бойсун тумани, Кентала, Шўроб қишлоқлари.
14. Буриев О., Хўжамбердиев Т. Ўзбек халқи боқий кадриятлари. Қарши. “Насаф”, 2005. Б.42.
15. Кармышева Б.Х. Узбеки-локайцы Таджикистана. Сталинабад. 1954. С. 104. Шаниязов К.Ш. Узбеки-карлуки. Ташкент. “Фан”, 1964. С.71.
16. Дала ёзувлари, 2018 йил. Бойсун тумани, Тўда, Оққапчиғай қишлоқлари.
17. Дала ёзувлари, 2018 йил. Олтинсой тумани, Бодихаво, Чинор, Тўхтамиш, Вахшивор, Қоратепа қишлоқлари.

18. Жабборов И. Ўзбеклар: Анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти.Т.:”Ўқитувчи”, 2008.- Б54.
19. Жабборов И. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти.Т.:”Ўқитувчи”, 2003.-Б38.
20. Буриев О., Хўжамбердиев Т. Ўзбек халқи боқий қадриятлари. Қарши. “Насаф”, 2005. Б.49.
21. Дала ёзувлари, 2018 йил. Бойсун тумани, Шўроб, Чилонзор қишлоқлари.
22. Кармышева Б.Х. Типы скотоводства в южных районах Узбекистана и Таджикистана // Советская этнография. 1969. -№1.-С.68. Морозова О.И. Пастбище и их использование // Советский Таджикистан.- Сталинабад, 1950.-С.38.
23. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори.Т.,1986.-Б.40-41.
24. Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори.Т., 2008.Б.45.
25. Шчекин.В.А. Чорвачилик. Махсус қисм (2 нашри)-Т.: “Ўқитувчи”, 1968.-Б.144.
26. Икромов А. Чорвачилик асослари.-Т.:”Ўқитувчи”, 1996.-б.145-146.
27. Дала ёзувлари, 2018 йил. Музработ тумани, Қорақамар, Кўнгирот, Музработота қишлоқлари. Шеробод тумани, Октош, Вандоб, Хўжаикон, Пошхўрд қишлоқлари, Қизирик тумани, Гилямбоб, Кунчиқиш, Истара қишлоқлари.
28. Дала ёзувлари, 2018 йил. Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани, Даштиғоз қишлоғи.
29. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.-Т.; А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007.-Б.158.
30. Ҳосил, Усмон. Одатнома. К.1: Ўзбек халқ одатлари: тадрижи ва турлари.-Т.: “O'zbekiston” НМИЎ, 2016.-Б.230.
31. Дала ёзувлари, Бойсун тумани, Кофрун, Пулхоким, Гумматак қишлоқлари, Шеробод тумани, Хомкон, Вандоб, Хўжакон, Олтинсой тумани, Бодихаво қишлоқлари.
32. Пешчерева Е.М. Гончарное производства Средней Азии.-М., “Наука”, 1959.С.100.
33. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.-Т.; А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007.-Б.150.
34. Бўриев О. ва б. Қашқадарё воҳасида қўйчилик билан боғлиқ қадимий диний эътиқодий қарашлар// “Давр, замон, шахс” Республика илмий-амалий анжумани I қисм. “Сурхон-Нашр”, 2016.- Б.61.
35. Снесаров Г.П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. М., “Наука”, 1969.- С.315.
36. Ягодин Б.Н., Ходжайов Т.К. Некрополи древних Маздахкана.-Т., “Фан”, 1970.-С.115.
37. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарта.М., “Наука”, 1962. -С.132.



Севинч УЛАШОВА,

ЎзР ФА Шарқшунослик институти илмий ходими

Email: sevinch.ulashova@mail.ru

“THE TRASNFER POLICY” IN MOVAROUNNAKHR DURING THE XIII-XV CENTURIES

Abstract

In the epoch of the Temurids, the population of Maverannakhr consisted of Turkic and Sogdian ethnic groups. Also in the era of the Mongol invasion, the Mongols and the Turkic Mongols and Turkic tribes came and settled in the region, which naturally enriched the ethnic picture of Maverannahr. Political events took place in Maverannahr of XIII – XV Centuries A.D. had a strong influence in ethnic processes. As a result of the Mongolian (the Moguls) oppression the people of Maverannahr were captured and moved to China, the Eastern Turkistan and Khurasan. Amir Temur, after had marched from Western Asia (Asian Near East) moved also thousands of tribes to Samarkand and its surroundings.

Keywords: Mongols, Temurids, Maverannahr, ethnic processes, barulas, calair.

«ТРАНСФЕРНАЯ ПОЛИТИКА» В МОВАРОУННАХРЕ В XIII-XV ВЕКАХ

Аннотация

В эпоху Темуридов население Мавераннахра составляли тюркоязычные и согдиязычные этносы. Также в регион в эпоху монгольского нашествия и после пришли и обосновались монголы, отюреченные монголы и тюркские племена, что естественно, обогатило этническую картину Мавераннахра. Политические события XIII-XV вв., происходившие в Мавераннахре сильно повлияли на этнические процессы. В результате монгольского нашествия определенная часть населения Мавераннахра была взята в плен и переселена в Китай, Восточный Туркестан и Хоросан. Амир Темуридов после похода на Переднюю Азию переселил тысячи пленных в Самарканд и его окрестности.

Ключевые слова: Монголы, Темуриды, Мавераннахре, первоисточники, этнические процессы, барлас, джалаир.

XIII-XV АСРЛАРДА МОВАРОУННАХРДАГИ “КЎЧИРИШ СИЁСАТИ”

Аннотация

XIII-XV асрлар Марказий Осиё халқлари этник тарихида муҳим тарихий давр саналади. Мўғуллар империяси, Амир Темуридов ва Темурийлар ҳукмронлиги йилларида Мовароуннахрда, асосан, маҳаллий туркий ва сўғдий халқлар билан бирга барлос, жалойир, қавчин, арлот, сулдуз, баҳрин, найман каби ўнлаб кўчманчи ва ярим кўчманчи халқлар истиқомат қилган. Шунингдек, турли сабабларга кўра, минтақага турли ўлкалардан ҳам аҳолининг маълум бир қисми (асосан, олимун фозиллар, уста, ҳунарманд, меъмор, наққош ва бошқ.) кўчирилиб келтирилди. Ўз навбатида, минтақадан ҳам уруш ва бошқа сабаблар билан маҳаллий аҳоли бошқа ўлкаларга олиб кетилди. Бу ўзига хос “кўчириш сиёсати”, асосан, ҳукмрон доира хоҳиш-иродасига кўра амалга оширилди. Натижада, бу ҳолат минтақа этно-сиёсий ҳолатига ҳам ўзининг сезиларли таъсирини ўтказди.

Калим сўзлар: Мўғуллар, Амир Темуридов, Мовароуннахр, кўчириш, барлос, жалойир.

КИРИШ. Тарихда бирон-бир ҳудудда турғун туриб, бошқа этник гуруҳларнинг аралашшидан холи шаклланган этнос бўлмаган. Энг қадимги даврдан то ҳозирга қадар маълум гуруҳ этнослар бир ҳудуддан бошқа ҳудудга кўчиб бориб, ерли халқ билан аралашган ва янги этник уюшмани ташкил этган. Бу жараён айрим ҳолларда кўчувчи халқнинг ўз хоҳиши билан, бошқа ҳолларда ҳукмрон доиранинг сиёсати туфайли ёки табиий-географик ҳодисалар сабабли амалга ошган. XIII-XV асрларда ҳам халқларнинг кўчиш жараёни давом этган ва бу кўп жиҳатдан мустамлака сиёсатнинг наъмунаси эди.

1219-1221 йиллардаги тўқнашувлардан сўнг Хоразмшоҳлар империяси тугатилгач, Чингизхон ва ворислари айрича “кўчириш сиёсати”ни амалга оширдилар. Мўғуллар даврида ўнлаб турк-мўғул этнослари икки дарё оралиғи ҳудудларга келиб ўрнашди. Шунингдек, Мовароуннахрдан минг-минглаб маҳаллий аҳоли вакиллари қўшни ўлкаларга мажбуран кўчирилди. Бу, ўз навбатида, минтақадаги этник жараёнларга жиддий таъсир кўрсатди.

АСОСИЙ ҚИСМ. “Кўчириш сиёсати”дан мўғуллар ўз бошқарувида сиёсий тўлғама сифатида ҳам фойдаландилар. Натижада, минтақада уларга қаршилиқ кўрсатган халқлар кўчирилиб, ўлкаларда

тинчлик ўрнатилди. Бу жараён мўғулларнинг дастлабки ҳарбий юришлари давриданок авжига чиқди. Хусусан, Чингизхон ва ўғиллари Шарқий Туркистонни ишғол этгач, Мовароуннаҳр ва Хуросондаги кўпгина шаҳарларнинг мусулмон аҳолисини шарққа кўчириб, Бешбалиқдан Хонбалиққа (Пекин) қадар чўзилган шимолий Хитой минтақаларига жойлаштирилди. Шунингдек, Чингизхон ворислари даврида ривож топган Туркистон-Хитой тижорати ҳам Хуросон ва Мовароуннаҳр савдогарларини бу ерга жалб қилди. Натижада, бу ҳудудда Мовароуннаҳрнинг шаҳар ва кишлоқлари номи билан боғлиқ касабалар, хусусан, Пекинга яқин жойда самарқандлик муҳожирларнинг “Самарқанд” номли касабаси пайдо бўлди [11].

Мовароуннаҳр қўлга киритилгач, мўғуллар маҳаллий аҳолини, хусусан, тожикларнинг аксариятини Шарқий Туркистон ва шимолий Хитой ҳудудларига кўчирди [10]. Натижада, Мовароуннаҳрда форсийзабон аҳоли камайиб, турклашиш жараёни кучайди. Шарқий Туркистон ва шимолий Хитой ҳудудига кўчирилган Ўрта Осиёнинг маҳаллий аҳолиси вакиллари эса қисқа фурсатда хитойлашди. Уларнинг орасида мўғуллар билан бирга келиб жойлашган турк-мўғул қабилалари ҳам бор эди. Хитойлашиб улгурган мазкур этнослар “*дўнган*”лар номини олди [13]. “*Дўнган*”лар таркибида эроний унсурлар ҳам кўп бўлган. Хусусан, биргина Хоразмдан мазкур ҳудудга 100 мингдан ортиқ оила кўчирилган эди [3]. Хитой ва унга туташ ҳудудларга келтирилган этнослар орасида Ўрта Осиёликлар кўпчиликни ташкил этган ва улар *са-му-жен*лар деб номланган [5,6,2,8]. Улар ҳокимият амалдорлари сифатида мўғуллардан кейинги юқори мавқеини эгаллаган эдилар [7,20].

Кўчиришнинг навбатдаги тўлқинлари мўғуллар босқинидан кейин Чиғатой (1224-1242 йй.) ва авлодлари даврида ҳам давом эттирилди. Бу баъзида улус ҳукмдорлари томонидан амалга оширилган бўлса, бошқа ҳолларда Чиғатой-зодаларнинг ўзаро кураши ҳам минтақадан маҳаллий этносларнинг асир сифатида қўшни ўлкаларга олиб кетилишига сабаб бўлди. Жумладан, Чиғатойзода Мисур Мовароуннаҳрга ҳужум қилиб, Самарқанд, Бухоро, Кеш ва Термиз аҳолисининг маълум қисмини асир олди ва Ғазна, Шибирғон ҳамда Фаробга жойлаштирди. Кебекхон (1309, 1318-1326 йй.) Хуросонда ҳокимиятни қўлга олгач, мазкур халқларни Балх ва унинг атрофларига кўчиради. Яна бир Чиғатойзода Ясагур (у Чиғатой улусининг сўнгги хони Қозонхоннинг отаси эди) Кебекхон даврида Хуросон амирлари ёрдамида Мовароуннаҳрга бостириб кириб, халқини асир олди. Хуросон амирлари Мовароуннаҳр шаҳарлари, жумладан, Самарқанд, Бухоро ва Кешдан 50 мингдан ортиқ оилани асир олиб қайтди [18]. Асирларнинг салмоғини уларнинг Амударёдан кечиб ўтишига уч ой кетганидан ҳам билиш мумкин. Айни шу даврда Жўжизода Бобо Ўғул Жўжи улуси ҳукмдори Ўзбекхонга (1312-1342) қарши курашиб, Хоразмга бостириб кирди ва шаҳарларни вайрон

қилиб, 50 мингга яқин асирни Хуросонга жойлаштирди [11]. Чингизийларнинг бу каби курашлари натижасида Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг маҳаллий аҳолиси сон жиҳатидан камайиб бораверди. Шуни таъкидлаш жоизки, кўчирилганларнинг аксарияти манзилга етмасдан йўлларда очлик ва касалликдан вафот этган.

Ўз навбатида, мазкур даврда Онон, Керулен ва Ила водийси бўйларидан бир қанча турк-мўғул қабилалари Мовароуннаҳрга кўчириб келтирилди. Фазлуллоҳ Рашидиддиннинг (ваф. 1318 й.) ёзишича, Чиғатой билан бирга Мовароуннаҳрга келиб ўрнашган қабилаларнинг салмоғи Дувахон даврида (1281-1307) бир баробарга ортган [19]. Мовароуннаҳрга кўчирилган турк-мўғул уруқ-қабилаларининг энг йириклари *барлос*, *жалойир*, *қавчин*, *арлот*, *сулдуз*, *бахрин*, *найман* ва бошқалар эди.

Мўғулларнинг икки томонлама “кўчириш сиёсати” Мовароуннаҳр аҳолисининг этник ҳолатига жиддий таъсир кўрсатиб, шаклланган ўзбек элати таркибини бутунлай ўзгартириб юбора олмади. Улар шаклланган этнос таркибининг бойишига ва уруш ва ундан кейинги йилларда минтақада кескин камайиб кетган аҳолининг ҳажман кўпайишига сабаб бўлди.

Мовароуннаҳр аҳолисининг кўчирилиши ёки минтақага турли этносларнинг кириб келиши Амир Темур ва Темурийлар даврида ҳам давом этди. “Кўчириш сиёсати”нинг мазкур даври ўз қўлами, мақсади билан мўғуллар давриникидан тубдан фарқ қилган. Темурий ҳукмдорлар қўшни ўлкаларга қарши олиб борган курашлари натижасида маҳаллий халқларни асир қилиб, Мовароуннаҳр шаҳар ва кишлоқларига келтирилганлар. Бу сулола давридаги “кўчириш сиёсати”нинг фарқи минтақага, асосан, олимۇ фузалолар ва хунармандларнинг кўчирилганида кўринади. Шунингдек, уларнинг қўлами мўғуллар асир қилган этнослар ҳажмидан анча кам эди.

Бу даврда кўчириб келтирилганлар, асосан, Олд Осиё мамлакатларидан эди. Хусусан, 1388 йил Форс шоҳи Шоҳ Шужоъ амири Алоуддин иноқ киши-қароси ва Форс хунармандлари билан билан Самарқандга кўчирилди [23]. Шунингдек, Амир Темурнинг Табризга, Озарбайжонга [23], Хоразмга [23], Олтин Ўрдага [23], Ҳиндистонга [17], Румга [17] қилган юришлари натижасида ҳам кўплаб халқлар Самарқанд ва унинг атрофларига келтириб жойлаштирилди.

Бу жараёни Темурийзодалар ҳам давом эттиришди. Жумладан, Умаршайх Мирзо Қошғарни эгаллагач, у ернинг аҳолиси ва аслзодаларини Ўзганга келтирди ва улар учун Работи Сарҳанг номли касоба бунёд этди [16].

Кўчириб келтирилганларнинг умумий сони, испан элчиси Клавихо эсдаликларидан, юз мингдан ошиқроқ бўлгани қайд этилган [14]. Уларнинг асосий қисмини юқорида таъкидлаганимиздек, хунармандлар ва номдор кишилар ташкил қилган. Масалан, Соҳибқирон Дамашқдан ҳар хил ипакли матоларни тўқийдиган усталарни ва бошқа

хунармандларни кўчирган. Ҳирот тарихчиси Фасих Ҳавофийнинг (1375-1442 йй.) ёзишича, Амир Темурнинг Хоразмга қилган сўнгги ҳарбий сафарида юрт оқсоқоллари ва номдор кишилар кўчирилган [22]. Улар, асосан, Самарқандга ва Зарафшон воҳасига жойлаштирилган. Кўчирилганлар кейинчалик, Мовароуннахрнинг маҳаллий аҳолисига аралшиб кетган бўлса-да, уларнинг баъзилари этник номини кейинги асрларда ҳам сақлаб қолган.

Бу даврнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, Амир Темур мўғуллар даврида Мовароуннахрдан кўчирилган халқларнинг авлодларининг маълум қисмини қайтариб келган. Хусусан, мўғуллар даврида Хитойнинг турли ҳудудларига жойлаштирилган Ўрта Осиёликларнинг бир қисми ўлкаларига қайтган. Шу тариқа 1200 дан ортиқ *са-му-жен*лар Хитойдан Самарқандга келтирилган [4]. Х.Алан Темурийлар даври тарихига оид манбаларига асосланиб, қайтарилганлар юз минг атрофида бўлган, дейди [1]. Аммо қайси манбаларга асослангани ҳақида тўхталмайди.

Амир Темур ва Темурийлар даврида ҳам Мовароуннахрдан турли истилолар туфайли маҳаллий аҳоли вакиллари бошқа ўлкаларга асир сифатида олиб кетилган. Жумладан, Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон истилолари ҳам минтақа халқларининг қисман камайишига сабаб бўлди. Хусусан, у Табризнинг юз мингга яқин аҳолисини қатл этиб, Озарбайжондан икки юз мингга яқин аҳолини асир олган [21]. Шунингдек, у Амир Темурнинг Эрондалигидан фойдаланиб, Кеш ва Нахшабга ҳужум қилиб, воҳадан кўпгина асирлар билан ортга қайтади [11].

Яна бир мўғул хони Увайсхоннинг ўғли Эсон Буға (Юнусхоннинг акаси) ҳам Андижонни қўлга киритгач, аҳолисини асир қилиб, маълум қисмини Қошғарга элтади. XVI аср тарихчиси Муҳаммад Ҳайдар *дуғлот*нинг “Тарихи Рашидий” асарига кўра, булар бироздан сўнг мўғуллашиб кетганлар [15].

Кўчиришнинг кейинги тўлқинлари XV аср охири-XVI аср бошларига тўғри келади. Шайбонийхон (1451-1510 йй.) юришлари даврида ҳам маҳаллий аҳоли ҳамда ярим кўчманчи этнослар Мовароуннахрнинг Самарқанд, Ҳисор, Кундуз ва бошқа ҳудудларидан чиқиб қўшни вилоятларга, хусусан, Қобулга [12] жойлашган. Шунингдек, Мирзо Бобур (1483-1530 йй.) билан бирга кўплаб туркий ва турклашган этнослар Қобул ва Ҳиндистон ҳудудларига бориб ўрнашдилар. Уларнинг кейинги авлодлари мазкур ҳудудларда истиқомат қилишди. Жумладан, 1881 йилги халқ сайимида биргина Деҳли ёнида ва Равал Пандеда 23593 киши *чигатой*

(*туркий* этнос – У.С.), 12137 *барлос* [9] деб қайд этилгани ҳам сўзимизни исботлайди.

Бу даврда шунингдек, минтақа доирасида ҳам “кўчириш сиёсати” амалга оширилди, яъни Мовароуннахр шаҳар ва қишлоқларининг маълум аҳолиси бир шаҳардан иккинчисига кўчирилди. Хусусан, 781/1379-1380 йилдаги Хоразм юришидан кейин Амир Темур шаҳар аҳолисининг аслзодаларини ва машҳур кишиларни Кешга кўчирган бўлса [16], 1388 йилги сўнгги жангдан кейин қалъа деворларини ер билан текислатиб, арпа эктирди (Амир Темур Хоразмни шу аҳволда ташлаб қўймади, албатта. У Дашти Қипчок юришидан қайтгач, Мусика *қавчинни* (Ханки *қавчиннинг* ўғли) Хоразмга юборди ва у ерда иморат қуришни буюрди [23]) ва аҳолисини Самарқандга келтирди [16]. Хоразмликларнинг маълум қисми кейинчалик юртига қайтган бўлса-да, қолган қисми кўчиб борган шаҳар ва қишлоқларда “Урганжий”, “Хоразмий” каби жой номларини ташкил этиб, турғун яшаб қолдилар.

ХУЛОСА. Мовароуннахр халқларининг “кўчириш сиёсати” икки буюк сулола (Чингизийлар ва Темурийлар) даврида ҳам давом этди. Чингизийлар минтақадан юз минглаб аҳолини асир сифатида олиб чиқиб, қўшни минтақаларга жойлаштиришди. Бу жараён сўнгги Чигатойзодалар давригача, шунингдек, Амир Темур ва Темурийлар замонида ҳам амалга оширилди. Мўғулларнинг ўлкадан маҳаллий этносларни олиб чиқиши ва ўзаро урушлардаги қирғинлар натижасида Мовароуннахр аҳолиси қисман камайди. Чингизийлар камайиб кетган ерли халқ таркибини Онон, Керулен ва Ила водийси бўйларидан келтирилган турк-мўғул этнослари ҳисобига тўлдиришди.

Амир Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннахрга Олд Осиёнинг турли мамлакатларидан, асосан, олиму фозиллар ва хунармандлар кўчириб келтирилди. Улар Самарқанд ва Зарафшон бўйларига жойлаштирилди. Кўчириб келтирилганлар орасидаги илм вакиллари пойтахт ва унга қўшни шаҳарларда фаолиятини давом эттириши учун барча имкониятлар яратилди. Темурийлар олиму фозилларга ҳомийлик қилдилар. Кўчириб келтирилганлар қўли билан Мовароуннахрда ўнлаб меъморий иншоотлар бунёд этишди.

Шунингдек, Амир Темурнинг хатти-ҳаракатлари натижасида бу даврда Чингизийлар томонидан асир олинб, бошқа ўлкаларга жойлаштирилган этносларнинг авлодлари Мовароуннахрга қайтарилди. Халқларнинг бу каби кўчиши натижасида қўшни ўлкаларда кўчирилганларнинг тарихий макони билан боғлиқ янги жой номлари пайдо бўлди.

АДАБИЁТЛАР

1. Alan H. Bozkırdan Cennet Bahçesine Timurular (1360-1506). – İstanbul, 2007.
2. Barfield T. The Perilous Frontier. – Oxford, 1989.
3. Barthold V.V. Turkestan down to the Mongol Invasion. – London, 1928.
4. Bretschneider E. Mediavel Researches From Eastern Asiatic Sources. I. – London, 1967.

5. Ch'en Y. Western and Central Asians in China under the Mongols/ trans. L.C.Goodrich. – Los Angeles, 1966.
6. Dardess J.W. Conquerors and Confucians. Aspects of Political Change in Late Yüan China. – New York, 1973.
7. Haenisch E. Steuergerichtsamt der chimesischen Kloster unter der Mongolenherrschaft // ZDMG. XCV. – P. 317-319;
8. Peter B. Golden. Türk halklari tarihine giriş/ çev. O.Karatay. Ankara, 2002.
9. Puncab Census. Vol. I. – Calcutta, 1881.
10. Togan Z.V. Hwarezmische Sätze in einem arabischen Fiqhwerke // Islamica. III. – Leipzig, 1927. – S. 190-213.
11. Togan Z.V. Umumi Türk Tarihine Giriş. C. 1. En Eski devirlerden 16 asra kadar. – İstanbul, 1981.
12. Бобур. Бобурнома. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
13. Грумм-Грижимайло Г.Е. Описание путешествия в Западный Китай. Т. II. – СПб., 1899.
14. Клавихо Руи Гонсалес де. Дневник путешествия в Самарканде к двору Тимура (1403-1406 гг.) / Подлинный текст с переводом и примечаниями, составленными под редакцией И.И.Срезневского. – СПб., 1881.
15. Мирзо Мухаммад Хайдар. Тарихи Рашидий. – Т., 2010.
16. Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний /Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Ф.Каримий. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
17. Низомиддин Шомий. Зафарнома / Форс тилидан ўгирувчи Ю. Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир А.Ўринбоев. – Т., 1996.
18. Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Т., 1995.
19. Рашидиддин. Жомеъ ат-таворих / Топкапи саройидаги (Туркия) қўлёзма. № 1518.
20. Сафаров Г. Очерки по истории Китая. – М., 1933.
21. Тизенгаузен В.Г. Сборник материалов относящихся к истории Золотой орды. Т. II. – М.-Л.: Наука, 1941.
22. Фасих Хавафи. Муджмал-и Фасихи / Перевод, предисловие, примечания и указатели Д.Ю. Юсуповой. – Т.: Фан, 1980.
23. Шарафуддин Али Ёздий. Зафарнома / Сўз боши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифлари: Ашраф Аҳмад, Ҳ.Бобобеков. – Т.: Шарк, 1997.



Ориф ҲАБИБУЛЛАЕВ,

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети катта ўқитувчиси

E-mail: Orifjon_habibullayev.05@mail.ru

SOME ASPECTS OF MILITARY TACTICS AND DEFENSE SYSTEM IN TURKIC KHANATE

Abstract

The Turkic Khanate (552-744) occupies a special place in the history of the peoples of the region, including the Uzbek nation, as a great kingdom dominated by a number of countries in Central Asia and adjacent territories. It was the dominant kingdom in the history of the Far East, in the sunshine, the North Black Sea coast, South Siberia - Volgograd in the north, and Northern India and Khurasan in the South under one flag, and its military superiority is the key factor of such successes of the Qaghanate. Written sources covering the history of the Turkish Qaghanate, in particular the ancient Turkic titles and the Chinese chronicles, have a great deal of the terms associated with the management system of the kingdoms that make military rankings and terms also indicate that military, tactical tactics and society were based on the rule of society as a whole. The titles and epithets used in the management are composed from mostly words and phrases used in the military life of the Qaghanate.

Key words: Turkic Khanate, Middle Ages, Military Tactics, Titles, Weapons, Defense, Military Training, Martial Arts and Ideology.

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ВОЕННОЙ ТАКТИКИ И СИСТЕМЫ ОБОРОНЫ В ТЮРКСКОМ

Аннотация

Тюркский каганат (552-744), в качестве крупного государства взявшего под свое крыло ряд стран Центральной Азии и соседних с ней регионов занимает особое место в истории народов региона, в том числе государственности узбекского народа. В свое время это государство объединило под одним флагом со стороны восхода солнца страны Дальнего Востока, со стороны заката берега Северного Черного моря, с севера Восточную Сибирь - Приволжье, а с юга Северную Индию и Хорасан, на базе подобных успехов каганата лежит фактор приоритетности его военной особенности. Письменные источники освещающие историю Тюркского каганата, в частности, большую часть встречающихся на надгробных камнях и китайских летописях терминов, имеющих отношение к системе управления каганата составляют военные звания и термины тоже указывают на значимость военного дела, тактики боя в государственной ассоциации и что общество создано на этой основе. Звания и эпитеты применявшиеся в управлении в основном состоят из слов и выражений применявшихся в военной жизни каганата.

Ключевые слова: Тюркский каганат, первоначальные средние века, военной дело, тактика, звания, оружие, оборона, военная подготовка, искусство боя, идеология.

ТУРК ХОҚОНЛИГИДА ҲАРБИЙ ИШ ВА МУДОҒАА ТИЗИМИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация

Турк хоқонлиги (552-744) Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудлардаги бир қатор ўлкаларни ўз қўли остига олган йирик салтанат сифатида минтақа халқлари, шу жумладан, ўзбек халқи давлатчилиги тарихида алоҳида ўрин тутлади. Ушбу салтанат ўз даврида кунчиқарда Узоқ Шарқ, кунботарда Шимолий Қора денгиз бўйлари, шимолда Жанубий Сибир – Волгабўйлари, жанубда эса Шимолий Ҳиндистон ва Хуросон ўлкаларини битта байроқ остида бирлаштирган бўлиб, хоқонликнинг бу каби муваффақиятлари негизда унинг ҳарбий жиҳати устувор бўлганлиги омили ётади. Турк хоқонлиги тарихини ёритувчи ёзма манбалар, хусусан, қадимги турк битиктошлари ва хитой йилномаларида учрайдиган хоқонликнинг бошқарув тизимига алоқадор атамаларнинг катта бир қисмини ҳарбий унвон ва атамалар ташкил этиши ҳам ушбу давлат уюшмасининг моҳиятида ҳарбий иш, жанг тактикаси ва жамиятнинг шу асосда ташкил этилганини кўрсатади. Бошқарувда қўлланилган унвон ва эпитет (сифат)лар асосан хоқонликнинг ҳарбий ҳаётида энг кўп қўлланилган сўз ва иборалардан иборатдир.

Калит сўзлар: Турк хоқонлиги, илк ўрта асрлар, ҳарбий иш, тактика, унвонлар, қурол-яроғ, мудоғаа, ҳарбий тайёргалик, жанг санъати, мафкура.

КИРИШ. Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудларда 552-744 йиллар оралиғида ҳукм суриб, ўз даврининг энг йирик салтанатларидан бири сифатида билинган Турк хоқонлиги ўзбек халқи тарихи, шу жумладан, давлатчилик тарихида алоҳида ўрин тутлади.

Хоқонликнинг ўз даврида кудратли давлатга айланишида қандай омиллар бош ролини ўйнагани ҳалигача тўлақонли ўрганилмаган масалалардан биридир. Айниқса, хоқонлик тарихи унда мавжуд

бўлган ҳарбий иш ва мудофаа тизими шундай масалалар сирасидандир.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг эътирофи этишича, Турк хоқонлигининг буюк давлатларидан бирига айланиши асосида унинг ҳарбий жиҳатдан бошқаларига нисбатан анча устунликка эга бўлиши омили ётади. Хоқонликнинг бу хусусиятига эътибор қаратган Л. Н. Гумилевнинг таъкидлашича, «Туркутлар (Турк хоқонлиги) зафарлари ва дунёнинг ярмига эгаллик қилиши тасодифий ҳодиса эмас эди. Улар кўчманчилик савиясидан анча юқори бўлган шундай бир кўшин ва идора тизими яратдиларки, шунга муносиб равишда ғалабаларга ҳам эришди, деб айтиш мумкин» [1]. Мазкур тадқиқотчи томонидан ўтган асрнинг 50- йилларида билдирилган бу фикрларига қўшилган ҳолда айтиб ўтиш керакки, Турк хоқонлиги ҳарбий жиҳатдан ўз давридаги бошқа салтанатлардан анча устун бўлганлигини таъминлаган омиллардан бири унинг анчагина илғор ва интизомли кўшинга эга бўлганлигидир. Кейинги йилларда Мўғулистон, Жанубий Сибир, Олтой, Еттисув, Сирдарё ҳавзаларидан топилаётган археологик топилмалар эса хоқонликнинг ўз даври учун мукамал бўлган қурол-яроғларга эга бўлганидан дарак бермакда.

АСОСИЙ ҚИСМ. Турк хоқонлиги тарихини ёритувчи ёзма манбалар, хусусан, қадимги турк битиктошлари ва хитой йилномаларида учрайдиган хоқонликнинг бошқарув тизимига алоқадор атамаларнинг катта бир қисмини ҳарбий унвон ва атамалар ташкил этиши ҳам ушбу давлат уюшмасининг моҳиятида ҳарбийлик устуворлик қилганини кўрсатиб турибди. Хусусан, битиктошларда ҳарбий иш ва мудофаага алоқадор асосан қуйидагича атамалар учрайди:

- 1) *су* (sü) ва *чериг* (čerig) «кўшин»;
- 2) *йизак* (yizäk), *илки су* (ilki sü) «авангард, илғор кўшин»;
- 3) *атлыг су* (atliġ sü) «отлик кўшин»;
- 4) *йадаг су* (yadaġ sü) «пиёда кўшин»;
- 5) *эр* (er/är) «жангчи, жангчилар»;
- 6) *ўглан* (oġlan) «ёш жангчилар»;
- 7) *сунгуш* (süngüş), *уруш* (uruš) «жанг»;
- 8) *суламак* (sülämäk), *су ташықмақ* «кўшин тортмоқ, кўшин чиқармоқ»;
- 9) *йагы* (yaġi) «душман»;
- 10) *кўруг* (körgüg) «разведкачи, жосус»;
- 11) *ерчи* (yerči) «йўл бошловчи/йўл кўрсатувчи»;
- 12) *тил* (til) «тил (асир)»;
- 13) *турғақ* (turġaq) «гвардия, посбон» [2].

Ушбу атамалар асосан хоқонликнинг ҳарбий ҳаётида энг кўп қўлланилган сўз ва иборалар бўлиб, ёзма манбаларда бу билан боғлиқ яна кўплаб атамалар ўрин олган. Хусусан, хитой йилномаларида бунга доир кўплаб маълумотлар учрайди, бироқ улар хитой тили ва ёзуви қодалари асосида берилгани боис, мазкур манбалар асосида қадимги туркий атамаларни тиклаш анча мушкуллик туғдиради.

Турк хоқонлигида ҳарбий иш ва мудофаани йўлга қўювчи вазифадор шахслар билан боғлиқ кўплаб учраши ҳам хоқонлик бу тизимни қанчалик даражада ривожлантирганидан дарак беради. Қадимги турк битиктошларида ҳарбий унвонлар билан боғлиқ асосан қуйидагича лавозим номи, унвон ва эпитет (сифат)лар ўрин олган:

- 1) *субоши*, *апатархон* (бош лашкарбоши);
- 2) *тутуқ* (ҳарбий волий);
- 3) *сангун* (қўмондон, генерал);
- 4) *чабиш* (ҳарбий амалдор);
- 5) *бингбоши* (мингбоши);
- 6) *бешюзбоши*;
- 7) *юзбоши*;
- 8) *ўнбоши*;
- 9) *тархон*;
- 10) *чўр*;
- 11) *эркин* ва ҳ.к. [3].

Шу ўринда хоқонликнинг ўз даврида бошқа этносларга нисбатан ҳарбий жиҳатдан анча устун бўлишини таъминлаган воситалар нималардан иборат бўлган, бунда қандай омиллар асосий рол эгаллаган мазмунидаги саволлар туғилиши мумкин. Маълумки, хоқонликка асос солган уруғ бўлмиш ашина турклари билан кўшни яшаган турли кўчманчи қабилалар, айниқса, улар билан этник яқинликка эга кўплаб туркий қабилалар орасида ижтимоий-иқтисодий фарқликлар бўлгани, яъни қайсидир бир этнос бошқаларига нисбатан анча тараққий этган шароитда яшагани масаласи аниқланмаган. Демак, Турк хоқонлиги асосчилари бўлмиш ашина хонадони қисқа муддатда бундай катта империяни яратишда уларнинг мукамал отлик кўшинга эга бўлганликлари билан биргаликда қуйида нисбатан батафсилроқ тўхталиб ўтадиганимиздек, уларнинг ўзига хос жиҳатлари муҳим ўрин тутган. Дарвоқе, бу даврда Марказий Осиёнинг шимоли-шарқий ҳудудларида яшаган ҳар бир этнос отда жанг қилиш санъатини яхши билишган, бу жиҳатдан улар ашина туркларидан деярли фарқ қилмаганлар. Шу сабабли масалага бошқача қараш лозим бўлади.

Турк хоқонлигининг ҳарбий муваффақиятларига сабаб бўлган омиллар бўйича турлича фикрлар билдирилган. Бир гуруҳ тадқиқотчилар бунинг сабабини ашина туркларининг хўжалик шароити, турмуш тарзи ва касб-коридан излайдилар. Тадқиқотчи олимлар ашина турклари ҳали мустақил давлат барпо этишдан олдин Жуан-жуан хоқонлиги қўл остида экан, ўз хўжайинларига темир қазиб бериш билан шуғулланишгани ёки жуан-жуанлар ҳукмдори Анагуай уларни «менинг темирчиларим» деб атагани [4], шунингдек, Византия элчиларига йўлда – Еттисувдаги шаҳарлардан бирида хоқонлик аҳолисининг уларга темир сотиб олишни таклиф этишгани [5] ҳақидаги маълумотлардан келиб чиқиб, хоқонлик асосчиларининг асосий хунармандчилиги темирчилик бўлгани ҳамда темирдан фойдаланишни яхши эгаллаган жамоа сифатида ундан мустаҳкам қурол-аслаҳа яшаш санъатига эга бўлишгани, натижада бошқа

этносларга нисбатан ҳарбий жиҳатдан устунликни қўлга киритишганини таъкидлайдилар [6].

Жанубий Сибир, Олтой, Мўғулистон ва Еттисув ҳудудларидан топилган археологик топилмалар ва ёзма манбалардаги айрим маълумотлар Турк хоқонлиги жангчиларининг мустаҳкам пўлат қуролларга эга бўлганини тасдиқламоқда. Масалан, Олтой ўлкасиндаги Балиқ-Соок деган жойдаги мазор-қўрғон қазилганда унинг қурол-аслаҳалари ва жанг кийимлари билан кўмилган қадимги турк жангчисига тегишли экани аниқланган бўлиб, ушбу топилмалар тикланганда улар орасида қилич, дубулға (шлем), ханжар, ўк-ёй, совут каби жанговар буюмлар мустаҳкам темир ва кумушдан ясалганлиги ва отлик аскарга ортиқча кийинчилик туғдирмайдиган даражада энгил эканлиги мутахассисларнинг диққатини тортди [7].

Турк хоқонлиги эга бўлган қўшиннинг қурол-яроғ ва бошқа ҳарбий буюмлари анча мустаҳкам бўлганини тасдиқлайдиган маълумотлар нафақат хоқонликнинг марказий ҳудудлари бўлмиш мазкур жойлардан, балки хоқонлик таркибида бўлган ўтrock воҳалардан топилган археологик материалларда ҳам ўз тасдиғини топган. Жумладан, Чоч, Фарғона, Уструшона, Бухоро, Хоразм, Тўхористон каби Амдураё – Сирдарё оралиғидаги воҳа ҳукмдорликлардан бири – Суғд таркибидаги Панч ҳукмдорлиги марказининг бўлмиш Панжикент шаҳар харобаларида узоқ йиллар давомида археологик қазилмалар олиб борган В. И. Распопова VII–VIII асрларда Суғдда қўлланилган қурол-аслаҳаларига қадимги туркларнинг катта таъсир кўрсатганини таъкидлаб ёзган [8].

Хитой йилномаларида *Тукюе* (турк)ларнинг қурол-яроғлари ўк-ёй, гурзи, зирҳли совут, узун суворий найзалари ва қиличлардан иборат экани кўрсатиб ўтилади [9]. Жумладан, «Тан шу» йилномасида «Жангчи асбоби сифатида шохсимон шаклли овоз чиқарадиган ўк-ёй, қалқон, найза ва қиличлар мавжуд» мазмундаги маълумот хоқонлик қўшинларининг ҳарбий жиҳатдан қандай тайёргарликка эга эканидан далolat беради [10].

Шу ўринда, Турк хоқонлиги қўшинининг асосий қисмини ташкил қилган туркий қабилаларга жанг пайтида кимлар бошчилик қилишган, мазмундаги савол туғилиши мумкин. Хитой йилномаларида *Дулу* ва *Нушиби* каби ҳар иккала қанот ёки бошқа туркий қабилалар бошқарувида баъзан хоқонлик аъзолари – *ябгу*, *шад*, *тегин* унвонли шахзодалар турганлиги тўғрисида маълумотлар учрайди [11]. Хоқонликнинг мазкур вакиллари вакилларининг вазифаси тобе қабилаларни бошқариш ва солиқлар йиғинини ташкил қилиш билан биргаликда, уларни ҳарбий ишларга жалб этиш, жангларга олиб бориш ва ҳарбий ҳаракатларда бошчилик қилиш ишларини ҳам амалга оширишдан иборат бўлган. Айниқса, бу масалада хоқонликда шахзода – *тегин*лар ўз қўшинига эга бўлиб, бирор ўлкани бошқаришга масъул қилинган тақдирда *шад* унвони олганликларини [12] назарда тутиш зарур.

Турк хоқонлиги қўшинларининг муваффақиятини таъминлаган бошқа бир хусус эса қадимги туркийлар жамиятига хос тушунчалар бўлиб, улар хоқонликка Марказий Осиёнинг қадимги этнослари, хусусан, хунлардан мерос бўлиб ўтган эди. Хусусан, хитой йилномаларида учрайдиган «Жангда ўлишни шараф билишади, хасталаниб ўлишни эса уят ҳисоблашади» [13] шаклидаги маълумот хоқонлик қўшинининг жангларга қай даражада руҳан тайёргарлик билан киришганликларини кўрсатиши билан биргаликда, уларнинг кўп ҳолларда ғалаба қилишларини таъминлаган омил бўлганини кўрсатади.

Бундан ташқари, хитой йилномаларида турк хоқонининг хос соқчи (лейб-гвардейц) қўшинлари *фу-ли* (бўри) деб аталаш ва хоқоннинг ўрда – қароргоҳи тепасида бўри боши тасвирли байроқ хилпираб туриши ҳақида маълумот келтирилиб, *Тукюе* (турк)лар урғочи бўри уруғидан эканлиги ва улар ўз келиб чиқишларини унутишни истамасликларига урғу берилади [14]. Шунингдек, айрим хитой йилномаларида бўри билан боғлиқ куйидагича маълумот қайд этилади: «(турклар) айрим ҳолларда *фулинъ-кехан* (бўри-хоқон)лик жорий қилишади. *Фулин*нинг маъноси бўридир; уларнинг ўлдиришга мойиллиги ва ҳирслигига қараб шундай лақаб беришади» [15]. Битиктошларда хоқонлар тилидан ўз аждодларининг қўшини “бўридай эрмиш”, уларнинг душмани “қўйдай эрмиш” жумлаларининг тилга олиниши ва бошқа маълумотлар [16] ҳам буни тасдиқлайди.

ХУЛОСА. Турк хоқонлигида ҳарбий иш ва мудофаа тизимининг айрим жиҳатларини ёзма маълумотлар ва археологик материаллар асосида қисқача таҳлил қилиш шундан дарак берадики, хоқонлик илк ўрта асрларда дунёда йирик салтанатлар сифатида билинган Византия империяси, Сосонийлар Эрони ва Хитой (Суй ва Тан сулолалари) даражасидаги йирик салтанат бўлган. Унинг ҳарбий муваффақиятларини таъминлаган асосий омиллар эса куйидагича бўлган:

– Юксак даражада ташкил этилган ҳарбий интизом. Аскарларни жангга тайёрлаш, жангдан олдин ва кейинги ҳарбий тайёргарликни йўлга қўювчи махсус вазифадор кишилар (чабиш/човуш)нинг мавжудлиги;

– Аждодлардан мерос ҳарбий санъат. Марказий Осиёнинг қадимги давлат уюшмалари – Скиф (Сак), Хун салтанати ва бошқалардан ўзлаштирилган ҳарб санъати ва тактика;

– Анча мукамал қуролларга эга бўлиш. Қуроллар асосан мустаҳкам пўлатдан тайёрланган ва жангчи учун кийинчилик туғдирмайдиган даражада энгил бўлган;

– Қўшиннинг турли қисмлардан ташкил топганлиги. Улар асосан отлик, қисман эса пиёда қўшинлардан иборат бўлиб, ўнг қўл ва сўл қўл каби икки асосий қанотга бўлинганлар.

Ниҳоят хоқонликнинг ҳарбий ютуқларини таъминлаган асосий омил – бу қадимги туркий этносларга хос мафқуранинг мавжуд бўлганлигидир.

Қадимги турклар жангда енгилишни номус деб билиб, жанг пайтида ўлишни шараф ҳисоблашган.

АДАБИЁТЛАР

1. Гумилев Л. Н. Қадимги турклар. Тошкент, 2007. – Б. 64.
2. Дадабаев Х. Военная лексика в старобузбекском языке / Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики старобузбекского языка. – Т.: Фан, 1990. – С. 8–16.
3. Бабаяров Г. Государственный строй Западно-Тюркского каганата. Автореф. дисс. докт.ист.наук. – Ташкент: ИВ АН РУз, 2012. – С. 19-24.
4. Бичурин Н. Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – том I. – М. - Л.: Изд. АН СССР. 1950. – С. 221, 228.
5. Мокрынин В. П. К вопросу о тюрко-согдийской интеграции в VI-VIII вв. // Из истории дореволюционного Киргизстана. – Фрунзе: Илим, 1985. – С. 170–175 .
6. Кубарев Г. В., Кубарев В. Д. Погребение знатного тюрка из Балык-Соока (Центральный Алтай) // Археология, этнография и антропология Евразии. 4 (16), 2003. – С. 64–82.
7. Кубарев Г. В., Кубарев В. Д. Погребение знатного тюрка, 64–80.
8. Распопова В. И. Поясный набор Согда VII–VIII вв. // СА. – М., 1965. – № 4. – С. 89–91.
9. Liu Mau-Tsai Die Chinesischen Nachrichten zur Geschichte der Ost Türken (T'u-küe), Buch 1–2 («Göttinger Asiatische Firschungen», Bd, 10). – Wiesbaden, 1958. – S. 21.
10. Таşağıл А. Gök-Türkler. – Ankara, 1996. – S. 97.
11. Бичурин Н. Я. Собрание сведений, 292.
12. Артамонов М. И. История Хазар. – Л.: Изд-во Государственного Эрмитажа, 1962. – С. 154–156.
13. Бичурин Н. Я. Собрание сведений, 231.
14. Бичурин Н. Я. Собрание сведений, 229.
15. Зуев Ю. А. Ранние тюрки: очерки истории и идеологии. – Алматы, Дайк-пресс, 2002. – С. 36–37.
16. Абдурахмонов Ф., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Т.: Ўқитувчи, 1982. – Б. 71, 77, 101–111, 126.



УДК: 902.5:297:008 (584.4)

Шоира ХАКИМОВА,
Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти
E-mail: Shoirasagdullayevna@gmail.com

THE ROLE OF SUFISM IN AMIR TEMUR'S SPIRITUALITY

Abstract

Uzbekistan is a country that has been brought up for a long time thanks to the education of great thinkers and guardians. All kinds of Islamic sciences developed on this sacred land, theoretical studies were created all over the world. In particular, in our country also formed education of sufism, which is aimed at the purification of the soul and its spiritual education. This article contains information about the contribution of Amir Temur to the Islamic religion, his attitude to Sufism, his respect for the holy Pirs and Seyyids, his loyalty to the masters, the use of Sharia knowledge, Sufism in management, his contribution to the enrichment of the human personality and spirituality contribution to the broad development of sufism.

Key words: Amir Temur, Islam, sufism, holy pirs and sayids, spirituality, politics, humanitarianism, thoughts, spiritual propaganda, spiritual enlightenment, spiritual heritage.

РОЛЬ СУФИЗМА В ДУХОВНОСТИ АМИРА ТЕМУРА

Аннотация

Ўзбекистан – это страна, которая давно воспитывается благодаря воспитанию великих мыслителей и хранителей. На этой священной земле развивались все виды исламских наук, были созданы теоретические исследования по всему миру. В частности, в нашей стране также сложилось обучение суфизма, которое направлено на очищение души и духовное ее воспитание. В этой статье содержится информация о вкладе Амира Темура в исламскую религию, его отношении к суфизму, его уважении к священным пирам и сейидам, его верности по отношению к наставникам, использовании знаний шариата, суфизма в управлении, его вкладе в обогащение человеческой личности и духовности, который внес большой вклад в широкое развитие суфизма.

Ключевые слова: Амир Темура, исламская религия, суфизм, святые пиры и сейиды, духовность, политика, гуманизм, мысли, духовная поддержка, духовное просвещение, духовное наследие.

АМИР ТЕМУР МАЪНАВИЯТИДА ТАСАВВУФНИНГ ЎРНИ

Аннотация

Ўзбекистон – қадим-қадимдан улуг алломалар, валий инсонларни тарбиялаб вояга етказган юрт. Бу табаррук заминда исломий илмларнинг барча тури ривожланиб, дунёга машҳур назарий тадқиқотлар яратилган. Жумладан, инсон қалбини поклаш, уни руҳий-маънавий жиҳатдан юксалтиришни мақсад қилган тасаввуф таълимоти ҳам юртимизда кенг тараққий этган. Ушбу мақолада юртимизда тасаввуфнинг кенг тараққий этишига беқиёс ҳисса қўшган Соҳибқирон Амир Темурнинг ислом динига, тасаввуфга муносабати, эътибори, пирларига, саййидларга бўлган ҳурмати, устозларига бўлган садоқати, давлат бошқарувида шариат илми, тасаввуф илмидан фойдаланиши, инсоний фазилятлари, маънавиятни бойитишига қўшган ҳиссаси ҳақида маълумот берилади.

Калит сўзлар: Амир Темура, ислом дини, тасаввуф, пирлар ва саййидлар, маънавият, сиёсат, инсонпарварлик, тафаккур, маънавий кўмак, маънавий тарбия, маънавий мерос.

КИРИШ. Ўзбекистон мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш унинг умумбашарият тан олган маънавиятини тиклаш ва янги давр талаблари асосида юксак даражага кўтаришни талаб қилади. Бу эса мустақил Ўзбекистон тарихининг барча даврларини чуқур ўрганиш, тарихий ҳақиқатни юзага чиқаришни такозо этади. Диёримиз тарихининг ана шундай даврларидан бири – Амир Темура давридир. Амир Темура ўз халқига ҳар томонлама бой мерос қолдирган Турон заманининг

буюк фарзанди, бутун жаҳон эътироф этган давлат арбоби, буюк саркарда бўлиб ҳисобланади.

Амир Темура инсоният тарихида тенги йўқ марказлашган давлатчиликка, қонунчиликка асос солиш билан бир қаторда ватанни севиш, қадрлаш, унга сидқидилдан хизмат қилиш, уни жаҳон микёсига чиқариш учун ҳаракат қилиш, озодлик, тенглик, хурфикрлик, инсонпарварлик, ҳақиқий миллий ифтихор, меҳнатсеварлик, ахлоқий поклик, ҳалоллик, инсоф, диёнат, меҳр-оқибат, кексаларга ҳурмат, ёшларга иззат, орият, шарм-ҳаё, ҳақгўйлик,

саховат, иффат, иболилик, раҳм-шафқат, биродарлик, онглилик, илм-фанни кадрлаш каби маънавий фазилатларни ўз мамлакатада кенг тарғиб этилишига катта аҳамият берган. Соҳибқирон қолдирган маънавий мероснинг ўта кадр-кимматли эканлиги ва биз бу маънавиятни буюк келажак сари қадам ташлаётган халқимиз учун ниҳоятда кадрли эканлигини англамоқдамиз.

АСОСИЙ ҚИСМ. Соҳибқирон ҳар жиҳатдан замонасининг комил кишиси бўлиб, нафақат салтанат ва сиёсат бобида, балки инсоний муносабат, илм ва маънавият масаласида ҳам беқиёс фазилатлар соҳиби эди [1]. Масалан, ҳазрат Алишер Навоий “Мажолис-ун нафоис” тазкирасининг еттинчи мажлисида жаҳонгирнинг буюк маънавияти, хусусан, сўз ва назмни ҳис этиш иқтидори ҳақида бундай ёзади: “...агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеда ўқибтурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор” [2].

Амир Темур маънавияти ва тафаккурига хос фазилатларни кейинчалик Европа олимлари ҳам бир қадар тан олган. Чунончи, француз муаррихи Альфонс де Ламартин бу хусусда бундай деб ёзади: “Амир Темур дин, тиббиёт, тарих, ҳуқуқ ва астрономия илмининг билимдони, кўп ўқиган, Осиёда энг кўп қўлланувчи уч тил — туркча, форсча ва арабчани ғоят мукамал билган, зарофат ва қудрат ила ёзиш маҳоратини пухта эгаллаган бир ҳукмдор эди... Оврупо на Искандар, на Аттила ва на Масковияда зафар кучган янги фотиҳ (Наполеон) шахсиятида бундай юксак бир завқ ва иродани кўрган эмас” [3].

Соҳибқирон Амир Темур тасаввуф моҳиятини яхши англаган ва ўз давлатида маънавиятни бойитишда тасаввуф илмидан оқилона фойдаланган. Амир Темур тасаввуф илми билан ёшлигиданоқ қизиқиб, жамиятда ҳақиқат ўрнатишнинг йўлларини тасаввуф илмидан ва тасаввуфчи алломалар, арбоблардан ўрганган, даврининг улуғ мутасаввифлари билан суҳбатдош бўлган, уларнинг панд-насихатлари, маънавий йўл-йўриқ ва кўмаклари шарофати билан миллий давлат асосларини яратган. Шу сабабдан салтанат соҳибининг бу зотларга иззат-ҳурмати, меҳрумуҳаббати юксак бўлган.

Амир Темур салтанат соҳиби бўлгандан кейин ўзаро урушларга барҳам бериб, йирик марказлашган давлат ташкил этди. Мамлакатнинг барқарорлигида ислом динига эътиқод қилиб ривожланиши ҳар бир мусулмон пок бўлиши зарурлигини талаб қилиши ҳам унинг диний тасаввуфга катъий риоя этганлигидан далолат беради.

Бу даврда тасаввуф жамият ва давлат ўртасида обрў қозониб, сиёсатга кучли таъсир этган [4]. Инсонни камолотга элтувчи йўллари танитган ва маънавий софлик мақомларини ўргатган Нақшбандийлик тариқатининг мавқеи, мартабаси юқори бўлган. Нақшбандийлик жамоаларининг Бухорода, Самарқандда, Балхда, Марвда, Хивада ва

Эроннинг шарқий вилоятларида таъсири кучайган. Султон Боязид билан Амир Темур ўртасидаги муносабатларда нақшбандийлик жамоалари иккала мусулмон давлатининг аҳиллик тарафдори бўлган.

Амир Темур қўшинлари камал қилган жуда кўп шаҳарларнинг аҳолисига омонлик беришда ҳам нақшбандийлик тариқатининг пирларини таъсири катта бўлган [5].

Буюк жаҳонгирнинг тасаввуф аҳлига эътиқоди унинг “Тузуқлар”ида ва бошқа бир қатор асарларда ҳам намоён бўлади.

Амир Темурнинг “Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим”, “Шижоатли кишиларни дўст тут, чунки тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди”, “Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим”, “Пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпин”, “Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келгудек бўлса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, душманлиги дўстликка айланди”, “Адоват эмас, адолат энгади”, “Куч – адолатдадир” каби ҳикматлари тасаввуфна моҳиятга эга.

Тасаввуфнинг жамиятдаги ғайриинсоний иллатларга қарши курашувчи қудратли куч ва восита эканини англаб етган Амир Темур салтанатни шарият илми ва тасаввуф талаблари асосида бошқарганлиги тўғрисида “Тузуқлар”да шундай деб ёзади: “Агар доруғалар ва ҳокимлар халққа жабр-зулм қилиб, уларни хароб қилган бўлсалар, қилган ишига лойиқ жазо берилсин. Ўғрилар хусусида буюрдимки улар қаерда бўлмасин, ким тутиб олса, Ёсо бўйича жазолансин, шариятга оид ишларни ҳал этишда ислом қозиси ҳукм чиқарсин. Урф-одат ишларини эса аҳдос қозиси тафтиш қилиб, сўнг менинг арзимга етказсин” [6].

Амир Темурнинг ислом динига, тасаввуф илмига бўлган муносабатини қуйидагилардан ҳам англашимиз мумкин: “...Машойхлар, сўфийлар, Худони таниган орифлардир. Уларнинг хизматларида бўлиб, суҳбатлар қурдим ва охират фойдаларини олдим... Улардан Тангри таолонинг сўзларни эшитиб, кароматлар кўрдим, фавқулотда одатларини мушоҳада этдим ва суҳбатларидан роҳатланиб, хузур қилдим” [6].

Амир Темур умр бўйи пирларни, саййидларни иззат-икром этиб, уларнинг маънавий кўмак олди. Унинг мислсиз саркардалик салоҳияти, етук давлат тизимини ташкил этган тафаккури устозларининг илоҳий шуур билан йўғрилган ҳикмати билан ўсиб-ривожланиб, камол топгани шак-шубҳасиздир. Жаҳонгирлик баҳсида Темурнинг Искандар Мақдуний, Ҳаннибал, Аттила, Чингизхон ва Наполеондан устун қўйилиши ҳам мана шу маънавий тарбия туфайли эди [1].

Соҳибқирон Амир Темур ўз ҳаёти жараёнида машхур мутасаввифларга, турли тасаввуфий тариқатлар машойхларига алоҳида катта аҳамият бериб, ўзининг давлатий, сийсий-ижтимоий, маънавий-маданий юмушларининг муваффақиятли амалга оширишда халқ орасида машхур бўлган дин,

ирфон, тасаввуф вакилларининг улкан нуфуздан усталик билан баракали фойдаланганидан дарак беради [7].

Жумладан, Сайид Али Ҳамадоний, Хожа Исҳоқ Хутталоний, Шоҳ Неъматуллоҳ Валий каби кўплаб машҳур машойхлар билан учрашиб, уларнинг суҳбатларини олганлар.

Амир Темур устозларининг ўғит ва ҳикматларигагина эмас, уларнинг муборак қадамларидан тўқилган чангу ғуборларни ҳам эъзозлайдиган садакатли шоғирд бўлган.

Бу хусусда ғаройиб бир ривоят бор. Навбатдаги юришига отланган Амир Темур кўшинлари Бухоро кўчаларидан ўтаётганда, баланд бир девор устидан эски кийимлар силкиниб, қоқилаётган экан. Чангу тўзон навкарлар устбошига кўнар, бундан норози бўлган лашкарбошилар юкоридан туриб жуббаларни қоқайтган дарвешларни жеркиб, тўхтатмоқчи бўладилар. Бу воқеадан хабар топган Темур кўшинни орқага қайтаришни буюрибди, девор устидаги одамларга эса жуббаларни қаттиқроқ қоқишни тайинлабди. Кўшинлар чангу ғубор остидан қайтиб ўтар эканлар, Соҳибқирон “Ҳеч ким устига тушган ғуборни қоқиб тозаламасин”, деб амр этибди. Ҳеч ким бу иш сабабини сўрашга ботинолмабди. Фақат кейинчалик, Рум султони Боязид билан бўлган зафардан сўнг, Амир Темурдан Бухорода бўлиб ўтган “Чанг воқеаси” сабаби сўралганда, Турон султони шундай дейди: “Сизлар ҳам бу чангу-ғубор кадру-қийматини билганингизда эди, бунинг сабабини сўрамаган бўлардингиз. Ўша девор устидан чанглари қоқилган эски-тускилар оддийгина латта-путталар эмас, улар Ҳазрати Нақшбанднинг муборак жуббалари эди. “Аллоҳ адолатни амр этади” – шу амрга кўра, биз устбошларида ҳазрат жуббасининг ғуборларини кўтариб юрган кўшин зафар кучиб, Рум кўшини мағлуб бўлди. Илло, Аллоҳ ҳузурда ҳатто авлиёлар авлиёси саналмиш Боязид (Бистомий)нинг даражаси Ҳазрати Нақшбанд даражасидан анча пастдадир. Аллоҳ адолатни амр этади ва ўзига бу қадар содик бўлган зоти шарифнинг ҳатто жуббасидан учган чанг зарраларининг ҳам мағлуб бўлишига йўл қўймайди. Биз Йилдирим Боязидни ана шундай енгдик” [3].

Амир Темурнинг пирларга, саййиларга бўлган ҳурматини Ибн Арабшоҳнинг яна бир маълумотида кўришимиз мумкин.

“Дашт ва Тотор султони Тўхтамишхон Амир Темур ва султон Ҳусайн ўртасида юз берган можарони кўргач, кони қайнаб ғайирлиги келди. Негаки, улар (Тўхтамишхон ва султон Ҳусайн) насаби жиҳатидан бир-бирига яқин ва кўшни эди. У кўп аскар, денгиздек хайқирган кўшин тўплади ва Сиғанок Ўтрор тарафидан Амир Темур лашкаргоҳи томон йўл олди.

Амир Темур Самарқанд тарафдан қарши чикди... Икки ўртада уруш “бозори” қизиди. Жанг олди-сотдилар авж олди ва ниҳоят, Темур аскар

(ун бўлиб янчилмагунча) муҳороба тегирмонининг тошлари айланаверди. Темур сипохи пароканда бўлиб, химоя тугуни ечилаётган бир пайтда баногоҳ Саййид Барака исмли зот пайдо бўлди ва Амир Темурга ёвуқ келди. Темур – у ғоятда танг ҳолатда қолган эди – бояги зотга юзланиб: “Эй саййид афандим! Сипохи енгилди!” деди. “Кўркма!” деди унга Саййид Барака. Кейин тулпоридан тушди ва ердан бир сиқим тупроқ олиб, яна бўз отига минди. Сўнг ўша тупроқни бостириб келаётган душман юзига сочиб, “Йоғи (душман) қочди!” деб бақира бошлади. Амир Темур ҳам ёрдам кўлини чўзган шайхни такрорлаб бақираверди... Шунда Амир Темур аскарлари... рақибларига қарши дадил маъракага тушди. Унинг кўшинидаги заифу жасур бор жангчи “Йоғи қочди” деб қичқирди, бақирмагани қолмади. Ниҳоят, уларни бир-бирини қўллаб-қувватлаб ва (бир-бирига) мадад тилаб, ёғий устига ҳамла қилди. Тўхтамиш кўшини мағлубиятга учради... Амир Темур назарида Саййид Бараканинг эътибори ошди... Амир Темур Хуросон ерларидаги Андхой деган жойни ва унга тегишли музофоту кишлоқларни шайхга иқтоъ тарзида тортиқ қилди” [3].

Амир Темур номининг абадияти, давлатнинг шукухи унинг буюк устозларига бўлган садақати, донишманд пирлар, саййидларнинг ҳикматига бўлган илоҳий эътиқоди туфайлидир.

Амир Темур тасаввуф илмини, унинг тарикатларини, дунёвий илм асосларини ўз қалбига жо қилган, ўзи барпо этган салтанатида адолат, қонун, шариат талабларига мувофиқ иш тутган [8]. Мамлакат салоҳияти, халқ ғами, ташвиши учун бутун қобилияти ва истеъдодини бағишлаган.

ХУЛОСА. Амир Темур билими, илмий салоҳияти, салтанат тажрибаси билан тасаввуф таълимотининг илмий-назарий йўналишларини уйғун ҳолда ҳаётга татбиқ этди. У салтанатни бошқаришда шариат қонунларига риоя қилишдан ташқари, беклар, саркардалар, шайхлар, донишмандлардан маслаҳат олди, халқнинг, фуқаронинг аҳволидан хабардор бўлди, мамлакатда савдо-сотик хавфсизлигини таъминлади, тинчлик ва осойишталик ўрнатди. Бу хусусиятлар Соҳибқирон давлатни бошқариш йўриғини тўғри йўлга қўйганининг амалий исботидир.

Диннинг юксак ролини эътироф этиш билан бирга, диний дунёқараш тафаккурининг, инсоннинг ўзини ўраб олган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганлигини таъкидлаш билан бирга ўзимизнинг соф дунёвий илмий меросимиз билан ёнма-ён тенг яшаш ҳуқуқига эга бўлган диний меросимиз бўлган инсон ўзлигини англашда муҳим аҳамиятга эга бўлган, бир неча асрлар олдин Соҳибқирон бобомиз улуғлаган сўфийликдан эндиликда ҳам ахлоқ-одоб, табиат ва жамиятга муносабатни, инсонни кадрлашни, қисқаси маънавий покланишни ўрганмоғимиз даркордир.

АДАБИЁТЛАР

1. Аҳмедов Н. Амир Темур: ривоят ва ҳақиқат. – Т., 1996. – Б. 77.
2. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Тўла асарлар тўплами. – Т.: Ғ.Ғулом, 2012. 9 жилд. – Б. 411.
3. Хуршид Даврон. Амир Темур пирлари // Тафаккур. – 1995. №1. – Б. 23-24.
4. Абдуллаев А. Тасаввуф ва унинг намояндалари. – Термиз, 2007. – Б. 183.
5. Насафий. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд. – Т.: Фан, 1993. – Б. 15.
6. Темур тузуклари. Т.: Ғафур Ғулом, 1991. – Б. 74.
7. Ориф Усмон. Амир Темур ва мутасаввифлар // Мулоқот. 1996. №1. – Б. 27.
8. Олимов У. Бошқариш йўриғи // Тафаккур. – Т., 2000. №4. – Б. 90.



УДК 63.3 (2у)

У. ХУДОЯРОВ,

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти катта ўқитувчиси

NATIONAL AND SOCIAL STRUCTURE OF THE POPULATION OF SAMARKAND REGION (ON THE RESULTS OF THE POPULATION CENSUS OF THE SOVIET UNION 1926 YEAR)

Abstract

The scientific article explores and scientifically analyzes the national and social composition of the population of the Samarkand region based on data from the 1926 census. Studies of national composition were first introduced into scientific processing. At the same time, a number of scientific conclusions were made when studying the social composition of the population. According to sources, the majority of the population in urban areas was engaged in handicraft production. In rural areas, the population was mainly engaged in agriculture. At that time, the workers were divided into groups: dependent and independent. The information on the national and social structure of the population is based on the scientific findings of scientists who conducted research in this area during the Soviet period and during the years of independence, as well as on sources stored in the Central State Archive of the Republic of Uzbekistan.

Key words: population census, analysis, national and social composition, urban and rural population, migration processes, employment.

НАЦИОНАЛЬНАЯ И СОЦИАЛЬНАЯ СТРУКТУРА НАСЕЛЕНИЯ САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ (ПО РЕЗУЛЬТАТАМ ПЕРЕПИСИ НАСЕЛЕНИЯ СОВЕТСКОГО СОЮЗА 1926 ГОДА)

Аннотация

В научной статье исследована и научно проанализирована национальный и социальный состав населения Самаркандской области на основе данных переписи 1926 года. Исследования национального состава впервые введены в научную обработку. В то же время были сделаны ряд научных выводов при изучении социального состава населения. Согласно источникам, большинство населения в городских районах была занята в ремесленном производстве. В сельской местности население в основном занималась сельским хозяйством. На то время рабочие делились на группы: зависимых и независимых. Приведенная информация о национальной и социальной структуре населения основана на научных выводах ученых, проводивших исследования в этой области в советский период и в годы независимости, а также на источниках, хранящихся в Центральном государственном архиве Республики Узбекистан.

Ключевые слова: перепись населения, анализ, национально-социальный состав, городское и сельское население, миграционные процессы, занятость.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИНГ МИЛЛИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ТАРКИБИ (1926 ЙИЛГИ БУТУНИТТИФОҚ АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА)

Аннотация

Илмий мақолада 1926 йилги Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида Самарқанд вилояти аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркиби ўрганилган ва илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Мақоладаги аҳолининг миллий таркиби уларнинг жойлашуви ҳақидаги маълумотлар ўзининг долзарблиги ва дастлаб илмий муомилага киритилаётганлиги билан фарқланади. Шу билан биргаликда илмий ишда аҳолининг ижтимоий таркибини ўрганиш бўйича ҳам қатор илмий хулосалар ўртага ташланган, манбаларнинг гувоҳлик беришича шаҳар ҳудудларида яшовчи иш билан банд аҳолининг асосий қисми ҳунармандчилик ва қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқариш билан банд бўлган. Қишлоқ ҳудудларида эса аҳоли асосан деҳқончилик маҳсулотлари етиштирганлар. Ишчилар фаолият тури бўйича мустақил ва номустақил фаолият олиб боровчи гуруҳларга ажратилган. Юқорида аҳолининг миллий ва ижтимоий таркиби ҳақида берилган маълумотлар совет даври ва мустақиллик йилларида шу соҳа бўйича илмий тадқиқот олиб борган олимларнинг илмий хулосалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивида сақланаётган манбалар асосида тайёрланган бўлиб ундан мавзу бўйича илмий тадқиқотлар олиб боровчилар ҳамда қизиқувчилар ўзлари учун қимматли маълумотларга эга бўладилар.

Калит сўзлар: аҳоли рўйхати, таҳлил, миллий ва ижтимоий таркиб, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, миграция жараёнлари, аҳоли бандлиги.

1926-йилги Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш натижаларини ўрганиш, Ўзбекистон, шу жумладан Самарқанд вилояти аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркибини қиёсий таҳлил қилиш,

тегишли илмий хулосалар қилиш тарихий демография фанининг тўлиқ ўрганилмаган соҳаларидан биридир. Совет даври ва мустақиллик йилларида республикада ушбу соҳасида Г.Р.Асонов

[1], Н.Р.Маҳкамова [2], Л.П.Максакова [3], Р.А.Убайдуллаев [4], О.Б.Ата-Мирзаев [4], Н.О.Умарова [4], У.Ж.Худояров [5], К.Ғаниев [6], Мулладжанов И.Р., Воронковский Ю.В., Цепковская Т.С [7] каби тадқиқотчилар томонидан илмий изланишлар олиб борилди.

1926 йилги аҳоли рўйхати асосида Самарқанд вилояти аҳолисининг миллий ҳамда ижтимоий таркиби юқорида таъкидланган муаллифларнинг тадқиқотларида бош масала сифатида ўрганилмаган, таъкидлаш жоизки уларда келтирилган мавзуга оид маълумотлар етарли эмас, борлари ҳам мавзунинг айрим қирраларини тўлиқ очиб беролмайди. Шунинг учун ҳам мазкур тадқиқот доирасида мавзунинг моҳиятини тўлароқ ёритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви маълумотларидан унумли фойдаланилди, келтирилган маълумотларнинг катта қисми биринчи марта илмий жараёнга киритилди.

1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш Ўрта Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ташкил қилинган дастлабки тадбирлардан бири бўлиб, аҳолини рўйхатга олиш жараёнида тўланган маълумотларни қайта ишлаш ва уни натижа ва якунларини яъни нашр қилиш бобида ҳам бир ноаниқлик ва камчиликларга йўл қўйилган. Шу жумладан, 1926 йилги рўйхатда курама, таранги, яғнобликлар аҳоли рўйхатига киритилган бўлса, 1939 йилги аҳоли рўйхатида эса улар ҳақида маълумот берилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Маказий Давлат Архиви ҳамда Самарқанд вилоят давлат архивлари маълумотлари таҳлил қилиниб, 1926 йилги аҳоли рўйхати якунлари бўйича Самарқанд вилояти аҳолисининг миллий ва ижтимоий таркибига оид маълумотлар ўрганилди. 1926 йилда Самарқанд округида (20-йилларда округ деб юритилган) жами 526908 нафар аҳоли рўйхатга олинган [8]. Уларнинг 132502 нафари шаҳар ҳудудларида, қолган 394406 нафар аҳоли эса қишлоқ ҳудудларида яшаган. Юқорида таъкидланган аҳоли Самарқанд округида мавжуд 10 та туманда яшаган. Жумладан,

Оқдарё туманида 28956, Булунғур туманида 65606, Жиззах туманида 26966, Зомин туманида 24684, Митан туманида 36196, Пастдарғом туманида 34302, Пайариқ туманида 31017, Юқори дарғом туманида 60217, Янги қозонариқ туманида 42545, Янгикўрғон туманида 36124 киши истиқомат қилган.

Маълумки 20-йилларда турли сиёсий компания ва бошқа миграцион жараёнларда Ўзбекистонга собиқ СССРнинг минтақа ва ҳудудларидан кириб келган аҳоли сони йилдан-йилга ошиб борди. 1926-йилги аҳоли рўйхатида Ўзбекистонга собиқ СССРнинг турли ҳудудларидан кириб келган аҳоли Республика аҳолисининг 8,5 фоизини ташкил қилганлиги аниқланган, (буларнинг 6,8 фоизи рус миллатига мансуб эди). 1939-йилга келиб бу кўрсаткич 10 фоизга етган. [9]. Умуман олганда 1926 ва 1939 йиллар оралиғида Ўзбекистонга 650000 киши кириб келиб яшай бошлаган (уларнинг асосий қисмини русий забон

аҳоли ташкил қилган) ва улар республика аҳолисининг 10 фоизини ташкил қилган [7].

Самарқанд вилояти аҳолисининг миллий таркибиде ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берган. Бу даврда собиқ СССРнинг турли ўлкаларидан кўплаб миллат вакилларининг Самарқанд вилоятига ҳам кўчиб келиб жойлашиш жараёни давом этган. 1926 йилги аҳоли рўйхатида Ўзбекистонда 91 миллат, Самарқанд округида эса 60 га яқин миллат вакиллари яшаётганликлиги эътироф этилган. 1926 йили республика ҳудудида истиқомат қилган 4660000 аҳолининг 246521 нафари рус миллатига мансуб бўлиб, уларнинг 126782 таси эркаклардан, 119739 нафари аёллардан иборат эди. 208678 русий забон аҳоли шаҳарларда, 37843 нафар рус миллатига мансуб аҳоли қишлоқларда яшаган [10]. Шу даврда Самарқанд округида яшаган 526908 кишининг 31245 нафари рус миллатига мансуб бўлиб, уларнинг катта қисми шаҳарларда яшаган. Русий забон аҳолининг 15250 нафари эркаклар, 15995 нафари эса хотин-қизлардан иборат бўлган.

1926-йилда яшаган 60 га яқин миллат вакилларининг 914 нафари козоқлар, 26906 нафари тожиклар, 3014 нафари қирғизлар, 1751 нафари туркманлар, 3369 нафари украинлар, 703 нафари белоруслар, 540 нафари поляклар, 1434 нафари яҳудийлар, 7035 нафари эронлилар, 2751 нафари татарлар ва бошқа миллат вакилларидан иборат бўлган [8]. Ўзбеклар, руслар, тожиклар ва эронлилар ушбу рўйхатда кўпчиликни ташкил қилган. Кейинги йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатларидаги маълумотларга кўра миллий таркиб янада кўпайиб борган. Жумладан, 1939 йилги аҳоли рўйхати натижалари бўйича Ўзбекистонда яшайдиган миллат вакилларининг сони 90 дан ошиб кетган.

Ўрганилаётган даврда Самарқанд вилояти аҳолисининг ижтимоий таркиби ҳам турлича бўлган. Ўтказилган аҳоли рўйхатларида ишчилар ва хизматчилар фаолият турига қараб мустақил ва номустақил фаолият олиб боровчиларга ажратиб кўрсатилган. Самарқанд округининг шаҳарларида яшайдиган аҳолидан 40631 киши ишчилар таркибиде мустақил фаолият олиб боровчилар деб эътироф этилган. 1926-йилда Самарқанд округида Самарқанд, Жиззах, Ургут каби шаҳарлар мавжудлиги қайд қилиниб, уларда яшаган аҳолининг ижтимоий таркиби ҳақидаги маълумотларда Самарқанд шаҳрида 31697 та, Жиззах шаҳрида 4411 та, Ургут шаҳрида эса 4523 та мустақил фаолият олиб боровчи ишчилар рўйхатга олинганлиги таъкидланган [8]. Шаҳарлар ҳудудларидаги мустақил фаолият олиб боровчи аҳолининг 1011 нафари фабрика, завод ва бошқа саноат корхоналарида, 1393 нафари темир йўл транспортида, 711 нафари хунармандчилик ва таъмирлаш ишларида банд бўлган. Бошқа соҳалардаги фаолият билан 5797 киши банд бўлган.

Мустақил фаолият билан шўғилланувчи хизматчиларнинг таркиби кўйидаги кўринишга эга бўлган. Унга кўра 6064 киши ташкилотларда, 3369 киши корхоналарда, 562 киши хизматчилардан иборат бўлиб, улар умумий ишчилар таркибиде

9995 кишини ташкил этган. Қолган ишчиларнинг асосий қисми эса номуस्ताқил фаолият тури билан шўғулланган. Шунингдек, Самарқанд округида 19826 нафар хунармандчилик ва кичик ишлаб чиқариш билан банд бўлган. Уларнинг 9328 нафари Самарқанд, Ургут, Жиззах, Каттакўрғон шаҳарларида, 9958 нафари қишлоқ ҳудудларида фаолият олиб борган [8]. Кўриниб турибдики қишлоқ ҳудудларида яшовчи аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалик соҳасида банд бўлишига қарамадан қишлоқ ҳудудларида кичик ишлаб

чиқаришда банд бўлган аҳоли кўпчиликини ташкил қилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, 1926-йилда амалга оширилган Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш Ўзбекистон, шу жумладан Самарқанд вилояти аҳолисининг миллий, ижтимоий таркибини, аҳолининг ўсиш суръатларини, миграция жараёнлари ва унинг оқибатларини ўрганиш ва таҳлил қилишда қимматли маълумотдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Асонов Г.Р. Аҳоли географияси.- Т.: “Ўқитувчи”, 1978
2. Маҳкамова Н.Р. Социальная структура общества на территории Узбекистана: традиции и трансформации (конец XIX в.-30 годы XX века).-Т.: “Алоқачи”, 2009
3. Максакова Л.П. Миграция населения Республики Узбекистан.-Т.: 1986; Миграция населения : проблемы регулирования.-Т.: 2001
4. Убайдуллаев Р.А., Ата-Мирзаев О.Б., Умарова О.Б. Ўзбекистон демографик жараёнлари ва аҳоли бандлиги. –Т.:2006
5. Худояров У.Ж. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда ўтказилган аҳоли рўйхатлари хусусида // Самду Илмий ахборотнома. 2016-йил, №2, Б.32-36; Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати ва унинг Ўзбекистондаги натижалари // Имом Бухорий сабоқлари, 2015, №4, б.42-47; Совет тузуми даврида Ўзбекистон аҳолисининг миграцион ҳаракатлардаги иштироки // Имом Бухорий сабоқлари, 2017, №1, Б.54-55; Ўзбекистон аҳолиси ўсиш динамикаси ва миллий таркибини ўзгариш таҳлили (1926-йилги аҳоли рўйхати асосида) // Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммолари. Республика илмий конференцияси материаллари. - Самарқанд 2016, Б.34-35
6. Ганиев К. Худояров У.Ж. Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибининг қиёсий таҳлили (1926 ва 1939 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхатлари асосида) // Давр, замон, шахс. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Биринчи қисм.-Термиз “Сурхон нашр”, 2016, Б.14-18; Ганиев К. Некоторые суждения о национальном составе населения Узбекистана (На основе всесоюзной переписи населения 1926 и 1939г.г.) // Ученый XXI века. Международный научный журнал, № 1-1 (26), январь 2017 г. Россия, Республика Марий Эл.- Йошкар-ола, 2017, Б.44-46
7. Мулладжанов И.Р., Воронковский Ю.В., Цепковская Т.С. Население Узбекской ССР. –Т.: “Узбекистан”, 1973
8. ЎзРМДА, фонд № Р1619, рўйхат № 11, 53-йиғма жилд, 3, 7, 26-27 варақлар; Фонд № Р1619, рўйхат № 12, 48-йиғма жилд, 30-варақ
9. Узбекистан за 40 лет советской власти. Статистический сборник. -Т.: Госиздат Уз ССР,1958
10. Ученый XXI века. Международный научный журнал, № 1-1 (26), январь 2017 г. Россия, Республика Марий Эл. - Йошкар-ола, 2017, Б.45



УДК: 79 (575.1)

Сарвар АДИЛОВ,

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўқитувчиси

E-mail: karabazov.z@mail.ru

DEVELOPING FREESTYLE WRESTLERS' COORDINATIONAL ABILITIES AND TECHNIC-TACTIC PREPARATION

Abstract

Currently, physical education and sports require constant research in the field of rapid development. This article focuses on developing coherent skills along with physical characteristics. There are physical properties of measurements and units of measurement. We believe that there is no unit of measure that measures coordination. This article analyzes the initial results of Treller coordination capabilities. The manuals set out the ways in which coaching abilities and technical tactical training of freedom fighters are developed with the help of special exercises and conclusions.

Keywords: Freestyle wrestling, coordinator ability, technic-tactic movements, activity of competition, special exercise.

РАЗВИТИЕ КООРДИНАЦИОННЫХ СПОСОБНОСТЕЙ И ТЕХНИКО-ТАКТИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ БОРЦОВ ВОЛЬНОГО СТИЛЯ

Аннотация

В настоящее время физическое воспитание и спорт требуют постоянных исследований в области быстрого развития. Эта статья посвящена развитию согласованных навыков наряду с физическими характеристиками. Существуют физические свойства измерений и единиц измерения. Мы считаем, что нет единицы измерения, которая измеряет координацию. В данной статье анализируются первоначальные результаты координационных возможностей Треллер. В руководствах изложены способы, с помощью которых развиваются тренерские способности и техническая тактическая подготовка борцов за свободу с помощью специальных упражнений и выводов.

Ключевые слова: Вольная борьба, Координационные способности, техника - тактика действия, активности соревновании, специальные упражнения.

ЭРКИН КУРАШЧИЛАРНИНГ КООРДИНАЦИОН ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ВА ТЕХНИК-ТАКТИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Аннотация

Жисмоний тарбия ва спорт шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги вазият бу соҳада тинмай изланишлар олиб борилишини тақозо этади. Ушбу мақолада жисмоний сифатлар билан бирга координацион қобилиятларни ривожлантириш зарурати, жисмоний сифатларнинг ўлчов мосламаси ва ўлчов бирлиги мавжудлиги, координацион қобилиятларни ўлчайдиган ўлчов бирлиги мавжуд эмас деб ҳисобланиши, координацион қобилиятни ривожлантиришига йўналтирилган Треллер усқунасининг дастлабки натижалари таҳлили, эркин курашчиларнинг координацион қобилиятларини ва техник-тактик тайёргарлигини махсус машқлар ёрдамида ривожлантириш йўллари келтирилган ва тегишли хулосалар билдирилган.

Калит сўзлар: эркин кураш, координацион қобилият, техник-тактик ҳаракатлар, мусобақа фаолияти, махсус машқлар.

КИРИШ. Ўзбекистонда эркин кураш спорт тури кенг оммалашган бўлиб, спортчиларимиз халқаро майдонларда катта натижаларга эришган ва эришиб келмоқда. Тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида эркин курашчиларимиздан юртимиз шарафини 4 нафар курашчимиз ҳимоя қилдилар: Аббос Раҳманов (57 кг), Ихтиёр Наврўзов (66 кг), Бекзод Абдурахманов (74 кг) ҳамда Магамед Ибрагимов (97 кг). Шулардан Ихтиёр Наврўзов ва Магамед Ибрагимов бронза медалига эгалик қилишди (3-расм).

2017 йил апрель ойида Ҳиндистонда ўтказилган Осиё чемпионатида Магамед Ибрагимов (-96 кг), Бекзод Абдурахманов (-74 кг) олтин медални қўлга киритишди. Ихтиёр Наврўзов (-70 кг) кумуш медални ва Умид Усманов (-86 кг) бронза медалини қўлга киритишди.

2017 йил май ойида Озарбайжон Республикасининг Баку шаҳридаги Ислоҳ бирдамлик ўйинларида Нодир Сафаров (-57 кг) ва Бекзод Абдурахманов (-74 кг) бронза медалига эгалик қилишди.

2017 йил сентябрь ойида Туркменистоннинг Ашхобод шаҳрида ўтказилган ёпиқ иншоотларда эркин курашчиларимиз Махмуд Шавкатов (-57 кг), Бекзод Абдурахмонов (-74 кг), Давид Модзманашили (-125 кг) олтин медални қўлга киритишган бўлса, Умид Исманов (-86 кг) кумуш, Ихтиёр Наврўзов (-70 кг) бронза медални қўлга киритишди.

2018 йил март ойида Қирғизистоннинг пойтахти Бишкек мезбонлик қилган спорт курашлари бўйича Осиё чемпионати якунида эркин курашчиларимиз Осиёнинг бошқа мамлакатлари спортчиларидан устун эканликларини намойиш қилишди. Мазкур чемпионатда Ихтиёр Наврўзов (-63 кг), Магамед Ибрагимов (-97 кг), Давид Модзманашили (-125 кг) олтин медаль билан тақдирландилар. Махмуд Шавкатов (-57 кг) ва Рашид Курбонов (-79 кг) кумуш медалга эга чиқишди. Яна уч спортчи: Аббос Раҳмонов (-61 кг), Тимур Усмоноҳунов (-65 кг), Азиз Солиев (-92 кг) бронза медал билан тақдирландилар.

2018 йил июль ойида Тбилисида ўтказилган Гранд-при мусобақасида Аббос Раҳмонов (-61 кг) ҳамда Бекзод Абдурахмонов (-74 кг) кумуш медалга эга чиққанлар.

2018 йил август ойида Индонезия мезбонлик қилган спорт курашлари бўйича Осиё чемпионати якунида Бекзод Абдурахмонов (-74 кг) олтин, Сирождин Хасанов (-65 кг), Магамед Ибрагимов (-97 кг) ва Давид Модзманашилилар (-125 кг) бронза медалларига эга чиқишди.

АСОСИЙ ҚИСМ. Юқори малакали спортчиларни тайёрлаш спорт ривожланишининг ҳозирги замон босқичи тенденцияларини инобатга олишни тақозо этади. Жаҳон спорт майдонларида юксак натижаларга эришиш учун спорт тайёргарлигини мунтазам назоратга олиш, таҳлил этиш, тайёргарлик технологияларини ўқув-машғулотлар жараёнига татбиқ этиш талаб қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 мартдаги ПҚ-28-21-сонли “Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида” ги қарорида спортчиларни нуфузли мусобақаларга тайёрлашда барча зарур чоратadbирларни амалга ошириш белгилаб берилган[1]. Эркин курашчиларнинг мусобақа фаолиятини янада такомиллаштириш учун ўқув-машғулотлари жараёнининг самарадорлигини ошириш, янги, ноёб методикаларни татбиқ этиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Курашчиларнинг жисмоний, техник-тактик ва психологик тайёргарлигини мукамаллаштириш ватанимиз ва хорижий мутахассислар томонидан ҳар томонлама ўрганиб, тадқиқ қилиб келинади. Машғулот ва мусобақа фаолияти жараёнидаги турли-туман ҳаракат фаолияти курашчидан юқори координацион қобилиятларни доимо намойиш этишни талаб этади. Спортчилар кураш беллашувларида кўпгина техник ҳаракатларнинг йўналишини куч беришни ўзгартириш билан қисқа вақт ичида

бажаришларига тўғри келади. Ғалабага эришишда муваффақият кўп жихатдан турли-туман техник ҳаракатлар кўникмалари ва малакаларининг эгаллаганлик ҳажми ҳамда барқарорлиги билан аниқланади. Ҳаракатларни мувофиқлаштириш қобилиятининг юқори даражада ривожланиши аниқ лаҳзаларда ҳужум ёки қарши ҳужум усулини амалга ошириш учун самарали реакция топишга ёрдам беради. Юқоридаги фикрларимиз мазкур масаланинг долзарблигини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг мақсади – малакали эркин курашчиларни тайёрлашда координацион қобилиятларни ва техник-тактик тайёргарликни мукамаллаштиришни ўрганиш.

Тадқиқот вазифаси – эркин кураш бўйича талабалар ва амалиётчи-мураббийлар ўртасида махсус машқларни ўзлаштиришда курашчиларнинг координацион қобилиятларини ва техник-тактик тайёргарлигини мукамаллаштириш меъёрларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг ташкил қилиниши. Тадқиқот учун Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “халқаро кураш турлари назарияси ва услубияти” кафедраси 18-27-гуруҳ талабалари танлаб олинди. Тадқиқотимизда жами 30 нафар вазни ва спорт даражаси бир-бирига яқин талабалар иштирок этишди.

Тадқиқот учун қуйидаги машқлар мажмуаси танлаб олинди:

1-машқ. Дастлабки ҳолат: партер ҳолатида рақибининг белини ушлаган ҳолатда, иккала оёғини ташқарига қўйиб кўтариб туриш. Буйруқ бўлиши билан, ҳужумчи рақибини кўтаришга ҳаракат қилади. Ҳужумчи қабул қилувчи эса рақибининг кўтаришига йўл қўймасдан ҳаракатланади.

2-машқ. Дастлабки ҳолат: иккала курашчи ҳам бир хил, яъни рақибнинг узоқдаги оёғининг тўпиқ қисмидан бир қўл билан ушлаган ҳолда партер ҳолатида туради. Буйруқ берилиши билан курашчилар рақибдан олдин юқорига чиқишга ҳаракат қилишади.

3-машқ. Дастлабки ҳолат: ҳужумчи ҳужумчи қабул қилувчининг оёғи орасидан бошини киргизиб, иккала оёғидан ушлаган ҳолда тиззалаб туради. Буйруқ берилиши билан ҳужумчи техник балларни олишга ҳаракат қилади. Ҳужумчи қабул қилувчи шунга қаршилик кўрсатади.

9-машқ. Дастлабки ҳолат: ҳужумчи ҳужумчи қабул қилувчи оёғини ичкаридан илиб, қўли билан рақибининг яқин қўлини юқоридан ва узоқдаги билагини ушлаган ҳолатда туради. Буйруқ бўлиши билан ютуқ балларини олишига ҳаракат қилади.

10-машқ. Дастлабки ҳолат: ҳужум қилувчи рақибининг ён тарафида туриб, битта оёғини тескари ушлаб туради. Ҳужумчи қабул қилувчи эса тепа партер ҳолатида туриб, буйруқни кутади. Буйруқ бўлиши билан ютуқ балларини олишга ҳаракат қилади.

11-машқ. Дастлабки ҳолат: ҳужумчи ҳамда ҳужумчи қабул қилувчи юқори партер ҳолатида тиззаларини теккизмасдан туришади. Ҳужумчи ҳужумчи қабул қилувчининг кўкрак қисмидан

ушлайди ва оёқлари билан пастки ичкарисидан илиб туради. Буйруқ бўлиши билан у ютуқ балларини олишга ҳаракат қилади.

12-машқ. Даствлабки ҳолат: курашчилар бир оёқда ўнг қўли қўлтиғи тагидан чап қўлини ташқари тарафдан бирлаштириб туришади. Буйруқ бўлиши билан ютуқ балларини олишга ҳаракат қилишади.

13-машқ. Даствлабки ҳолат: курашчилар бир оёқда туриб, иккинчи оёғи билан бир-бирининг оёқларини ичкаридан чирмаштириб ва бир қўли билан бошқа қўлини ушлаб, иккинчи қўлини белига қўйиб, буйруқни кутишади. Буйруқ бўлиши билан ютуқ балларини олишга ҳаракат қилишади.

1-жадвал. Тадқиқотдан олдин (тадқиқот гуруҳи)

Ф.И.Ш.	Треллернинг устида тура олиш вақти, (ўртача) 3 та уринишдан энг яхшиси	Махсус машқларда мувозанатни сақлай олган вақти, (ўртача) секунд
Каринбердиев Д.Э	7,6±1,2	9.1±1,6
Абдурахмонов З. М.	7,1±1,1	8±1,2
Абдурасулов А.А.	6,2±0,8	10.2±1,1
Абдуҳалилов И.И.	6,7±1,1	9.7±1,3
Алижонов О. О.	5,6±1,0	9.3±1,4
Бойқўзиев Н. З.	7,3±1,2	11.1±1,6
Ганиев У. Р.	12,1±2,6	13.2±1,7
Кулдошев Ш.Ю.	6,1±0,8	8.7±1,1
Ҳайитов Ҳ. Ш.	7,8±1,3	9.3±1,3
Неъматов И.И.	6,3±1,1	9.5±1,4
Рўзиев А. Т.	6,4±0,9	7.5±1,3
Насимов А. Қ.	8,1±1,6	9.4±1,4
Турсунбоев Д.Т.	5,3±1,6	9.3±1,3
Турсунбоев Қ. М.	6,5±1,2	8.6±1,3
Турсунов С.Н.	6,4±1,2	11.2±1,4
Ўртача	7.03±1,3	9.60±1,5

2-жадвал. Тадқиқотдан олдин (назорат гуруҳи)

Ф.И.Ш	Треллернинг устида тура олиш вақти, (ўртача) 3 та уринишдан энг яхшиси	Махсус машқларда мувозанатни сақлай олган вақти, (ўртача) секунд
Аббошонов С.М.	7.2±1,2	8.9±1,3
Абдикулов А.Н.	6.9±1,1	7.8±1,4
Набиҳонов Д. Э.	7.1±1,3	8.6±1,6
Саъдуллаев К. К.	6.5±0,9	11.2±1,6
Тасманов А. А.	7.1±1,2	8.1±1,5
Усмонов М. Д.	6.8±0,9	8.9±0,9
Ҳомидов Ё.Ё	6.7±1,1	11.4±1,6
Азимов Б.Ҳ.	7.1±1,2	8.6±1,6
Бозоров Ш. Б.	8.1±0,9	9.3±1,9
Ҳамидов Э. Д.	6.7±1,3	8.4±1,2
Муҳаматов М.А.	6.1±1,2	9.8±1,6
Зарипов А. Н.	7.6±1,3	6.9±1,2
Туронмуродов М. К.	6.5±1,2	9.3±1,2
Тўраев Ш. Б.	7.2±1,1	11.3±1,9
Набиев Б. Ф.	6.5±0,9	10.1±1,3
Ўртача	6.94±0,9	9.15±1,2

Юкорида келтирилган махсус тест машқларидан кейин тадқиқот гуруҳи спортчиларига куйидаги машқларни машғулот давомида бериб бордик. Бу машқлар машғулотнинг тайёрлов қисмида ва асосий қисмда хавфсизлик қоидаларига амал қилган ҳолда амалга оширилди.

1. Даствлабки ҳолат: ҳужумчи ҳужумни қабул қилувчининг бир оёғининг сонидан икки қўл билан ушлаган ҳолатда, ҳужумни қабул қилувчи эса тик

турган ҳолатда. Буйруқ бўлиши билан ҳужумни амалга оширувчининг вазифаси рақибини партерга ётказиш (хар ҳил йўллар билан), ҳужумни қабул қилувчининг вазифаси эса рақибини ютуқ баллари ва унинг учун қулай бўлган вазиятларга эга бўлишига йўл қўймаслик бўлади.

2. Даствлабки ҳолат: рақиблар ўзаро бир хилдаги ушлашни амалга оширишади, яъни хар бир курашчи рақибининг бир оёғини икки қўли билан

ушлаб, буйруқни кутади. Буйруқ бўлиши билан, ҳар бири қулай вазиятларга чиқиш ёки ютук балларига эришишга ҳаракат қилади.

3. Курашчилар бир хилдаги ушлашни амалга оширади, яъни бир қўл билан рақибнинг тўпиғи бўйлаб ушлайди, худди шундай ушлашни унинг рақибни ҳам амалга оширади. Курашчиларнинг вазифаси – бир оёқда мувозанатни сақлаган ҳолда ўтириш-туриш.

4. Дастлабки ҳолат: курашчи оёқлари жуфт ҳолатда қўлларига ва пешонасига таяниб, мувозанатни сақлаб туради.

5. Дастлабки ҳолат: хужумчи хужумни қабул қилувчининг тўпиғини икки қўли билан ушлаган ҳолатда, хужумчи қабул қилувчи эса тик турган ҳолатда, қўллари орқада туради. Буйруқ бўлиши билан, хужумчи амалга оширувчининг вазифаси – рақибни мувозанатдан чиқариш (ҳар хил йўллар билан: олдинга, орқага, ён томонларга итариш ёки тортиш), хужумчи қабул қилувчининг вазифаси эса гиламда турган оёғида иложи борича кўпроқ мувозанатни сақлаб туриш.

6. Дастлабки ҳолат: Бир курашчи кўприк ҳолатида туради. Иккинчи курашчи биринчи курашчининг бош томонидан келиб белини ушлаб, юқорига кўтаради ва кўприк ҳолатида тушишга ҳаракат қилади. Биринчи курашчи оёғида тик туриб қолиши керак, иккинчиси кўприк ҳолатида тушишни амалга оширади. Мазкур ҳаракат бир-бири билан алмашган ҳолатда амалга оширилади.

7. Дастлабки ҳолат: оёқлар юқорида. Курашчи қўлларига таяниб, гилам бўйлаб юради (қанча масофа оёқлар ерга тегмай юргани ҳисобланади).

8. Дастлабки ҳолат: хужумчи қабул қилувчи спортчи рақибига тескари қараб, оёқлари елка кенглигида туради. Рақибни югуриб келиб, курашчининг елкасига миниб олади. Хужумчи қабул қилувчи спортчи жойидан кимрламай туради.

9. Дастлабки ҳолат: Спортчи олдинга эгилиб, 2 марта умбалоқ ошади ва оёқлари юқорида жуфт ҳолатда турган пайтда курашчи қўлларига ва пешонасига таяниб мувозанатни сақлаб туради.

3-жадвал. Тадқиқотимиз охирида спортчилардан қуйидагича натижалар олинди:

Тадқиқотдан кейинги натижалар					
Тадқиқот гуруҳи	Треллернинг устида тура олиш вақти, (ўртача) 3 та уринишдан энг яхшиси	Махсус машқларда мувозанатни сақлай олган вақти, (ўртача) секунд	Назорат гуруҳи	Треллернинг устида тура олиш вақти, (ўртача) 3 та уринишдан энг яхшиси	Махсус машқларда мувозанатни сақлай олган вақти, (ўртача) секунд
Ф.И.Ш.			Ф.И.Ш.		
Каринбердиев Д.Э	8.1±0,7	10.5±1,1	Аббошонов С.М.	8.1±0,9	9.1±1,3
Абдурахмонов З. М.	7.9±0,8	12.1±1,3	Абдикулов А.Н.	7.3±1,1	8.5±1,5
Абдурасулов А.А.	7.5±0,9	10.9±1,1	Набиҳонов Д. Э.	8.2±1,3	9.1±1,4
Абдуҳалилов И.И.	8.1±0,7	11.2±1,0	Саъдуллаев К. К.	6.9±1,1	12.3±1,6
Алижонов О. О.	7.1±0,8	13.3±1,1	Тасманов А. А.	7.9±1,2	8.9±1,5
Бойқўзиев Н. З.	8.5±0,9	13.1±1,2	Усмонов М. Д.	7.5±1,1	9.5±1,2
Ганиев У. Р.	17.2±2,1	15.2±1,3	Ҳомидов Ё.Ё	7.1±1,3	12.5±1,3
Кулдошев Ш.Ю.	6.5±0,5	12.5±1,1	Азимов Б.Х.	8.1±1,1	9.5±1,4
Ҳайитов Ҳ. Ш.	8.5±0,5	11.1±1,0	Бозоров Ш. Б.	8.7±1,2	10.3±1,6
Неъматов И.И.	7.8±0,6	10.8±1,0	Ҳамидов Э. Д.	7.1±1,1	9.2±1,4
Рўзиев А. Т.	8.1±0,6	9.1±1,0	Муҳаматов М.А.	7.1±1,3	10.5±1,4
Насимов А. Қ.	8,1±0,4	11.5±1,1	Зарипов А. Н.	7.6±1,4	7.5±1,2
Турсунбоев Д.Т.	6.9±0,5	9.8±1,0	Туронмуродов М. К.	7.1±1,4	10.5±1,3
Турсунбоев Қ. М.	8.9±0,7	12.7±1,2	Тўраев Ш. Б.	7.9±1,3	12.5±1,2
Турсунов С.Н.	9.1±1,3	12.6±1,3	Аббошонов С.М.	7.1±1,2	11.4±1,3
Ўртача	8.55±0,9	11.76±1,1	Ўртача	7.58±1,2	10.08±1,3

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, қўлланган махсус машқлар комплекси кутилган самарали натижани берди. Шу билан биргаликда, координацион қобилиятларни ривожлантиришда ва уни аниқлашда махсус тортилган дорсимон (треллер) ускунаси ижобий самара берди.

ХУЛОСА. Курашчиларнинг координацион қобилиятларини ривожлантириш долзарб масалалардан бири бўлиб, мазкур сифат яхлит

ҳаракат фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда ижро этиш, ўзлаштирилган ҳаракат шакллари қайта намоиш этиш ёки ўзгарувчан муҳит талабларига кўра бир ҳаракат фаолиятдан иккинчисига ўтиш қобилиятининг ривожланишини таъминлайди. Эркин кураш бўйича спортчилар ўртасида ўтказилган тадқиқотдан маълум бўлдики, спортчилар машғулот жараёнида координацион қобилиятларни ривожлантиришга етарлича аҳамият қаратадилар.

Координацион қобилиятларни ўқув-машғулот жараёнида ривожлантириш учун махсус машқлар комплексини қўллаш керак, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, координацион қобилиятларни ривожлантиришда ва уни аниқлашда махсус тортилган дорсимон (треллер) ускунаси ижобий самара беради[2].

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, эркин кураш спортчиларининг

координацион қобилиятларини такомиллаштириш учун илмий тадқиқотлар олиб бориш, инновацион методларни ўқув-машғулот жараёнига татбиқ этиш, мураббийларни илмий-методик адабиётлар билан таъминлаш ишларини янада такомиллаштириш бугунги кунда етук спортчиларни тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 9 мартдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паролимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида" ги ПҚ 28-21 сонли қарори.
2. 2017 йил 3 июндаги " Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш тўғрисида"ги ПҚ-30-31 қарори.
3. Ш.М.Мирзиёев "Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз". Тошкент -2017
4. В.И.Лях "Координационные способности: диагностика и развитие" 2006.
5. Ф.А. Керимов "Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар". Ўқув қўлланма. Тошкент-2004
6. З.А.Бакиев Эркин кураш назарияси ва услубияти Тошкент-2011 Ўқув қўлланма.



Санобар АКБАРОВА,

Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази катта илмий ходими, псих.ф.н.

E-mail: sanobarakbarova@tashpmi.uz

VISUALISING ABILITY AND THE METHODOLOGY OF ANALYZING IT

Abstract

Study human abilities is the scientific base of perconnell and professional orientation of youth. Nowadays there are 52 kind of human abilities, and, they are shown in taxonomy worked out by American scientist E.A.Fleishman. One of them is vizualization, ability to imagine how something will look when it is moved around or when its parts are moved or rearranged. Vizualization is necessary ability for some professions. "Paper Folding", "The Surface Development", and "Form Boards" tests are widely used for diagnosis this ability abroad. In Uzbekistan these tests are not standardized. In our study, "Paper Folding" and "The Surface Development" tests were carried out in TashPMI, by 5-year-students (100 males and 100 females) and they were standardized. The age of the participants was from 23 to 30 years, the average age was 25.8. The correlation results between two tests was 0.531 for males and 0.466 for females. According to the "The Surface Development" test, the results of girls were higher than at boys, gender differences were not recorded in the "Paper Folding" test. Taking into account importance of actuality for profession in the 9-form pupils of secondary school, the diagnosis their interests, abilities and skills is very important for them. Also, the standardization of "Paper Folding" test diagnosing the ability of visualization has practical importance. The given test was carried out in Tashkent City, Namangan, Jizzakh and Bukhara regions. This research work relating to development, adaptation and standardization tests for 9-form pupils in secondary schools in the Republic of Uzbekistan will be continued.

Keywords: ability, taxonomy, vizualization, test, diagnostics, Paper Foldingtest, Surface Development test, spatial imagination, standardization, career guidance.

Аннотация

Изучение способностей личности является научным фундаментом вопроса кадров и профессиональной ориентации молодёжи. На сегодняшний день существуют 52 вида способностей личности. Они представлены в таксономии разработанной американским учёным Э.А.Флейшманом. Одна из них называется визуализация, способность представлять, как будет выглядеть что-то, когда оно перемещается или когда его части перемещаются или переставляются. Визуализация является необходимой способностью для некоторых профессий. Для диагностики этой способности зарубежом широко используются тесты "Перфорированной бумаги", "Построение фигуры в пространстве", "Доска фигур" и другие. В Узбекистане эти тесты не стандартизированы. В нашем исследовании тесты "Перфорированной бумаги" и "Построение фигуры в пространстве" были проведены и стандартизированы в ТашПМИ при участии 100 студентов мужского пола и 100 женского пола на 5-курсе. Возраст испытуемых был от 23 до 30 лет, средний возраст составил 25,8. Корреляция результатов обеих тестов показала у девушек 0,466, у парней 0,531. Результаты девушек в тесте "Построение фигуры в пространстве" были выше чем у парней. А в результате теста "Перфорированной бумаги" гендерные различия не выявились. Учитывая, что вопросы профориентации, особенно актуальны для учеников 9-классов, диагностика их интересов, склонностей и способностей остаётся очень важным делом. Также стандартизация теста "Перфорированной бумаги", которая диагностирует способность визуализации, для учеников 9-класса имеет практическое значение. На сегодняшний день данный тест был испытан в городе Ташкент, Наманганской, Жиззахской и Бухарских областях. Эта научная работа посвященная разработке, адаптации и стандартизации тестов различных способностей учащихся средних школ республики будут продолжены.

Ключевые слова: способности, таксономия, визуализация, тест, диагностика, тест перфорированной бумаги, тест построения фигуры в пространстве, пространственное воображение, стандартизация, профориентация.

VIZUALLASHIRISH QOBILİYATI VA UNI TAŞHIS QILISH METODIKASI

Аннотация

Инсон қобилиятларини ўрганиш кадрлар масаласи, ёшларни касб-ҳунарга йўллаш каби муҳим фаолиятларни тўғри ташкил қилишининг илмий негизини ташкил қилади. Бугунги кунда инсон қобилиятлари 52 турда намоён бўлиши эътироф этилиб, улар америкалик олим Э.А.Флейшман томонидан таксономия кўринишида тақдим этилган. Шулардан бири визуализация қобилияти деб номланиб, бунда бирон нарса ёки уни қисмининг турли томонга бурилиши ёки жойини ўзгартиришидан кейин қандай кўринишида бўлишини

тасаввур қилиш қобилияти назарда тутилади. Визуаллаштириш қобилияти кўпгина касб-хунар мутахассисликлари учун зарур бўлган қобилият ҳисобланади. Ушбу қобилиятларни таъхис қилиш учун хорижда “Буклаб тешилган қоғоз”, “Фазовий шакл қуриш”, “Шакллар доскаси” номли тестлар кенг қўлланилади. Ўзбекистонда мазкур тестлар стандартлаштирилмаган. Бизнинг тадқиқотимизда “Буклаб тешилган қоғоз” тести ва “Фазовий шакл қуриш” тести ТошПТИ 5-курсда ўқувчи 100 та ўғил бола ва 100 та қиз болада ўтказилиб стандартлаштирилди. Синалувчиларнинг ёши 23-30 гача бўлиб, ўртача ёши 25,8 га тенг. Иккала тест натижалари корреляцияси ўғил бола талабаларида 0,531, қиз болаларда эса 0,466 ни кўрсатди. “Фазовий шакл қуриш” тести бўйича қиз болаларнинг натижалари ўғил болаларга нисбатан бироз юқорироқ намоён бўлди. “Буклаб тешилган қоғоз” тестида эса гендер тафовутлар қайд этилмади. Касб-хунарга йўналтириш муаммолари, айниқса, 9-синф ўқувчиларида долзарб бўлганлиги учун уларда қизиқиш, лаёқат ва қобилиятларини таъхис қилиш жуда муҳимдир. Шулар қаторида визуаллаштириш қобилиятини ўрганишга қаратилган “Буклаб тешилган қоғоз тести”ни стандартлаштириш амалий аҳамиятга эгадир. Бугунга қадар мазкур тест Тошкент шаҳри, Наманган вилояти, Жиззах вилояти ва Бухоро вилоятларида синовдан ўтказилди. Республикаимизнинг ўрта мактаблари 9-синф ўқувчилари учун турли қобилиятларни таъхис қилишга доир тестларни ишлаб чиқиш, мослаштириш ва стандартлаштириш мақсадида тадқиқотлар давом эттирилади.

Калит сўзлар: қобилият, таксономия, визуаллаштириш, тест, таъхис, тешилган қоғоз тести, фазовий шакл ясаш тести, фазовий тасаввур қилиш, стандартлаштириш, касбга йўналтириш.

Инсон қобилиятларини ўрганиш кадрлар масаласи, ёшларни касб-хунарга йўллаш каби муҳим фаолиятларни тўғри ташкил қилишнинг илмий негизини ташкил қилади. Сўнгги даврларда бу муаммоларга давлат томонидан ҳам аҳамият берилмоқда. Жумладан, мухтарам Президентимиз, Ш.М.Мирзиёевнинг жорий йилнинг 28-майдаги “Асосий мақсад – мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш” руқундаги йиғилиши ҳам буни тасдиқлайди.

Инсон қобилиятларини классификация қилиб ўрганишда АҚШ олимларининг етакчилик қилиши-ни эътироф этиш мумкин. Хорижий адабиёт ва Интернет сайтларида рус тилида “визуаллаштириш” термини келтирилган ва у муайян предмет ёки ҳодисаларни мияда тасаввур қилиш жараёни сифатида изоҳланган. Визуаллаштириш қобилияти кўпгина узок хориж адабиётларида “фазовий визуаллаштириш қобилияти” деб ҳам номланган. Психологияга оид миллий илмий адабиётларни таҳлил қилиш чоғида биз мазкур қобилиятнинг М.Г.Давлетшиннинг “Ўқувчиларда қобилият таркиб топиши” монографиясида “фазовий тасаввур қила билиш қобилияти” номи билан тилга олинганлигига гувоҳ бўлдик [4]. Адабиётда “фазовий тасаввур қила

интернет сайтларидаги маълумотларни ўрганар эканмиз, бугунги кунда 52 турдаги қобилиятлар фарқлиниши маълум. Шуларнинг бири визуаллаштириш қобилиятидир.

Визуаллаштириш – бирон нарса ёки уни қисмининг турли томонга бурилиши ёки жойини ўзгартиришидан кейин қандай кўринишда бўлишини тасаввур қилиш қобилияти [1].

Америкалик олим Э.А.Флейман томонидан тақдим этилган инсон қобилиятлари таксономиясида визуаллаштириш қобилияти когнитив қобилиятлар турига киритилган [2,3].

билиш қобилиятнинг ўсганлиги моделчи учун жуда муҳимдир” дея, Улуғ Ватан уруши даврида кўпгина ихтиролари зенит батареяси заводида амалда қўлланилган моделчи Пётр Герасимович Ластовнинг қобилиятлари ҳақида сўз юритилган. Дарҳақиқат визуаллаштириш қобилияти муайян касб-хунар эгалари фаолияти учун муҳим қобилият тури ҳисобланади [5]. Масалан, АҚШда визуаллаштириш қобилияти қуйидаги мутахассислар учун зарурлигини 1-жадвалда келтириб ўтамыз. Мазкур жадвалда 15 та мутахассисликни келтириш билан чекландик.

1-жадвал. Визуаллаштириш қобилияти муҳим саналган мутахассисликлар (АҚШ)

Муҳимлиги даражаси	Код	Мутахассислик номи
81	17-1011.00	Архитектор
75	27-1027.00	Саҳна ва кўргазма дизайнери
75	43-9031.00	Нашриёт ходими
75	51-6092.00	Мато ва кийим бичувчиси
75	27-1013.00	Рассом, хайкалтарош ва иллюстратор

75	27-1025.00	Интерьер дизайнери
75	17-1012.00	Ландшафт архитектори
75	17-2199.04	Инженер-технолог
75	47-2221.00	Металлургия комбинати ишчиси
72	17-2121.02	Денгиз иши архитектори
72	17-2199.08	Робототехника муҳандиси
72	17-3011.01	Архитектура лойиҳачиси
72	17-2051.01	Транспорт муҳандиси
72	27-1026.00	Товар намойишчиси, дўкон ойнаси декоратори
72	49-3091.00	Велосипед таъмирчиси

O*Net интернет сайтида ҳавола этилган маълумотларга кўра айтиш мумкинки, визуаллаштириш қобилияти физик [2] ва химик каби мутахассисликлар фаолияти учун ҳам керакли қобилият туридир. Визуаллаштириш қобилиятини ўрганишга қаратилган тестлар қаторига М.Г.Давлетшиннинг “Қобилият ва унинг диагностикаси” номли монографиясидаги “Математик қобилиятлар” тестининг XIII бўлимида акс эттирилган “Фазовий тасаввур билан боғлиқ масалалар”ни киритиш мумкин. Бу тест асосан “Кубнинг нечта учи, қирраси ва томони бор?” каби вербал кўринишдаги саволлардан таркиб топган [6].

Хорижий адабиётларни таҳлил қилар эканмиз, уларда визуаллаштириш қобилиятини ташхис қилишга қаратилган бир нечта тестларни амалда кенг қўлланилишига гувоҳ бўлдик. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. “Букилиб тешилган қоғоз тести” (“The Paper Folding test” ёки “The Punched Holes test”).

2. “Юзани такомиллаштириш тести” (“The Surface Development test”). Лекин инглизчадан сўзма-сўз таржима қилишда тест номини англаш қийин бўлгани сабаб, биз уни “Фазовий шаклни яшаш тести” деб номлашни маъқул кўрдик.


3. “Шакллар доскаси тести” (“The Form Board test”) [7,8].

Келтирилган тестларнинг ҳар бири ҳақида батафсил тўхталамиз. “Букилиб тешилган қоғоз тести” давомида амалга ошириладиган ментал жараёнларни Шепард ва Фенг каби олимлар изоҳлаб берган [7], лекин бу тестнинг автори кимлиги келтирилмаганлиги баъзи адабиётларда қайд этилган [3]. Мазкур тестнинг йўриқномасини 1972 йилда келтирилган манбадан [7] ўзбек тилига таржима қилдик. У билан танишиш тест ҳақида тасаввурни уйғотади.


Буқланган қоғоз тести

Ушбу тестда қоғоз varaгининг турли буқланиши ва шу ҳолатда тешилиши ёки эгизрилиши берилди. Сиз шу буқланган қоғознинг қайта ёйилишини тасаввур қилиб унинг қандай кўринишида акс этишини топишингиз керак бўлади. Ҳар бир тестнинг вертикал чизигининг чап томонида қоғознинг буқланиши ва ўйилиши кўрсатилган. Вертикал чизининг ўнг томонида шу қоғознинг қайта ёйилишида бўлиши мумкин бўлган бешта ҳолати кўрсатилган. Сиз мана шу бешта ҳолатдан битта тўғривини кўрсатишингиз сўралди.


Мисол.



Бу ерда тўғри жавоб - С жавобдир. Унинг тўғривини исбот қилиш учун қоғознинг буқлиши ва ёйилиши босқичларини кўриб чиқамиз.



Тўғри жавобларни ўнг томондаги устунга ёзишингиз керак бўлади.




Тест икки қисмдан иборат. Ҳар бир қисمنى бажаришга 3 дақиқа вақт берилди. "Старт" сўзи айтилганда тестни 1-қисмини ишлашни бошланг ва "Стоп" сўзидан кейин тўхтагинг. 2-қисмга ҳам алоқиди "Старт" берилди ва "стоп" сўзи билан тўктатилди. Тавақал қилиб белгиланмаг Қайси бирини ишлай олмасангиз жавобсиз қолдинг. Тестнинг асосий мақсади сизни 3 дақиқада қанча топширивини тўғри ишлатишнинг икки аниқлашдан иборат.

Саволларингиз бўлса, тест бошлангунча инструктордан сўраб билиб олинг.

“Фазовий шакл куриш тести” муаллифи ҳам аниқ эмас [3].
Унинг йўриқномаси ҳам ўзбек тилига таржима қилинди.

Фазовий шаклни куриш

Ушбу тестда берилган қоғоз бўлагининг чизма асосида муайян шаклли объектга айланишини тасаввур қилишингиз керак бўлади. Қуйида берилган ихзита расмга қаранг. Чап томондагиси қоғознинг ёйилган ҳолатини кўрсатади. Ундаги штрих чизиклар буқилиш чизигини билдиради. Сиз мана шу схемага қараб бу қоғознинг қандай йиғилишини тасаввур қилишингиз керак. Ўнг томондагиси эса унинг йиғилган кўриниши. Ёйилган чизмада шаклнинг томонлари рақамлар билан акс эттирилган. Йиғилган шаклнинг томонлари эса ҳарфлар билан акс этган. Сиз ёйилган шаклнинг рақамлар билан берилган томонларининг йиғилган шаклнинг қайси томонига мос келишини топишингиз керак. Уларни ўнг томонда берилган жадвалда акс эттиришингиз керак. Мисол тарикасида қуйидаги жадвалда 1- томоннинг Н томонга мослиги ва 4-томонларнинг С томонга мослиги ёзиб кўрсатилган. Яъни ёйилган шаклни 1-томони шакл йиғилганида худди Н томони каби ҳолатда бўлади. 4-томони эса С томони ҳолатини олади.



Эслатма. Ёйилган ва йиғилган шакллардаги X билан берилган юза ўзаро бир хил юзалардир. Ёйилган чизма йиғилишида X юза доим ташвариди акс этиши керак.

Юқорида ёйилган ва йиғилган шаклларнинг томонларида мослик қуйидагича бўлади: 2-томони В томонга, 3-томони G томонга ва 5-томони Н томонга мос бўлади. Эътибор беринг, 2 та жавоб бир хил бўлади.

Тест икки қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири 2 бетдан иборат. Ҳар бир қисمنى ечишга 6 дақиқа берилди. Имкон қадар тез ва тўғри ишланг. Саволларингиз бўлса, тест бошлангунга қадар инструктордан сўранг.

Шакллар доскаси тестда синалувчидан муайян шаклни яшаш учун берилган кичик шаклларнинг қайсиларидан фойдаланиш мумкинлигини белгилаш сўралди:

Мана шундай тестлар ёки шунга ўхшаш бошқа тестларни хорижий адабиётлардан ўрганишда шу нарсага эътибор бериш керакки, уларнинг тури шу қадар кўпки (масалан, “3Д тест”,

“Шаклланиш тести” [9], “Фазовий фикрлаш тести” [10] каби методикалар), баъзилари ҳақиқатан визуаллаштириш қобилиятини ташхис қилишга қаратилган бўлса, баъзилари унга ёндош бўлган бошқа қобилият турини, яъни фазовий мўлжал олиш қобилиятини ташхис қилишга қаратилган бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда юқорида келтирилган хорижий тестлар стандартлаштирилмаган. Биз тадқиқотимизда асосан “Букилиб тешилган қоғоз” ва “Фазовий шакл қуриш” тестини стандартлаштиришни мақсад қилиб қўйдик.

Визуаллаштириш қобилияти тиббиётнинг жарроҳлик соҳасида ҳам зарурлиги боис, “Букилиб

тешилган қоғоз” ва “Фазовий шакл қуриш” тестини тиббиёт олий юртлари талабалари учун стандартлаштириш ҳам муҳимдир. Шу боис мазкур тест Тошкент Педиатрия Тиббиёт институти 5-курс талабаларининг 100 нафар ўғил бола ва 100 нафар киз болаларида ўтказилди (5-курсда жами 452 та талаба ўқийди; уларнинг ёши 23-30 гача бўлиб, ўртача ёши 25,8 га тенг) ва стандартлаштирилишига эришилди. Визуаллаштириш қобилиятини ташхис қилувчи ушбу икки турдаги тестнинг ТошПТИ 5-курс ўғил ва киз болаларда фазовий шакл қуриш тести орқали визуаллаштириш қобилиятини баҳолаш шкаласи 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал. ТошПТИ 5-курс талабаларида визуаллаштириш қобилиятини баҳолаш.

Тестлар		Фазовий шакл қуриш тести		Буклаб тешилган қоғоз тести	
Баҳолаш тақсмоти ва статистик кўрсаткичлар		Ўғил болаларда	Киз болаларда	Ўғил болаларда	Киз болаларда
Баҳолаш мезонлари	жуда паст	0-5 балл	0-8 балл	0-6 балл	0-6 балл
	пастроқ	6-9 балл	9-10 балл	7-8 балл	7-8 балл
	ўртача	10-19 балл	11-22 балл	9-13 балл	9-13 балл
	яхши	20-27 балл	23-25 балл	14-15 балл	14-15 балл
	юқори	28-30 балл	26-30 балл	16-20 балл	16-20 балл
Статистик кўрсаткич-лар	Ўртача кўрсаткич	15,7	16,8	10,8	10,8
	Дисперсия	59,95	43,66	11,25	13,6
	Стандарт четка оғиш	7,7	6,6	3,3	3,6

Букланган тешилган қоғоз тести бўйича натижалари ТошПТИ 5-курс ўғил болаларда 2 баллдан 19 баллгачава киз болаларда 1 баллдан 19 баллгача қайд этилди (тестдаги максимал балл – 20). Ушбу талабалар учун визуаллаштириш қобилиятини баҳолаш мезони ва статистик кўрсаткичлар 2-жадвалда акс этган.

Визуаллаштириш қобилиятини ўсмирларда ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳри, Жиззах вилояти ва Наманган вилоятларидаги ўрта мактабларнинг 9-синф ўқувчиларида “Буклаб тешилган қоғоз тести” ва “Фазовий шакл қуриш тести” синондан ўтказилди. Синон натижалари кўрсатиши бўйича айтиш мумкинки, 9-синф ўқувчилари “Фазовий шаклни қуриш” тестини тушуниш ва ечишда муайян қийинчиликни ҳис қилдилар. Шунинг учун визуаллаштириш

қобилиятини ўрганиш учун 9-синфларда асосан “Буклаб тешилган қоғоз тести”ни ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бу тест Бухоро вилоятидаги мактабларнинг 9-синф ўқувчиларида ҳам муваффақиятли синондан ўтказилди. Ҳозирги кунгача республикамиз бўйлаб жами 218 та 9-синф ўқувчисиди мазкур тест ўтказилди. 9-синф ўқувчиларида касб-хунарга йўналтириш муаммолари, айниқса, долзарб бўлганлиги учун уларда визуаллаштириш қобилиятини ўрганишга қаратилган “Буклаб тешилган қоғоз тести”ни стандартлаштириш ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Республикаимизнинг ўрта мактаблари 9-синф ўқувчилари учун турли қобилиятларни ташхис қилишга доир тестларни ишлаб чиқиш, мослаштириш ва стандартлаштириш мақсадида тадқиқотлар давом эттирилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Акбарова С.Н. Инсон қобилиятлари тақсономияси // Мактаб ва ҳаёт 6 (2018): 7-9 бетлар.
2. Акбарова С.Н. Физика фани доирасидаги қобилиятлар ва уларни ўрганиш усуллари. “XXI асрда илм-фан тараққиётининг ривожланиш истикболлари ва уларда инновацияларнинг тутган ўрни” республика илмий 2-онлайн конференцияси (30 март, 2019 йил): 210-212 бетлар.

3. Fleishman E.A. , and Relly M.E.. Handbook of human abilities: Definitions, measurement, and job task requirements. Bethesda, MD: Management Research Institute(1992): 132
4. Давлетшин М.Г. Ўқувчиларда қобилият таркиб топиши. Монография. Тошкент (1965): 150
5. Ana-Marija Ozimes and Martin Natter. Geographical Information Systems—Based Marketing Decisions: Effects of Alternative Visualizations on Decision Quality// Journal of Marketing , November (2010): 50 p.
6. Давлетшин М.Г. Қобилият ва унинг диагностикаси. Монография. (1979): 164
7. Study N.E. An Overview of Tests of Cognitive Spatial Ability. 66 th EDGD Mid-Year Conference Proceedings. Galveston, Texas (2012): 92-98
8. Ruth В. Ekstrom, John W. French, Harry H. Harman. Manual for Kit of Factor-Referenced
9. Cognitive Tests. (1976): 216 p.
10. Barrett, James. Ultimate aptitude tests: assess your potential with aptitude, motivational and personality tests / Jim Barrett. (2008): 210 p.
11. Apptitude tests descriptions. Resource associates. (www.resourceassociates.com) (2015)



УДК: 316.6 + 392.3 = 512.122

Дамегул АРАПБАЕВА,

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти в.б., псих.ф.н.

E-mail: damegul.83@mail.ru

Ибодулло УЗАКОВ,

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети катта ўқитувчиси, п.ф.н.

E-mail: kamron2310@mail.ru

THE ROLE OF SOCIO-PSYCHOLOGICAL ADAPTATION PROCESS IN PREPARING YOUNG PEOPLE TO THE FAMILY LIFE

Abstract

This article analyzes the results of the "Social-Psychological Approach" method by K.Roger D. and R.Raymond in the study of the level of social-psychological flexibility of newlyweds. Correlation coefficients between the indicators of adaptation of brides to family are investigated in Kazakh and Uzbek case examples. The problem of social adaptation is an important part of the research on psychology. Because psychological adaptation is viewed as a process of adaptation between the individual and the group, society and the environment. In order to study the socio-psychological adaptation of newly married couples, we conduct experimental research in Kazakh families who are residing in Konimex and Tomdi districts of Navoi region. At the same time, the main object of the survey is 50 new Kazakh brides. The Uzbek brides, who built 50 new families living in Navbahor district, were taken as control groups.

Key words: adaptation, social adaptation, dis-adaptation, ethno-psychological properties, emotional comfort, escapism, status, role.

РОЛЬ ПРОЦЕССА СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ АДАПТАЦИИ В ПОДГОТОВКЕ МОЛОДЕЖИ К СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ

Аннотация

В данной статье проанализированы результаты методики «Социально-психологической адаптации» К.Роджерса и Р.Даймонда при изучении уровня социально-психологической адаптации снов. Показатели процесса адаптации и коэффициенты корреляционных соотношений изучены на примере узбекских и казахских семей. Проблема социальной адаптации составляет главную часть исследований изучающих предмет психологии. Потому что психологическая адаптация рассматривается в качестве процесса установления адаптации между личностью и группой, обществом и окружающим миром. В целях изучения социально-психологической адаптации к семье невесток, сравнительно недавно вступивших в брак, наше эмпирическое исследование будет проводиться в казахских семьях проживающих в районах Конимех и Томди в Навоийской области. При этом, основным объектом исследования будут 50 казахских невест недавно вступивших в брак. Проживающие в Навбахорском районе 50 узбекских невест недавно создавших семью будут взяты в качестве контрольной группы.

Ключевые слова: адаптация, социальная адаптация, дезадаптация, этнопсихологические особенности, эмоциональное удобство, эскапизм, статус, роль.

ЁШЛАРНИ ОИЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШДА ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК МОСЛАШУВ ЖАРАЁНИНИНГ ЎРНИ

Аннотация

Ушбу мақола янги турмуш қурган келинлардаги ижтимоий-психологик мослашувчанлик даражасини ўрганишида К.Роджерс ва Р.Даймонднинг "Ижтимоий-психологик мослашув" методикаси натижалари таҳлилига бағишланади. Келинларнинг оилага мослашиш жараёни кўрсаткичлари орасидаги корреляцион алоқадорлик коэффициентлари қозоқ ва ўзбек оилалари мисолида ўрганилади. Ижтимоий мослашув муаммоси психология фани ўрганаётган тадқиқотларнинг муҳим бир қисмини ташиқил қилади. Чунки психологик мослашув шахс ва гуруҳ, жамият ва атроф-муҳит ўртасида мослашув ўрнатилиш жараёни сифатида қаралган. Янги турмуш қурган келинларнинг оилага ижтимоий-психологик мослашувини ўрганиш мақсадида эмпирик тадқиқот Навоий вилоятининг Конимех ва Томди туманларида истиқомат қилаётган қозоқ оилаларида олиб борилди. Бунда тадқиқотнинг асосий объектини 50 нафар янги турмуш қурган қозоқ келинлари ташиқил этди. Навбаҳор туманида истиқомат қилувчи 50 нафар янги оила қурган ўзбек келинлари назорат гуруҳи сифатида олинди.

Калит сўзлар: мослашув, ижтимоий мослашув, дезадаптация, этнопсихологик хусусиятлар, ҳиссий қулайлик, эскапизм, статус, роль.

КИРИШ. “Мослашув” термини кенг маънода атрофдаги шароитларга мослашув сифатида тушунилади. Бунда ижтимоий мослашувни инсоннинг маълум биоижтимоий функциялар – атроф-муҳит ва ўз организмни адекват идрок этиш, атрофдагилар билан муносабатлар ва муомаланинг адекват тизими, меҳнатга, таълим олишга, бўш вақтини мазмунли ташкил этишга, ўзгаларнинг ролли кутилмаларига жавобан хулқ-атворини ўзгартириш ёки мослаштиришни амалга ошириш имкониятини акс эттирувчи интегртив кўрсаткичлари назарда тутилади. Оила-никоҳ мослашувига юқоридагиларнинг барчаси тааллуқли.

Оилавий ҳаётнинг бошланғич босқичида ўзаро мослашиш, янги қариндошлар билан муносабатлардаги қийинчиликлар, ижтимоий-ролли кутилмаларга жавобан хулқ-атвор стратегияларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ муаммолар бўлиши мутахассислар томонидан эътироф этилади.

АСОСИЙ ҚИСМ. Ҳар қандай оилавий тизим ўз тузилмаси, функциялари, ривожланишига кўра маълум хусусиятларга эгадир. Мувоzanатлашган оилавий тизим ундаги тизимостига кирувчи барча аъзолар эҳтиёжларини қондиришни таъминлашга қодир бўлади. Бундан ташқари оила супертизимнинг турли элементлари, яъни унинг учун аҳамиятли бўлган социум вакиллари билан ўзаро таъсирга кириша олиши зарур. Ҳар бир инсон турмуш қураётган экан, оила тизимига оилавий муносабатларни қандай қилиб ҳақидаги ўз тасаввурлари ва кутилмаларига эга бўлган ҳолда кириб келади. Никоҳ инсон ҳаётидаги туб бурилиш воқеалиги сифатида шахс ривожланиш вазиятини ўзгартириб юборади ва роллар алмашинуви, ўзаро таъсирга киришувчи атрофдаги одамлар доирасининг ва умуман инсондаги “Мен” образининг ўзгариши билан характерланади. Мазкур вазият ҳар қандай инсондан янги тизим нормалари ва қадриятларига мослашувни талаб этади.

Бир қатор мутахассислар фикрича, психологик мослашув социумдаги нормалар ва қадриятларни ўзлаштириш орқали амалга оширилади. У ўзаро таъсирда, жумладан, атрофдаги одамлар билан муомалада ва актив фаолиятда намоён бўлади. Оилага мослашув ҳам ўз ичига юқоридаги компонентларни қамраб олади ва оилавий ҳаёт билан танишув, унга аста-секинлик билан кириб бориш жараёни сифатида бошланади. Янги тузилган оилада бир қатор моддий, психологик, ижтимоий-психологик характердаги қийинчиликлар ва муаммоларни енгишга тўғри келади. Оила-никоҳ мослашув жараёни қанчалик самаралилигига қараб, ёш оиланинг барқарор ёки бекарорлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Мослашув самарадорлиги эса бир қанча омиллар – ижтимоий муҳит шароитлари ва талаблари, инсоннинг мулоқотмандлик, ҳамкорлик, кооперация, ҳамдард ва ҳамнафас бўла олиш

қобилиятига, ўз ҳиссиётлари ва эмоцияларини назорат қила олиши ҳамда эр-хотинларнинг кундалик стрессларни енга олиш малакаларига боғлиқ бўлади.

Мутахассислар оилавий мослашувнинг ролли ва шахслараро турларини кўрсатиб ўтиб, улар доирасида эр-хотинларнинг бир-бирларига мослашиш истагининг юзага келиши ҳамда бундай имкониятнинг амалга оширилиши таъкидлайдилар. Ролли мослашув – ўзаро ролли кутилмаларга нисбатан тасаввурларнинг мос келиши ва ўзгаришидир. Шахслараро мослашув эса ўз ичига психологик, маънавий ва сексуал мослашувни қамраб олади. Психологик мослашув турмуш ўртоғидаги ички “мен”ни, унинг одатлари, характер хусусиятларини билишдан иборат. Маънавий мослашув эса оилавий қадриятлар, установаклар, оила аъзолари шахслилик хусусиятларидаги мутаносиблик билан белгиланади.

Ижтимоий мослашув муаммоси психология фани ўрганаётган тадқиқотларнинг муҳим бир қисмини ташкил қилади. Чунки психологик мослашув шахс ва гуруҳ, жамият ва атроф-муҳит ўртасида мослашув ўрнатилиш жараёни сифатида қаралади.

Янги турмуш қурган келинларнинг оилага ижтимоий-психологик мослашувини ўрганиш мақсадида, эмпирик тадқиқот Навоий вилоятининг Конимех ва Томди туманларида истикомат қилаётган қозоқ оилаларида олиб борилди. Бунда тадқиқотнинг асосий объектини 50 нафар янги турмуш қурган қозоқ келинлари ташкил этди. Навбахор туманида истикомат қилувчи 50 нафар янги оила қурган ўзбек келинлари назорат гуруҳи сифатида олинди.

Келинларнинг ижтимоий-психологик мослашувчанлик даражасини ўрганишда К.Роджерс ва Р.Даймонднинг “Ижтимоий-психологик мослашув” методикасининг модификациялаштирилган вариантдан фойдаландик[2]. Методикада барча мулоҳазалар сифатий таҳлиллар имкониятини кенгайтириш мақсадида 6 та омил бўйича гуруҳланган:

1. Ўзини ёқтириш ва ёқтирмаслик. Ушбу омил индивид ўзини қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиши ёки бунинг аксини кўрсатади.

2. Бошқаларни қабул қилиш – бошқалар билан низога бориш. Индивид атрофидаги кишиларни қабул қилиб, улар билан низога бормасдан нормал, ўзаро алоқада бўла оладими?

3. Ҳиссий қулайлик – оптимизм, вазминлик, ҳиссий ноқулайлик – хавотирланиш ёки апатия.

4. Ички назоратни кутиш, ҳаётий мақсадларга эришиш ўзига боғлиқлигига йўналганлик, шахсий масъулият ва компетентликка урғу берилади.

5. Ҳукмронлик – бошқариладиган (эргашиш).

6. Муаммолардан четлашиш. Инсон муаммоларни ҳал эта оладими ёки улардан қочишга ҳаракат қиладими?

Мазкур методикани қўллаб, келинларнинг ўзига нисбатан муносабати, ўзини қабул қилиши, шунингдек, ўз муаммоларини тушуниш ва уларни бартараф этишга уриниш хусусиятларида индиви-

дуал ва типик жиҳатларни ўрганиш ҳамда ижтимоий-психологик мослашувчанлик даражасини аниқлаш мумкин.

Жадвал №1. Қозоқ ва ўзбек оиласи келинларининг ижтимоий-психологик мослашув даражалари(n=100)

Шкалалар	Оилалар	x	σ	t
Мослашув	Қозоқ	104,70	22,44	-4,428*
	Ўзбек	125,28	26,86	
Ўзини ёқтириш	Қозоқ	34,56	8,68	-2,934**
	Ўзбек	40,22	9,96	
Бошқаларни қабул қилиш	Қозоқ	18,96	5,57	-3,767***
	Ўзбек	23,32	6,22	
Ҳиссий қулайлик	Қозоқ	18,20	4,84	-2,701*
	Ўзбек	21,36	6,97	
Ички назорат	Қозоқ	40,42	12,58	-3,704***
	Ўзбек	48,52	11,76	
Хукмронлик	Қозоқ	8,36	2,83	-1,119
	Ўзбек	9,22	4,33	
Эскапизм	Қозоқ	12,68	4,47	-0,760
	Ўзбек	13,38	4,94	

Изоҳ: * $p < 0,05$; ** $p < 0,01$; *** $p < 0,001$

Ушбу методика натижаларига кўра, қозоқ оиласи келинларида “мослашув” даражаси бўйича ўртача арифметик қиймат 104,70 ни, ўзбек оиласи келинларида 125,28 ни ташкил этди ($p < 0,05$). Маълумотлар қозоқ оиласидаги келинларга нисбатан ўзбек оиласидаги келинларнинг янги оилага мослашуви юқори даражада эканлигини кўрсатган. “Ўзини ёқтириш” шкаласи бўйича қозоқ оиласидаги келинларда ўртача арифметик қиймат 34,56 ни, ўзбек оиласидаги келинларда эса 40,22 ни ташкил этди ($p < 0,01$). Мазкур кўрсаткичлар орқали ҳам қозоқ келинларида ўзидан қониқмаслик, ўзини ўзи баҳолаш тизимида пасайиш кузатилишини эътироф этишимиз мумкин.

“Ҳиссий қулайлик” шкаласи бўйича ҳам худди шунга ўхшаш манзарага дуч келамиз: қозоқ оиласидаги келинларда ўртача арифметик қиймат 18,20 ни, ўзбек оиласидаги келинларда эса 21,36 ни ($t = -2,701$, $p < 0,05$) ташкил этди. “Ички назорат” шкаласида қозоқ оиласидаги келинларда ўртача арифметик қиймат 40,42 га, ўзбек оиласидаги келинларда 48,52 га ($t = -3,704$, $p < 0,001$) тенглиги маълум бўлди. Юқорида таъкидланганидек, мослашув жараёни қозоқ келинларида ўзига хос

мураккабликлар билан кечиши мазкур натижаларда ҳам ўз аксини топган. Қозоқ келинларида ўзбек келинларига нисбатан ҳиссий ҳолатларда ноқулайлик, безовталаниш юқорироқ эканлиги намоён бўлди. “Ички назорат” кўрсаткичларидаги кескин тафовутлар ҳам, қозоқ келинларининг оилага мослашиб кетиш жараёнида кўпроқ ташқаридаги одамларга йўналганлиги, бошқалар ёрдамига суянишга интилишидан далолат беради.

“Хукмронликка интилиш” шкаласи бўйича қозоқ оиласидаги келинларда ўртача арифметик қиймат 8,36 ни ва ўзбек оилаларидаги келинларда 9,22 ни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичлар иккала оила келинларининг оилада ижрочи ролини бажарётганликларини билдиради. “Эскапизм (муаммолардан қочиш)” шкаласи бўйича қозоқ оиласидаги келинларда ўртача арифметик қиймат 12,68 ни ва ўзбек оилаларидаги келинларида 13,38 ни ташкил этди, бу ҳолат келинларда муаммолардан қочиш тенденцияси устунлик қилишидан дарак беради. Ушбу методика бўйича келинларнинг мослашув кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабатларни қуйидагича таҳлил этамиз (2-3-жадваллар).

Жадвал №2. Қозоқ оиласидаги келинларнинг мослашув кўрсаткичлари орасидаги корреляцион алоқадорлик

Шкалалар	Мослашув	Ўзини ёқтириш	Бошқаларни қабул қилиш	Ҳиссий қулайлик	Ички назорат	Хукмронлик	Эскапизм
Мослашув	1	0,818**	0,709**	0,472**	0,643**	-0,089	0,087
Ўзини ёқтириш		1	0,424**	0,392**	0,339*	0,145	0,099
Бошқаларни қабул қилиш			1	0,220	0,491**	-0,065	-0,091

Хиссий қулайлик				1	0,241	-0,050	0,241
Ички назорат					1	-0,122	0,099
Хукмронлик						1	0,173
Эскапизм							1

Изоҳ: ** $p < 0,01$; * $p < 0,05$

Жадвал №3. Ўзбек оиласидаги келинларнинг мослашув кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабатлар

Шкалалар	Мослашув	Ўзини ёқтириш	Бошқаларни қабул қилиш	Хиссий қулайлик	Ички назорат	Хукмронлик	Эскапизм
Мослашув	1	0,762**	0,725**	0,506**	0,906**	-0,501**	0,348*
Ўзини ёқтириш		1	0,502**	0,228	0,712**	-0,426**	0,235
Бошқаларни қабул қилиш			1	0,297*	0,711	0,201	0,181
Хиссий қулайлик				1	-0,361*	-0,459**	0,495**
Ички назорат					1	-0,394**	0,277
Хукмронлик						1	0,382**
Эскапизм							1

Изоҳ: ** $p < 0,01$; * $p < 0,05$

Жадвалдан кўриниб турибдики, козоқ оиласидаги келинларда “мослашув” шкаласи кўрсаткичлари билан “ўзини ёқтириш”, “бошқаларни қабул қилиш”, “ҳиссий қулайлик”, “ички назорат” кўрсаткичлари ўртасида ижобий корреляцион алоқадорлик мавжуд ($r=0,818$, $p < 0,01$; $r=0,709$, $p < 0,01$; $r=0,472$, $p < 0,01$; $r=0,643$, $p < 0,01$). Ўзбек оиласидаги келинларда эса “мослашув” шкаласи кўрсаткичлари билан “ўзини ёқтириш”, “бошқаларни қабул қилиш”, “ҳиссий қулайлик”, “ички назорат”, “қарамлик ва эскапизм” кўрсаткичлари ўртасида ижобий корреляцион алоқадорлик аниқланди ($r=0,762$, $p < 0,01$; $r=0,725$, $p < 0,01$; $r=0,506$, $p < 0,01$; $r=0,906$, $p < 0,01$; $r=0,516$, $p < 0,01$; $r=0,348$, $p < 0,05$).

“Ўзини ёқтириш” шкаласи кўрсаткичлари билан козоқ оиласидаги келинларда “бошқаларни қабул қилиш”, “ҳиссий қулайлик”, “ички назорат” шкалалари кўрсаткичлари ўртасида ижобий корреляцион алоқадорлик кузатилди (мос равишда: $r=0,424$, $p < 0,01$; $r=0,392$, $p < 0,01$; $r=0,339$, $p < 0,05$). Ўзбек оиласидаги келинларда “ўзини ёқтириш” шкаласи кўрсаткичлари “бошқаларни қабул қилиш”, “ички назорат” шкалалари кўрсаткичлари билан ижобий корреляцион боғлиқликка эга эканлиги аниқланди (мос равишда: $r=0,502$, $p < 0,01$; $r=0,712$, $p < 0,01$).

Қозоқ келинларида “бошқаларни қабул қилиш” шкаласи кўрсаткичлари билан “ички назорат” шкаласи кўрсаткичлари ўртасида ижобий корреляцион боғлиқлик кузатилган бўлса (мос равишда: $r=0,491$, $p < 0,01$), ўзбек оиласидаги

келинларда ҳиссий қулайлик ва қарамлик шкаласи кўрсаткичлари ўртасида ўзаро ижобий боғлиқлик аниқланди (мос равишда: $r=0,297$, $p < 0,05$; $r=0,386$, $p < 0,01$). Олинган натижаларга кўра, козоқ келинлари томонидан атрофдагиларнинг илиқ муносабатини ҳис қилиш, уларга нисбатан ишончининг ортиши ўзини ўзи назорат қилишнинг кучайишига, мослашув жараёнида ўз масъулиятларини чуқурроқ англашларига замин ҳозирлайди. Келинларнинг атрофдагилар билан самимий муносабатда бўлиши, янги оила аъзоларига ҳурмат кўрсатишга интилиши, уларни янги муҳитга мослашиш учун курашиш ва қарор қабул қилгач, уни албатта амалга оширишга ҳаракат қилишга ундайди. Бу эса келин ва оила аъзоларининг бир-бирларига илиқ муносабатда бўлишлари, ўзаро ҳурматнинг ошишига ижобий таъсир этади.

“Ташқи назорат”нинг ортиши билан ҳар иккала миллат келинларида қарамлик ва эскапизмнинг (муаммолардан четлаш) ортиши (мос равишда: козоқ келинларида $r=0,451$, $p < 0,01$, $r=0,389$, $p < 0,01$; ўзбек оиласидаги келинларда $r=0,602$, $p < 0,01$; $r=0,658$, $p < 0,01$) кузатилган.

В.А.Сисенко оила-никоҳ мослашуви ҳақидаги ўзига хос концепцияни илгари сурган ҳолда, инсонларни мослашув даражасига кўра тўртта гуруҳга ажратади:

1. Мослашувчанлик даражаси юкори бўлган шахслар.
2. Мослашувчанлик даражаси ўртача шахслар.

3. Мослашувчанлик даражаси паст бўлган шахслар.

4. Деадаптациялашган шахслар.

Умумий адаптацион хусусиятларга у ҳамкорлик қилиш, мулоқотга киришиш, бошқа одамларни эмоционал ва рационал тушуна олиш, ўзини ўзи назорат қилиш ва ўзини ўзи билиш қобилиятларини киритади. Мазкур қобилиятларни ривожлантириш, муаллиф фикрича, оила-никоҳ мослашуви муваффақиятини белгилайди[3]. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда биз К.Роджерс ва Р.Даймонднинг “Ижтимоий-психологик мослашув” методикаси натижалари ўртасидаги корреляцион алоқадорликни аниқлашга ҳаракат қилдик.

Бир қатор мутахассислар (Т.А.Андреева, А.Г.Харчев, Л.Б.Шнейдер) оила ривожланишининг бошланғич даври ниҳоятда мураккаб, шу билан бирга, жуда муҳим эканлигини таъкидлайдилар. Н.Г.Юркевич фикрича, ҳар қандай тирик организм каби оила ҳам юзага келиш босқичида ниҳоятда заиф бўлади[8]. Ҳақиқатан ҳам, ёш оилаларда бўлажак оилавий муносабатлар модели шаклланади, бунда оиладаги мажбуриятлар ва роллар тақсимоти амалга оширилади, умумий оилавий кадриятлар ишлаб чиқилади, психологик ҳамда уй-рўзгор ва хўжалик мослашуви муаммолари долзарб бўлади. Бу даврнинг муваффақиятли кечиши учун нафақат келин ёки қайнона, балки оиланинг барча аъзолари бирдек масъулдир.

Шунингдек, мамлакатимиз олимлари Ҳ.Узақов, Э.Ғозиев, А.Тожиев келиннинг янги оилага мослашуви хусусида куйидаги фикрларни илгари сурадилар: “Никоҳга тайёргарлик кўришнинг муҳим жиҳатларидан бири куёв-қайлиқнинг ўзаро, қайнота, қайнона, қариндош-уруғлар, хонадоннинг яқин кишилари олдидаги бурчларини англашидир. Мустаҳкам ва барқарор оила қуришнинг асосий хусусиятларидан бири – келиннинг ўзга шарт-шароитларга кўникиши, ўзгача турмуш тарзига мослашувидир. Унинг ҳали батамом синалмаган ҳис-ғуйғуларга дуч келиши, иқтисодий-молиявий тартибдаги тафовут, ўзга хонадондаги нотаниш кадриятларга кўникиш, оилавий анъаналар, маросимлар, расм-русумларга мослашиши енгил кўчмайди, албатта. Буларнинг ҳаммаси ёш келиннинг жисмоний, ахлоқий, маънавий, руҳий жиҳатдан тайёргарлигини синаш вазифасини ўтайди. Бу соҳада унга куёв, қайнота ва қайнона ёрдам беришлари керак. Ҳаётнинг дошқозонида пишган, синалган ёш оилагина барқарор хусусият касб этиши мумкин. Аксинча ҳолатларда эса ажралиш кучаяверади”[4].

Ғ.Б.Шоумаров келинларнинг янги оилага мослашуви унинг мижозига ҳам бевосита боғлиқлигини таъкидлаб, жумладан, шундай дейди: “Кўпроқ холерик мижозга мансуб бўлганлар янги хонадонга тез мослашадилар. Бироқ енгилроқ, тезроқ ва андишасиз келинларнинг янги оилага мослашиши кийинроқ кечади. Янги шароитга осон мослашадиган ҳамда уни осонгина ўзлаштиришга тайёр бўлганлар сангвиник мижозидир[6].

Флегматик мижоз эса вазмин, оғирқарвон бўлгани учун янги оила шароитига секинлик билан мослашади. Бир мослашиб олганидан кейин эса уни ўзгартиришни сира-сира истамайди, унча-мунча гап-сўзга парво қилмайди. Меланхолик мижозлар ҳам шунга яқин. Аммо сал нарсадан уларнинг руҳи тушиб кетади, бўлар-бўлмасга хафа бўлаверади. Руҳий жиҳатдан ниҳоятда сезгир бўлишади. Мижоз турининг ўзига хос хусусиятларини билиб олган қайнона-келинларнинг тил топишиб кетишлари осон кечади”[6].

В.М.Каримова фикрича, келинчакнинг янги оила муҳитига мослашиши айримларда жуда осон ва тез кечса, айримлари йиллар мобайнида ҳам кўникиб кета олмайдилар. Бу унинг руҳиятидаги мувозанатланганлик сифатига боғлиқ бўлади[1].

Демак, янги муҳитга кўникишда мослашиш жараёни бевосита муҳим аҳамиятга эгадир. Шахснинг янги муҳитга мослашувини талқин этар эканмиз, асосий эътиборни келинларнинг янги оилага ва шароитга мослашувидagi психологик ҳолатларига эътиборни қаратамиз. Шунини таъкидлаш жоизки, оиладагилар билан ўзаро шахсий ва иш юзасидан муносабатлари, оиланинг ахлоқий нормалари ва кадриятларининг ўрнатилиши ижтимоий-психологик мослашувни вужудга келтиради. Янги тушган келин оиланинг янги аъзоси сифатида оиладаги кадриятлар ва ижтимоий нормалар билан танишади.

Сўнгра у ёки бу оила аъзосининг оилада эгаллаган мавқеига аҳамият қаратади. Бунда ижтимоий-психологик мослашув жараёни мураккаб ва узоқ муддатли бўлиши мумкин.

ХУЛОСА. Умумлаштириб айтганда, хулқ-атвор характери белгиловчи компонентларнинг ўзаро муносабати оилада келиннинг мақсад ва кадриятларига йўналганлиги, ижтимоий муҳитда уларга эришиш имкониятларига боғлиқ. Ижтимоий мослашувнинг узлуксиз характерига қарамасдан, уни, одатда, келиннинг фаолияти ва уни ўраб турган ижтимоий муҳитнинг туб ўзгаришлар даври билан боғлашимиз мумкин. Ижтимоий мослашувнинг муҳим жиҳати келин томонидан ижтимоий статус (мавқеи) ва у билан боғлиқ ролларнинг қабул қилиниши ҳисобланади. Бу ижтимоий мослашувни шахс ижтимоийлашувининг асосий ижтимоий-психологик механизмларидан бири сифатида қабул қилишга асос бўлади. Ижтимоий мослашув самарадорлиги маълум даражада келиннинг ўзини ва ўз оиласидаги ижтимоий нормаларни қанчалик бир хил қабул қилишига боғлиқ. Ўзи тўғрисида нотўғри ёки етарлича тасаввурга эга бўлмаслик ижтимоий мослашувнинг бузилишига олиб келади.

Шунингдек, келинларда ҳамкорликка интилиш, шахсларо муносабатларга кириша олиш, атрофдагиларни эмоционал ва рационал тушуна олиш, ўзини ўзи назорат қила олиш, шароитга қараб хулқ-атворнинг адекват типини танлай олиш қобилиятларини ривожлантириш оилага мослашувнинг муваффақиятли кечишини таъминлайди.

Шуни инобатга олган ҳолда, биринчидан, қизлар тарбиясида шахсларо муносабатларга

кириша олиш, янги шароит, ижтимоий роллар ва мажбуриятларга мослаша олиш, ўзини ўзи назорат қила билиш малакаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Иккинчидан, кизлар тасаввурида янги оила хусусида ижобий хислатларни шакллантириш,

миллий урф-одатлар, анъаналар ва қадриятлар мавзусида турли хил давра суҳбатлари, шароитга қараб хулқ-атвор шаклларини ўзгартира олиш малакаларини ривожлантириш бўйича ижтимоий-психологик тренинглари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримова В.М. Саломатлик психологияси. – Тошкент: ”Янги аср авлоди”, 2005. – 26 б.
2. Практическая психодиагностика методики и тесты. Учебное пособие. / Редактор-составитель – Д.Я.Райгородский. – Самара: Издательский Дом “БАХРАХ”, 1998. – 672 с.
3. Сысенко В.А. Супружеские конфликты. – М., 1993. - 346 с.
4. Узақов Х., Ғозиев Э.Ғ., А.Тожиев А. “Оила этикаси ва психологияси” қўлланма. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1992. – 128 б.
5. Шнейдер Л.Б. Основы семейной психологии. М., 2003. – 341 с.
6. Шоумаров Ғ.Б. Оила психологияси: Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма. / Ғ.Б. Шоумаров таҳрири остида / – Тошкент: “Шарқ”, 2008. – 296 б.
7. Эйдемиллер Э.Г., Юстицкис В.В. Психология и психотерапия семьи. –СПб.: Изд-во ПИТЕР, Серия “Мастера психологии”, 1999. – 656 с.
8. Юркевич Н.Г. Современная семья: функции и условия стабильности. Минск, 2009. – 234 с.
9. Қалиев С., Оразаев М., Смайлова М. Қазак халқының салт-дәстүрлері. – Алматы: “Рауан”, 1994. – Б. 45-66.
10. Ғозиев Э.Ғ., Мелибаева Р.Н. Ижтимоий психология / Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув услубий қўлланма. – Тошкент: 2009. – 146 б.



Гулзираҳон КАРИМОВА,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ассистенти.

E-mail: gulzirakhon@inbox.ru

Аҳмад БОБОЕВ,

Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти.

E-mail: gulzirakhon@inbox.ru

STRENGTHENING PUBLIC AWARENESS – PREREQUISITE FOR THE FORMATION OF CIVIL SOCIETY

Abstract

Globalization and informatization are events that comprehensively affect the life of society. Currently, computerization has changed the way people live, their inner world and their way of life. As a result, a free and active citizen is formed. The social-information environment created by informatization expanded the opportunities for people to become true leaders. The new society will be created on the basis of the activities of a free press, which is a key part of society and its cooperation with all types of NNOs. Automation of public services, the emergence of e-government, nationwide reception of the President of the Republic of Uzbekistan, virtual reception, collective electronic circulation, democratization of relations between the state and the people, and strengthening elements of civil society.

Key words: civil society, personality in civil society, spiritual aspects of personality, economic aspects of personality, social aspects of personality, passive crowd and leader, e-government, social and informational environment, non-governmental organizations and political-legal education.

ПОВЫШЕНИЕ ОСВЕДОМЛЕННОСТИ ОБЩЕСТВЕННОСТИ – НЕОБХОДИМОЕ УСЛОВИЕ ФОРМИРОВАНИЯ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА

Аннотация

Глобализация и информатизация - это события, которые всесторонне влияют на жизнь общества. В настоящее время информатизация изменило образ жизни и внутренний мир людей. В результате формируется свободная и активная личность. Социально-информационная среда, созданная информатизацией, расширила возможности людей стать настоящими лидерами. Новое общество будет создано на основе деятельности свободной прессы, которая является ключевой частью общества и её сотрудничества со всеми типами негосударственных некоммерческих организаций (ННО). Автоматизация государственных служб, появление электронного правительства, общенациональная приемная Президента Республики Узбекистан, виртуальная приемная, коллективные электронные обращения, демократизирует отношения между государством и народом и укрепляет элементы гражданского общества.

Ключевые слова: гражданское общество, личность в гражданском обществе, духовные аспекты личности, экономические аспекты личности, социальные аспекты личности, пассивная толпа и лидер, электронное правительство, социально-информационная среда, негосударственные некоммерческие организации и политико-правовое образование.

ЖАМИЯТ АХБОРОТЛАШУВИНИНГ КУЧАЙИШИ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТИ

Аннотация

Глобаллашув ва ахборотлашув жамият ҳаётига ҳар томонлама таъсир қиладиган ҳодисалардир. Ҳозирги даврда ахборотлашув, аввало, шахсларни, уларнинг ички дунёсини, турмуш тарзини ўзгартирди. Натижада, эркин ва фаол шахс шаклланимўқда. Ахборотлашув туфайли вужудга келган ижтимоий-ахборот муҳити шахсларнинг реал етакчи бўлиш имкониятларини кенгайтди. Жамиятнинг таянч нуқталаридан бўлган эркин матбуотнинг фаолияти, давлатнинг барча турдаги нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) билан ҳамкорлиги асосида янги жамият қарор топади. Давлат хизматлари автоматлашуви, электрон ҳукуматнинг пайдо бўлиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ қабулхоналари, Виртуал қабулхона, жамоавий электрон мурожаат кабилар давлат ва халқ ўртасидаги алоқаларни демократлаштирмўқда ва фуқаролик жамияти унсурлари мустаҳкамланмўқда.

Калит сўзлар: ахборотлашув, фуқаролик жамияти, фуқаролик жамиятида шахс, шахснинг маънавий жиҳатлари, шахснинг иқтисодий жиҳатлари, шахснинг ижтимоий жиҳатлари, пассив оломон ва етакчи шахс, электрон ҳукумат, ижтимоий-ахборот муҳити, ННТ ва ҳуқуқий-сиёсий таълим.

КИРИШ. Ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий-ахборот коммуникациялари типи бўлиб жараёнларнинг фундаментал асоси хамиша келган. Ахборотлашувнинг кучая бориши ижтимоий

муносабатларнинг макон тўсиқларини бартараф қила бориб, ижтимоий муносабатлар усули сифатида шаклланишининг устувор омилига айланди.

Ҳозирги замон фуқаролик жамияти ахборотлашган жамият асосида муваффақиятли ривожланиши мумкин. Чунки бу жамиятнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ижтимоий муносабатларнинг субъекти бўлган шахсдир. Бунда устувор бўлган уч жиҳат ҳам аҳамиятга эга: шахснинг маънавий жиҳати – фуқаролик жамиятининг асосида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ва амалга ошира оладиган эркин, фаол шахс ётади; шахснинг иқтисодий жиҳати фуқаролик жамияти ижтимоий субъект эркинлигининг шароити ва асоси сифатида хусусий мулк бўлгандагина қарор топади; шахснинг ижтимоий жиҳати – хусусий ва шахсий ҳаёти ҳимояланган, зўрликка қарши тура олиш жиҳатидир.

Бу уч жиҳат асосида давлат ва фуқаролик жамияти ўртасида фундаментал ижтимоий зиддиятлар вужудга келади. Ахборотлашган жамият бу зиддиятларни ҳал қилишининг муҳим шароити бўлиб хизмат қиладди.

АСОСИЙ ҚИСМ. Илгариги жамиятларда пасив оломон ва етакчи шахслар ўртасида ижтимоий мақомнинг тақсимланишида тафовут ҳар жиҳатдан катта бўлиб, улар ўртасида ўтиб бўлмас тўсиқ мавжуд эди. Жамият ахборотлашувининг кучайиши туфайли вужудга келган ижтимоий-ахборот муҳити шахсларнинг реал етакчи бўлишлари учун имкониятларини кучайтирди. Илгариги даврларда етакчи (ёки ҳокимиятнинг реал муҳолифати) бўлиш учун юқори ижтимоий ва шахсий энергияга, ташкилий, ахборот, молиявий, ҳукумат ресурсларига эга бўлиш зарур эди. Ҳозирги ижтимоий-ахборот муҳитида ҳар бир шаклланган шахс бундай ресурсларга эга бўлмаса ҳам бемалол етакчилик мавқеига эриша олиши мумкин. Янги ахборот муҳити ижтимоий ижодкорликнинг янги масштабларини, ахборотга эришув эркинлигини, ўзини намоён қилишнинг турли имкониятларини кафолатлайди. Ахборотлашган жамиятнинг бу афзалликлари кенг доирадаги шахсларга гениал ва ғоят истеъдодли бўлмаса ҳам, фуқаровий фаоллигини намоён қилишга, ташкилий институтларсиз ҳам етакчилик сифатларини кўрсатишга имкон яратади.

Ижтимоий-ахборот муҳитининг янги шароити фаол ва пасив фуқаролар, фуқаролик жамиятининг етакчилари ва оддий аъзолари ўртасидаги миқдорий муносабатни бир категориядан бошқа категорияга ўтказди, ижтимоий кўпчиликнинг мақомини ҳам тубдан ўзгартиради.

Фуқаролик жамияти мулкий хилма-хилликка, фуқароларнинг иқтисодий эркинлигига асосланади. Хусусий мулкка эга бўлган шахс тадбиркорлик фаолиятида ўзининг эркинлик ва ҳуқуқлари, улардан фойдаланиш имкониятлари, ўз манфаатлари ҳақидаги тасавурларига таянади. Иқтисодий эркинлик фуқароларнинг ўз манфаатларини ҳимоя

қилиш ва амалга ошириш заруриятини вужудга келтиради. “Иқтисодий тармоқларига маъмурий тавсирларни қисқартириш ва бозор механизмларидан кенг фойдаланиш ... давлат иштирокидаги бизнес тузилмаларини ташкил этишни чеклаш, бу борада бозорга хос механизмларни ишлаб чиқиш, давлатнинг айрим функцияларини хусусий секторга ўтказиш”ни тақозо қилади[2]. Жамиятнинг ахборотлашуви бу жараёни осонлаштиради, тезлаштиради, умумий манфаатларга эга бўлган шахсларнинг ташкилий жиҳатдан уюшувига олиб келади, натижада шахслар ижтимоий бошқарувнинг фаол иштирокчисига айланадилар. “Янги параметрларга эга бўлган ижтимоий-ахборот маконида фуқаро эркинликлари алоҳида, лекин кўпчилик субъектларнинг ижтимоий интеграцияси эркинлиги асосида туғилади,” – деб таъкидлайди рус олими А. И. Сляднева[1]. У кўшимча қилиб ёзадики, бунда янги ахборот шароитида ахборот таъсирининг кумулятив самараси автоматик равишда, кўпинча, иштирокчиларнинг онгли мақсадларидан ташқари ва ҳатто ижтимоий таъсирга, ҳаракатга, ижтимоий тенденцияларга, ижтимоий муносабатларга, ўз-ўзини ташкиллаштириш ва ўз-ўзини бошқаришга айлантирадиган бу ўзгаришнинг механизмларини тушунмасдан намоён бўлади.

Ҳуқуқий давлат билан ҳамкор бўлиш, жамиятнинг таянч нуқталаридан бўлган эркин матбуотнинг фаолияти, давлат ташкилотларига ҳам, тадбиркорлик фаолиятига ҳам кирмайлиган учинчи сектор – эркин уюшмалар, хайрия жамғармалари ва шу қабиларнинг пайдо бўлиши, самарали фаолияти давлат билан ҳамкорликда тез ривож топади. Вактли матбуот ва китоб нашрлари, аҳоли билими ва маънавиятини юксалтириш, фуқароларни илмий ва бошқа ахборотлар билан таъминлаш вазифалари давлат билан ҳамкорликда амалга оширилса, онгли фаолият устувор бўлади.

Жамият ахборотлашувининг фуқаролик жамияти қуришдаги роли эркин фуқароларнинг фаоллиги орқали намоён бўлади, дер эканмиз, савол туғилади: минглаб, миллионлаб кишиларнинг овози ахборот тизимлашуви шароитида қандай намоён бўлиши мумкин? Унинг ижтимоий натижаси қандай бўлади? Чексиз виртуал маконда индивидуал ахборот акцияси қатор ҳолатларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Биринчидан, фикрнинг ноёблиги ва аҳамиятлилиги. Ташаббускор субъект ва унинг ғояси ахборотни таҳлил қилишнинг барча босқичларидан (идрок қилиш, рационал таҳлил, баҳолаш) ўтишга, виртуал жамоани фаоллаштиришга эришиши лозим бўлади.

Иккинчидан, субъект-ташаббускор ва унинг ғояси оммавий эҳтиёжларнинг, кадрларнинг ташувчиси бўлиши керак. Нуқтаи назарнинг кўпчилик томонидан маъқулланиши оммавий ахборот хулқини вужудга келтиради ва ижтимоий маконда самара беради.

Учинчидан, ташкилий жиҳатдан, мақсадли таъсир кўрсатиш орқали амалга ошади.

Шундай қилиб, ахборотлашган жамиятнинг фуқаролик жамияти куришдаги ўрни, аввало, ахборотлашган шахс фаолиятида намоён бўлади. Эркин шахснинг маънавиятида ўз ҳуқуқ, бурч ва эркинликларини англаб, ўзини жамиятнинг ажралмас унсури деб билиб, жамият ҳаётига дахлдорлик ҳиссининг кучайиши ва ижтимоий фаол бўлиши орқали фуқаролик жамияти қарор топади.

Ҳозирги даврда ахборотлашган жамият фуқаролик жамияти куришнинг, унинг барча институтлари самарали фаолиятининг объектив шароитидир.

Давлат хизматларининг автоматлашуви, “электрон ҳуқуқат”нинг пайдо бўлиши “фуқаро-давлат” муносабатларининг демократлашувига қаратилган. Шу билан бирга, “тўғридан-тўғри демократия” янада кучаяди. Электрон ҳокимият фуқаролик жамияти ва давлат сиёсати ўртасида боғлаб турувчи ҳалқа вазифасини бажаради. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти куриш соҳасида жадал тараққиётни бошлаб берган бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тараққиётнинг янги даври учун мўлжаллаган муҳим дасури амал бўлди. Бу ноёб ҳужжат жамиятни такомиллаштириш ва жадал ривожлантиришнинг янги ҳақиқат ва мезонларини жорий этиш, аҳолининг барча қатламлари ўртасида ташаббускорлик, тадбиркорлик, масъулият ва дахлдорлик туйғусини оширишнинг илмий-назарий, амалий-конструктив асосларини белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ҳаракатлар Стратегияси “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғоя[3] асосига қурилганлигини кўриб турибмиз. Дунёда муқобили йўқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг халқ қабулхоналари ҳамда Виртуал қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламақда. Ушбу қабулхоналарда ўтган бир йил ичида 1,5 млн.тадан зиёд мурожаатлар кўриб чиқилгани давлат хизматчиси халқ олдида масъул эканини такрор ва такрор тасдиқламақда. Давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинадиган қарорларда халқнинг истақлари мужассамлигига эришиш, яъни жамиятда демократия талабларининг амалда намоён бўлишида ҳам бу тизим асос бўлиб қолмақда. Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилгани давлат ва фуқаролик жамияти манфаатлари уйғунлашувида муҳим бўлди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида айтилган фикрлар фуқаролик жамияти ривожини янги, юқори босқичга ўтганлигини билдиради. Фуқаролик жамияти давлат бошқаруви ҳолатига бевосита боғлиқдир. Давлат бошқарувидаги ҳаддан ташқари марказлаштирилган тартиб-тамоийлар ҳам мурожаатномада кескин танқид қилинди. Эркинлаштириш ёки мўтадиллаштириш сиёсати маъқулланар экан, маҳаллий давлат идораларидаги раҳбар ва мутасадди кадрларнинг масъулиятини тубдан ошириш кун тартибига қўйилди.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб номланган 2017 йилда давлат органлари, раҳбарлар бевосита халқ ичига кириб борди ва муаммолар тўғридан-тўғри ўрганилиб, ижроси таъминланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида қонунлар муҳокамасига кенг халқ оммасини жалб қилиш мақсадида замонавий ахборот коммуникация технологиясини жорий этиш ғояси илгари сурилди. Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши, “жумладан, – дейилади Мурожаатномада, – Интернет тармоғида махсус “майдон”лар яратиш зарур. Шу муносабат билан мамлакатимиз фуқаролари давлат ва жамият ҳаётига дахлдор муҳим масалалар бўйича ўз фикрларини билдиришлари учун Интернет тармоғида “менинг фикрим” деб номланган махсус веб-саҳифа ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, демократиянинг илғор механизми сифатида жамоа бўлиб электрон мурожаат киритиш тартибини татбиқ қилиш зарур”[4].

Олий Мажлис ҳузурида Олий Мажлисга келадиган турли таклифларни чуқур таҳлил қиладиган илмий марказ бўлувчи қонунчилик муаммолари парламент тадқиқотлари институти ташкил этилди. Бу эса маҳаллий органларнинг тўғри қарор қабул қилишига ёрдам беради.

ХУЛОСА. Фуқаролик жамияти фақат қонуннинг устунлиги, одамларнинг конституцион ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эмас. Фуқаролик жамиятининг асосий кўрсаткичларидан бири унинг ҳокимият билан ҳамкорлик қила олиш қобилиятидир.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик жамиятида барча ННТлар ўз йўналишларидан қатъи назар шахслар фаоллиги ва ҳамкорлик қобилиятини ошириш учун ҳуқуқий таълим билан шуғулланишлари керак.

АДАБИЁТЛАР

1. «Информационные Ресурсы России» №2, 2009; http://www.aselibrary.ru/digital_resources/journal/irr/2009/number_2/number_2_1/number_2_1926/
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 21-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 4-5-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 26-27-бет.



УДК: 301:008.17:314:1(575.1)

Гулистон МАШАРИПОВА,
Миллий рассомлик ва дизайн институти камта ўқитувчиси
E-mail: gulistan777@list.ru

THE ANALYSIS OF PRINCIPLES REGARDING DEVELOPING IDEOLOGICAL IMMUNITY IN YOUNGSTERS

Abstract

The article highlights the development of ideological immunity among young people. The main purpose of the article is in the context of the existence of today's threats about the need to develop ideological immunity in young people. The focus is on the methodological aspects of the problem is studied. In particular, young people are considered as the potential forces of society and undergo a scientific and theoretical analysis. Young people, viewed as a socio-demographic group in society, focuses on mechanisms to increase their activation. The essence and significance of the concept of immunity in the context of modern globalization, together with a positive factor influencing the spirituality of the youth, is emphasized, and a tendency of growth of negative factors is also observed. Under such conditions, raising the ideological immunity of young people is interpreted as an urgent task of today. Emphasis is placed on the development of innovative thinking and creativity among young people in the conditions of modern renewal of society.

Key words: youth, ideological immunity, society, development, spiritual-moral factor, social-demographic group, potential force, youth consciousness, outlook.

АНАЛИЗ ПРИНЦИПОВ РАЗВИТИЯ ИДЕОЛОГИЧЕСКОГО ИММУНИТЕТА У МОЛОДЕЖИ

Аннотация

В статье освещены вопросы развития идеологического иммунитета у молодежи. Основная цель статьи – в условиях существования современных угроз о необходимости развития идеологического иммунитета у молодёжи. Основное внимание уделяется методологическим аспектам изучаемой проблемы. В частности, молодёжь рассматривается в качестве потенциальной силы общества и подвергается научно-теоретическому анализу. Молодёжь, рассматриваясь как социально-демографическая группа в обществе, делается упор на механизмы повышения их активизации. Подчеркивается сущность и значение концепции иммунитета в условиях современной глобализации вместе с положительным фактором, влияющим на духовность молодёжи, также наблюдается тенденция роста негативных факторов. При таких условиях повышение идеологического иммунитета молодежи истолковано как насущная задача сегодняшнего дня. Делается акцент на развитие инновационного мышления и творческого подхода у молодёжи в условиях современного обновления общества.

Ключевые слова: молодежь, идеологический иммунитет, общество, развитие, духовно-нравственный фактор, социально-демографическая группа, потенциальная сила, сознание молодежи, мировоззрение.

ЁШЛАРДА ҒОЯВИЙ ИММУНИТЕТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚАРАШЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация

Мақолада ёшларда ғоявий иммунитетни ривожлантириши масалалари ёритилган. Асосий мақсад сифатида бугунги турфа таҳдидларнинг мавжудлиги шароитида ёшларда ғоявий иммунитетни юксалтириши лозимлиги масаласи танланган. Асосий эътибор мавзунинг методологик жиҳатларига қаратилган. Жумладан, ёшларга жамиятни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида қараб, илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилган. Ёшлар жамиятда ижтимоий-демографик гуруҳ сифатида қаралиб, улар фаоллигини ошириши механизмларига эътибор қаратилган. Иммунитет тушунчасининг мазмун-моҳияти очиб берилиб, бугунги глобаллашув шароитида ёшлар маънавиятига таъсир этувчи ижобий омиллар билан бир қаторда салбий омилларнинг ҳам кириб келаётганлиги масалаларига эътибор қаратилган. Ва бундай салбий омилларга қариши ёшларда ғоявий иммунитетни юксалтириши бугунги куннинг долзарб вазифаси сифатида талқин этилган. Бугунги янгиланишлар шароитида ёшлар онгида инновацион тафаккурнинг ривожига ургун берилиб, креатив фикрловчи ёшлар тарбиясига асосий эътибор қаратиши масалалари илгари сурилган.

Калит сўзлар: ёшлар, ғоявий иммунитет, жамият, тараққиёт, маънавий-ахлоқий омил, ижтимоий-демографик гуруҳ, потенциал куч, ёшлар онги, дунёқараш.

КИРИШ. Истиклол жамиятимиз аъзолари, жумладан, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий камолоти учун шарт-шароит яратиб, жамиятнинг келажак тараққиётини таъминловчи куч

бўлган ёшларнинг ғоявий-маънавий янгиланишида ҳам зарурий омилдир. Миллий истиклол туфайли шаклланган демократик тафаккур жамият аъзолари, хусусан ёшларга янги имкониятларни вуждуга

келтириб, ўзига хос масъулиятни ҳам юклади. Янгича фикрлаш миллий кадриятларга ижобий муносабатни, уларнинг умуминсоний кадриятлар тизимидаги ўрнини теран ҳис этиш имконини берди. Шу билан бир қаторда, ўзликни англаб, ўтмишга холисона муносабатда бўлиш, яқин ўтмиш воқеаларини танқидий-тахлилий нуқтаи-назардан идрок этиш ёшлар ижтимоий-маданий ва маънавий фаолиятининг ажралмас қисмига айланди.

Фуқаролик жамияти шароитида демократик тафаккурнинг ривожини боис, кузатилаётган маънавий ва ижтимоий-маданий ўзгаришлар ёшлар онгида ижобий дунёқарашни ривожлантирмоқда. Истиқлолнинг қўлга киритилиши туфайли ҳамда миллий тафаккурнинг ривожини боис ёшларда жамиятдаги ижобий ўзгаришларга нисбатан оптимистик кайфиятлар ривожланмоқдаки, бу уларда ғоявий иммунитетнинг устуворлигини таъминламоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ. Бугунги кунда ижтимоий-маданий, сиёсий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий омилларнинг таъсири туфайли ёшларда миллий тафаккур янгича мазмун касб этаётганлиги эътирофлидир. Ушбу жиҳатлар жамиятда эҳтимол тутилаётган ҳар қандай хуружларга қарши ёшлар онгида кучли иммунитетни ривожлантиришни тақозо этмоқда. Бу глобал тараққиёт жараёнида турфа таҳдидларнинг кириб келиш эҳтимоли мавжудлиги шароитида уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш билан бир қаторда, ғоявий-сиёсий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаш муҳимлигини кун тартибига қўймоқда. Шу боис ёшларга ишонч, уларга келажакнинг бунёдкорлари сифатида қараш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, эътибор қаратилаётганлиги қувонарлидир. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъбири билан айтганда, «Бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайрат-шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмоқдамиз»[1]. Креатив фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифаси экан, бунинг учун ёшларда ғоявий иммунитетни ривожлантириб, фуқаролик жамияти институтлари шаклланаётган ҳозирги шароитда Ватан учун фидойи ёшларни тарбияламоқ муҳимдир. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов шундай деган эдилар: «Айниқса, бугунги мураккаб мафкуравий жараёнларни илмий-амалий жиҳатдан атрофлича таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларнинг устувор йўналишларини, кимга ва нимага қарши қаратилганини аниқлаш, аҳоли турли қатламларига таъсирини ўрганиш, миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз қалбида

миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Фақат ана шундай асосда ёшларни ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга эришиш мумкин» [2]. Шу сабабли фуқаролик жамияти шароитида ёшлар ва уларда ғоявий иммунитетни ривожлантиришнинг назарий-методологик асосларини бугунги куннинг реал воқеълиги асосида тадқиқ этиб, ёшларнинг маънавий-ахлоқий ривожини янада юксалтирувчи тақлиф ва тавсияларни илгари суриш муҳим. Чунинчи, бугунги жадал тараққиёт шароитида давлат миқёсида баркамол авлодни тарбиялашга эътибор қаратилиб, қатор тадбирлар ишлаб чиқиётганлиги ёшларнинг маънавий баркамоллигини таъминламоқда, уларда ғоявий иммунитетни ривожлантириш объектив зарурият сифатида муҳим эканлигини кўрсатиб, унинг концептуал асосларини яратишни тақозо этмоқда.

Ижтимоий-тарихий тараққиётдан маълумки, жамиятни ҳаракатлантирувчи куч сифатида ёшлар мавжуд тизимнинг сифати ва ҳолатидан қатъи назар ривожланаверади. Бундай ривожланишда ёшлар характерли хусусиятларида қайси жиҳатлар устуворлик қилиши тузумнинг гуманистик моҳиятига боғлиқ. Ижтимоий-демографик қатлам сифатида жамиятнинг социал тизимида ёшлар алоҳида ўрин тутиб, республикаимиз аҳолисининг тўртдан бирини ўн олти ёшдан ўттиз ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. «Ўзбекистон каби аҳоли сонида ёшларнинг салмоғи юқори бўлган давлатларда ушбу гуруҳни атрофлича ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Статистик маълумотларга қараганда, аҳолининг тўртдан бирини ёшлар ташкил қилади» [3]. Ушбу жиҳатлар муаммони тадқиқ этишининг долзарблигини билдирувчи омил бўлиб, жамиятнинг ижтимоий тизимида ёшларнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Ижтимоий тараққиёт натижасида фан ривожланиб инсоният манфаатига хизмат қила бошлаган даврдан буён тараққиёт ривожига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш зарурий моҳият касб эта борди. Ёшлар тўғрисида ҳам кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилиб, турфа қарашлар илгари сурилган. «Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати»да: «Ёшлар – жамиятдаги ижтимоий-демографик гуруҳ, инсон умрининг муайян даврида яшаётган, етукликнинг қарор топиши, катталар оламига кириш ва унга мослашиш каби ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланадиган тушунчадир» [4]. Демак, ёшлик инсон умрининг муайян даврини қамраб олувчи ижтимоий жараён бўлиб, унда инсоннинг шахс сифатидаги етуклиги таъминланиб боради. Яна бир назарий адабиётда таъкидланишича: «Ёшлар... ижтимоий етуклик, ижтимоийлаштириш (яъни жамиятнинг социал-иқтисодий ва маънавий тузилмасига тўлақонли кириб бориш) даврини бошидан кечираётган ижтимоий-демографик гуруҳдир» [5]. Ушбу даврда инсон ижтимоийлашув жараёнларини бошидан

кечириб боради. Жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ёшларда ижтимоий фаоллик, меҳнат кўникмаси ва салоҳиятнинг шаклланиши, маънавий-ахлоқий хусусиятлар ривожини юксалиб бораверади.

Ёш хусусиятлари бўйича ёшлар тушунчасига эътибор қаратишга тадқиқотчилар томонидан турлича ёндашилган. Олимлардан З.Қодирова, В.Лисовский ва Е.Сапелкинлар фанда тадқиқот объекти сифатида ўн олти ёшдан ўттиз ёшгача бўлган ёшларни олиш мақсадга мувофиқ эканлиги фикрини илгари сурадилар [6,7,8,]. Яъни ўн олти ёшдан бошлаб ёшларда ижтимоий-маънавий ва ҳуқуқий масъуллик ҳислари ривожланиб, Ватан ва халқ тақдири, келажаги учун масъулият сифатий босқичга кўтарилади. Бунда жисмоний омиллар билан бир қаторда ҳуқуқий-маънавий омиллар ҳам етакчи ўринга чиқади. Хусусан, ўн олти ёшдан бошлаб ёшларнинг Ўзбекистон Республикасининг паспортини олиши уларнинг шахсий идентификациялашувида муҳим жиҳат бўлиши билан бир қаторда ёшларда ижтимоий-сиёсий масъуллик ҳиссини ҳам ривожлантиради.

Ёшларга берилган яна бир таърифда: «Ёшлар – ёш хусусиятлари, ижтимоий ҳолатининг ўзига хослиги билан ажралиб турувчи ижтимоий-демографик гуруҳ», - дейилади [9]. Ёшлар ижтимоий ҳолатининг ўзига хослиги шу билан характерланадики:

1. Ёшларда билим олиш имкониятлари нисбатан кенгрок.
2. Уларда касб танлаш имконияти чуқуррок.
3. Ёшлар тафаккури ижобий ва салбий бўлишидан қатъий назар ташқи таъсирларни теранроқ қабул қилишга мойилрок.
4. Ушбу даврда ёшлар бир неча гуруҳга бўлиниб кетади, чунончи, ўқувчи, талаба, шогирд, устоз, муайян соҳа ходими, оилали, бўйдоқ ва ҳ.к.
5. Ёшларнинг ёш ва имконият хусусиятларидан келиб чиқиб, ушбу даврда маънавий-ахлоқий қирралар ривожланиб, мустақамланади.

Яна бир адабиётда ёшлар қуйидагича таърифланган: «Ёшлар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳолати, шунингдек, маънавий қирралари шаклланаётган, ёш ва ижтимоий-психологик жиҳатдан специфик хусусиятга эга бўлган йирик ижтимоий гуруҳдир. Одатда, ёшларга (статистика, социологияда) 16-30 ёшлилар киритилади», - дейилади [10]. Ушбу таърифга ҳам, асосан, кўшилиш мумкин. Лекин баъзи томони ҳам йўқ эмас. Ушбу ёшлилар (16-30) орасидаги шахсларнинг жамиятда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳолати шаклланаётганлигига шубҳа йўқ. Ҳақиқатан ҳам, ушбу даврда ёшларнинг жамиятдаги мавқеи, иқтисодий ҳолати ҳамда сиёсий жараёнларга муносабат ва иштироки шаклланиб боради. Лекин ушбу даврда ёшлар маънавияти шаклланиш босқичида бўлади, десак бир оз муболағали бўлади. Ёшлар маънавияти туғилгандан бошлаб оиладан, ундан сўнг боғча, мактабнинг бошланғич синфларидан бошлаб шакллантирилади. Ҳар ҳолда ушбу жараён ўн беш ёшгача шакллантирилиб, ундан

кейин ривожлантирилиб борилади, десак ҳақиқатга яқин бўлади. Чунки гап ёшлар маънавияти ҳақида кетаётган экан, маънавиятнинг асосида тарбия ётади. Шарқона одат бўйича фарзанд туғилгандан бошлаб унинг тарбиясига эътибор қаратила боради. Ривоятга кўра, фарзанд кўрган ота-она уйига тарбиячини чорлаб, бир ҳафта олдин фарзандли бўлганини айтишганда, тарбиячи «кечкибсиз» деб, қайтиб кетган экан. Демакки, тарбия инсон маънавияти туғилгандан бошлаб шакллантирилади боради. Айтайлик, ўн беш йил давомида шакллантирилгандан сўнг ривожланиш босқичига ўтади. Зеро, маънавият туғрисида гап кетганда ушбу жиҳатларга ҳам эътибор қаратмоқ жоиздир.

Яна бир таърифда: «Ёшлар муҳим ижтимоий гуруҳ сифатида жамиятда ўзгаришлар индикатори бўлиб, жамият тараққиётининг потенциалини белгилайди», - дейилади [11]. Юқоридаги таърифлар ўрганилаётган муаммонинг у ёки бу томонларини қамраб олади, албатта. Бизнинг фикримизча, ёшлар жисмоний ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан динамик ўсишда бўлиб, жамият тараққиётини таъминловчи потенциал куч сифатида ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ва иқтисодий ҳолати ҳамда дунёқараши шаклланиб, ривожланишда бўлган ижтимоий гуруҳдир.

Социология фанида ҳам жамиятнинг ижтимоий тизимида ёшлар потенциали ва ижтимоий эҳтиёжлари, ижтимоий-иқтисодий ва ёшдаги тафовутлари, жамиятдаги мавқеи каби жиҳатлари ўрганилади. «Социология фани ёшларни жамиятдаги ижтимоий ва руҳий ўзига хос ҳолатга эга бўлган йирик ижтимоий гуруҳ сифатида ўрганади. Бу ижтимоий ва руҳий ҳолатда уларнинг нафақат ёшдаги тафовутлари, балки ижтимоий-иқтисодий, шунингдек, ижтимоий-сиёсий мавқеи ҳам ўз ифодасини топади» [12]. Ёшларнинг жамиятда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий мавқеи жамият аъзоларининг доимий диққат-эътиборида бўлиши лозим. Чунки жисмоний ва маънавий жиҳатдан такомиллашиб бориш фақатгина ёшларга хос бўлган хусусият бўлиб, ушбу жиҳатларга эътибор қаратиш муҳимдир.

Ёшларда ғоявий иммунитетни ривожлантириш бугунги глобал тараққиёт шароитида зарурий бўлиб, эҳтимол тутилган ғоявий таҳдид ва хуружлар ушбу хусусиятнинг устуворлиги орқали бартараф этилади. Маълумки, ғоя муайян мақсадлар ҳосиласи сифатида жамият аъзолари фаолиятини йўналтирувчи маънавий-руҳий кучдир. Мамлакатнинг биринчи Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда, «Бу мафкура халқни халқ, миллатни миллат этадиган, унинг шаъну шарафи, ор-номуси, ишонч-эътиқодини ифодаладиган, жамиятимизнинг ўзига хос тараққиёт йўли, турмуш тарзи, туб манфаатларига таянган ҳолда муттасил ривожланиб, такомиллашиб борадиган ғоялар тизимидир» [13]. Демак, мафкура ғоялар мажмуидан иборат ижтимоий-маънавий ва сиёсий мақсадларни ифодаловчи атама сифатида инсоният тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, ғоя жамият аъзолари мақсадларини ифодалайди. Бундай мақсад

умуммиллий даражада эътироф этилса, миллий ғоя тарзида намоён бўлади. «Миллий ғоя – миллий онгни уйғотувчи, миллатнинг ўзлигини англаувчи, ўзига хосликка, менталитетга «қиёфа» бахш этувчи, миллий руҳият, гурур, ифтихор, эътикод ва масъуллиқ туйғуларини шакллантирувчи фикрдир» [14]. Демак, миллий ғоя миллатнинг ички маънавий-руҳий оламида мужассам бўлган орзу-мақсадлар ифодаси сифатида жамият тараққиётини белгиловчи стратегик йўналишдир. Яъни, «...миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини англашни ўзида мужассамлаштирган, унинг этноижтимоий бирлик сифатидаги туб манфаатлари ва мақсадларини ифодалайдиган, тараққиётга хизмат қиладиган ғояга миллий ғоя дейилади» [15]. Яна бир назарий манбага эътибор қаратадиган бўлсак: «Ғоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр» [16]. Ғоя ижтимоий онгда вужудга келиб, йўналтирувчилик хусусиятига эга бўлган теран фикрлар мажмуи сифатида жамият аъзолари тафаккуридан ўрин олиб, кундалиқ фаолиятида намоён бўлади.

Ғоя стратегик йўналишни белгилаб, миллий тараққиётга хизмат қилувчи теран фикрлар мажмуи экан, ғоявий иммунитет мазмунига эътибор қаратишимиз жоиздир. Ушбу тушунчанинг моҳиятини англаш учун дастлаб иммунитет тушунчасига эътибор қаратмоқ зарур. «Иммунитет – (немис тилида *Immunitas*, лотин тилида *Immunitas (Immunitatis)*) – бирор бир нарсадан халос бўлмоқ, яъни организмнинг бирор бир касалликка қарши туриши, касалликни қабул қилмаслик ҳолати» [17]. Фалсафа қомусий луғатида ушбу тушунчага нисбатан кенгроқ ва тўлиқроқ таъриф берилиб, унинг ижтимоий-фалсафий атама сифатидаги моҳияти очилган. Жумладан, шундай дейилади: «Иммунитет – (лот. *Immunitas* – бирор бир нарсадан халос бўлиш, қутулиш) – организмнинг доимий ички барқарорлигини сақлаш, ўзини турли хусусиятларга эга таъсирлардан, ташқи инфекциялар кириб қолишидан ҳимоя қилишга кодир бўлган реакциялар мажмуаси» [18]. Бундай таъриф биз ўрганаётган муаммо доирасида масала моҳиятига яқинлашишда нисбатан конкрет моҳият касб этади. Бизнинг фикримизча, ҳар қандай атама сиёсий моҳият касб этиши учун фалсафий тушунча сифатида эътироф этилиши, тушунчанинг фалсафий моҳияти талқин этилиши лозим. Фалсафа қомусий луғатида ушбу жиҳатлар нисбатан конкрет тарзда очиқ берилган. Жумладан, «Инсон ўзининг бутун ҳаёти давомида ташқи таъсирга акс жавоб сифатида орттирган билим ва малакалари асосида иммунитет тизимини ўзида шакллантиради», дейилади [18]. Ҳақиқатан ҳам, инсон:

1. Ижтимоий-маънавий омиллар таъсири натижасида воқеълик ва кундалиқ ҳаётдаги ҳодисаларга нисбатан муносабати шакллана бориб, ахлоқий омилларни ўзида сингдира боради.

2. Инсон қалби ва тафаккурига сингдирилган ана шу маънавий-ахлоқий хусусиятлар шахсда иммунитет тизими сифатида қарор топади.

Масала моҳиятига чуқурроқ эътибор қаратиш учун яна манбага мурожаат қиламиз: «Иммунитет ҳақидаги тасаввурлардан келиб чиқиб, инсон онги ва тафаккури, унинг билим савияси билан боғлиқ бўлган фалсафий иммунитет тизимининг асосий қисмлари қуйидагилардан иборат:

1) Воқеъликни тўғри ва тўлиқ акс эттирувчи, инсон маънавиятининг бойишига ва жамият тараққиётига хизмат қилувчи билимлар;

2) Шундай билимлар замирида шаклландиган ва мафкуравий тажовузлар қаршисида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қилувчи кадриятлар тизими;

3) Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги аниқ мўлжал ва мақсадлар» [18].

Мўлжал ва мақсадлар шахс маънавий-ахлоқий қиррасининг муҳим жиҳати сифатида дастлаб тафаккурда акс этади. Мақсадларни амалга ошириш эса ёшлар ижтимоий фаоллигининг муҳим қирраси сифатида намоён бўлиб, ушбу жиҳат турфа таҳдидларга нисбатан барқарор мавқе касб этишда ҳам зарурий омилдир. Бизнинг фикримизча, иммунитет кадриятлар тизими сифатида:

1. Урф-одат ва анъаналаримизга ижобий муносабатда бўлиш ҳиссини ривожлантиради.

2. Моддий, маданий ва маънавий меросга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиш жиҳатларини юксалтиради.

3. Юқорида таъкидланган жиҳатлар ёшларда Ватан равнақи ва халқ келажаги учун масъуллиқ хусусиятларини ҳам таъминлайдики, кадриятлар тизимида ушбу жиҳатлар муҳим бўлган бугунги кунда зарурий омил сифатида эътиборлидир.

Иммунитет тушунчалари ҳамда ушбу тадқиқот мавзуси талаби доирасида ғоявий иммунитетга эътибор қаратадиган бўлсак, илмий-назарий адабиётларда қуйидагича таъриф берилган: «Мафкуравий иммунитет – (лотинча «*Immunitatus*» – бирор нарсадан озод этиш) – шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоялашга хизмат қилувчи тизим» [19]. Демак, шахсий иммунитет муайян киши руҳиятидаги барқарор маънавий-ахлоқий ҳолат, кўриниш бўлса, гап ғоявий ёки мафкуравий иммунитет ҳақида кетганда, у жамият аъзолари, жумладан, ёшлар ички оламига хос бўлган маънавий-ахлоқий кадриятлар мажмуи сифатида тизимий моҳият касб этади. Шунингдек, «Мафкуравий иммунитет тизими маънавий баркамол, иродаси бақувват, иймони бутун шахсни тарбиялашда, ҳар қандай реакцион, бузғунчи характердаги ғоявий тажовузларга бардош бера оладиган ёшларни тарбиялашда қўл келади» [18]. Демак, мафкуравий иммунитет ва тарбия ўзаро алоқадор бўлган тушунча сифатида бир-бирини тақозо этади. Яъни, тарбия туйғули инсон шахс сифатида камол топиб, унда иммунитет шаклланиб, маънавий-ахлоқий омиллар таъсири натижасида

ривожланиб борса, ўз навбатида, иммунитет шахснинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутади.

ХУЛОСА. Ёшларда ғоявий иммунитетни ривожлантириш масаласи, асосан, жамиятнинг социал тизимида ижтимоий-иктисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан динамик ўсишда бўлган гуруҳ вакилларига хос бўлиб, глобал тараққиётнинг айрим ҳолатлардаги реал хавфнинг мавжудлиги шароитида улар онги ва қалбида бундай таҳдидларга қарши кучли маънавий-ахлоқий мавқенинг барқарорлигини таъминлашдан иборатдир.

Умуман олганда, жамиятнинг ижтимоий тизимида ёшлар ва ғоявий иммунитет масалаларининг назарий-методологик таҳлили мустақиллик шароитида миллий фанимизнинг ривожини таъминласа, иккинчи томондан, ёшларнинг маънавий-ахлоқий мукамаллигини, демократик-ҳуқуқий давлат шароитида уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишнинг концептуал жиҳатларини кўрсатувчи тадқиқот сифатида ҳам муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Том 2. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2018. – Б. 491.
2. Ислоҳ Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 126-127.
3. Бўриева З., Иброҳимов А. Ёшларнинг демографик ҳолати ва оила //Ижтимоий фикр. 1998. №2. – Б. 129.
4. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати /ЎзР Президенти ҳузуридаги ДЖҚА, Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти; таҳрир ҳайъати: Х. Султонов ва бошқ.; тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. – Т.: Гафур Ғулом, 2009. – Б. 152.
5. Қодирова З.Р., Шарипов А.Ж., Алимасов В.А., Каримова Э.Г., Мадаева Ш.О. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2006. – Б. 6.
6. Қодирова З.Р. Проблемы повышения социальной активности молодежи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества. – Т.: «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» нашриёти, 1999. – С. 4.
7. Лисовский В.Т. Социология молодежи. – С-Петербург, 1996. – С. 32.
8. Сапелкин Е.П. Социальный статус молодежи. – Минск: Технопринт, 2002. – С. 10.
9. Фалсафа комусий луғат. Тузувчи ва масъул муҳаррир ф.ф.д. Қ.Назаров. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2004. – Б. 121.
10. Российская социологическая энциклопедия. Под ред. Академика Г.В.Осипова. –М.: Изд-я группа НОРМА-ИНФРА: - М., 1998. – С. 297.
11. Латипова Н. Молодёжь в социальной структуре Узбекистанского общества // Ижтимоий фикр – Инсон ҳуқуқлари. 2004. №3. – С. 138.
12. Социология: Маърузалар матни. Масъул муҳаррир: В.М.Каримова. – Тошкент, 2000. – Б. 99.
13. Каримов И.А. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласига сўз боши //Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – Б. 222.
14. Отамуратов С. Миллий ривожланиш фалсафаси. – Т.: Академия, 2005. – Б. 24.
15. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Т.: Ўзбекистон, 2004. – Б. 15.
16. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқа изоҳли тажрибавий луғат). – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 179.
17. Словарь иностранных слов и выражений. – М.: Аст-Олимп-Астрель, 2000. – С. 230.
18. Фалсафа комусий луғати. Тузувчи ва масъул муҳаррир: ф.ф.д. Қ.Назаров. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 160.
19. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. – Т.: Академия, 2007. – Б. 191.



УДК: 001(093):51+52«12»

Гуларам МАШАРИПОВА,

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти доценти, т.ф.н.

E-mail: Gularam.Masharipova@mail.ru

STUDY OF MAKHMUD AL-CHAGMUNYS' SCIENTIFIC HERITAGE IN EASTERN AND WESTERN COUNTRIES

Abstract

The article explored the huge-rich heritage of scientists Anushteginid-Khorezmshah in Central Asia, in the example of the scientific heritage of Mahmud al-Chagmini. From history it is known that the reign of Aludin was one of the most prominent pages of Anushteginid-Khorezmshah. He was an educated and intellectual person who studied in the Gurgancha and Marvah madrasas. Philology, philosophy, theology, law, natural sciences, science, medicine, architecture, water installations (dams, castings, hull), hardware, scientific research on the theoretical foundations and practice of other types of crafts (carpentry, lamps, ceramics, etc.). The main problem was placed on the expansion of the country's regions, primarily in trade and trade with the countries of the East and the West. The article analyzes the scientific heritage of Mahmud al-Chagmin and is analyzed by scientists from the East and the West.

Keywords: heritage, philosophy, theology, lawyer, theory, practice, scientific and cultural awakening, trade, academy.

ИЗУЧЕНИЕ НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ МАХМУД АЛ-ЧАГМИНИ В ВОСТОЧНЫХ И ЗАПАДНЫХ СТРАНАХ

Аннотация

В статье изучено огромное-богатое наследие ученых Ануштегинид-Хорезмшахов в Центральной Азии, в примеренаследие Махмуда аль-Чагмини. Из истории известно, что правление Алуддина было одной из самых выдающихся страниц Ануштегинид-Хорезмшаха. Он был образованным и интеллектуальным человеком, который учился в медресе Гурганча и Марвы. В перевосстановленном Академии была изучены филологией, философией, теологией, юриспруденция, естественными науками, наукой, медициной, архитектурой, водными сооружениями (плотины, отливки, корпус), скобяными изделиями, научные исследования по теоретическим основам и практике других видов ремесел (столярные изделия, светильники, керамика и др.). Основной проблемы был сделан на расширение регионов страны, прежде всего в торговле и торговле со странами Востока и Запада. В статье анализирована научное наследие Махмуда аль-Чагмина и проанализирована учеными Востока и Запада.

Ключевые слова: наследие, философия, теология, юриспруденция, теория, практика, научное и культурное пробуждение, торговля, академия.

МАҲМУД АЛ-ЧАҒМИНИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ШАРҚ ВА ҒАРБ МАМЛАКАТЛАРИДА ЎРГАНИЛИШИ

Аннотация

Мақолада Марказий Осиёдаги Ануштегиний-Хоразмишоҳлар даврида етишиб чиққан алломаларнинг бой илмий мероси Махмуд ал-Чагминий мисолида ўрганилди. Тарихдан маълумки, Алоуддин Отсиз хукмронлиги даври Хоразмишоҳлар салтанатининг энг ёрқин саҳифаларидан ҳисобланади. Гурганч ва Марв мадрасаларида истеъдодли мударрислар қўлида таълим олган Отсиз жуда билимдон ва фаҳм-фаросатли киши бўлган. Гурганчда Хоразмишоҳ Отсиз ташаббуси билан қайта тикланган Академияга асосан филология (илми адаб, илми наҳв), фалсафа, илоҳиёт, фикҳ, табиий фанлар, илми зироат, тиббиёт, меъморчилик, сув иншоотлари (тўғонлар, чигирлар, корез-қанотлар), кemasозлик, темирчилик ва бошқа ҳунармандчилик турлари (дурадгорлик, мисгарлик, кулолчилик, ва ҳ.к.) назарий асослари ва амалиёти ҳақида илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Мақолада Махмуд ал-Чагминийнинг илмий мероси ва унинг Шарқ ва Ғарб мамлакатлари олимлари томонидан ўрганилиши илмий жиҳатдан таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: ворисийлик, фалакиёт, фалсафа, фикҳ, назария, амалиёт, илмий-маданий уйғониши, савдо-сотиқ, Академия.

КИРИШ. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ЎЗМУ профессор-ўқитувчилари билан учрашувда таъкидлаб ўтганларидек, “Бизга микдор эмас, сифат керак.

Бунга эришиш учун эса хориж тажрибасини яхшилаб ўрганиш зарур. Қайси давлат кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратса, ўша ютади. Илмий асосланган тажриба асосида кадрлар

тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш энг мухим вазирамиздир". Бир пайтлар бизнинг алломаларимиз мероси хорижлик олимлар томонидан ўрганилган, бой маънавий меросимиз Шарқ ва Ғарб давлатларида илмий тадқиқот сифатида таҳлил қилинган. Кўплаб асарлар дарслик сифатида ўқитилган. Тарихдан маълумки, 995 йилдан 1017 йилгача Хоразм давлати гуллаб яшнади, Маъмун академияси олимлари турли фанлар соҳалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бордилар. 1017 йилда илм-фан, маданият ахллари ва хунармандлар Ғазнавийлар пойтахти Ғазна шаҳрига мажбуран олиб кетилди. Улар орасида Абу Райҳон Беруний бошлик Маъмун Академияси олимлари ҳам бор эди. Шундай қилиб, бу даврда Хоразм Ғазнавийлар, Салжукийлар асоратида эди. Халқ оммаси, биринчи навбатда, жамиятнинг онгли катлами Ватан мустақиллиги учун тинмай кураш олиб бордилар.

АСОСИЙ ҚИСМ. Алоуддин ҳукмронлиги даври хоразмшоҳлар салтанатининг энг ёрқин саҳифаларидан ҳисобланади. Гурганч ва Марв мадрасаларида истеъдодли мударрислар қўлида таълим олган Отсиз жуда билимдон ва фаросатли киши бўлган. Хоразмшоҳ Отсиз томонидан тарқалиб кетган Маъмун Академиясини қайтадан ташкил қилди. Ушбу даврнинг йирик вакили Маҳмуд ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Чағминийдир. У фалакиётдан «Ал-мулаххас фи-л-хайъа» рисоласини ёзган. Абу Райҳон Беруний номли ЎЗР ФА Шарқшунослик институти хазинасида Чағминий «Ал-мулаххас фи-л-хайъа» асарининг 5 та қўлёзмаси бор ва улар қуйидаги рақамларда сақланади: 7761/III, 8796/II, 10417, 10417/XII, 11599. Улардан иккитаси – 7761/3 ва 8796/11 «Собрание восточных рукописей» каталогининг олтинчи жилдида [8:70-71] ва яна иккитаси – 10417 ва 11599/3 мазкур каталогнинг аниқ ва табиий фанларга бағишланган жилдида [9:70-71] тавсифланган. Ушбу қўлёзмалар ҳақида маълумотлар қуйидагича:

1) №10417. Темурийлар даврида настаълик хатида ёзилган, аниқроғи, ҳижрий 839 (милодий 1435) йили Машҳадда хаттот Бурҳон ибн Муҳаммад ибн Усмон хати билан кўчирилган. Чизмалари бор. Ҳажми 103 varaқ (16 – 103б). Бир неча бор шарҳланган рисола, кириш сўзи ва иккита китобдан иборат. Биринчиси – сайёра сфераси, Ой, унинг ҳаракати, экватор чизиғи, эклиптика, жойларнинг кенгламаси, азимути ва бошқалар. Иккинчиси – Ер, экватор, қиблани аниқлаш, Ой ва Қуёш йиллари. Настаълик ёзувида ёзилган бўлиб, фалакиёт жадваллари келтирилган.

2) №7761/3. Настаълик хатида ёзилган. Асарнинг фақат биринчи қисми фалакиётга бағишланган. Чизмалари бор. Тахминан, XV асрда кўчирилган. Ҳажми 11 varaқ (52 б-62 б);

3) №8796/11. Настаълик хатида ёзилган. Ҳижрий 1238 (милодий 1822-1823) йили кўчирилгани

198-варақда қайд этилган. Ушбу қўлёзмада Сайёралар ва Ой ҳаракатлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ҳажми 17 varaқ (257 б – 273а);

4) №11599/3. Тахминан, XIX асрда настаълик хатида кўчирилган. Унда Маҳмуд ал-Чағминийнинг юқорида номлари зикр этилган иккита китобдан иборат бўлган асари ҳақида қисқача маълумот келтирилган. Ҳажми 18 varaқ (121 б – 138 б).

«Ал-мулаххас фи-л-хайъа» номли қўлёзма 1967 йилда Урганч шаҳридан топилди. Мазкур қўлёзма Улуғбек илмий мактабининг йирик вакили Али Қушчининг (вафоти 879/1474 йил) шоғирди Ҳоди Муҳаммад ибн Али ибн Иброҳим Астрободий томонидан ҳижрий 949 (милодий 1542) йили кўчирилган. У «Фалакиётга оид рисола» билан бир муқовада тикилган. «Ал-мулаххас»нинг ушбу қўлёзмаси анча эски бўлиб, насх билан ёзилган. Бу рисола Маҳмуд Чағминий илмий меросига бағишланган бўлиб, дунёнинг турли мамлакатлари кутубхоналарида (Берлин, №5673; Гота, №1387; Лейден, №1083; Жазоир, №1453; Оксфорд, №2905; Британия музейи, №1343; Париж, №2330, №2502; Қоҳира, №224, №225), шунингдек, Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин, Қозон университети, Озарбайжон ФА Шарқ қўлёзмалари фонди, Абу Райҳон Беруний номли ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондида «Ал-Мулаххас»нинг қўлёзмалари сақланади [7:180-195]. Қўлёзманинг энг қадимги нусхаси Истанбул шаҳридаги Лолали кутубхонасида сақланаётган 2141/2 рақамли нусха (кўчирилган йили милодий 1246 йилга тўғри келади) эканлиги тадқиқотларда кўрсатилган [1:37].

Фан тарихида Чағминий «Ал-мулаххас» рисоласига ёзилган шарҳлар кўп. Улардан бир нечаси XIV асрда яшаган аниқ фанлар вакилларига тегишли бўлиб, дастлабкиси Шамсиддин Муҳаммад ибн Муборакшоҳ Мирак ал-Бухорий (вафоти 1340 йил) қаламига мансуб. Бундан ташқари XIV аср ўрталарида яшаган Камолиддин ат-Туркманий, Али ибн Муҳаммад Сайид Шариф Журжоний (1340-1413) ва Абдулвоҳид ибн Муҳаммад (XIV асрнинг иккинчи ярми) ҳам бор. Абу Райҳон Беруний номли ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондида Али ибн Муҳаммад Сайид Шариф Журжоний томонидан ёзилган шарҳнинг битта қўлёзмаси №2655/3 рақамида сақланади. У XVII асрда чиройли насх хатида кўчирилган, ҳажми 52 varaқ (221 б – 272 а) [9:80-83]. Чағминий фалакиётга Мирзо Улуғбек (1394-1449) илмий мактабининг йирик вакили Қозизода Румий (761/1360 – 840/1437) 1412 йилда шарҳ ёзган. У «Шарҳ ал-мулаххас фи-л-хайъа» деб аталади. Зеро Чағминий рисоласига Қозизода Румий ёзган шарҳ аниқ фанлар талаби нуқтаи назаридан, унча мазкур асарга ёзилган шарҳларга нисбатан мукамалроқдир. Абу Райҳон Беруний номли ЎЗР ФА Шарқшунослик институти фондида Қозизода Румий қаламига мансуб «Шарҳ ал мулаххас» нинг 20 та қўлёзмаси қайд этилган: №№8217; 3935/2; 10504/1; 2655/2; 8392; 8607/2; 1162/1; 9592; 7672; 7376/1, 117921; 5607; 9783/2; 3049/1; 8947/3; 9346/2; 5619/1; 2984/4; 1341; 6627 [9]. Улар ичида энг қадимгиси №8217 рақамлиси ҳижрий 986 (милодий

1578) йили хаттот Муҳаммад Мўмин ибн Муҳаммад Қосим хати билан кўчирилган. Бироқ, унинг айрим нуксонлари бор: кейинги даврларда кўчирилган варақлар учрайди, дастлабки саккиз варақ ҳам кейинроқ кўчирилган. Уларнинг орасида № 3049/1 (1229/1813-1814 йили кўчирилган, чизмалари аниқ чизилган) ва 2655/II (1070/1659 йили кўчирилган, насх-сулс аралаш хат билан) нисбатан тўлаллиги ва сифатлилиги билан ажралиб туради. Ана шу иккала қўлёзма асосида «Шарҳ ал-мулаххас фи-л-хайъа» П.Г.Булгаков томонидан рус тилига ўтирилди ва чоп бўлди [11].

«Ал-Мулаххас»га шарҳлар билан бир қаторда у бошқа тилларга ҳам таржима қилинган. Улар ҳақида қисқа маълумот берамиз:

1. Маҳмуд Чағминий «Ал-мулаххас фи-л-хайъа» асарини XV асрда Мирзо Улуғбекнинг Самарқанд илмий мактабида хоразмлик фалакиётчи олим Хусайн ибн ал-Хусайн ал-Хоразмий ал-Кубравий форс тилига ўгириб, унга шарҳ ҳам илова қилган. Мазкур таржима, унинг қўлёзмалари ва ўрганилиши билан боғлиқ айрим чалкашликлар [4] борлиги ҳақида О.Бўриевнинг «Хоразмшоҳлар – Темурийлар» рисолида келтирилган. Унда ёзилишича, ҳозирда ушбу таржиманинг иккита қўлёзмаси мавжуд бўлиб, бири Лондоннинг Британия музейида (№1524) ва иккинчиси Абу Райхон Беруний номли ЎзРФА Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда [2,9]. Кейинги нусха қисқа, чунки унда асарнинг фақат икки боби бор. Хусайн ал-Кубравий ўз таржимасини «Нузхат ал-муллак фи хайъати-л-афлак» («Подшоҳларнинг коинот тузилишидан ҳузур олиши») деб атаганини асарнинг «Муқаддима»сида қайд этган [12].

2. Ушбу рисолининг форс тилига яна бир таржимаси XVI асрга тегишли ва унинг қўлёзмаси ҳозирги вақтда Оксфорд университети кутубхонасида (№1524) сақланади [1].

3. Рисола XIX асрда дастлаб Г.Радлоф ва А.Хохгейм томонидан немис тилига ўтирилди [22]. Ундан рус тилига таржима қилиниб чоп этилган лавҳалар ҳам бор[5], лекин асар тўла ўрганилмаган. Ушбу рисолининг фанда ўрганилиши Ҳожи Халифанинг «Кашф аз-зунун» асарида қайд этилган маълумотлардан бошланади. Ҳожи Халифа унинг муқаддима ва икки қисмдан иборатлигини таъкидлайди, сўнгра шарҳлари ҳақида ёзади. Қозизода Румий уни Мирзо Улуғбек учун шарҳлаганини, Фазлуллоҳ ал-Убайдий, Камолиддин Туркманий, Муҳаммад ибн Аҳмад (ҳиж. 715 йили шарҳ ёзган), Сайид Шариф Али ал-Журжоний (ваф.ҳаж.816), ал-Мавло Синонуддин Юсуф, Муҳаммад ибн Хусайн ибн Рашид ал-Машҳадий ал-Хоразмий, ал-Мавлоно Абдулвахид, Бадриддин ас-Собитий, Абдулвоҳид ибн Муҳаммад, Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Абу Толиб (Ҳаммом ат-Табиб номи билан машҳур бўлган) каби олимлар ҳам унга шарҳ ёзганларини таъкидлайди. Самарқанд илмий муҳити, Мирзо Улуғбекнинг сафдоши Ғиёсиддин Жамшид ал-Кошийнинг отасига йўллаган мактубида Мирзо Улуғбек ва унинг илмий мактаби ҳақида батафсил маълумот берилган. Унда Улуғбекнинг

илмий иктидори, ҳомийлиги ва иштирокидаги мадраса машғулоти, расадхонани барпо этишда бевосита раҳбарлиги, илмий тадқиқотларни фаоллаштириш ва марказни ташкил қилиш жараёнлари аниқ баён қилинган [14].

Шарқда дастлаб Ҳожи Халифанинг «Кашф аз-зунун» асарида қайд этилган бўлса-да, бироқ ҳозирги давр фани нуктаи назаридан бу соҳадаги дастлабки тадқиқотлар Европа олимлари қаламига мансуб. Бу ҳақда Ғарбий Европа тилларида - Г.Радлоф, А.Хохгейм (1893), К.Броккельман (1898), Г.Зутер (1900), К.Наллино (1911), Г.Сартон (1927-1948), Х.Рено (1932); рус тилида - Д.Г.Вороновский (1965), Х.Сиддиқов (1972), П.Г.Булгаков (1972;1979;1993), Г.П.Матвиевская ва Б.А.Розенфельд (1983); ўзбек тилида - Х.Сиддиқов (1981), О.Бўриев (1999) тадқиқотларини кўрсатиш мумкин [15, 16, 17, 19, 20, 21, 22]. Ғарб олимларининг Чағминий ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган тадқиқотлари ичида энг муҳими Г.Радлоф ва А.Хохгейм томонидан «Ал-мулаххас фи-л-хайъа» рисолининг немис тилига таржима-сидир. К.Броккельман (1868 – 1956) тадқиқотида эса Чағминий «Ал-мулаххас»ининг жаҳон китоб хазиналарида сақланаётган қўлёзмалари ва шарҳлари ҳақида маълумот берилади [15, 16]. Броккельман К. Чағминийнинг фалакиётга оид асари бешта бобдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтган. Фан тарихининг йирик тадқиқотчиси Г.Сартон (1884 – 1956) Принстон университети кутубхонасида Маҳмуд Чағминийнинг риёзиётга оид иккита рисоли борлиги ҳақида ёзади: 1. «Рисола фи-л-ҳисаб ат-тисъа» («Тўққиз сонининг ҳисоби ҳақида рисола»). 2. «Шарҳ тариқ ал-ҳисаб фи масоил ал-васая» («Мерос услублари шарҳи») [17]. Ғарбда чоп этилган бошқа тадқиқотларда Чағминий ва унинг илмий мероси ҳақида умумий маълумот келтирилади.

Рус тилида чоп этилган илмий тадқиқотлар ичида «Ал-мулаххас»нинг қўлёзмалари ва шарҳлари ҳақида маълум даражада кенгроқ маълумот Г.П.Матвиевская, Б.А.Розенфельдларнинг «Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды» 3 жилдлик китобида берилган [4]. Унда Маҳмуд Чағминий ва унинг асарлари билан боғлиқ тадқиқотлар хусусида библиографик маълумотлар акс этган ҳамда «Ал-мулаххас»нинг қўлёзмалари ва шарҳларининг жаҳон китобхоналаридаги нусхалари ҳақида сўз юритилган. Г.П.Матвиевская илгарироқ бу ҳақда мақола ҳам чоп қилган эди [4]. Д.Г.Вороновский ўртаосиёлик фалакиётчилар ҳақида маълумотномадан иборат мақолисида Чағминийнинг фалакиётга оид «Ал-мулаххас фи-л-хайъа» рисоли борлиги, унинг арабча ва форсчага таржима ҳамда шарҳлардан иборат қўлёзмалари ҳақида эслатади [3]. Б.А.Розенфельд физика-риёзиёт соҳасида араб ва форс тилларида ёзилган Шарқ қўлёзмалари ҳақида ёзган мақолисида эса собиқ Шўролар давлати худудидаги китоб хазиналаридан ўрин олган қўлёзмалари ичида Чағминий асарларини ҳам тавсифлаган [10].

ХУЛОСА. Маҳмуд Чағминий илмий меросини ўрганиш натижасида маълум бўладики, Ануштегиний-Хоразмшоҳлар даврида, айниқса, Муҳаммад Хоразмшоҳ салтанатида иқтисодиёт билан бир қаторда, илм фаннинг турли соҳалари, шу қаторда, аниқ фанларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган Маҳмуд ал-Чағминийнинг астроно-

мияга оид асари кейинги давр Шарқ ва Ғарб мамлакатларида дарслик сифатида ўқитилган. Шунингдек, ўқув масканларида риёзиёт, фалакиёт, жўғрофия, тиббиёт каби йўналишларда дарс ўқитилган, шунинг учун ўқув қўлланмаларига эҳтиёж катта бўлган. Аниқ фанлар бўйича ютуқлар хўжалик соҳаларида ҳам амалий аҳамият касб этган.

АДАБИЁТЛАР

1. Бўриев О., Тошев Н. Жалолиддин Мангуберди. - Т., Фан, 1999.
2. Бўриев О. Хоразмшоҳлар-Темурийлар (илмий аъёнлар давомийлиги). - Тошкент «Фан», 1999.
3. Вороновский Д.Г. Асономы Средней Азии от Мухаммеда ал-Харезми до Улугбека и его школы (14-16 вв.) // Из истории эпохи Улугбека. - Ташкент: 1965.
4. Матвиевская Г.П., Розенфельд Б.А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII-XVII). Кн. 1-3. - М.: Наука, 1983.
5. Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. 2-е изд. Под ред. И.М.Муминова и М.М. Хайруллаева. - Ташкент, Фан, 1976.
6. Сиддыков Х.С. О научном творчестве хорезмского астронома и математика XII-XIII вв. Махмуда ал-Чағмини. - Из истории точных наук на средневековом Ближнем и Среднем Востоке. Сборник статей под ред. С.Х.Сирождидинова. - Ташкент, 1972.
7. Сиддыков Х. Ўрта Осиё, Якин ва Ўрта Шарқ олимларининг ишларида геометрия (XI-XVI асрлар). - Тошкент, «Фан», 1981.
8. Собрание восточных рукописей Академии Наук РУз. Т. VI. №4244; №4245. - Ташкент. 1967.
9. Собрание восточных рукописей Академии Наук РУз. Точные и естественные науки. Составитель А.Б.Вильданова. - Ташкент «Фан», 1998.
10. Розенфельд Б.А. Арабские и персидские физико-математические рукописи в библиотеках Советского Союза. В сб. «Физико-математические науки в странах Востока». - М., Изд-во «Науки», 1966.
11. Руми Кази-заде. Комментарий на «Компендий Астрономии» Чағмини. Предисловие, перевод с арабского языка, П.Г.Булгакова. Ташкент «Фан» 1993.
12. ЎзРФА Шарқшунослик институтининг йўлхўзи, № 1207/III, 124 б-150 б. варақлар.
13. Қодиров М. Маҳмуд Чағминий//Маънавият юлдузлари. - Т., 1999.
14. Юсупова Д. Гиёсиддин Кошийнинг Самарқанддан Кошонга, отасига ёзган мактуби//Амир Темур ва Улугбек замондошлари хотирасида. - Т., 1979.
15. Brockelmann C. Trster Supplement band. - Leiden, 1937.
16. Brockelmann, C. Geschichte der arabischen Jiteratur. Bd.I, p.624.- Leiden, 1943 Supplementband, I, 1937.
17. George Sarton. Introduction to the history of Science. 1-3. Baltimore, 1927-1948, 2 nd. 1950. (I; III, 699-700).
18. Carl Brockelmann. Geschichte der arabischen Jiteratur. Bd.I, p.624, Leiden, 1943-1944.
19. Nallino K. Zu Giagmini's Astronomie, Zeitschr. Der Deutsch. Morgenland. Gessellschaft, Bd. 48, 1894.
20. Heinrich Suter (1848-1922). Die Mathematiker und Astronomen der Araber und ihre Werke-AGMW. 10, 1900; Ann Arbor, 1963.
21. Henri Paul Joseph Renaud (1881-1945). Additions et corrections a Suter "Die Mathematiker und Astronomen der Araber". - ISIS, 18, 1932.
22. Rudloff G., Hochheim A. Die Astronomie des Mahmud ibn Muhammed ibn 'Omar al-Cagmini // Zeitschrift der Deutschen Morgenlandischen Gesellschaft, Bd.47, 1893.



Дилдора НУРАЛИЕВА,
Фарғона давлат университети ўқитувчиси
E-mail: bonu_dilya84@mail.ru

THE IMPORTANCE OF FAMILY RELATIONS IN THE FORMATION OF CHILD PERSONALITY

Abstract

The importance of parents and family communication in developing a child personality according to research results. The article reveals data on the most essential problem while giving psychological serves to family. At the same time, the most significant, attractive and important part of family relations is the relationship between mother and child. Their importance lies in the fact that this initial dialogue and tender relations determine the future mental and mental development of the child and the behavior of the mother. From the first days since birth, mother and child are psychologically interconnected, and both are one body and one soul. Therefore, their relationships are symbiotic (uniformity, cohesion, integrity). As the child grows older, the distance between them increases psychological distances and the relationship of symbiosis becomes psychological connections in the form of mental-cognitive relations. Physical growth and development of the child, of course, depends on the care of the mother. It is important that a caring and kind person can replace mom for a child (grandmother, dad, mother-in-law).

Key words: family, symbios, cooperation, control, husband and wife relationship, person, self-actualization.

БОЛА ШАХСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация

Ушбу мақолада бола шахсининг шаклланишида ота-она ва оилавий муносабатларнинг ўрни тадқиқот натижалари асосида ёритилган. Унда оилага психологик хизмат кўрсатишидаги энг муҳим муаммолар очиб берилди. Маълумки, оилавий муносабатларнинг энг таъсирли, жозибали ва муҳим бўлаги – бу она-бола муносабатларидир. Уларнинг муҳимлиги шундаки, айни дастлабки мулоқот ва меҳрли муносабатлар боланинг кейинги психик ва ақлий тараққиётини ҳамда онанинг хулқ-атворини шакллантиради. Бола туғилишининг дастлабки онларида она ва бола ўзаро ҳиссан ва психологик жиҳатдан боғланган бўлиб, иккаласи бир тан, бир вужуд ҳисобланади. Шу боис уларнинг муносабатларида симбиотиклик (бир хиллик, қўшилиб кетганлик, яхлитлик) бўлади. Бола улгайиб, катта бўлгани сари улар ўртасидаги масофа, психологик дистанция ортиб бораверади, симбиоз муносабатлар ақлий-когнитив муносабатлар шаклидаги психологик алоқаларга айланиб кетаверади. Чақалоқнинг жисмоний ўсиши ва ривожланиши, табиийки, онанинг гамхўрлигига бевосита боғлиқ. Шуниси муҳимки, бола учун ҳар қандай гамхўр ва меҳрибон инсон унга она ўрнини босиши мумкин (бувиси, отаси, энагаси).

Калит сўзлар: оила, симбиоз, кооперация, назорат, эр-хотин муносабатлари, шахс, ўз-ўзини англаш.

ВАЖНОСТЬ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ В ФОРМИРОВАНИИ ЛИЧНОСТИ РЕБЕНКА

Аннотация

В данной статье освещены результаты исследования родителей и семейных отношений, влияющие на формирование личности ребёнка. В то же время наиболее значимой, привлекательной и важной частью семейных отношений являются отношения матери и ребенка. Их важность заключается в том, что этот первоначальный диалог и нежные отношения определяют будущее психическое и умственное развитие ребенка и поведение матери. С первых же дней начиная с рождения мать и ребенок психологически взаимосвязаны, и оба являются одним телом и одной душой. Поэтому их отношения являются симбиотическими (единообразие, сплоченность, целостность). По мере того, как ребенок становится старше, расстояние между ними увеличивается психологические расстояния и отношения симбиоза становятся психологическими связями в форме умственно-познавательных отношений. Физический рост и развитие ребенка, естественно, зависит от заботы матери. Важно, чтобы заботливый и добрый человек мог заменить маму для ребенка (бабушка, папа, свекровь).

Ключевые слова: семья, симбиоз, кооперация, контроль, супружеские отношения, личность, самооценка.

КИРИШ. Оиладаги шахслараро муносабатларнинг фарзанд тарбиясига, унинг ижтимоий интеллекти ва мустақил фикр юритишига таъсири ҳамда болаларни жамият тараққиётида фаол иштирокчилигини ошириш масаласи илмий мавзумизнинг долзарблигини белгилайди. Оила ва

унинг келиб чиқиши, оилавий муносабатларнинг фарзанд камолотига бўлган ижобий таъсирини ўрганиш, анализ қилиш бир нечта фикрларни асослашни талаб этади. Замонавий тарбия моҳиятини сингдириш жараёнида фарзанд оила, мактаб ва катталарнинг оқилона маслаҳатларини

Ўзлаштириши ҳамда улардан сабоқ олиш лозим. Шунингдек, оилада ота-онанинг фарзандга меҳр-муҳаббати ҳамма нарсадан ҳам қимматлироқдир.

Мақсад – оиладаги шахслараро муносабатлар тизимида бола шахси шаклланишини ўрганишнинг ижтимоий-психологик томонлари, фарзандларнинг ота-онага бўлган муносабатида ижтимоий муҳит таъсирининг намоён бўлишини ўрганиш.

В.Н.Дружинининг ёзишича, эр ўрнини босган бола бўлган оилада “она ўзига нисбатан ҳамиша эътибор, ғамхўрликни талаб қилади, ҳамиша фарзанди билан бирга бўлишни хоҳлайди, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли бўлган ҳамма нарсадан хабардор бўлишни истайди, боланинг тенгқурлари билан бўладиган алоқаларини имкон даражасида чеклайди”[1].

Ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг эътибори, аввало, оиланинг ижтимоийлашув институти сифатида инсоннинг руҳий камолотида тутган ўрнини текширишга қаратилади. “Оила психологияси” китобида В.Каримова, жумладан, шундай ёзади: “Оилавий ижтимоийлашувнинг қадри ва аҳамияти шундаки, унинг таъсирида, биринчидан, шахс катта, мустақил ҳаётга, жумладан, оилавий ҳаётга тайёрланади, ўзига яраша сифат ва фазилатларни шакллантириб боради, иккинчидан, ҳар томонлама етук, баркамол, ақлли, соғ ва саломат шахс бўлиб етишиш имкониятига эга бўлади, оила ва унинг соғлом маънавий муҳити болани жамиятда яшашга, ўзига ўхшаш шахслар билан муроса қилиш, ҳамкорликда фаолият юритиш, касб-ҳунарли бўлиш, муомалада ахлоқ-одоб нормаларига бўйсунтиришга ўргатади, психологик жиҳатдан тайёрлайди”.

Оила ва унинг келиб чиқиши, оилавий муносабатларнинг фарзанд камолотида бўлган таъсирини ўрганиш, таҳлил қилиш бир неча фикрларни асослашни билдиради. Замонавий тарбия моҳиятини сингдириш жараёнида фарзанд оила, мактаб ва катталарнинг оқилона маслаҳатларини ўзлаштириш ҳамда улардан сабоқ олишни, оилада ота-онанинг фарзандга меҳр-муҳаббати ҳамма нарсадан ҳам муҳимлигини ўрганади.

Тадқиқотнинг объекти Фарғона шаҳар 5-умумий ўрта таълим мактаби 8-9-синф ўқувчиларини ташкил этади.

Тадқиқотда қўлланилган усуллар: Эксперимент методи, математик-статистик ва мантикий таҳлил қилиш методлари.

Натижалар ва амалий мисоллар. Тадқиқотдаги маълумотлар, метод натижаларидан ижтимоий психология, оила психологияси, болалар психологиясини ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади. Берилган маълумотлар, натижалар, хулосалар, тавсиялар оила мустақамлигини таъминлашга ёрдам бериш билан бирга, фарзандларни жамиятдаги ижтимоий муносабатларга юқори ижтимоий интеллект билан тарбиялаш имкониятини яратади ва ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий билимларини ўстиришга имкон беради. Тарбияси қийин ўсмирлар билан шуғулланувчи ташкилотларга амалий ёрдам беради.

Маълумки шахсда ўзини ўзи англашнинг таркиб топишида ота-она шахсининг таъсири муҳим саналади. Шу боис А.Я.Варга, В.В.Столин томонидан ишлаб чиқилган тест-сўровнома муҳим ҳисобланади. Мазкур тест-сўровнома ота оналарнинг ўз фарзандларига бўлган муносабатларини аниқлаш учун қўлланиладиган психодиагностик воситадир.

Ота-онанинг фарзандга муносабати унинг илк болалик, ҳаттоки, чақалоқлик даврининг илк ойларида мавжудлигини онтогенез давридан яхши биламиз. Чунки “жонланиш комплексига” кўра, боланинг дастлабки 1,5 ойлик вақтида юзида кулги аломатларининг сезилиши ва унга мос турзда ижобий эмоционал овоз ифодаси бола ижтимоийлашувининг биринчи аломатлари саналади. Бизнинг тадқиқот объектими эса бола шахсининг шаклланишида оилавий муносабатларнинг ижтимоий перцепцияга таъсирини ўрганишга қаратилган ижтимоий таъсирларнинг анчагина юқори давридаги ҳолатларнинг таҳлилини тақозо этади.

Ота-оналарнинг ўз фарзандларига бўлган муносабати катталарнинг болаларга нисбатан турлитуман ҳиссиёт ва хулқ-атворлари тизими сифатида тушунилади. Психологик нуқтаи назардан қаралганда, ота-оналарнинг ўз фарзандларига муносабати бу болаларга нисбатан ўрнатиладиган педагогик-ижтимоий установка бўлиб, ўз ичига рационал эмоционал ва хулқ-атвор таркибий қисмларини олади. Бу таркибий қисмлар у ёки бу даражада ушбу методиканинг асосини ташкил қилувчи сўровнома ёрдамида баҳоланади. Методика 61 та саволдан тузилган бўлиб, улар ота-оналарнинг фарзандларига бўлган муносабатини ифодаловчи 5 та шкаладан иборат:

1. Болани қабул қилиш – рад қилиш. Бу шкала болага нисбатан умумий эмоционал ижобий (қабул қилиш) ёки эмоционал салбий (рад қилиш) муносабатни ифодалайди.

2. Кооперация. Бу шкала катталарнинг бола билан ҳамкорлик қилишга интилишларини, унинг ишларига кизиқишлари ва уларда иштирок этишларини ифодалайди.

3. Симбиоз. Бу шкала саволлари катталар бола билан бирлашишга интилиш ёки уни сақлаб қолишга ҳаракат қилишларини аниқлашга йўналтирилган. Бу – бола билан катталарнинг ўзига хос алоқаси.

4. Контроль (назорат). Бу шкала катталар бола хулқ-атворини қандай назорат қилишлари, бола билан бўлаётган муносабатлари демократик ёки авторитар услубда қурилишини тавсифлайди.

5. Боланинг омадсизликларига муносабат. Бу сўнгги шкала катталар боланинг қобилиятлари, устунликлари ва камчиликларига, муваффақият ва омадсизликларига қандай муносабатда эканликларини кўрсатади (1-жадвал).

Ота-оналарнинг болаликдан катталikka ўтиш, яъни ўсмирлик давридаги ҳолатларини тасаввур қилган ҳолларида тадқиқотимиз методика-

ларини татбиқ этганмиз. Натижалар жадвалда келтирилган.

Болани қабул қилиш – рад этиш шкаласи бўйича барча гуруҳ синалувчилар юқори кўрсаткичга эга эканликлари маълум бўлди. Бу болага нисбатан ёрқин намоён бўлувчи ижобий муносабат мавжудлигини кўрсатади. Бу ҳолда катталар болани қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишади, унинг индивидуаллигини тан олишади ва ҳурмат қилишади, унинг қизиқишларини, режаларини қўллаб-қувватлашади, бола билан кўп вақтни ўтказишади ва бу ҳақида афсус чекишмайди.

Бу шундан далолат бермоқдаки, ота-оналарнинг асосий қисми ўз фарзандларини тўғри қабул қилишга мойил эканлар, уларнинг ўзига хослигини эъозлашлари ва вақтларини уларга ажратишга ҳаракат қилишларини ифодалайди. Ўрта даражадагиларда фарзандлари билан бирга бўлиш хоҳиши улар билан бирга бўлиш амалий фаолиятдан кўра истак тарзда намоён бўлиши хослигини кўрсатди. Паст даражада деб баҳолаган ота-оналар фарзандларини тушунишда қийналиш-

лари, улардан ранжишлари ва амалий ёрдам кўрсатишда ожиз қолаётганликларини билдиришди.

Кооперация шкаласи бўйича юқори натижалар катталар болани қизиқтирадиган нарсаларга катта қизиқиш билан муносабатда бўлишларини бола қобилиятларини юқори баҳолашларини боланинг ташаббуси ва мустақиллигини рағбатлантиришлари бола билан танглик муносабатларида бўлишлари белгиси ҳисобланади. Мазкур шкала натижасига кўра, ота-оналар фарзандларининг фаолиятига, уларнинг режалари ва орзуларини амалга ошишига қизиқишларидан, уларнинг ютуқларидан хурсанд бўлиши ва рағбатлантириши, ақлий ва ижодий қобилиятларининг ўсишига кўмакдош бўлишга мойилликларини кўрсатади, маълум бир қисм ота-оналар бу ҳолатнинг ўзларининг орзуларига айланиши билан чекланиб қолганлар, ота-оналарнинг кўпчилик қисми эса бу борада аниқ режага ва амалий фаолиятга эга эмасликлари билан ажралиб қолмоқдалар.

1-жадвал

Ота-оналарнинг фарзандларига муносабатини ташхис қилиш методикаси бўйича натижалар таҳлили

Синалувчи	Болани қабул қилиш, рад қилиш	Кооперация	Симбиоз	Назорат	Боланинг омадсизликлари муносабат
8-синф ота- оналари	35 %	22 %	36 %	32 %	36 %
9-синф ота- оналари	42 %	24 %	29 %	24 %	43 %

III шкала Симбиоз бўйича 8-синф ўқувчиларнинг ота-оналари юқори кўрсаткичларини қўлга киритганлар. Жумладан текширилувчиларнинг ўзлари билан бола ўртасида психологик дистанция ўрнатмасликлари бола иложи борича яқин бўлишга интилишлари боланинг асосан онгли эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилишлари уларда бўлиш мумкин бўлган турли кўнгилсизликларнинг олдини олишга уринишлари тўғри хулоса чиқариш учун асос бўлади. 9-синф ўқувчиларининг ота-оналари паст кўрсаткични қўлга киритганликлари маълум бўлди. Бу улардаги катталар ўзлари билан фарзандлари ўртасида кескин психологик дистанция ўрнатишлари улар тўғрисида унчалик ғамхўрлик қилмаслик белгиси бўлиб ҳисобланади. Бундай инсонлардан яхши ўқитувчи ва тарбиячилар чиқмайди.

Назорат шкаласи бўйича ҳар бир гуруҳ синалувчилари юқори кўрсаткични қўлга киритганликлари маълум бўлди. Жумладан уларда болага нисбатан кучли авторитар муносабатда эканликларидан уларни сўзсиз ўзларига итоат этишларини талаб қилишлари қатъий интизомни сақлашларидан дарак беради. Катталар бунда болага ўз хоҳиш иродасини сингдиришга ҳаракат

қиладилар. Улар ҳар доим ҳам бола учун тарбиячи сифатида фойда келтиравермайди.

Боланинг омадсизликларига муносабат бўйича ота-оналарнинг натижаларини таҳлили қиладиган бўлсак, уларда болани “омадсиз” деб ҳисоблашлари белгиси ҳисобланади. Катталар учун боланинг қизиқишлари ҳаваслари фикр ва туйғулари жиддий эмасдек туюлади. Бундай ота-оналардан яхши ўқитувчи ва тарбиячилар чиқмайди.

Юқоридаги натижаларда хулоса қиладиган бўлсак шахсда ўз-ўзини англаш оиладаги психологик муҳит, ота-онанинг шахсий намунасига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

ХУЛОСА.

1. Ота-онанинг фарзандга, фарзандларнинг ота-онага бўлган муносабатида ижтимоий интеллектнинг тараққиёт даражаси намоён бўлади.

2. Ижтимоий интеллектнинг намоён бўлиши ва ривожланишида ота-онанинг фарзандга, фарзандларнинг ота-онага бўлган муносабати бир-бирига боғлиқ ҳолда юзага келади ва тараққий этади.

3. Берилган маълумотлар, натижалар, хулосалар, тавсиялар оила мустаҳкамлигини таъминлашга ёрдам бериш билан бирга, фарзандларни жамиятдаги ижтимоий муносабатларга юқори ижтимоий интеллект билан тарбиялаш

имкониятини яратади ва ёш авлодни маънавий-ахлоқий билимларини, миллий ғояларини ўстиришга имкон беради.

ТАВСИЯЛАР.

1. Фарзандингиз тарбияси учун шартсиз меҳру-муҳаббатингиз зарур. Унинг руҳий эҳтиёжларини қанчалик тўла қондириб борсангиз, у сизинг тарбиянгизни шунча яхши қабул қилади. Меҳрга зор, ташна бўлиб ўсган бола эса тарбияни қабул қилмайди, бу ижтимоий интеллектнинг намоеън бўлиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

2. Фарзандингизнинг қизиқишлари, интилишлари ва эҳтиёжлари юзасидан яқиндан суҳбатлашинг, чунки бунда унинг ижтимоий интеллекти кўринади.

3. Болаларингизни бажарган фаолиятларига қараб рағбатлантириб туриш. Аммо буни ошириб юборманг. Акс ҳолда, болангизни енгил ишга ва худбинликка ўргатиб қўйишингиз мумкин.

4. Ота-онангизнинг имкониятларидан чексиз нарсаларни талаб қилманг. Балки уларга далда бўлишга урининг. Бу сизнинг ижобий хулқингизни намоеън қилиб, ижтимоий интеллектингизнинг таракқиёт даражасини ифодалайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Шоумаров Ғ.Б, Шоумаров Ш.Б. Муҳаббат ва оила. - Т.: "Ибн Сино", 1994. 120-бет.
2. Эйдемелер Э.Г, Юстеецкий В.В Семейная психотерапия. - "Ленинград" 1989.192с.
3. Энциклопедия семейной жизни. В 2-х томах. Т.1. – Донецк: (Москва), 1993. 412 с.
4. Я работаю психологом. - Москва 1999.45 с
5. Дружинин В.Н. Психология семьи: 3-е изд. – СПб: Питер, 2008 19с.
6. Каримова В. Оила психологияси. - Т.: Fan va texnologiya нашриёти, 2008. – 170 б



Сеvaraхон ОТАХОНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти
E-mail: Sevaraxon23@inbox.uz

PECULIAR FEATURES OF THREE YEAR CRISIS SYMPTOMS BASED ON L.S. VIGOTSKY'S RESEARCHES

Abstract

In article psychological features of symptoms of crisis of three years on the basis of L.S.Vygotskiy's researches are described. The scientist has allocated symptoms of crisis of three years on two groups and named seven symptoms, entering into the basic group, «seven stars» symptoms of crisis of three years. According to Vygotsky, the symptoms shown in crisis of three years, are a new stage of emancipation of the child from adults. By consideration of symptoms of crisis of three years he notices, that internal reorganisation of the person of the child occurs on an axis of social relations. The author recognises proceedings of the scientist as the essential contribution to development of psychological sciences, and deduces, that the given subjects demand the further, extensive studying.

Key words: age crisis, negation, aggression, disobedience, obstinacy, refractoriness, emancipation, despotism, devaluation, self-will.

ОСОБЕННОСТИ ТРЕХЛЕТНИХ СИМПТОМОВ КРИЗИСА НА ОСНОВЕ ИССЛЕДОВАНИЙ Л.С. ВИГОЦКОГО

Аннотация

В статье описываются психологические особенности симптомов кризиса трех лет на основе исследований Л. С. Выготского. Ученый выделил симптомы кризиса трех лет на две группы и назвал семь симптомов, входящих в основную группу, «семизвездием» симптомов кризиса трех лет. По мнению Выготского, симптомы, проявляющиеся в кризисе трех лет, являются новой стадией эмансипации ребенка от взрослых. При рассмотрении симптомов кризиса трех лет он отмечает, что внутренняя перестройка личности ребенка происходит по оси социальных отношений. Автор признает научные труды ученого как существенным вкладом в развитии психологических наук, и выводит, что данная тематика требует дальнейшего, обширного изучения.

Ключевые слова: возрастной кризис, негативизм, агрессивность, непослушание, упрямство, строптивость, эмансипация, деспотизм, обесценивание, своеволие.

Л. С. ВИГОТСКИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ АСОСИДА УЧ ЁШ ИНҚИРОЗИ АЛОМАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Аннотация

Мазкур мақолада буюк рус психологи Л. С. Виготский томонидан тадқиқ этилган уч ёш инқирози аломатларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз боради. Олим уч ёш инқирози аломатларини иккита гуруҳга ажратган ҳолда уларнинг асосий гуруҳга кирган еттитасини инқирознинг “етти юлдузи” деб номлаган. Виготский фикрича, уч ёш инқирозида намоён бўладиган аломатлар боладаги эмансипациянинг янги босқичи саналади. Уч ёш инқирозларини кўриб чиқиб, у бола шахсининг ички қайта тузилиши ижтимоий муносабатлар ўқи бўйлаб ўтишини таъкидлайди. Муаллиф олимнинг психология фанлари тараққиётидаги улкан ҳиссасини эътироф этган ҳолда, мазкур мавзу давомли ва кенг изланишлар талаб этади, деган хулосага келмоқда.

Калит сўзлар: ёш инқирози, негативизм, агрессивлик, итоатсизлик, қайсарлик, ўжарлик, эмансипация, шафқатсизлик, кадрсизлантириш, ўзбилармончилик.

Маълумки, болаликда кечадиган ёш инқирозлари психологиянинг диққат марказида бўлиб келган ва ҳозирда ҳам унинг турли қирралари тадқиқотчиларнинг асосий объекти бўлиб келмоқда.

Мазкур ёш инқирозлари орасида уч ёш инқирози ўзининг характерли жиҳатлари билан бошқа инқирозлардан фарқ қилади. Уч ёш инқирозининг ўзига хос хусусиятлари доирасида кўплаб олимлар тадқиқот олиб борганлар. Улар

орасида Л. С. Виготскийнинг бу мавзудаги илмий қарашлари алоҳида диққатга сазовордир.

Муаллиф, бошқа тадқиқотчилардан фарқли ўларок, ўз тадқиқотларида уч ёш инқирозини симптоматик таҳлилини келтириб, психик тараққиётнинг барча ҳолатлари, яъни қайсарлик, ўжарлик ва негативизмни ўз ичига олган уч ёш инқирози аломатларини батафсил баён этади. Бу аломатларни икки ҳалқага ажратиб, биринчи

гурухга кирган еттита симптомни “инқирознинг етти юлдузи” деб номлайди:

Аломатларнинг биринчи халқаси ёки 3 ёш инқирозининг “етти юлдузи”

Инқироз аломатлари	Аломатлар тавсифи
Негативизм	Бола катталардан кимдир талаб ёки таклиф қилаётгани учунгина буни бажаришни истамаслигида намоён бўладиган хулқ-атвор кўриниши. Яъни ҳаракат мазмунига эмас, балки катталар талабининг ўзигагина нисбатан муносабатидир.
Қайсарлик	Боланинг бирор нарсани кучли истагани учун эмас, балки у буни талаб қилгани учунгина қатъият кўрсатиш реакциясидир. Қайсарлик мотиви боланинг дастлабки қарори билан боғлиқдир.
Ўжарлик	Шахссиз хулқ-атвор шакли бўлиб, бола учун ўрнатилган тарбия меъёрларига, ҳаёт тарзига қарши қаратилган муносабатдир. Болаларнинг ўзига хос норозилигида ифодаланади; ўзининг истагида қатъият кўрсатишга интилади.
Ўзбилармонлик	Боланинг мустақилликка интилишини, ҳамма нарсани ўз имкониятлари, кўникма ва малакаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил бажаришни хоҳлайди.
Қаршилиқ кўрсатиш	Боланинг хулқ-атворида қаршилиқ кўрсатувчи алоҳида белгилар мавжуд, уларнинг бутун хулқ-атвори қаршилиқ хусусиятини касб этади, гўё атрофдагилар билан урушиш, улар билан доимий низо ҳолатида бўладилар.
Қадрсизлантириш	Бола ўз ўйинчоқлари, яқинларига бўлган муносабатининг кескин ўзгариши ва қадрсизланиши.
Шафқатсизлик	Атрофдагиларга шафқатсиз муносабатда бўлишга интилиш, доим ўзига эътибор талаб қилиши, кичик болаларга нисбатан агрессивлик, рашкнинг намоён бўлиши.

Олим ушбу симптомларни 3 ёш инқирозининг биринчи халқасига киритиб, дастлабки тўртта аломатни биринчи даражали, қолган учта симптомни иккинчи даражали деб ҳисоблайди. Инқирознинг иккинчи халқасига кирувчи аломатлар сифатида у юқоридаги асосий симптомларнинг оқибатларини кўрсатади(2-расм).

Виготский фикрича, бир ёшнинг охирига келиб, биз “боланинг иродаси шаклланишидаги дастлабки поғона – болада илк намоён бўлаётган шахсий аффектлар” билан юзлашамиз[5].

Уч ёш инқирозининг бошланганлигидан дарак берувчи биринчи аломат негативизм бўлиб, бунда боланинг барча хатти-ҳаракатларида катталарнинг таклифларига қарама-қаршилиқни кузатамиз.

“Агар бола унга ёқмаган бирор талабни бажаришни истамаса (масалан, бола ўйнапти, уни эса ухлашга мажбур қилишяпти, бола ухлашни хоҳламайди), бу негативизм бўлмайди. Бола ўзи мойил бўлаётган ишни қилмоқчи-ю, лекин катталар буни тақиқласа, шундан сўнг ҳам бола буни бажарса, бу ҳам негативизм эмас. Бу катталарнинг талабига салбий муносабат бўлиб, боланинг кучли истаги билан мотивлаштирилади”[3].

Негативизмда бола бирор ишни катталардан бири таклиф этгани учунгина бажаришни хоҳламайди. Негативизмнинг оддий итоатсизликдан фарқи шундаки, бола у ёки бу ишни катталар айнан у буни бажаришини сўраганлари учунгина бажармайди. Бунда ўзига хос мотивлар кўчиши юз беради[2].

Шуни таъкидлаш жоизки, олим бу ерда ҳар икки ҳолатнинг ҳам ўзига хос, бир-бирдан фарқли жиҳатларини, уларнинг турлича психологик асосларга эга эканлигини аниқ ва равшан кўрсатиб бера олди.

Л. С. Виготский уч ёш инқирозининг иккинчи симптоми сифатида қайсарликни кўрсатар экан, негативизмни қайсарликдан, қайсарликни эса қатъиятдан ажратиш лозимлигини таъкидлайди. Масалан, бола бирор нарсани қаттиқ хоҳлайди ва қатъият билан унинг бажарилишига эришади. Бу қайсарлик эмас, бу уч ёш инқирозигача бўлган даврда ҳам учраб туради.

Боланинг бирор буюмга эғалиқ қилиш истаги мавжуд, лекин у буни дарҳол ололмаса ва бу нарсани олишга ҳаракат қилса ва унга эришса ҳам, буни қайсарлик деб бўлмайди. Қайсарлик боланинг хоҳиш-истагида эмас, балки унинг талаби ижросидаги қатъиятида намоён бўлади. Бола ўз талабига нисбатан қатъий муносабатда бўлади.

Муаллифга ҳамфикр бўлган ҳолда шуни қўшимча қиламизки, бола қайсарлигида асл истак, мақсад тўла анланмайди, яъни бола нима учун бундай қилаётганини ўзи ҳам билмайди, аммо дастлаб шу қарорни қабул қилгани сабаблигина қарорида қатъийлигини, уни ўзгартирмаслигини билдиради. Яъни бу ҳолат кўр-кўрона намоён бўлади. Бола учун бу қарор тўғрими ёки нотўғрими муҳим эмас, бола қайсарлигининг ўзи учун муҳим жиҳати шуки, бу қарор ўзининг шахсий қароридир ва у бу қарорини “ҳимоя қилади”, “ҳурмат қилади”. Бу ерда биз боланинг ўз “Мен”ига муносабатини, “Мен”ини ҳимоя қилишини кузатамиз, яъни қайсарлик ҳимоя механизми сифатида намоён бўлади.

Олимнинг фикрича, қайсарликни оддий қатъиятдан икки жиҳат ажратиб туради. Биринчиси негативизм билан умумий бўлиб, мотивлаштириш билан боғлиқдир. Агар бола айти вақтда ўзи истаётган нарса хусусида қатъиятлиликни кўрсатса, бу қайсарлик эмас. Масалан, бола чана учишни

яхши кўради ва шунинг учун кун бўйи ховлида бўлишга интилади.

Иккинчи жиҳати шундаки, негативизм учун ижтимоийлик хос бўлса, яъни бола катталар талабига нисбатан қарши амалларни бажарса, қайсарлик учун боланинг ўзига нисбатан муносабати хосдир. Бола бир аффектдан иккинчисига эркин ўтади деб бўлмайди, йўқ, у буни шундай дегани учунгина бажаради ва бунда қатъий туриб олади. Бу ерда бола ўз шахсининг мотивлаштирилишига, инқироз бошлангунга қадар, бошқача муносабати мавжуддир.

Олимнинг уч ёш инқирозидаги учинчи аломат ўжарлик бўлиб, у негативизмдан шахсга қаратилмаганлиги билан фарқланади. Негативизм доим у ёки бу ишни бажаришга ундаётган катта ёшли инсонга нисбатан йўналган бўлади. Ўжарлик эса, кўпроқ ўрнатилган тарбиявий меъёрлар, тартиб-интизомга, ҳаёт тарзига қарши йўналган бўлиб, боланинг унга таклиф қилинаётган ва амалга оширилаётган хатти-ҳаракатларга нисбатан ўзига хос норозилигида ўз ифодасини топади[2].

Ўжарлик установаши шахсга нисбатан эмас, балки уч ёшгача шаклланиб бўлган ҳаёт тарзига, белгиланган меъёрларга, илгари қизиктирган ўйинчоқларга нисбатан ҳосил бўлади. Ўжарлик қайсарликдан шуниси билан фарқ қиладики, у ташқи муҳитга нисбатан йўналган бўлиб, ўзининг истак ва хоҳишларида қатъий бўлишга интилиши асосида юзага келади.

Оддий “бўйсунувчанлик, итоаткорлик етишмаслиги”дан ўжарлик ўзининг суръатлилиги билан фарқ қилади. Бола қаршилиқ кўрсатади, унинг норозилиги шундай маънода суръатлики, у илгари алоқадор бўлган нарсасига нисбатан яширин қаршилиқка эга.

Инқирозгача бола эркалатилган, итоаткор бўлган, уни қўлидан етаклаб юрганлар, бирдан у ҳамма нарсдан норози, ўжар болага айланди.

Бизнингча, бу симптомнинг психологик манзараси тўлиқ ёритилмаган ва янада кенгрок изланишларни тақозо этади.

Тўртинчи симптом сифатида муаллиф ўз-билармончилиқни кўрсатади. Бу боланинг мустақилликка интилишидан иборат. Илгари бундай бўлмаган. Энди бола ҳамма нарсани ўзи бажаришни истайди.

Бу аломатнинг психологик моҳияти ҳам олим томонидан батафсил баён этилмаган.

Виготский таъкидлаган 3 ёш инқирозининг иккинчи даражали аломатларидан биринчиси қаршилиқ кўрсатиш бўлиб, у боланинг хулқ-атворида қаршилиқ кўрсатувчи алоҳида белгиларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Боланинг бутун хулқ-атвори қаршилиқ хусусиятини касб этади, у атрофдагилар билан доимий низода, ота-онаси билан тез-тез урушишлари одатий ҳолга айланади. Бу боланинг кадрсизлантириш симптоми боғлиқдир. Масалан, яхши оиладаги бола сўкина бошлайди.

Боланинг ўйинчоғи кадрсиз бўлиб қолади, ундан воз кечади, унинг нутқида фақат салбий маънодаги, инкор этувчи сўз ва иборалар, атамалар

пайдо бўлади ва буларнинг бари ўз-ўзидан ҳеч қандай кўнгилсизлик келтирмайдиган нарсаларга нисбатан намоён бўлади.

Ниҳоят, сўнги, икки хил мазмунга эга бўлган симптом шафқатсизлик аломати бўлиб, ҳар хил оилаларда турлича кузатилади. Унинг фикрича, яқка фарзандли оилаларда шафқатсизликка интилиш учрайди. Болада атрофдагиларга нисбатан шафқатсизлик қилиш истаги юзага келади. Она уйдан кетмаслиги, унинг талабига кўра, хонада ўтириши керак. Унга у талаб қилаётган барча нарсани олиб беришлари керак; у ўзи истаган нарсани ейди. Бола катталар устидан ҳукмронликни кўрсатишнинг минг хил усулларини ўйлаб топади. Бола аввалги, деярли барча истаклари бажарилган илк болалигидаги ҳолатига қайтишни ва вазият хўжайинига айланишни истайди.

Бир неча фарзандли оилаларда бу аломат, агар оилада бошқа болалар бўлса, оиладаги катта ёки кичик фарзандларга нисбатан, рашк аломати деб номланади. Бу ерда ҳам худди ўша ҳукмронликка, шафқатсизликка интилиш бошқа болалардан рашк қилиш манбаи сифатида намоён бўлади.

Олим бу аломатларни таҳлил қилиб, инқироз, асосан, авторитар тартибдаги тарбия меъёрларига нисбатан, мустақилликни талаб қилувчи, илк ёшда шаклланиб қолган меъёр ва ғамхўрлик шакллари кечириб ўтган боланинг қаршилиқлари сифатида намоён бўлишини таъкидлаб ўтади.

Унинг фикрича, бу аломатларга эга бола ўзида тарбияси оғирликни намоён этади. Илгари ота-она учун ташвиш ва қийинчилик келтирмаган бола энди тарбияси оғир болага айланади. Бундан “бола қисқа вақт ичида кескин ўзгариб қолди” деган таассурот пайдо бўлади. Бола қўлда олиб юрилган “чақалоқ”дан ўжар, қайсар, негатив, инкор этувчи, рашкчи ёки шафқатсиз мавжудотга айланадики, унинг оиладаги бутун қиёфаси бирданига ўзгариб қолади.

Барча аломатлар боланинг оилавий муҳитдаги муносабатлари, аффектив кечинмаларидан далолат беради.


Бола доимий равишда атрофдаги шахсларга нисбатан бевосита аффектив муносабатлар куршовида бўлади, деб ҳисоблайди Лев Семёнович. Уч ёш инқирозида иккига бўлиниш юз беради: бу ерда низолар юзага келиши мумкин, у онасини, ноқулай вазиятда тақдим этилган ўйинчоқларини ҳақоратлаши мумкин; аффектив-иродавий соҳанинг ўзгариши рўй беради, бу эса шаклланган мустақиллик ва боланинг фаоллигидан далолат беради.

Умуман олганда, бу симптомлар яхлит тарзда боланинг эмансипациялашуви таассуротини ҳосил қилади: гўё илгари болани қўлидан етаклаб юрганлар, энди эса у ўзи мустақил юришни истайди.

Айрим тадқиқотчилар бу аломатларни фақатгина авторитар тартибдаги муносабатлар, адолатсиз шароитлар доирасида тушунсалар-да, муаллиф бу ҳолатга нисбатан ўжарликни яқинроқ деб ҳисоблайди, негативизмни эса юмшоқроқ муносабатларда ҳам кузатиш мумкинлигини, фаолият мотиви ва мазмунига алоқадорлигини кўрсатади.

Инқироз аломатларини тавсифлар экан, олим Ч. Дарвиннинг “бола туғилиши билан жисман онадан айрилади, лекин унинг овқатланиши ҳам, жойидан кўзғалиши ҳам онасиз амалга ошмайди” фикрини келтиради. Дарвин буни боланинг биологик жиҳатдан номустакилликни ифода этади, деб, унинг фикрларини давом эттирар экан, Виготский, илк болалик даврида бола атрофидагилардан биологик жиҳатдан бўлинган бўлса ҳам, лекин психологик жиҳатдан ҳали улардан ажралмаганлигини билдириб ўтади. Берингер фикрини келтириб, у уч ёшгача бола атрофидагилардан ижтимоий жиҳатдан ажралмаган бўлиб, уч ёш инқирози даврида бу ерда эмансипациянинг янги босқичига дуч келишимизни баён этади.

Бизнингча, Виготский бу икки олимнинг фикрини келтириб, ёш инқирозлари келиб чиқишида эмансипациянинг вужудга келиши ва ижтимоий муносабатлар орасидаги боғлиқликни аниқ ва равшан тушунтириб беради. Эмансипациянинг аффеқтга эмас, кўпроқ иродавий сифатларга боғлиқлигини кўрсатади.



- Ички ва ташқи низолар
- Невротик реакцияларнинг пайдо бўлиши
- Тунги кўркувлар
- Уйқунинг бузилиши
- Нутқ бузилишлари, дудукланиш
- Негативизм ва қайсарликнинг кескин кучайиши
- Гипобулик тутқаноқлар

2-расм

“Бола ижтимоий муносабатлардаги, аффеқтив муҳитдаги, у учун энг кучли, чуқур кечинмаларни қамраб олувчи энг азиз, кадрли бўлган нарсаларига нисбатан кечаётган ўзгаришлар туфайли, бир бутун ички ва ташқи зиддиятлар қуршовига киради ва кўпинча бу ҳолда биз болаларнинг невротик реакцияларига дуч келамиз. Бу реакциялар касаллик хусусиятига эга бўлиб, невропатик болаларда айнан 3 ёш инқирози даврида энурез, яъни тунги сийдик ушлай олмаслик каби невропатик реакцияларнинг намоён бўлишини тез-тез кузатишимиз мумкин. Саришталикка одатланган бола инқирознинг муваффақиятсиз кечиши жараёнида бунга тез-тез қайтиб туради. Тунги кўркувлар, нотинч уйқу ва бошқа невропатик симптомлар, баъзида нутқдаги кескин қийинчиликлар, дудукланиш, негативизм, қайсарликнинг ҳаддан ортиқ кучайиши, “гипобулик тутқаноқлар” деб номланувчи, аслида хуружнинг касаллик шаклига ўхшаш лекин касаллик ҳисобланмайдиган турлари юқорида биз айтиб ўтган негативизм, қайсарлик, кадрсизлантириш, қаршилик кўрсатишларнинг ҳаддан ортиқ кучайишини ўзида ифода этади”, – дея муаллиф ушбу ҳолатларни аломатларнинг иккинчи халқасига киритади[3; 5].

Бу ҳолат юзасидан тадқиқотчи ўзининг шахсий илмий кузатишларидан мисол келтиради: 4 ёшдаги бола, трамвай кондукторининг ўғли. Боладаги шафқатсизлик фавқулудда кескин намоён бўлади. У ниманики талаб қилса, албатта, бажарилиши лозим эди. Масалан, бола онаси билан кўчада кетаётган вақтда у онаси ерда ётган қоғозни, гарчи қоғоз унга керак бўлмаса ҳам, олишини талаб қилади. Бола хуруж шикоятини билан олиб келинган. Унинг истакларини бажариш рад этилганда у ўзини полга ташлаб, ёввойиларча бақиришни, оёқ ва қўлларини ерга уришни бошлайди. Бироқ бу патологик хуружлар эмас, балки хулқ-атвор шакли бўлиб, айрим муаллифлар уни гўдақлик муносабатларига қайтиш сифатида баҳолайдилар. Кузатилаётган боладаги бу ҳаракатлар кучсиз хусуматнинг ифодаси бўлиб, бола башқача тарзда қаршилик билдира олмайди ва жанжал кўтаради. Ушбу мисол муаллиф томонидан уч ёш инқирозининг мураккаблашуви сифатида келтирилиб, мазкур ҳаракатлар аломатларнинг иккинчи халқасини ташкил этади. Улар инқирознинг асосий белгиларига кирмаса-да, оиладаги қийин тарбиядан невропатик, психопатик симптомларни берувчи

ҳолатларгача олиб келувчи битта занжирни ҳосил қилади.

Юқоридагиларга асосланиб, Виготский бола тарққиётида қандай ҳодисалар кечишини, симптомларнинг қандай мазмун-моҳиятга эга эканлигини аниқлашга ҳаракат қилади. Бу ерда у ёш инқирозлари назариясини яратишга даъво қилмайди, балки уринишлари дастлабки ва субъектив даражада бўлиб, айрим шахсий кузатишларга, илмий далилларга ҳамда шу ёшга доир назарияларда тақдим этилган айрим жиҳатларини танқидий жиҳатдан қайта кўриб чиқишга ҳаракат қилганлигини баён этади.

Уч ёшли инқироз симптомларини кўриб чиқар экан, олим шахснинг ички тузилмалари ижтимоий муносабатлар ўқи асосида юзага келишини тушунтиради. Илгари таъкидлаб ўтилганидек, 3 ёшли боладаги негатив реакцияларни инқирознинг хусусиятлари сифатида намоён бўлаётган оддий итоатсизликдан фарқлаш лозим, шунингдек, боладаги қатъият ҳам кескин фарқланиши керак, деб, уларнинг юзага келиш сабабалари ва ўзаро фарқларини тушунтиради:

1. Боладаги негатив реакция Сизнинг илтимосингиз унинг учун аҳамиятсиз бўлса, ёки буни ўзи хоҳласа ҳам, лекин барибир рад этаётганида юзага келади. Рад этиш мотиви, хатти-ҳаракат мотиви Сиз тақлиф қилаётган фаолиятнинг мазмунида эмас, балки Сизга нисбатан муносабатларда мавжуддир.

2. Боланинг негатив реакцияси Сиз болани бажаришга ундаган ҳаракатни бажаришдан эмас, балки Сиз буни сўраётганингиз учунгина намоён бўлади. Шу сабабли негатив установканинг асл моҳияти боланинг атайин тескарисини қилиш, яъни талабга нисбатан мустақил хулқ-атворни намоён қилишдан иборат бўлади.

Қайсарликда ҳам худди шундай. Оналар тарбияси қийин болаларидан шикоят қилар экан, кўпинча, улар қайсар, қатъиятли деб айтишади. Лекин қатъият ва қайсарлик турли тушунчалар, деб Лев Виготский уларнинг фарқли жиҳатларини кўрсатиб беради. Агар бола нимагадир эршишни истаса ва у бунга қатъият билан эришса, бунга қайсарликнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Қайсарликда бола ўзи унчалик хоҳламаётган, ёки умуман истамаган, ёхуд аллақачон истамай қўйган, лекин талаб кучига мос келадиган қарорига нисбатан қатъийлигини намоён қилади. Бола истакнинг мазмунига кўра эмас, буни айтгани учунгина

қатъийликни намоён қилади, яъни бу ерда ижтимоий мотивлаштириш юзага чиқади[3].

Инқироз симптомлари бола ўз хатти-ҳаракатларини вазият мазмунига кўра эмас, атрофдаги инсонлар билан муносабатларига нисбатан мотивлаштиришни бошлаши билан боғлиқдир.

Олим уч ёш инқирози аломатларини умумлаштириб, инқироз, авваламбор, боланинг ижтимоий муносабатлари инқирози сифатида кечишини таъкидловчи тадқиқотчиларнинг фикрига қўшилади. Бу жиҳатдан биз ҳам унинг фикрларига тўла қўшилаемиз.

Инқироз даврида нима сезиларли даражада қайта курилади? Боланинг ота-она обрўсига, атрофдаги одамларга нисбатан ижтимоий позицияси. Шунингдек, “Мен” – шахс инқирози юз беради, яъни айни дамда бирдан юзага келган истак эмас, балки боланинг ўз шахсини намоён қилиш билан боғлиқ мотивига эга хатти-ҳаракатлар юзага келади. Бунда мотив вазиятдан фарқ қилади.

Ёш инқирози давридаги янги хусусиятлар боланинг ўз хатти-ҳаракатларини вазиятнинг мазмунига кўра эмас, аксинча, бошқа инсонлар билан муносабатлари асосида белгилаши, мотивлаштириши билан характерланади. Соддарок қилиб айтганда, инқироз бола шахсининг атрофдагилар билан ўзаро ижтимоий муносабатлари ўқи бўйлаб кечадиган жараёндр[3].

Инқироз аломатларини тавсифлар экан, олим симптомларнинг психологик моҳиятини кенг ва атрофлича тушунтиришга ҳаракат қилади. Шунинг билан биргаликда симптомларнинг бир-бирдан ҳамда бошқа иродавий сифатлардан фарқлари, характерли хусусиятларини чуқур таҳлил этади.

Тадқиқотчи олим инқироз аломатларидан айримлари хусусида қисман тўхталиб ўтган бўлса-да, ўзининг кузатишларига, илмий далилларига асосланиб, ўз хулосаларини баён этади, тадқиқотчилар учун янги муаммолар ва вазифаларни белгилаб ўтади. Олимнинг бу изланишлари ҳозирги кунда ҳам ўзининг аҳамиятлилиги, қимматлиги билан ажралиб турса-да, янада кенгрок изланишларни талаб этади.

Шунга қарамай, олимнинг бу соҳадаги “илк” уринишлари, илмий қарашлари, нафақат ёш инқирозларига доир, балки бошқа тадқиқотлари ҳам психология фанларининг бугунги ва кейинги таракқиёти учун бебаҳо манба, мерос сифатида хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Виготский Л.С. Кризис трех лет. Вопросы детской психологии. СПб., 1997.
2. Виготский Л.С. Проблема возраста. // Собрание сочинений, - М.: Педагогика, 1984. Т-4, с. 244-268.
3. Виготский Л. С. Психология развития ребенка. М.: изд-во ЭКСМО, 2005, с. 172, 318.
4. Отахонова С. Т. Мактабгача ёшдаги болалар хулқ-атворида негативлик сабаблари ва профилактикаси масалалари. // Педагогика. Т.: 2016, №3, 35-40 б.
5. Шавырина А. А. Психологическая сущность упрямства и негативизма у детей. // Психологическая наука и образование. 2008, №5, с. 37-46.
6. Эльконин Д. Б. Избранные психологические труды.— М.: Педагогика, 1989.с.458, 459.
7. www.myword.ru
8. www.koob.ru



Makhfurat RAVSHANOVA,
Tashkent State Institute of Oriental Studies
PhD student of the department "Eastern Philosophy and Culture"
E-mail: mahisha92@mail.ru

PROBLEM OF THE CONCEPT OF PERSONALITY AND PERSON IN JAPANESE CULTURE

Abstract

World philosophy, in essence, revolves around "eternal" problems. Among them is the problem of Man, which at the present turning point in human history is, unfortunately, acquiring an increasingly tragic sound. Modern philosophical anthropology shows an increased interest in man and personality, seeks to determine their position in the picture of the world of a particular sociocultural space. The study of the topic of personality allows us to better understand both the specifics of perception and evaluation of human activity in a particular culture, and to compose a representation of the value orientations of a particular society, ideas about the norm and deviation, right and wrong, permissible and forbidden. The problem of man and personality has always attracted the attention of both Western and Eastern thinkers. The application of the concept of "personality" to material from earlier chronological periods expands the scientific tools and makes it possible to study not only socio-historical processes, but also allows you to talk about a person of a particular era and culture, able to realize and experience their own position in society, as well as identify assessment criteria human activities on the part of society. In domestic Japanese studies, there is currently a shortage of scientific papers focusing attention on this topic. The study of this topic can significantly supplement the existing scientific knowledge about Japan and consider the already studied problems from a new angle. The consideration of the phenomenon of man in Japanese culture was guided by interest in the problem of the correlation of "individualistic" and "collectivist" personality. A group-oriented personality is recognized as the most characteristic personality type in Japanese culture.

Keywords: personality, identity, Japan, culture, person, ethno-psychological characteristics.

ПРОБЛЕМА КОНЦЕПЦИИ ЛИЧНОСТИ И ЧЕЛОВЕКА В ЯПОНСКОЙ КУЛЬТУРЕ

Аннотация

Всемирная философия, в сущности, вращается вокруг "вечных" проблем. К их числу принадлежит и проблема Человека, которая в нынешний переломный момент человеческой истории приобретает, к сожалению, все более трагическое звучание. Современная философская антропология проявляет повышенный интерес к человеку и личности, стремится определить их положение в картине мира того или иного социокультурного пространства. Исследование темы личности позволяет глубже понять как специфику восприятия и оценки деятельности человека в конкретной культуре, так и составить представление о ценностных ориентирах того или иного общества, представлениях о норме и отклонении, правильном и неправильном, дозволенном и человеке и личности всегда привлекала внимание как западных, так и восточных мыслителей. Применение понятия «личность» к материалу более ранних хронологических периодов расширяет научный инструментарий и делает возможным исследование не только социально - исторических процессов, но также позволяет говорить о человеке конкретной эпохи и культуры, способном осознавать и переживать собственное положение в обществе, а также выявить критерии оценки деятельности человека со стороны социума. В отечественном японоведении в настоящее время ощущается нехватка научных работ, фокусирующих внимание на данной теме. Исследование данной темы способно существенно дополнить имеющиеся научные знания о Японии и рассмотреть уже исследованную проблематику под новым углом зрения. Рассмотрение феномена человека в японской культуре направляется интересом к проблеме соотношения "индивидуалистической" и "коллективистской" личности. Наиболее характерным для японской культуры типом личности признается группо-ориентированная личность.

Ключевые слова: личность, идентичность, Япония, культура, человек, этнопсихологические особенности.

YAPONIYA MADANIYATIDA SHAXS TUSHUNCHASI MUAMMOSI

Annotatsiya

Jahon falsafasi mohiyatiga ko'ra "abadiy" muammolar atrofida aylanadi. Ular orasida insoniyat muammosi mavjud bo'lib, hozirgi paytda insoniyat tarixidagi keskin o'zgarish, afsuski, tobora fojiali ovozga ega. Zamonaviy falsafiy antropologiya inson va shaxsga bo'lgan qiziqishning kuchayishini namoyish etadi, muayyan ijtimoiy-madaniy makon dunyosidagi rasmda o'z pozitsiyasini aniqlashga intiladi. Shaxs mavzusini o'rganish, ma'lum bir madaniyatda inson faoliyatini idrok etish va baholashning o'ziga xos xususiyatlarini yaxshiroq tushunishga, ma'lum bir jamiyatning qadriyat yo'nalishlari, me'yor va og'ish, to'g'ri va noto'g'ri, to'g'ri va noto'g'ri, yo'l qo'yilgan va taqiqlangan narsalar haqidagi tasavvurni shakllantirishga imkon beradi. Inson va shaxs muammosi har doim G'arb va Sharq mutafakkirlarining e'tiborini

tortgan. "Shaxs" tushunchasining oldingi xronologik davrlardan materiallarga qo'llanilishi ilmiy vositalarni kengaytiradi va nafaqat ijtimoiy-tarixiy jarayonlarni o'rganishga imkon beradi, balki ma'lum bir davr va madaniyat odami, jamiyatda o'z mavqeini anglab eta oladigan va his qila oladigan odam haqida gapirishga imkon beradi, shuningdek baholash mezonlarini aniqlaydi. jamiyat tomonidan inson faoliyati. Hozirgi kunda mahalliy yapon tadqiqotlarida ushbu mavzuga qaratilgan ilmiy ishlarning etishmasligi mavjud. Ushbu mavzuni o'rganish Yaponiya haqida mavjud ilmiy bilimlarni sezilarli darajada to'ldirishi va o'rganilgan muammolarni yangi nuqtai nazardan ko'rib chiqishi mumkin. Yapon madaniyatida inson fenomeni e'tiborga olinishi "individualistik" va "kollektivistik" shaxsiyatning korrelyatsiyasi muammosiga qiziqish asosida olib borildi. Guruhga yo'naltirilgan shaxs Yaponiya madaniyatidagi eng xarakterli shaxs turi sifatida tan olingan.

Kalit so'zlar: shaxsiyat, o'ziga xoslik, Yaponiya, madaniyat, shaxs, etno-psixologik xususiyatlar.

Introduction.

When starting discussions about what are the characteristic ethnopsychological and cultural-historical characteristics of a person in Japan or, more broadly, in the Far East, it should be borne in mind that words denoting a person in Japanese in terms of their nature or systemic qualities acquired in the subject activity or communication, strongly do not coincide in terms of concepts with the terms developed by Western philosophical and theological thought. This plot reflected the mythologized feature of the Japanese national character - to see not himself but the other, to look for another in himself, and not himself in the other. Therefore, the results of attempts to find in Japan ideas about a person that are comparable with the new European type of personality or with the teachings of Christian anthropology are predetermined in advance - such a person is not there. But from this obvious fact, of course, it does not follow that it is impossible to raise the question of the nature of the human self, of the identification of the individual, of his attitude towards God and society.

Main part

The problem of man, his consciousness, his "path" has always been the focus of Far Eastern thought, however, the description language, his methods and the final results did not correspond to the European classification system. Because of this discrepancy, conclusions are often drawn about the lack of personality in the East. However, we should not talk about the personality in general, but about specific personality types, and this specificity is mainly not in quantitative parameters, but in the structure and dynamic integrity of the features that make up the ethnosociopsychological type.

It can be said that the philosophical and religious basis of human self-awareness in medieval Japanese society was the idea of the illusory nature of a separate self, the inclusion on an equal and full share of rights in socio-cosmic integrity, in the human context. These ideas were inherent not only to Buddhism, but also to Shintoism and Confucianism, which in one form or another ideologically shape the consciousness of the medieval Japanese.

In the Far East, the modus of personal identification was enclosed in a different framework, although many individual coincidences with the West can be found. It is significant that writes about this. Rosenberg: "Today, only "nightmarish simplifiers" can talk about the cosmic and impersonal East, as opposed to the humane and personal West. In the East, cosmic and negative aspects are stronger ... But to completely

deny personality and personal thinking in the Far East as ridiculous as the cosmic sense of nature or the negative path to comprehending peace in the West". [5, p. 126]

Analyzing the behavior of the Japanese personality in terms of its "attachment" to the social structure, such an important aspect of the social-relativistic attitude to understanding the personality and its position in the social world as "caring for one's own place" is noted. "By taking my own place, I mean," says Lebra, "a person's knowledge of the place intended for him in a social group, institution or society as a whole; the person's ability and willingness to replenish all the responsibilities associated with this place, and the person's claim to calling this place different. " From this point of view, the Japanese concept of "bun" ("share", "part", "portion") is of great interest. In Japanese, the word "jibun" is used to denote the concept of "I", which literally means "own share." The concept of its part or share of "Bun" has three implications, consisting of the idea of society as an organic whole and individuals as parts of this organism. First, the individual is always perceived as part, a fraction of the whole. "An individual as such is nothing until he becomes something, taking his share and contributing to society as a whole or group." Secondly, the "holders of the buns" are interdependent. An individual cannot rely on his own strengths, but must be dependent on other "bun holders." Thirdly, it is assumed that each member of the society is a "bun holder" and, if someone is without a "bun", this means that something was wrong with the society. In the languages of anthropology and sociology, the concept of "bun" can be translated as status or role. [2, p. 154]

The ideals of contextualism and voluntary self-giving to society are present in various written monuments of Japan - artistic, religious-philosophical, political, in texts with different ideological colors - Shinto, Buddhist, Confucian. So, in one of the earliest legislative treatises - "The Constitution of 17 Articles", Sotoku Taichi (547-622) says: "Although I may be right alone, I must follow everyone and act the same." [4, p. 21] Or in another place: "If a person takes possession of the personal, then anger necessarily takes possession of him; if anger takes possession of a person, then he will certainly have disagreements with others." [4, p. 23] However, an analysis of the scope of the concepts of terms used to designate a person immediately led us to the recognition of the involvement of this type of human individual in the system of interindividual relations in which the person could only gain his status.

Now we should consider the ideas about the nature of individual consciousness in medieval Japanese tradition in order to demonstrate a different level of understanding of the personality problem within culture, namely the level of religious and philosophical reflection. The level of unreflected creative self-expression, manifested in the nature of the figurative system and compositional structure of different types of Japanese art. This level of consideration of the method of personal identification will be the last and control, complementing the linguistic-etymological and religious-philosophical characteristics.

The basis of all medieval Buddhist texts, superimposed in Japan on the archaic pantheistic beliefs of Shintoism, is the belief in the absence of a personal I and generally individual consciousness. "There is nothing that could be called "I" or "mine"; [2, p. 154] "Also, consciousness - it is inconsistent, it suffers, and it does not have a true essence." There are a great many expressions of this kind in Buddhist texts of various interpretations.

For example, Kukai (774–835), one of the great philosophers of the Shingon school taught: "There is neither I nor consciousness, but that there is only scandhi." [9, p. 57] Skandhas are groups of dharmas that constitute various manifestations of the individual. Dharmas are some difficult to define elementary entities. According to some texts, they are real and constitute the basis of all things, according to others - they are empty and are just the product of a darkened (individual) consciousness. The combination of dharmas, depending on the chain of causal relationships, forms what can be called an individual personality. Rosenberg O.O. wrote about this: "At the base of the stream of individual consciousness lies a complex of transcendental realities, carriers of dharmas, which, producing instant manifestations, manifest themselves in the form of a stream of instant combinations; the chain of such combinations makes up the illusion that is called the subject along with what he is aware of."

Consciousness is introduced into an inactive and undifferentiated personality and extracts seeds from there - a certain potency of manifestation of dharma. The combinations of dharmas conditioned by these seeds form the basis of "bodies and things" and are therefore perceived by sensory consciousness. Thus, there is a sense of self and a person perceives what the ordinary consciousness presents itself as the surrounding world with all the phenomena taking place in it. Since the individual mind is perceived purely negatively, the way to gain true knowledge or enlightenment is to suppress rational activity and limit sensory perception. The purpose of existence is calming down in the storage consciousness, understood as an absolute, and gaining its fullness. A special type of consciousness, which was deposited in the character of the sign system of artistic images, can be called contextual or even continuum and interpersonal. This

directly corresponds to the concepts of a single universal consciousness in Buddhist canonical and exegetical literature, with which we began our discussion about the type of traditional Japanese personality.

The failure of the individual signs of the image is directly dependent on the failure of a separate human being, individual consciousness or mind. This non-independence or falsity is called *musin* (literally "no-mind, non-consciousness"). Such an apophysis definition of personality does not contain negative connotations, on the contrary, the absence of a personal "heart" (*sin*), that is, a centre of mental and mental activity, from the very beginning of the Chinese tradition was recognized as a virtuous property of a perfect person. As for the Japanese concept of duty to the collective and society, it is fundamentally different from the European one. The debt of the Japanese is not caused by a socially conditioned duty, but by a sense of appreciation, gratitude as the subjective impulse of his soul. "If you look at the Japanese from a position of respect for individual freedom, then he looks tightly bound by such a relationship." [3, p. 222] However, "personal freedom" in the European sense of the word represents essentially rational individualism. "This logical individualism, paid for by neglect of the weak, is foreign to the Japanese." [6, p. 265] For both Westerners and Japanese, the "psychological world" of a person is concentrated in individuals, in individuals, but "if the space between a person and a person in the European sense is "nothing", then in the Japanese sense it represents a "yohaku".

Conclusion

The individualistic worldview of Western man is a subjective view of the object, of the world, alienating man from nature, separating people. The Japanese person's view of the world is based on a subconscious belief that his "I" is an integral part of the world as a "wholeness". Therefore, the Japanese as a person does not seek to overcome nature, but wants to merge about it, he does not want to oppose himself to others and establish himself at their expense, but seeks unity with the people around him. The Japanese, like other nations, care about preserving individual freedom and independence, but "individuality for the Japanese is on the opposite pole from social involvement." "The Japanese, - find their individuality in self-reflection, which they can fully enjoy only in isolation." [7, p. 164]

So, the philosophical and religious basis of human self-awareness in Japanese society was the idea of the illusory nature of a separate self, the inclusion on an equal and full share of rights in socio-cosmic integrity, in the human context. These ideas were inherent not only to Buddhism, but also to Shintoism and Confucianism, which in one form or another ideologically shape the consciousness of the medieval Japanese.

REFERENCES

1. Буккё сэйтэн: (Собрание буддийских текстов). -Токио, 1974. - 97 с.

2. Кимура Б. Человек с человеком: психопатологическая теория нихондзин рон /На яп.яз. перевод М.Н.Корнилова. - Токио, 1998. – 154 с.
3. Мидзусима Кэнити. «Нихондзин»-но сисо то кодо. – Токио: Кё:до: сюппан, 1989. – 222 с. На яп. яз. (Мышление и поведение японцев).
4. Попов К. А. Законодательные акты средневековой Японии. - М., 1994. – 23 с.
5. Розенберг О.О. Введение в изучение буддизма по китайским и японским источникам. Ч. 2: Проблемы буддийской философии.- СПб., 1991.- 126 с.
6. Хамагути Эсюн. «Нихонрасиса» - но сайхаккэн. – Токио: Нихон кэйдзай симбунся, 1977. – 265 с. – На яп. яз. (Новая трактовка своеобразия японского национального характера и японской культуры)
7. Штейнер Е. [Феномен человека в японской традиции: личность или квазиличность](#) // Человек и культура: Индивидуальность в истории культуры. -М., 1990. – 164 с.
8. Lebra T. Japanese patterns of behavior. Honolulu: Univ. press of Hawaii, 1976. – XVIII, 297 p. – Bibliogr. – 271 p.
9. Nakamura H. The ways of thinking of eastern peoples. - Honolulu, 1964. – 57 p.



М.Р. РАХМАТУЛЛАЕВ,

Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти директор ўринбосари

E-mail: mubinmr@mail.ru

М.А. АБДУРАХМАНОВА

Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги яримўтказгичлар физикаси ва микроэлектроника илмий-тадқиқот институти ўқув бўлим бошлиғи

E-mail: mubinmr@mail.ru

М.Ш. ЭСКАНОВ

Ўзбекистон Миллий университети ўқитувчиси

E-mail: mubinmr@mail.ru

Ҳ.М. АХМЕДОВ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ўқитувчиси

E-mail: mubinmr@mail.ru

PROBLEMS OF ORGANIZING MUTUAL COLLABORATION BETWEEN EDUCATION AND LABOUR MARKETS AND THEIR SOLUTIONS

Abstract

The scientific article scrutinized existing issues in using the appropriate regulations for establishing the higher education process. In order to solve these issues, new structures of regulations are proposed and their advantages are clarified, the opportunity of training specialists in the requirements of the labor market is scientifically proven.

Keywords: regulations, type of activity, vocational education, labor market, education market, induction, deduction, knowledge, skills, experiences.

ПРОБЛЕМЫ ОРГАНИЗАЦИИ ВЗАИМНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА РЫНКОВ ОБРАЗОВАНИЯ И ТРУДА И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ

Аннотация

В данной научной статье изучаются нормативные документы в которых отражены проблемы подготовки кадров, отвечающих требованиям рынка труда. Для решений этих проблем предлагаются новые структуры нормативных документов профессионального образования. Научно доказано, что предлагаемые новой структурой нормативные документы профессионального образования дают возможность подготовки специалистов, отвечающих требованиям рынка труда.

Ключевые слова: нормативный документ, вид деятельности, профессиональное образование, рынок труда, рынок образования, индукция, дедукция, знания, навыки, квалификация.

ТАЪЛИМ ВА МЕҲНАТ БОЗОРЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУАММОЛАРИ ВА УНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Аннотация

Илмий мақолада олий таълим тизими таълим жараёнини ташиқил қилишида фойдаланилаётган меъёрий ҳужжатлардаги мавжуд муаммолар ўрганилган. Ушбу муаммоларни бартараф этиши мақсадида таълим меъёрий ҳужжатларининг янги структураси берилган ва унинг афзалликлари батафсил ёритилган, меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлаш имкониятлари илмий асослаб берилган.

Калит сўзлар: меъёрий ҳужжат, фаолият тури, касбий таълим, меҳнат бозори, таълим бозори, индукция, дедукция, билим, кўникма, малака.

КИРИШ. Ҳозирда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ шунга қарамай, меҳнат бозори талаблари даражасида рақобатбардош, юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласи мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг талабига ҳали тўлиқ жавоб бермайди.

АСОСИЙ ҚИСМ. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича кўмитаси (UNESCO) ва консалтинг ташкилоти (DGP Research & Consulting) ҳамкорлигида 2017 йилнинг январь-июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини комплекс ўрганиш бўйича ўтказилган таҳлиллар натижалари асосида берилган хулосаларда олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги

таъминланмаганлиги, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмаганлиги оқибатида битирувчиларнинг аксарият қисми тайёр мутахассис бўлиб чиқиш ўрнига, ишга жойлашгандан кейин қайтадан ўз касбини, мутахассислигини ўрганаётганлиги, шунингдек, таълим сифатини назорат қилиш механизми замонавий талабларга жавоб бермаслиги каби камчиликлар қайд этилган [1].

Кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида кадрлар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3151 қарори қабул қилинди [1].

Мазкур қарорда олий таълим даражасини сифат жиҳатидан ошириш ва тубдан такомиллаштириш, олий таълим – илм-фан – ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни таъминлаш, ўқув режа ва дастурларни соҳа эҳтиёжидан келиб чиқиб янгидан ишлаб чиқиш, ўқув-меъёрий ҳужжатларни халқаро стандартлар асосида мутлақ янги талаблар бўйича ишлаб чиқиш, амалий машғулотларни бевосита ишлаб чиқариш ташкилотларида ўтказиш каби давлат талаблари аниқ белгилаб берилди.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича қўмитаси экспертлари қайд қилиб ўтган камчиликлар билан боғлиқ муаммолар, жумладан, назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги сабабларини ўрганиш ҳамда уларни бартараф этишни илмий жиҳатдан асослаб беришга қаратилган.

Олий таълим тизимида таълим жараёни, асосан, ўқув дастур ва режалари асосида ташкил қилинади ва бошқарилади. Ўқув дастурлар таълим сифати ва мазмунини белгиловчи асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Демак, ушбу меъёрий ҳужжатлар меҳнат бозорининг талабларини тўлиқ қамраб олган ҳолда ишлаб чиқиши зарурий шарт ҳисобланади [2]. Агар ўқув дастурлар меҳнат бозори талабларига мос бўлмаса, демак, ушбу дастурлар асосида ўқитилаётган мутахассислар ҳам унинг талабларига тўлиқ жавоб бермайди.

Олиб борилган тадқиқотлар олий таълим тизимида фойдаланилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар индукция методи асосида ишлаб чиқилганлигини кўрсатди. Ушбу методда ишлаб чиқилган ўқув режа ва дастурларда билим, кўникма ва малакаларни умумийлик ёндашувида ўзлаштиришга қаратилган бўлиб, таълим жараёни меҳнат бозори талаблари билан узвийлигини тўлиқ таъминлашга имкон бермайди ҳамда талабаларнинг ўзлаштириш сифатига салбий таъсир қилади. Изланишлар шунини кўрсатдики, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни индукция методида эмас, балки

дедукция методида ишлаб чиқиш белгиланган мақсадларга мувофиқ келади.

Дедукция методида меҳнат бозорининг умумий мақсадларига касбий таълимнинг хусусий мақсадлари орқали эришилади.

Олий таълим тизими олдига қўйилган асосий вазифа – давлат, жамият ва меҳнат бозори талаблари асосида кадрлар тайёрлаш. Ушбу талабларнинг тўлиқ ижросини таъминлаш стратегияси таълим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида илмий методлар билан асосланган бўлиши шарт ҳисобланади.

Меҳнат бозори талаблари даражасида кадрлар тайёрлаш учун меъёрий ҳужжатларга қўйиладиган талаблар қандай тартибда ва мазмунда бўлишини кўриб чиқамиз.

Меҳнат бозоридида ҳар бир касбий йўналиш бир неча фаолият турини қамраб олади. Демак, ўқув дастурларни касбий фанлари бўйича эмас, балки фаолият турлари бўйича, яъни дедукция методида ишлаб чиқиши меҳнат бозори билан таълим бозорининг ўзаро узвий боғлиқлигини таъминлайди [3]. Фанлар бўйича ишлаб чиқиладиган ўқув дастурлари касбий фаолият турларига нисбатан тартиблашмаган бўлиб, тингловчиларнинг фаолият турларига доир билимларни тўлиқ модул сифатида ўзлаштиришига салбий таъсир кўрсатади ва талабанинг билимга бўлган қизиқишини сўндириб юборади.

Бугунги кунда олий таълим тизимида талабаларнинг билим сифатининг меҳнат бозори талабларига тўлиқ жавоб бермаслигининг асосий сабаби ўқув режа ва дастурлар меҳнат бозоридида фаолият олиб бориш учун зарур бўлган билимлар билан узвийлиги тўлиқ таъминланмаган [4].

Касбий таълимда билимлар **узвийлиги** – бу нисбий тушунча бўлиб, яъни меҳнат бозоридида муайян касбий йўналиш бўйича самарали фаолият олиб бориш учун зарур бўлган билимлар кетма-кетлиги ҳамда тартиблашувининг касбга ўқитиш жараёни билан мос келишидир.

Касбий фанлар бўйича ишлаб чиқилган ўқув дастурларини меҳнат бозори талабларига мос ҳолда ишлаб чиқиш жуда ҳам мушкул ёки тўлиқ бажариш мумкин эмас. Чунки бир касбий фан меҳнат бозоридида муайян бир технологик жараённи тўлиқ қамраб олиши мумкин эмас, бу технологик жараённи бир неча фанлар қамраб олади ва бу билимларни ўқув дастурларга нисбатан экспертиза қилиш мушкул ҳисобланади.

Фанларни параллел равишда ўзлаштириш талаба учун кўп вақт талаб этади ва билимлар йўналишининг турли хиллиги уларни аниқ мақсадни кўра олмасдан билим олишга қизиқишларини сусайтиради, натижада мутахассис сифатида шаклланиб бораётганларини сезмайдилар.

Хулоса шундан иборатки, касбий ва мутахассислик фанларини ўзлаштириш орқали мутахассислар тайёрлаш услубидан воз кечиш, унинг ўрнига ҳар бир фаолият турлари бўйича ишлаб чиқилган ўқув дастурлари орқали мутахассис кадрлар тайёрлаш услубини танлаш таълим сифатини меҳнат бозори талаблари даражасида

таъминлашда кенг имконият яратади. Шунинг учун индукция услубидан эмас, таълим жараёнини дедукция услубида ташкил қилишга ўтишимиз таълим сифатини халқаро меҳнат бозори талаблари асосида юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга кенг имконият яратади.

Олиб борилган илмий-тадқиқотлар шуни кўрсатдики, олий таълим тури учун ўқув режа ва дастурларни меҳнат бозори талаблари асосида ишлаб чиқиш учун қуйидагилар зарур:

- ўқув дастурларни ишлаб чиқишда меҳнат бозори талаблари билан узвийликни таъминлаш усулини ишлаб чиқиш;

- ўқув режа ва дастурларни ишлаб чиқишда назарий, амалий ва ишлаб-чиқариш амалиёти ва назорат турлари ўртасидаги боғлиқликнинг меҳнат бозори талаблари билан мослигини таъминлаш услубларини ишлаб чиқиш;

- ўқув режа ва дастурлар асосида таълим жараёнини ташкил қилиш ва уни бошқаришда белгиланган мақсад ва вазифаларга мос механизмларни ишлаб чиқиш.

Меҳнат бозори талаблари асосида кадрлар тайёрлашга эришиш учун касбий таълимда меҳнат бозори талаблари бирламчи функцияни бажариши мақсадга мувофиқ бўлади. Бугунги кунда бирламчи функцияни касбий фанлар бўйича ишлаб чиқилган ўқув дастурлар эгаллаб келмоқда. Шунинг учун меҳнат бозори талаблари асосида кадрлар тайёрлаш қийин кечмоқда.

Ҳар бир соҳада мутахассис кадрлар тайёрлашни ташкил қилишда, биринчи навбатда таълимнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинади. Белгиланган мақсад ва вазифалар бир неча хусусий мақсадларга, яъни фаолият турларига бўлинади ва тингловчилар ўзлаштириши зарур бўлган билим ва кўникмалар танланади. Ушбу билим ва кўникмаларни тўлиқ қамраб олган ўқув дастури ишлаб чиқилади. Фаолият турлари бўйича ишлаб чиқилган ўқув дастурлар таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил қилиш ва бошқаришда асосий меъёрий ҳужжат сифатида фойдаланилади. Демак, ҳар бир фаолият турлари бўйича ишлаб чиқилган ўқув дастурларининг хусусий мақсадлари касбий йўналиш бўйича мутахассис кадрларни тайёрлашнинг умумий мақсадларини амалга оширилишига қаратилганлигига эришилади. Умумий мақсадларга эришиш учун хизмат қилувчи бундай тартибдаги меъёрий ҳужжат таълим самарадорлигига эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ўқув дастурларини қуйидаги мезонлар асосида ишлаб чиқиш зарурлиги аниқланди:

- ўқув дастурларини ҳар бир фаолият тури учун алоҳида ишлаб чиқиш;

- шаклланган янги билим, кўникма ва малакаларни ўқув дастурига киритиш;

- ўқув дастурлари меҳнат бозорида реал фойдаланилаётган билим, кўникма ва малакаларни

тўлиқ қамраб олиши ва уларнинг узвийлигини таъминлаши;

Энди ҳар бир мезон талаблари асосида ўқув дастурларини ишлаб чиқиш усуллари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Ҳар бир фаолият тури меҳнат бозорида аниқ бир мақсад ва вазифаларни, яъни жараёнини бошланишидан то якунига қадар бир модуль сифатида тўлиқ қамраб олади ва бир мақсадга қаратилган бўлиб, бу билимлар узвий ҳисобланади. Бу узвий билимлар, асрлар давомида инсоният меҳнатининг махсули ҳисобланади. Касбий таълимнинг бирламчи асосий вазифаси ёшларга шу билимларни ўргатишдан иборат. Биз фаолият турлари бўйича ўқув дастурлари асосида таълим жараёнини ташкил қилишга эришганимиздагина касбий таълимни меҳнат бозорлари талаблари асосида ташкил қилишга эришган бўламиз. Бу билан олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги ва меҳнат бозори талаблари асосида кадрлар тайёрлаш имконияти яратилишига эришилади.

Меҳнат бозори талаблари билан узвийлашган янги турдаги таълим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда таълим жараёнига жорий қилиш бугунги куннинг устувор вазифаларидан ҳисобланади[1].

Мамлакатда фан ва технологияларнинг узлуксиз ривожланиши меҳнат бозорида янги билимларнинг шаклланишига олиб келади. Шунинг учун касбий таълим турида янги билим ва кўникмаларни ўқув дастурларига киритилиши соҳанинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Таълим бозорини ривожлантириш даражасини ҳар доим меҳнат бозорининг талаблари белгилаб келган. Меҳнат бозоридаги талабларни истеъмол бозоридаги зарурият вужудга келтиради. Истеъмол бозори талабларининг ортиши меҳнат бозорининг ривожланишига ҳам бевосита таъсир қилади. Бироқ, бу икки бозор талаблари таълим бозорининг ўз-ўзидан ривожланишини таъминлай олмайди. Меҳнат ва таълим бозорлари ўртасидаги доимий ҳамкорлик механизмини амалда жорий қилиниши таълим бозорининг узлуксиз ривожланиб боришини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, фан ва технологияларнинг ривожланишига бевосита ижобий таъсир кўрсатади. Ёш мутахассисларнинг меҳнат бозоридаги фаолияти даврида илмий-ижодий изланишлари махсули даражаси, уларнинг таълим бозорида эгаллаган билимлар даражасига боғлиқ. Агар меҳнат бозорида пайдо бўлаётган янги билимлар таълим тизими ўқув дастурларидан жой олмаса, битирувчиларининг билимлари меҳнат бозори талабларига жавоб бера олмайди.

Биз олиб бораётган илмий изланишларнинг асосий мақсади таълимдан манфаатдор қатламлар (Давлат ва жамият ҳамда меҳнат бозори) манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим мазмуни ва сифатини халқаро стандартлар даражасига келтиришдан иборат. Ушбу тадқиқотлар натижасида яратилган янги структура, яъни фаолият турлари бўйича ўқув режа ва дастурлари ишлаб чиқиш

структураси 1-расмда келтирилган. Ушбу структурада, биринчи навбатда, фаолият тури бўйича меҳнат бозори талаблари асосида билим, кўникма ва малакалар белгилаб олинади. Ўқув дастурини ишлаб чиқишда узвийлик принципларига риоя қилиш, яъни иш ўрнида фаолият тури бўйича меҳнат жараёнининг тартиблашуви билан ўқув дастуридаги билимлар тартиблашуви айнан бир хиллиги таъминланишига эришиш талаб этилади. Назарий билимлар ўқув дастури билан амалий дарслар (семинарлар, амалий машғулотлар, лаборатория ишлари, курс ишлари, мустақил ижодий ишлар ва х..) ўқув дастурлари билимларнинг кўникмалар даражасида ривожланиш кетма-кетлиги, яъни назария-амалиёт принциплари асосида ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Назарий билимларнинг муайян якунланган модулини амалиёт модули орқали кўникма даражасида ўзлаштиришни таъминлашга эришиш зарурий шартлардан бири ҳисобланади. Демак, бир-бирини тўлдириш асосида назарий ва амалий дарслар кетма-кетлиги асосида таълим жараёни ташкил қилинади ва уларни дарс жадвалларини ишлаб чиқишда этиборга олиш зарур бўлади. Назарий ва амалий дарслар ўқув дастурларини ишлаб чиқишда мавзуларни касбий фанлардан билим ва кўникмаларга мос шаклда танлаб олинади. Талабалар билим ва кўникмаларни ўзлаштирилганларидан сўнг ишлаб чиқариш соҳаларида амалиётга чиқадилар. Бундай тартибда дарсларни ташкил қилиш тартиби меҳнат бозори талабларига айнан мос тушади. Талабалар ўз касбларини ўзлаштираётганликлари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўладилар ва касбларига бўлган қизиқиш ортиб боради. Касбий таълимнинг асосий мақсади ва вазифалари меҳнат бозори талабларига мос кадрларни тайёрлаш бўлса, демак, биз шу мақсад ва вазифаларнинг бир қисмига эришган бўламиз.

Навбатдаги муҳим масала ўзлаштиришни назорат қилиш тартиби бўлиб, унинг ҳам меҳнат бозори талабларига мос ва ҳолисона бўлиши ахамиятлидир. Назарий, амалий ўқув дастури ва режаси бажарилгандан сўнг талабалар ўзлаштиришларини мустақил ташқи назорат комиссиясига (2-расм) имтиҳон топширадилар ҳамда шу комиссия назоратида ҳар бир гуруҳ талабаси мустақил ишларининг ҳимояси ўтказилиб, комиссия томонидан ҳамда гуруҳ талабалари томонидан бир-бирларини баҳолайдилар. Талабалар ўзлаштиришларини баҳолаш жараёнида фаолият тури бўйича таълим жараёнини олиб борган профессор-ўқитувчилар қатнашиши қатъиян ман этилади. Бу эса профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва билим даражасини талабаларнинг ўзлаштиришлари даражаси орқали педагогик фаолиятини (рейтингини) аниқлаш имкониятини беради.

Фаолият тури билан боғлиқ навбатдаги жараён ишлаб чиқариш амалиёти масаласи бўлиб, талабалар дастур асосида айнан фаолият тури доирасида ишлаб чиқариш амалиётини ўтадилар, уларнинг малакалари ишлаб чиқариш вакиллари ҳамда Давлат билим сифатини назорат қилиш инспекцияси вакиллари томонидан баҳоланади. Натижада, ҳар бир талаба фаолият турини ўзлаштирилганлиги даражаси тўрт турдаги назорат тизими орқали аниқланади ва баҳоланади. Назорат материаллари фаолият тури билим, кўникма ва малакалари асосида ишлаб чиқилади.

Ушбу структуранинг мавжуд меъёрий ҳужжатлар структурасидан фарқи ҳамда афзалликлари қуйидагилардан иборат. **Биринчидан**, билим, кўникма ва малакалар касбий таълим узвийлиги асосида ишлаб чиқилади. **Иккинчидан**, билим, кўникма ва малакалар меҳнат бозори талаблари билан мос ҳолда ишлаб чиқилади. **Учинчидан**, назарий билим, кўникма ва малакаларнинг устма-уст нуқтавий интеграцияси таъминланади. **Туртинчидан**, муайян вақт давомида таълим жараёнида аниқ мақсадларга эришиш учун таълим ва амалиёт жараёни ташкил қилинади ҳамда бошқарилади. **Бешинчидан**, билим, кўникма ва малакаларни тўрт босқичда ҳолисона баҳолаш тизими яратилади. **Олтинчидан**, фаолият турларининг хусусий мақсадлари меҳнат бозори талаблари асосида кадрлар тайёрлашнинг умумий мақсадларини тўлиқ бажариш таъминланади.

Бундай тартибда таълим жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш ҳамда назорат қилиш тизимдаги қўйидаги муаммоларни бартараф этиш имконини беради. **Биринчидан**, талабаларнинг билим олишга бўлган муносабати ижобий томонга ўзгариб боради. **Иккинчидан**, талабаларда олий маълумотли мутахассислик даражасига фақат билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириш билан эришиш мумкинлиги қатъий шаклланади. **Учинчидан**, талабаларда мутахассис сифатида шаклланаётганларини сезиб ишонч билан билим олишга қизиқиш ва интилишлари шаклланиб боради. **Тўртинчидан**, талабаларнинг ўзлаштириш даражасига нисбатан профессор-ўқитувчилар рейтингини аниқлаш тизими шаклланади. **Бешинчидан**, профессор-ўқитувчилар ўз рейтингларини юқори кўрсаткичларда сақлаш мақсадида ўз хизмат вазифаларини тўлиқ бажариш тизимини шакллантирадилар. **Олтинчидан**, профессор-ўқитувчилар ва талабалар орасидаги муносабатлар демократлашиб боради. **Еттинчидан**, олий таълим тизими жамиятда илғор соҳага айланади.

ХУЛОСА. Таклиф этилаётган таълим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида таълим жараёнини ташкил этиш ва назорат қилиш тартиби олий таълим тизимида таълим мазмуни ва сифатини бугунги меҳнат бозори талаблари даражасида таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3151 қарори.
2. Рахматуллаев М. Р., Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида касбий таълим узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлашда илмий муаммолар. Таълим технологиялари, 2005 йил, №2, 4-6 б.
3. Рахматуллаев М.Р. К вопросу о научно-методических проблемах разработки нормативных документов высшего образования. Международная конференция – Пути повышения качества воспитательной работы в образовательных учреждениях, Рязань, 2008 год, 334-335 б.
4. Рахматуллаев М.Р., Мелков А.В. К вопросу о механизмах разработки нормативно-правовой документации системы профессионального образования в Российской Федерации, Межвузовский научно-методический конференции, Рязань, 2009 год, 4 марта, 122-124 стр.



Зарифа РАХМОНОВА,
Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти
E-mail: zarifa_rahmonova@mail.ru

FORMATION OF THE CONCEPT OF INTELLECT IN FOREIGN PSYCHOLOGY

Abstract

The study of human development is one of the main challenges facing modern science. The problem of intelligence is one of the most studied subjects in Soviet and foreign psychology. While the idea of intelligence differs from the point of view, there is one common goal, revealing the intellectual development of a person, his features and his uniqueness. In psychology, the concept of intelligence is used to quantify abilities and to describe them in quantitative terms. According to researchers, each person reflects a certain level of general intelligence, which, in turn, depends on its relationship to the external environment. According to them, each person has different levels of personal abilities, which manifest themselves in solving obvious problems. Initially, there was no differentiation in intelligence research. The intellectual structure of the intellectual attracted the attention of psychologists in the early stages of the century. The intellectual problem has been widely studied in foreign psychology, which has been studied on the basis of various theories, concepts, approaches, attitudes, and directions. At the same time, the use of criteria for measuring intelligence, criteria, indicators of development, self-assessment, testing, and the use of various types of mental development are based on scientific theoretical foundations.

Key words: intelligence, abilities, talent, concept, semantics, divergence, convergence, thinking, creativity, mental movement, perception.

ФОРМИРОВАНИЕ КОНЦЕПЦИИ ИНТЕЛЛЕКТА В ЗАРУБЕЖНОЙ ПСИХОЛОГИИ

Аннотация

Изучение умственного развития человека является одной из основных задач, стоящих перед современной наукой. Проблема интеллекта является одним из наиболее изучаемых предметов в советской и зарубежной психологии. В то время как идея интеллекта отличается от точки зрения, общая цель одна, раскрывающая интеллектуальное развитие человека, его особенности и его уникальность. В психологии понятие интеллекта используется для количественной оценки способностей и для их описания в количественном выражении. По мнению исследователей, каждый человек отражает определенный уровень общего интеллекта, который, в свою очередь, зависит от его отношения к внешней среде. По их словам, каждый человек имеет разные уровни личных способностей, которые проявляются в решении очевидных проблем. Первоначально не было никакой дифференциации в разведывательных исследованиях. Интеллектуальная структура интеллектуала привлекала внимание психологов на ранних стадиях века. Интеллектуальная проблема широко изучалась в зарубежной психологии, которая изучалась на основе различных теорий, концепций, подходов, позиций, направлений. В то же время, использование критериев измерения интеллекта, критериев, показателей развития, самооценки, тестирования и использование различных типов умственного развития основаны на научных теоретических основах.

Ключевые слова: интеллект, способности, талант, концепт, семантика, дивергенция, конвергенция, мышление, креативность, умственное движение, восприятие.

ХОРИЖ ПСИХОЛОГИЯСИДА ИНТЕЛЛЕКТ ТУШУНЧАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Аннотация

Инсоннинг ақлий тараққиётини тадқиқ қилиш бугунги кундаги фан олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Интеллект муаммоси собиқ шўро психологиясида ҳам, чет эл психологиясида ҳам энг кўп ўрганилган мавзулардан биридир. Интеллект моҳиятини талқин қилиш масаласига турлича ёндашилса ҳам, лекин умумий мақсад битта бўлиб, у ҳам бўлса, инсоннинг интеллектуал тараққиёти, унинг хусусиятлари, ўзига хослигини очиқ беришдан иборатдир. Психологияда қобилятни миқдор жиҳатидан ўлчаш, уни тавсифлаш учун интеллект тушунчаси қўлланилган. Тадқиқотчиларнинг назариясига биноан, ҳар бир инсон умумий интеллектнинг муайян даражасини ўзида ақс эттиради, бу эса, ўз навбатида, унинг ташқи муҳит билан муносабатига боғлиқдир. Уларнинг фикрига кўра, ҳар бир одамда ўзига хос қобилятни ривожлантиришни турли даражалари мавжуд бўлиб, улар яққол масалаларни ечиш жараёнида кўринади. Дастлаб интеллект тадқиқотларида унинг дифференциацияси мавжуд бўлмаган. Интеллект структурасини аниқлаш, айниқса, асримизнинг бошларида психолог олимларнинг диққатини ўзига тортди. Интеллект муаммоси хориж психологиясида жуда кенг ўрганилган бўлиб, улар турлича назариялар, концепциялар,

ёндашишлар, позициялар, йўналишларга асосланган ҳолда тадқиқ қилинган. Шу билан бирга, интеллектни ўлчаш мезонлари, критерийлари, тараққиёт кўрсаткичлари, ўзига хусусиятлари, тест яратиш ва ундан турли ёшдаги кишилар ақлий ривожини текширишда фойдаланиш ҳилма-хил илмий назарий негизларга қурилгандир.

Калит сўзлар: интеллект, қобилият, истеъдод, концепция, семантик, дивергент, конвергент, тафаккур, креативлик, ақлий ҳаракат, идрок.

КИРИШ. XX асрнинг бошларига келиб интеллектни ўрганиш юзасидан бир қанча тадқиқотлар олиб борилди. Инсоннинг ақлий тараққиётини тадқиқ қилиш бугунги кундаги фан олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Интеллект муаммоси собиқ шўро психологиясида ҳам, чет эл психологиясида ҳам энг кўп ўрганилган мавзулардан биридир. Ўзбекистонда, собиқ шўро психологиясида ва хорижда интеллект моҳиятини талқин қилиш масаласига турлича ёндашилса ҳам, лекин умумий мақсад битта бўлиб, у ҳам бўлса, инсоннинг интеллектуал тараққиёти, унинг хусусиятлари, ўзига хослигини очиб беришдан иборатдир. Кўпгина манбаларда, хусусан, собиқ шўро психологиясида ақлий истеъдод ёки қобилият деб юритиш анъанага қироб қолди.

АСОСИЙ ҚИСМ. АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари психологиясида қобилиятни миқдор жиҳатидан ўлчаш, уни тавсифлаш учун интеллект тушунчаси қўлланилган.

Интеллект структурасини аниқлаш, айниқса, асримизнинг бошларида психолог олимларнинг диққатини ўзига тортди. Машҳур америкалик олим Спирмен (1904 йил) индивиднинг хулқ-атворидан келиб чиққан ҳолда интеллектнинг аллақандай “бош” омилини ажратиб кўрсатдики, натижада уни “G” фактор деб атади. Унинг фикрига кўра, арифметик масалани ечишда, машина двигателини таъмирлашда ёки бирорта чет мамлакат тилини ўрганиш жараёнида одамнинг мияси ҳеч қачон бирдай ишламайди. Баъзи кишиларда умумий интеллект даражаси бошқаларники билан тенг бўлиши билан бирга, айрим фаолият турларини бажаришда яққол устунлиги сезилиб туради. Шунинг учун ҳам Спирмен G факторга қўшимча тариқасида S факторни ҳам фанга киритади. Ва уни махсус қобилиятнинг кўрсаткичи деб атайди. Спирменнинг назариясига биноан, ҳар бир инсон умумий интеллектнинг муайян даражасини ўзида акс эттиради, бу эса, ўз навбатида, унинг ташқи муҳит билан муносабатига боғлиқдир. Спирменнинг фикрига кўра, ҳар бир одамда ўзига хос қобилиятни ривожлантиришнинг турли даражалари мавжуд бўлиб, улар яққол масалаларни ечиш жараёнида кўринади. Дастлаб интеллект тадқиқотларида унинг дифференциацияси мавжуд бўлмаган[1]. Интеллект структурасини аниқлаш, айниқса, асримизнинг бошларида психолог олимларнинг диққатини ўзига тортди. Интеллектнинг икки факторли модели муаллифи Ч.Спирмен барча ментал тестлар ягона базавий интеллектуал қобилиятни ўлчашига ишончи қомил эди. Бошқача айтганда, кўп сонли диагностика қилинаётган қобилиятлар индивиднинг ментал қуввати даражасини акс эттирувчи

қандайдир умумий g факторнинг намоён бўлишидир[2]. Кейинчалик Г.Ю.Айзенк g факторни бошқача – марказий асаб тизими маълумотларини қайта ишлаш тезлиги сифатида ёки ақлий темп сифатида талқин қилди[3]. Бир вақтда содир бўладиган махсус s фактори турли мезонлар орқали акс этади, тестлар орқали ўлчанадиган инструментал воситалар ёки индивид engine (лотинча ingenium – табиий мойиллик, иктидор) улар ёрдамида ментал қувват ўзаро таъсирнинг муайян шаклларида татбиқ қилиниши мумкин. Ч.Спирменнинг фикрича, интеллект инсоннинг шахсий сифатларига боғлиқ бўлмайди ва интеллектуал сифатларни (масалан, қизиқиш, муваффақиятга эришиш мотивацияси ёки хавотир) ўз структурасига киритмайди. Замонавий тадқиқотлардан аниқланишича, Спирмен g фактор интеллектнинг глобал хусусияти сифатида унинг камчилигини аниқлашди, чунки мазкур ҳолатда охирилари ўрганиш мантикий интеллектуал хусусиятлар билан чекланади[4]. Икки факторли моделнинг ривожини Ч.Спирмен интеллектнинг иерархик моделини асослашга олиб келди. g ва s факторлар ўртасига муаллиф гуруҳий факторларни (арифметик, механик, лингвистик ва вербал қобилиятлар) жойлаштирди.

Интеллект структураси ҳақидаги тасаввурларнинг кейинги ривожини унинг дифференциацияси йўлида содир бўлди. 1920 йилда классик америка бихевиоризми вакили Э.Л.Торндайк ижтимоий интеллектни интеллектнинг бошқа шаклларида ажратди ва уни эркак ва аёллар, болалар ва қизларни тушуниш ҳамда уларни бошқариш – шахслараро муносабатларда оқилона иш юритиш қобилияти сифатида тавсифлайди[5]. 1926 йилда Торндайк томонидан модел ишлаб чиқилган бўлиб, унда “интеллектуал ҳаракатларнинг умумий асоси кўплаб алоҳида факторларнинг ўзаро таъсири остида очиб берилган”.

Интеллект тузилишини тадқиқ қилиш Спирмендан ташқари бир қатор олимларнинг изланишларида ўз ифодасини топди. Жумладан, Дж. Гилфорднинг (1959 йил) интеллект таркибини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлари, айниқса, қизиқарлидир. Ж.Гилфорд интеллектнинг 120 га яқин фактори (омили)ни ажратиб кўрсатади. Дж. Гилфорд ўзининг кубик моделида тафаккур ўлчамларидан операциялар:

– билиш функцияси: хотира, дивергент ва конвергент тафаккур;

– мазмун: образли, белгили, семантик, хулқий;

– натижа: элементлар, даражалар, алоқа, муносабат, тизим, ўзгартириш;

– ислоҳот; қўллаш, татбиқ қилиш –келиб чиққан ҳолда 120 та ўзига хос қобилият турларини ажратиб беришга ҳаракат қилади.

1. Мазмун – бизнинг бирон нарса ҳақида ўйлашимиз.

2. Операция – қандай тарзда ўйлаётган-лигимиз.

3. Натижа – бу ақлий ҳаракатларимиз нима-ларга олиб келади (яъни ақлий ҳаракатимиз натижаси).

Ж.Гилфорд дивергент ва конвергент тафаккур турлари негизида ижодий тафаккур ётишини далиллаб беради. Ж. Гилфорднинг фикрича, қобилият интеллект умумий моделининг ичида жойлашади, шу боисдан у креативликнинг тўрт омилини ажратиб кўрсатади.

а) оригиналик – изоҳланишга мўлжалланган бирикмалар, ўзгача (кутилмаган) жавоблар натижаларини кўрсатиш қобилияти;

б) семантик эгилувчанлик – объектнинг функциясини ажратиш ва ундан янгича фойдаланишни таклиф қилиш қобилияти;

в) ифодали мослаштирилган эгилувчанлик – янги имкониятларни кўриш учун рағбатлантирувчи омиллар шаклини ўзгартириш қобилияти;

г) семантик ўз-ўзидан юзага келувчи эгилувчанлик – нисбатан чекланган вазиятларда турли хил ғоялар яратиш қобилияти.

Ж.Гилфорд ижодий қобилиятларини айрим тахминий тузилишлар сифатида тушунади, натижада бу тузилишлар тест шакллари орасидаги интеркоррелизация сифатида намоён бўлади.

Д.Векслер умумий интеллектнинг компонентларини ўзида акс эттирувчи, бироқ интеллектнинг анъанавий коэффицентидан фаркланувчи тафаккур турлари диапазони мавжудлигини биринчи бўлиб маълум қилди[6] (IQ). 1940 йилда камдан-кам цитата олинди “умумий интеллектдаги ноинтеллектуал омиллар” мақоласида Д.Векслер ҳар бир “тўлиқ” ўлчамда “умумий қобилиятларнинг ноинтеллектуал жиҳатлари”га эътиборни қаратди. Олим “ноинтеллектуал элементлар” деганда нафақат психиканинг умумий ишга лаёқатини, балки унинг аффектив-бошқарув компонентларини ҳам тушунган, унинг шарофати билан инсон узоқ муддат унга аҳамиятли бўлган соҳадаги муаммоларга боғланиб туради[7]. Шунингдек, мақолада муаллиф “когнитив” ва “аффектив” деб номлаган – ижтимоий ва эмоционал қобилиятлар ҳам муҳокама қилинган. Афсуски, бу омиллар Векслернинг IQ тестига киритилмаган, чунки у пайтларда бунга кам эътибор қаратилган. Векслер интеллектуал қобилиятларни вербал ва невербал турларга (тасаввурга бўлган қобилият) ажратган ва турли кишиларда у ёки бу гуруҳ устунлик қилишини кўрсатиб берган[8,1958].

Р.Стенбергнинг назариясида интеллект шахснинг атроф-муҳитга мослашишига хизмат қилувчи информацион тизим сифатида қаралади. Триархик назариянинг асосий мазмуни қуйидагича: “Интеллектни ақлий ўз-ўзини бошқариш, бутун ҳаётни конструктив мақсадга йўналтирилган усул ёрдамида ақлий бошқариш сифатида белгилаш

мумкин.”[9] Ақлий ўз-ўзини бошқариш уч асосий элементни ўз ичига олади: атроф-муҳитга мослашиш, янги атроф-муҳит таъсирини танлаш ёки шахс билан мос муҳитни танлаш ва атроф-муҳитни шакллантириш.

Р.Стенбергнинг уч қисмдан (триархик) иборат назариясида интеллектнинг шахс ҳаётининг уч жараёни билан боғлиқлигига урғу берилади: ички информацион жараёнлар, тажриба ва ташқи олам. Мазкур концепцияга мувофиқ, интеллектга уч турдаги психик жараёнлар (ёки компонентлар) таъсир қилади:

– метакомпонентлар, муаммони ҳал қилиш жараёнини бошқарувчи ва унинг тавсифини ўз ичига олувчи, муаммони ҳал қилиш жараёнида босқичларни ажратиш ва якуний ечим ҳақида хулосалар;

– ўзида муайян масалани ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган жараёнларни ўзида акс эттирувчи, шу билан бирга, уни трансформация қилиш йўли билан бажарилувчи компонентлар;

– бўлғуси маълумотлар учун фойдали бўлган ўқитиш хусусияти ва сақланиши билан таъминланадиган, қўлга киритилган билимлар компоненти.

Олим интеллектнинг бошқа концепцияларида асосий урғу бажариладиган компонентларга берилётгани (яъни олдин эгалланган билимлар таҳлили), тажриба ҳамда метакомпонентларга етарлича эътибор берилмаётганини танқид қилади. Буларни ҳисобга олиш ижтимоий, амалий ва эмоционал интеллект соҳаларида ўлчовни кенг ёйиш имконини берар эди[10].

Р.Стенберг ўзининг интеллект моделида интеллектуал омилларга катта эътибор қаратади. Интеллектнинг донолик, ижодкорлик ўртасидаги ўзаро муносабатини кўриб чиқиш натижасида муаллиф интеллектни тасвирлайдиган учта биополяри параметрни аниқлади:

1) амалий вазифаларни ҳал қилиш қобилияти (ишбилармонлик, ақллилик, билимларни қўллашдаги ўзгарувчанлик) – нуткий қобилият (аниқлик ва нутқ равонлиги);

2) интеллектуал интеграция (фарқларни кўриш қобилияти ва турли нуқтаи назарларни мувофиқлаштириш) – мақсадга йўналганлик (маълумотларни селектив қидириш, тиришқоқлик);

3) контекстуал интеллект (олам ҳақидаги билим ва шахсий тажрибадан фойдаланиш) – мавжуд тафаккур (зийраклик, фикрлаш тезлиги, мавҳум фикрлаш қобилияти)[11].

Швейцариялик психолог Ж.Пиаже интеллект муаммосига ўз шахсий нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашади. У кўп ҳолларда тафаккур тушунчаси ўрнига “интеллект” терминини ишлатади, баъзан психологик атамалардан бирмунча узоқлашади ва ҳоказо. Ж.Пиаже интеллект назариясини иккига ажратиб, уларни интеллект функциялари ҳамда интеллект даврлари деб номлайди. Ж.Пиаже мулоҳазасига кўра, интеллектнинг асосий функциялари қаторига уюшқоқлик (тартиблилик) ва адаптация (мослашиш

,кўникиш) киритилган бўлиб, улар интеллектнинг функционал инвариантлиги деб юритилади. Муаллиф интеллектнинг қуйидаги босқичларини ажратади:

а) сенсомотор интеллекти (туғилишдан то 2 ёшгача);

б) операциялардан илгариги тафаккур даври (2 ёшдан 7 ёшгача);

в) конкрет (яққол) операциялар (аклий ҳаракатлар) даври (7-8 ёшдан 11-12 ёшгача);

г) формал (расмий) операциялар (ҳаракатларни амалга ошириш) даври. Ж.Пиаженинг фикрича “интеллектнинг ўсиши болада нутқ пайдо бўлишидан илгари бошланади. Интеллектнинг куртаги боланинг дастлабки тартибсиз хатти-ҳаракатларида ўз ифодасини топади”[12]. Кейинчалик мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар актини амалга ошириш натижасида ва таҳлил қилиш ёрдамида интеллектнинг генетик илдизини ўрганиш учун муҳим имкониятлар яратилади. Ж.Пиаже конкрет операциялар даври предметлар билан алоқада эканлигини таъкидлаб, психологияда олға силжиш ясайди. Формал (расмий) операциялар даврига тасниф берилганда эса предметлар билан тобора алоқа йўқола бориши қайд қилинади. Интеллектнинг ўсиши инсон операциялар системаси билан қуролланишидан иборат эканлиги айтиб

ўтилади. Интеллектнинг тараққиёт палласида аклий ҳаракатлар йиғиқ ҳолда содир бўлади. Интеллект даврининг ўзаро ўрин алмашиши тафаккур ўсишини билдиради, даврнинг кетма-кетлиги эса ривожланишнинг ички қонуниятларини ифодалайди.

Ж.Пиаженинг интеллект назарияси жаҳон психологияси фани учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда объектив “клиник” метод қўлланилган, интеллектнинг генетик илдизлари очиб берилган, интеллект билан предметлар ўртасидаги хусусиятларнинг ўзига хослиги ёритилган, интеллектуал фаолиятда субъектнинг ўзгариб бориши эмпирик материаллар ва назарий мулоҳазалар билан исботланган. Шунини таъкидлаш жоизки, аста-секин интеллект томонларининг кўплиги илмда тасдиқланди.

ХУЛОСА. Интеллект муаммоси хориж психологиясида жуда кенг ўрганилган бўлиб, улар турлича назариялар, концепциялар, ёндашишлар, позициялар, йўналишларга асосланган ҳолда тадқиқ қилинган. Шу билан бирга, интеллектни ўлчаш мезонлари, критерийлари, тараққиёт кўрсаткичлари, ўзига хусусиятлари, тест яратиш ва ундан турли ёшдаги кишилар аклий ривожини текширишда фойдаланиш ҳилма-хил илмий назарий негизларга қурилгандир.

АДАБИЁТЛАР

1. Андреева И.Н. Эмоциональный интеллект как феномен современной психологии. Новополецк ПГУ. 2011-21 с.
2. Spearman, C. The ability of man / C. Spearman. – N.Y.: Macmillan, 1927.
3. Айзенк, Г.Ю. Интеллект: новый взгляд / Г.Ю. Айзенк // Вопросы психологии. – 1995. – № 1. – С. 111 – 129.
4. Либин, А.В. Дифференциальная психология: На пересечении европей-ских, российских и американских традиций / А.В. Либин. – М.: Смысл; Per Se, 2000. – 549 с.
5. Орме, Г. Эмоциональное мышление как инструмент достижения успеха/ Г. Орме. – М: «КСП+», 2003. – 42с.
6. Wechsler, D. Reprinted in Journal of Abnormal Social Psychology. – 1943. – 38. – P. 101 – 103.
7. Wechsler, D. Wechsler intelligence Scale for Children / D. Wechsler. –N.Y.: Psychological Corporation, 1949.
8. Wechsler, D. The measurement and appraisal of adult intelligence / D. Wechsler. (4th ed.). – Baltimore, MD: The Williams & Wilkins Company, 1958.
9. Salovey, P. The positive psychology of emotional intelligence. In C.R. Snyder& S.J. Lopez (Eds.), The handbook of positive psychology. – New York:
10. Testing common sense / R.J. Sternberg [et al.] // American Psychologist. –1995. – 50. – P. 912 – 927.
11. Дружинин, В.Н. Метафорические модели интеллекта / В.Н. Дружинин// Психол. журнал. – 1999. – № 6. – С. 44 – 52
12. Фозиев Э.Ф. Умумий психология. Т.2010 . 459-бет.



Д. РАХМАТОВА,

Қариши давлат университети мустақил тадқиқотчиси

E-mail: rahmatova.dilnavoz@mail.ru

IDEOLOGICAL STRUGGLE IS THE RESULT OF GEOCOMPETITION

Annotation

The article describes the spiritual and ideological threats and the fight against them. In addition, on the part of the author, this period of struggle was studied in stages. In particular, at the first stage - if attacks on our ideology related to the conversion of our religion and values, destruction of places of interest, destruction of religious books during the Soviet period were analyzed, then at the second stage, it is a question of the consequences of the emergence of religious illiteracy among the population, with the influence of the ideology of atheism, which was inspired for almost one century on the consciousness of the people. In addition, the article deals with the introduction of the struggle for the consequences of these threats, at the same time as the future of the nation remained under threat. That is, there have been cases such as, for their own selfish purposes, extremists lured a stratum of the population who have not fully formed the concept of religion, but accept the Ayats of Islam very easily, since they are considered Muslims in their souls. This period represented a serious threat to the state and the nation. The third stage is the period of struggle against modern threats, and in today's era of information and technology, the consequences of the spread of malicious threats through the Internet are enormous. The article discusses these dangers that pose a serious threat to the security of the state and nation, and ways to prevent them. That is, the influence of modern technologies on the security of the individual, the state and society and ways to combat them.

Keywords: spiritual threat, ideological threat, creativity and destruction, folk culture, globalization, repression, religious faith, informational attacks, ideological struggle.

МАФКУРАВИЙ КУРАШ – ГЕОРАҚОБАТ МАҲСУЛИ

Аннотация

Мақолада маънавий ва мафкуравий таҳдидлар ҳамда курашларга таъриф берилган. Ундан ташқари, ушбу курашлар даври муаллиф томонидан босқичларга бўлиб ўрғанилган. Жумладан, биринчи босқичда – шўро даврида динимиз ва қадриятларимизнинг оёқ ости қилиниши, қадамжоларимиз вайрон этилиши, диний китобларнинг йўқ қилиниши билан мафкуримизга берилган зарбалар таҳлил қилинган бўлса, иккинчи босқичда, салкам бир аср мобайнида халқимиз онгига сингдириб келинган атеистик гоя таъсирида миллат онгида диний саводсизликнинг вужудга келиши, миллат келажаги хавф остида қолган бир пайтда унинг асоратларига қариши олиб борилган курашлар хусусида сўз борган. Яъни, онгида дин тушунчаси тўлиқ шаклланмаган, бироқ ислом оятларини осонликча қабул қилган аҳоли қатламидан диний экстремик ёт гоя вакиллари гаразли мақсадларда фойдаланиши ҳолатлари учради. Ушбу давр давлат ва миллат учун жиддий хавфни олиб келди. Учинчи босқич замонавий таҳдидларга қариши олиб борилаётган курашлар даври бўлиб, бугунги ахборот-технологиялари асрида интернет тармоқлари орқали тарқатиладиган хавфли иллатлар таъсири ниҳоятда кенг. Мақолада давлат ва миллат хавфсизлигига жиддий хавф солаётган ушбу иллатлар ҳамда унинг олдини олиши йўллари хусусида сўз борган. Яъни замонавий технологияларнинг шахс, давлат ва жамият хавфсизлигига таъсири ва уларга қариши кураш йўллари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: маънавий таҳдид, мафкуравий таҳдид, бунёдкорлик ва вайронкорлик гоялари, оммавий маданият, глобализация.

ИДЕОЛОГИЧЕСКИЕ УГРОЗЫ – ПРОДУКТ ГЕОСОПЕРНИЧЕСТВА

Аннотация

В статье описывает духовные и идеологические угрозы и борьбы против них. Кроме того, со стороны автора этот период борьбы изучался поэтапно. В частности, на первом этапе – если были проанализированы удары по нашей идеологии, связанные с поперением нашей религии и ценностями, разрушением достопримечательностей, уничтожением религиозных книг, во время советского периода, то на втором этапе – речь идет о последствий возникновение религиозной неграмотности среди населения, с оказанием влияние идеологии атеизма, которое было внушено на протяжении почти одного века на сознание народа. Кроме того, в статье идет речь о введение борьбы за последствий этих угроз, в одно время как будущее нации осталось под угрозой. То есть, встречались случае такие как, экстремисты для своих корыстных целях заманивали слой населения, у которых в сознание не полноценно сформированно понятие религия, но принимают ояты ислама очень легко так как, в душе они считаются мусульманами.

Этот период представлял серьезную угрозу государству и нации. Третий этап - это период борьбы с современными угрозами, а в сегодняшнем дне в эпохе информации и технологий последствия распространения вредоносных угроз через интернет огромны. В статье рассматриваются эти опасности, которые представляют серьезную угрозу безопасности государства и нации, и способы их предотвращения. То есть влияние современных технологий на безопасность личности, государства и общества и способы борьбы с ними.

Ключевые слова: духовная угроза, идеологическая угроза, творчество и разрушение, народная культура, глобализация, репрессии, религиозная вера, информационные атаки, идеологическая борьба.

КИРИШ

Давлатлар ўртасидаги рақобатлар моддий-ликка асосланади, албатта, чунки табиий ресурсларга эга бўлмаган, иқтисодий жиҳатдан қолоқ давлатлар манфаатдор кучларнинг эътиборини тортмайди. Бугунги глобаллашув жараёнида олиб бориладиган курашлар қанчалик манфаатга кўз тикмасин, қурол-яроқ билан эмас, маънавий-мафқуравий жиҳатдан олиб борилгани самарали натижа бермоқда.

Бу борада Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида кенг тавсиф берилган. Жумладан, “Маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ўз-ўзидан мамлакат хавфсизлигини, унинг миллий манфаатларини, соғлом авлод келажagini таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охи-роқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин[1].

Маънавий таҳдид шахснинг тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, уни том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафқуравий, ғоявий ва инфор-мацион хуружлар, деб таърифланади. Маънавий таҳдид кўп, ёхуд оз бўлса-да, ҳамма замонда ҳам бўлган[2]. Бироқ бугунги куннинг маънавий таҳдиди анча хавфли кўринишга кирган. Зеро, ҳеч бир замонавий техника билан унинг назоратини ушлаб туриб бўлмайди.

Мафқуравий таҳдидга келсак, муайян шахс, давлат, жамият ёки миллатнинг тинчлиги ва барқарорлигига қарши қаратилган, сиёсий конституцион тузумни заифлаштириш ҳамда бузишга йўналтирилган, жамият аъзоларининг хавфсизлиги, мафқуравий, руҳий дунёсига тажовуз қиладиган ғоявий-назарий қарашлар ва уларга асосланган амалиёт мажмуини ифодалайдиган тушунчадир. Зеро, “...бирон бир давлат ёки мамлакатда яққою-ягона мафқура ҳукмронлик қилар экан, бу жамият, бу давлат шубҳасиз инқирозга юз тутиши тарихдан маълум[3]”.

Ўзбекистон давлат сифатида шаклланибдики, маънавий-мафқуравий ҳужумлар билан курашиб келмоқда. Ушбу курашларни даврларда қуйидаги мисоллар билан талқин этишга уриндик:

Биринчи даври, Шўро ҳокимияти қаттол сиёсатининг дастлабки босқичларидан бошланиб, халқни қўрқитиш орқали, миллийлигини, ўзлигини йўқотиш, совет давлатига содиқ хизмат қиладиган манкуртларни яратишга қаратилган эди. Бунинг учун улар бор имкониятларини ишга солдилар.

Айниқса, 1920-1930 йилларда дин ва маърифатга қарши бўлган таъзйиклар остида қолган

дин арбоблари сургун этилди, отиб ўлдирилди, қамоққа олинди. Кўплаб диний китоблар ёқилиши билан тарихиймизни ёқишга уриндилар. Қадриятлар топталди, уларнинг ўрнига янги ғояларни сингдириш амаллари қаттиққўллик билан жорий этилди ва олиб борилди. Дин, маънавият ва маърифатга қарши сиёсат Ўзбекистоннинг барча хуудларида ва жамиятнинг барча қатламларига бирдек олиб борилди, бироқ, биз айнан Қашқадарё мисолида келтиришни жоиз деб билдик. Бу келтирилган мисоллардан инсон кадр-киммати деган тушунчалар мутлақо йўқ эканлигини англаш мумкин. Айниқса, бу даврда маънавий баркамол, теран фикрли, дунёқараши юксак зиёли шоир ва ёзувчиларни, илм аҳлини узок ўлкаларга сургун қилиш одат тусига кириб қолган эди.

Тоғай шоир Махмон ўгли 1891 йилда Қашқадарё вилоятининг Чироқчи (қадимда Кишмиштепа дейилган) туманидаги Араббанди қишлоғида бахшилар оиласида туғилиб, 1976 йил 8 февралда вафот этган[4]. Тоғай шоир содда қишлоқ одами бўлиб, Шўро сиёсатининг тубанликларини яхши англамаганлиги боис, бошидан кўплаб қийинчиликларни ўтказди. Унинг қилган “мудхиш айби” шунда эдики, кенг яйловда “Меккамчол” ҳақида ҳикояни бахшичилик термасида айтиб турган пайтида Шўро аскари томонидан қўлга олинди ва 1930 йилда Шимолий Қозоқистоннинг Сибирь ерлари билан чегарадош жойларига, сўнгра Новосибирск шаҳрига сургун қилинди. У 1932 йилда сургундан қочишга муваффақ бўлади. Лекин шу йилнинг ўзида бутун оила аъзолари билан оммавий равишда яна Сибирга сургун қилинди. Сибирда кўмир қонида ишлашга мажбур бўлишди. Оила аъзоларидан тўрт нафари совуқ, очлик, юпун кийим туфайли икки-уч йил ичида вафот этишди[5].

Абдулла Қадирий (Танбурий) – 1896 йилда Шаҳрисабз шаҳридаги Ҳазрати имом маҳалласида, Мирза Абдулқодир қоровулбеги оиласида таваллуд топган. Танбурий аввал Шаҳрисабз ва Қаршидаги, сўнгра Бухородаги Мир Араб мадрасаларида диний ва дунёвий билимларни олиш билан бир қаторда, ҳаттотлик маҳоратини ҳам оширди[6]. Саводхонлик даражаси юқори бўлганлиги боис, Танбурийни Амир Олимхон сарой девонига мирзаликка қабул қилган. 1920 йилда Бухорода сиёсий вазият кескинлашди. Амирнинг мирзаси сифатида уни ҳар қадамда таъқиб этдилар. Танбурий 1928 йилда Қарши шаҳрида биринчи театр труппасини ташкил этади. 1932 йилда Танбурий томонидан ташкил этилган труппа замирида хозирги Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номидаги вилоят мусикали драма театрининг подевори ҳисобланган Қарши шаҳар

театри ташкил этилади. Бу даврда хотин – кизларнинг театр сахнасига чикиб рол ўйнаши жуда кийин масала эди. Бироқ, Қарши театрида 2 та маҳаллий хотин-қиз фаолият юритганлар ва Танбурийнинг катта “мудҳиш айби” ана шу иккала кизнинг номусини маҳаллий амалдорлардан химоя қилгани бўлди.

Коммунистик мафкуранинг яловбардорлари даҳрийликка асосланган жамиятни қуришга бўлган уринишлари, албатта, ўз самарасини бермай қўймади. Қўрқув остида қолган маҳаллий аҳоли “хато қилмаслик”ка урина бошлади.

Бироқ, Совет ҳокимиятининг миллат тақдирига шавқатсизларча чанг солиши авж олди. Айниқса, шахс ва жамият рухиятига салбий таъсир кўрсата оладиган мудҳиш ишлар амалга оширилди.

Биринчидан, меъморий обида ва зиёратгоҳлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш авж олди. Бунга мисол, Қарши шаҳридаги 1910 йилда қурилган Хўжа Абдулазизбой мадрасасидан[7], 1920 йилдан бошлаб Бехбудий номидаги шаҳар камоқхонаси вазифасида фойдаланилган. Бу ерда “қатагон даврида” турли сабаблар билан камалган инсонларнинг жасадлари яқин қариндошларига қайтариб берилмас, ўртада лаҳм қавланган бўлиб, ўша ернинг ўзида отиб ўлдирилди эди.

“Одина” жомеъ масжиди Қарши шаҳрининг XIV асрдан кўрки бўлиб келган бу бинодан, 1938[8] йилдан Қашқадарё вилоят 5-тергов изолятори вазифасида фойдаланилган.

XVIII асрда бунёд этилган Шарофбой ва Кўрғонча кишлоғи мадрасаларида кўплаб маҳаллий аҳоли фарзандлари савод чиқарганлар. Бироқ, мадраса бинолари XX асрнинг 20-30 йилларига келиб, сил, тери-таносил касалликлари диспансерига айлантирилди[9]. Аҳоли яқин ўтмишда зиё маскани сифатида фойдаланган бу жойлардан икки қақирим наридан юрак ҳовучлаб айланиб ўтадиган бўлди.

Иккинчидан, дин ва маърифатга қарши олиб борилган кураш кўплаб диний китобларнинг йўқ қилинишига олиб келди. Қатагон даврининг баттол сиёсатидан кўркиб қолган халқнинг ўзи ҳам кўплаб диний китобларни кўрқув васвасасига тушиб ёкиб юборди. Сақлаб қолинганлари эса, маърифатли инсонлар томонидан қудуқлар, деворларнинг орасида кўмилар эди. Мана шундай қатагон даврида сақлаб қолинган “Қуръону Карим” китобининг қадимий кўлөзма нусхаси, бугунги кунда Қарши давлат университети тузилмасидаги “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи экспозициясида сақланмоқда. Китоб Қарши туманидаги “Абу Муъйил ан-Насафий” зиёратгоҳидан топилган. XX асрнинг 20-30 йилларида диннинг қатагон этилиш даврида уни сақлаб қолиш мақсадида чармга ўраб, девор орасига қўйиб, лойсувоқ қилиб, ёпиб юборилган.

Қашқадарё вилоятининг туманлари ва кишлоқлари бўйлаб юриб, олиб борган илмий изланишларимиз давомида бундай ҳолатларнинг кўплаб гувоҳи бўлдик.

Учинчидан, дин пешволари камоққа олинди, ўлдирилди ёки сургун қилинди, шавқатсиз жазоландилар. Маҳаллий аҳоли азалдан динга эътиқодли бўлганлиги боис, фарзанди касал бўлганда, бирор жойи оғриганда ҳам кишлоқ эшонига шифо истаб боришган. Кишлоқ боши бўлган эшонлар жабрдийда халқини ташлаб қўя олмаган. Бу эса уларнинг фожевий қисматига сабаб бўлган.

Тўртинчидан, 1937-1938 йиллар тарихга “қатта қирғин” номи билан қирган қатагоннинг қонли саҳифаси бўлиб, бу даврда илм-маърифат соҳиблари қатагон этилди. Булардан бири 1906 йилда Китоб вилоятининг беги Нусратулло Низомиддинов оиласида дунёга келган Омонулло Нусратуллаев. У 1922 йилда БХСР ҳукумати томонидан Германияга ўқишга жўнатилди. 1937 йил Германияда ўқиган кўплаб талабалар қаторида Омонулло Нусратуллаев ҳам турли тухматлар билан қамалади ва 1938 йилнинг 9 октябр санасида ўлимга маҳкум этилади. Фақатгина 1959 йил Омонулло Нусратуллаев бегуноҳ эканлиги исботланиб оқланди[10].

Бешинчидан, Иккинчи Жаҳон урушидан кейинги қурбонлар айни замоннинг илмли ва зиёлилари бўлган. Булар қаторида 1918 йил Қашқадарё вилояти Китоб туманида туғилган Нажмиддинхон Ҳомидов (Асирий) ҳам бўлган. Бугунги кунда ҳам кишлоқ аҳли “авлиёсифат инсон” деб таъриф бериб келаётган Нажмиддинхон кишлоқ аҳлининг дардига дармон бўлган маърифатли инсон эди. У ўз шеърларида Ўзбекистоннинг миллий истиклолини 1950 йиллардаёқ ғурур билан куйлаган. У бир шеърда шундай сатрларни битишга жазм этган:

Ўқсима ғамгин юрак, улкан гулистон ўлғуси,
Очилиб ҳар ён чечаклар, мисли бўстон ўлғуси.

Шонли куч, эркин ҳаёт – бирлик шиоринг
ярқираб,

Миллий байроғинг буюкликда намоён
ўлғуси[11].

Нажмиддинхон Ҳомидов 1941 йилда Иккинчи Жаҳон урушига кетиб, 1943 йилда асирликка тушиб қолади. Асирликдан қочиб, яна шўро аскарларига қўшилиб, жангни давом эттириб, ғалабани Берлинда нишонлади. Бироқ, уруш якунига етгач, ватан учун жон олиб-берган йигитлар “ватан хоини” деб, ҳибсга олинди. 1948 йил Сибирга олиб кетилиб, 1949 йилнинг ёзларида Қозоғистоннинг энг об-ҳавоси ёмон бўлган нуқтаси – Қарағанда вилояти, Жезқозғон 392/1-2-жазо лагерига юборилади. У ерда Жезқозғон кўмир қонида ишлаб юрган кезида, устига йиқилган бир вагон кўмирнинг асоратидан жигари хасталаниб, шу хасталик таъсирида умрининг охиригача азобланган[12].

Олтинчидан, халқни мажбурий меҳнатга жалб этиш, айниқса, ҳатто декабрь, январь ойларига қадар мактаб ўқувчиларини ҳам пахта теримига жалб этиш Советлар сиёсатининг асосий мафкурасига айланган эди.

Изланишларимиз давомида айни “Пахта иши” билан инсонийлик ҳақ-ҳуқуқи топталиб, кадр-қиммати оёқости бўлган инсонлар билан суҳбатда бўлди. Шулардан бугун кўплаб сайёҳлар оқими ташриф буюрадиган “Одина” мажмуасида 1986-1989 йилларда Совет ҳокимиятининг зулми таъсирида, даҳшатли қийноқларни бошидан кечирган юртдошларимиз ҳақида тўхталамиз. “Пахта иши” билан ётган кезларимизда 2x2 метр келадиган зах хоналарда (хужралар камерага айлантирилган) 26 тагача маҳбус ётганмиз. Шифтга яқин ерда кичик туйнук бўлиб, бу ердан кирган ҳаво 26 кишига етмас, ташқарига чиқиш мумкин эмас ва зарурий ишлар учун хонани ўзида челақ кўйилган эди” – деб, хотирлайди, Қашқадарё вилояти Китоб тумани Сароисиё қишлоғида яшовчи Саидолим Низомов. Орадан йиллар ўтса-да, Совет ҳокимиятининг оғриқли ҳақоратлари етказган қалб яралари хануз битмади.

Юқорида келтириб ўтилган мисолларда шахс, давлат ва жамият онгига қаратилган маънавий-мафкуравий таҳдидлар турли йўллар билан амалга оширилганлигини кузатишимиз мумкин.

Зўравонликларга давлат сиёсати мақомини бериб, халқни кўрқувда ушлаб туриш орқали маънавиятимизга болта урилди. Узоқ муддат сингдириб борилган мафкура ва ғоя ниҳоят ўз самарасини бера бошлади. Миллатимиз орасидан Совет ҳокимиятининг “Дин маънавий оғунинг бир туридир”, “Дин афиундир” деган мафкураси ортидан эргашган атеистик ғоя вакиллари етишиб чиқди. Ана шундай ғоя вакиллари зиёлилар орасида ҳам кўп эди.

Давлатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ҳам шўро ҳокимияти қолдирган доғлар миллат келажигига таҳдид солишда давом этди. Албатта, бундай доғлардан тез орада қутилиш мушкул иш эди. Бирок, мустақилликдан сўнг таҳдидлар бошқача тусга кирди ва яна хавфсизлигимизга раҳна солишни бошлади.

Бошқача айтганда, маънавий-мафкуравий курашнинг иккинчи даври бошландики, бу давлатимиз томонидан диний тушунчаси бўлмаган, бирок туғилганиданок “Бисмиллоҳ”, “Оллоҳ” номини эшитган, қон-қонига исломий калом сингиб кетган фуқароларни тўғри йўлдан оздиришга қаратилган ҳаракатларнинг олдини олиш учун олиб борилган курашлар эди.

Тузум таъсирида ҳар қанча таъқиқлаб кўйилган бўлмасин, “Қуръони карим” сура ва оятларини эшитган захоти, инсон руҳиятидаги сокинлик кайфиятини кузатиш мумкин.

Шу ўринда Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 5 январь санасида халқ депутатлар вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқини келтириб ўтишни жоиз билдик: “Қуръонни эшитиш, эшита олиш – юксак маънавият, маърифат. Қуръон ҳеч қачон ёмонликка даъват қилмайди. Агар Қуръони каримни эшита олсак, бу муваффақият бўлади. Элимизга нур келади[13]”. Дарҳақиқат, Қуръони карим кироатидаги илоҳий нола ҳар бир мусулмон

фарзандининг қонига, қалб шуурига сингиб кетганлиги боис у ўзига беихтиёр оханграбодек тортади. Буни теран англаган ёвуз фирқа вакиллари Қуръон оятларининг асл моҳиятини англаб етмаган шахсларни ўз изидан эргаштиришга киришди. Маълум маънода бу ишни уддасидан чиқдилар ҳам.

Совет мустабид даври тузумининг атеистик ғоялари асорати миллатимиз бир авлод вакиллари ва уларнинг тарбиясида улғайган фарзандлар онгида диний кемтиклик, яъни диний саводсизликни юзага келтирди.

Мустақилликдан сўнг халқимизнинг ислом динига бўлган эътиқоди ва интилишига ҳурмат билан қаралди. Бирок, маълум даврдаги диний узилиш, албатта, ўз таъсирига эга эди. Жамиятдаги бу бурилишдан фойдаланишга уринган турли ёд ғоя вакиллари учун бу ҳолат айни муддао бўлди.

Шу ўринда Президент Ислоҳ Каримовнинг «80-йилларнинг охирида мамлакатимизда ўзини «дўст», «диндош», миллатдош қилиб кўрсатиб, гўё ислом динининг софлиги учун курашга «даъват» этувчи айрим кимсалар кириб келди. Жуда «чиройли даъват»лар билан чиқиб, айрим ёшларни ўзига махлиё қилишга эришди ҳам. ... улар дин никоби остида ҳаракат қилаётган халқаро террорчилик ҳаракатининг бир тўдаси экани ошқора бўлди...»[14], деган фикрларини эслаш ўринлидир. Бу ўғитлар бизни нафақат огоҳликка, балки мафкуравий кураш майдонига чорлади.

Маънавий-мафкуравий курашнинг учинчи даври – бу бугунги кунда миллат келажигига раҳна солаётган замонавий таҳдидларга қарши олиб борилаётган курашлар даври.

Жаҳонда турли кўринишда акс этиб келаётган урушларнинг аксарияти реактив кучга эга информация урушлар бўлиб, ушбу урушларнинг олди олинмаса, радиактив кучдаги ядровий урушларга айланиб кетиш эҳтимоли йўқ эмас. Бундай вазиятда нотинчлик ва беқарорликни кўзғаш, уруш оловини ёқиш, жанжал-тўполон кўтариш, кўзғолон ва ғалаёнга ундашдан манфаатдор кучлар ҳам борлиги сир эмас. Тинчлик ва уруш орасидаги муносабат эзгулик ва ёвузлик орасидаги кураш каби азалий ва абадий бўлиб туюлади. Мана шундай зиддиятнинг алоҳида олинган бир инсонга хос ички психологик механизми Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов томонидан “Тафаккур” журнаliga берилган интервьюда (1998) чуқур фалсафий таҳлил қилинган эди. “Менинг назаримда, - деб таъкидлаган эди И.Каримов, - одамнинг қалбида *иккита куч – бунёдкорлик ва вайронкорлик ҳаммиша ўзаро курашади. Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йиқит инстинктлари, яъни хатти-ҳаракатларини кўзгатиб юбориш осонроқ*”[15].

Ахборот хуружлари давлатнинг ички хавфсизлигига жиддий таҳдид ўтказди. Замонавий дунёда ахборот шахс, давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўринни эгаллайди. Интернетга тармоқларига кириш инсонлар ахборотлашувини кучайтириб

юборди. Бироқ, ахборот хавфсизликка катта хавф соладиган манипуляция воситаси сифатида иштирок этмайди.

Хулоса қилиб шунини айтмоқчимизки, ҳар қандай маънавий-мафкуравий ҳуружларга қарши жамият аъзоларининг миллий мафкурасини

мустаҳкамлаш, маданий савиясини тинимсиз ошириш, маънавийли комил инсонларни тарбиялаш, фуқароларнинг китобхонлик ёки газетхонлик кўникмалари янада ортишига хизмат қиладиган ахборот таъсирларини кўчайтириш орқали эришиш имкони мавжуд.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент. “Маънавият”-2008 й. 12 -бет
2. Ҳайтов Ў. ЎзМТДП фракцияси аъзоси. Ҳазрати инсон тафаккурини ўзида жо этган асар. 31/01/2018 <http://milliytiklanish.uz/archives/2206>
3. Каримов И.А. Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи. – Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.Ўзбекистон, 2000. Б.449
4. Кенгбоев Н., Кенгбоев О. “Шомурод шоир” Т.: “Янги аср авлоди” 2009, Б-8.
5. Кенгбоев Н., Кенгбоев О. “Шомурод шоир” Т.: “Янги аср авлоди” 2009, Б-12
6. Ашурова Ш. Ижод – илоҳий неъмат/Маънавият жавоҳири. Т.: “Янги аср авлоди”-2015, Б.281
7. Насриддинов Қ., Хўжайров Ў. Қарши шахрининг меъморий ёдгорликлари. Т.: “Янги аср авлоди”-2011, Б.-30
8. Насриддинов Қ. Дала ёзувлари Жалилов Исом/ Қарши қалъаси. Қарши. “Насаф”-2006, Б.108
9. Файзуллаев Ҳ. Сабр билан енгдим ўлимни. Тошкент. 2008, Б.88
10. Ирзаев Б. Ўзбек ёшлари ва хорижий таълим. Т.: “Академ” 2018, Б.31
11. Фақирий И., Ҳомидов Н. Авлодлар баёзи. Т.:”А.Қодирий номидаги халқ мероси” нашриёти.
12. Ҳомидов А., Ҳомидова М. Асрга тенгдош хотиралар. Т.: Мутоз сўз. 2016, Б.9-10
13. Azon.uz/06.01.2018.
14. Каримов И.А. «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман». «Fidokor» газетаси муҳбири саволларига жавоблари.// Fidokor, 2000 йил 8 июнь
15. Каримов И.А. “Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин!”, “Тафаккур” журналига берилган интервью. 1998 й. № 3.



Бердияр САПАРОВ

Тошкент давлат аграр университети катта ўқитувчиси, фалсафа доктори (PhD)

E-mail: berdiyarsaparov@mail.ru

THE PLACE OF VALUE IN THE NATIONAL IDEA AND NATIONAL SELF-AWARENESS

Abstract

In the article the essence and content of value conception was analyzed, the definitions of this notion were cited by the scientists, the author's approach to them was stated. At the same time, it was considered the attitude to values during the years of Independence and new approach formation to their content, and also it was exposed the essence and content of such notions, as: "national pride", "national sense", "national spirit", "national character". In the article was made scientific conclusion that national values make the totality of material and spiritual heritage serving to national needs, interests, goals and that national heritage is a constituent part of self-awareness. At the same time, the author in the concluding part admitted the disparity to goals of national idea, real essence of customs and traditions, laying in its basis, opinion to them as on the "survival of the past", "factors, preventing development" in the conditions of various views for national cultural heritage, customs and traditions of people of the world.

Key words: national idea, national self-awareness, value, national value, national pride, national feeling, national spirit, national character.

МЕСТО ЦЕННОСТЕЙ В НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕЕ И НАЦИОНАЛЬНОМ САМОСОЗНАНИИ

Аннотация

В статье анализируется сущность и содержание понятия ценности, приводятся дефиниции учёных данному понятию, излагается подход автора к ним. Вместе с тем, рассматривается отношение к ценностям в годы независимости и формирование нового подхода к их содержанию, а также, раскрывается сущность и содержание таких понятий, как: «национальная гордость», «национальное чувство», «национальный дух», «национальный характер». В статье сделаны научные выводы о том, что национальные ценности составляют совокупность материального и духовного наследия, служащего национальным потребностям, интересам, целям и, что национальное наследие является составной частью национального самосознания. Вместе с тем, автор в заключительной части статьи признаёт несоответствие целям национальной идеи, истинной сущности обычаев и традиций, лежащих в её основе, взглядов на них, как на «пережиток прошлого», «фактор, мешающий развитию» в условиях различного взгляда на национально-культурное наследие, обычаи и традиции народов мира.

Ключевые слова: национальная идея, национальное самосознание, ценность, национальная ценность, национальная гордость, национальное чувство, национальный дух, национальный характер.

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация

Ушбу мақолада қадрият тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти очиб берилди. Шунингдек қадрият тушунчасига соҳа олимлари томонидан берилган таърифлар келтирилиб, муаллиф уларга ўзининг ёндашувини баён этади. Мустақиллик йилларида қадриятларга муносабат ва уларнинг моҳиятига янгича ёндашувнинг шаклланиши, шунингдек, «миллий гуруҳ», «миллий ифтихор», «миллий ҳис», «миллий руҳ», «миллий характер» тушунчаларининг мазмун-моҳияти очиб берилди. Миллий қадриятлар миллат эҳтиёжи, манфаатлари, мақсадларига хизмат қиладиган моддий ва маънавий мерос мажмуасини ташкил қилиши ва миллий мерос ўзликни англашнинг таркибий қисми эканлиги тўғрисида илмий хулосалар чиқарилади. Шу билан бирга муаллиф мақоланинг хулоса қисмида, дунёда халқларнинг миллий-маданий мероси, урф-одат ва анъаналарига қараиш бир хил бўлмаган шароитда, уни «замондан орқада қолиш», «тараққиётга ҳалақит қилувчи омил сифатида қарашлар» миллий ғоя мақсадларига, негизлари бўлган урф-одат, анъаналарнинг ҳақиқий моҳиятига тўғри келмаслигини эътироф этади.

Калит сўзлар: миллий ўзликни англаш, миллий ғоя, қадрият, миллий қадрият, миллий гуруҳ, миллий ифтихор, миллий ҳис, миллий руҳ, миллий характер.

Кириш. Қадрият ҳақидаги қарашларнинг генезисини антик давр фалсафасидан излаш ўринлидир. Европа ва жаҳон фалсафасида сезиларли из қолдирган барча мутафаккирлар «қадр», «қадрият», «қадрили» каби категорияларга муносабат этиб, улардаги ижтимоий мазмунни, инсон ҳаёти ва фаолиятига бевосита тааллуқли жиҳатларни очиб

берганлар. «Қатағон сиёсати ва тузуми даврида, - деб ёзади профессор Ж.Туленов, - бу атамаларни ишлатиш у ёқда турсин, уларни хатто ўзбекча луғат бойлигидан суриб чиқаришга ҳаракат қилинган эди. Бунга далил сифатида 1959 йили Москвада «Хорижий ва миллий луғатлар давлат нашриёти» томонидан чоп этилган, 40 мингдан ортиқ сўздан

иборат «Ўзбекча – русча луғат»га ҳам «кадрият», «миллий тикланиш», «миллий онг», «миллий ифтихор» каби тушунчаларнинг киритилмаганини кўрсатиш мумкин»[1]. Айрим русча – ўзбекча луғатларда нафақат «кадрият», шунингдек «ценность» сўзи ҳам учрамаган. Аммо бу ўзбек тилида «кадрият», рус тилида «ценность» деган тушунчалар бўлмаган, шунинг учун улар луғатларга киритилмаган, деган маънони англамайди. Олим «кадр», «кадрламоқ», «кадрли», «кадршунос», «кадрсиз», «кадршунослик», «кадр-қиммат» каби сўзларнинг моҳиятини очиб беради.

Профессор Ж.Туленов фикрича, «Кадрият дейилганда, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ходисалари мажмуи тушунилади»[2].

Тарих синовидан ўтиб кадрли бўлган нарсалар кадриятга айланади. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғатида ёзилишича «кадр-муайян кадриятнинг яъни бирон-бир нарса, воқеа, ходиса ёки бирор идеалнинг инсон ва жамият учун кадри ва ижтимоий аҳамиятини англадиган тушунча»[3].

Умуман, кадриятлар маълум бир халқнинг кўп минг йиллик тарихий-маданий тажрибаси сифатида шаклланган турмуш тарзи, тафаккур маҳсули бўлиб дунёга келади. «Кадрият» атамаси ўз маъносида мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг қўлланила бошланди. Кадрият моҳиятини фалсафий-аксиологик жиҳатдан тўғри тушунишда Қ.Назаровнинг мулоҳазалари эътиборлидир: «Кадрият» тушунчаси – воқеликнинг моддий, маънавий ва идеал тарзда зоҳир бўладиган турли-туман шакллари, кўринишлари, нарсалар, ходисалар, жараёнлар, муносабатлар, турли сифатлар, хусусият, ахлоқ ва маънавийлик мезонлари ҳамда бошқаларнинг субъект учун ижтимоий аҳамияти ҳамда кадрили ифодаладиган энг умумий аксиологик категория[4].

Асосий қисм. Мустақиллик туфайли кадрият янгича моҳият касб этди. Бунинг учун тарих синовидан ўтиш, ҳар бир инсон, халқларнинг мақсад ва манфаатларини ифода этиш, тараққиётимизга халақит бермаслиги муҳим. Шу нуқтаи назардан кадриятлар ҳам ўзгариб, ривожланиб боради.

Фикримизча, кадрият дейилганда, инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, айрим халқ, миллат, элат ёки ижтимоий гуруҳнинг ўз тарихий тараққиёт жараёнида яратган, ўз манфаат ва мақсадлари йўлида тараққиётга хизмат қиладиган барча моддий ва маънавий бойликлар мажмуини тушунмоқ лозим.

Миллий руҳиятни шакллантириш «миллий ғурур», «миллий ифтихор», «миллий ҳис», «миллий рух», «миллий характер» каби тушунчаларни ўз ичига олади.

Инсон ўз миллатидан фахрланиши, ғурурланиши лозим. Бу миллий-маънавий кадриятнинг таркибий қисмидир. «Миллий ифтихор – миллатга хос моддий ёки маънавий ютуқ,

муваффақият билан фахрланиш туйғусини ифодаладиган тушунча. У инсон маънавий камолотининг қирраларидан бирини намоён этади. Миллий ифтихор ўз халқининг асрлар давомида яратиб келган барча моддий ва маънавий бойликлари, тарихий мероси, урф-одатлари, анъаналари, одоб-ахлоқи, турмуш тарзи, юксак маънавияти, барча тарихий ютуқлари сабоқларига чексиз ҳурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлиш, авайлаб-асрашни ифодаловчи тушунча»дир[5].

Миллий ғурур – ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфият. Бу туйғу ўзини-ўзи англаш шаклларида бири бўлиб, ўз она замини, авлод-аждодалари томонидан қолдирилган моддий-маънавий меросдан ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан ўзга миллатлар олдидаги кадр-қиммати, обрў-эътибори билан фахрланиш ҳиссиётидир.

Миллий ғурур миллий ғоя ва ўзликни англашда қуйидаги шаклларда намоён бўлади: миллатнинг ютуқлари, обрў-эътибори билан фахрланиш, унинг муаммоларига бефарқ қараб турмаслик, ўз элига, миллатига жонкуяр бўлиш; ўз миллатининг моддий, маънавий меросини асраб-авайлаш; халқ одатлари, анъаналари, кадриятларини ҳурмат қилиш, уларни бойитиш ва такомиллаштириш; ўз миллатига меҳр-муҳаббатини амалий фаолиятда намоён этиш. Дунё халқларининг эътирофи ҳам ўзига-хос ғурур бахш этади.

«Миллий рух – миллатнинг ички руҳий ҳолати, кечинмалари, ҳис-туйғулари, маънавий дунёси, ўй-фикрлари, мақсад ва маслага ҳамда кайфиятини ифодаловчи тушунча»[6].

Жаҳондаги ёки мамлакатдаги ҳар бир миллат руҳиятининг ўзига хос ифодаси, ҳис-туйғу, дид, хулқ, феъл-атвордан иборат маънавий оламидир. Миллий рух тарих, объектив ва субъектив омиллар таъсирида аста-секин шаклланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган бешта устувор йўналишда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари туфайли халқимизга хос миллий руҳияти инсон ва жамиятнинг бугунги тараққиётида ҳал қилувчи кучга айланмоқда.

Миллий руҳият миллий ўзини ўзи англаш ва миллий ғоя тизими орқали шаклланади. Миллий ўзини ўзи англаш – ҳар бир миллатнинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишидир. Миллий ўзини ўзи англаш, миллат шаклланиши миллий ғоя тизимида муайян, нисбий, юқори босқичининг мезони ҳисобланади. Миллат ўзига хос бўлган урф-одатлар, анъаналар, кадриятларни шакллантириши ва давлат атрофига бирлашиши мумкин. Аммо унинг миллий ўзини ўзи англаш даражасига кўтарилиши мураккаб жараён ҳисобланади. Миллатнинг равнақи ва миллат сифатида сақланиб қолишида миллий характернинг аҳамияти катта. Аввало, миллий феъл-атворни англаувчи миллий характерни белгиловчи инсон

жамият ҳаётидаги барча муносабатларга муайян ахлокий қадриятлар асосида ёндашади. Инсондаги бундай ёндашиш миллий ҳарakterни намоён қилади. Миллий ҳарakter – бир маданият, маънавиятга мансуб кўпчилик одамларга хос сифатлар мажмуи. У халқ тарихида муайян вазифани бажаради. У–миллатнинг ҳар бир аъзоси мақсадини, ҳаракатини, иқтидорини миллат манфаатларига йўналтиришнинг маънавий манбаидир. Миллий ҳарakter миллатнинг анъаналари, маданияти, миллий ғоянинг ижтимоий тузилмаси ва турмуш тарзи асосида шаклланади ва ўз навбатида миллий анъаналар, маданият ҳамда турмуш тарзига акс таъсир кўрсатади. Миллий ҳарakterни ташкил этувчи белгилар шаклланади ҳамда аждодлардан авлодларга ўтиб боради. Ўзбек халқи миллий ҳарakterнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида Ч.Айтматовнинг «Болалигим» китобида келтирилган қуйидаги фикрлар диққатга сазовардир. «Фарғона тарафдаги ҳовлилар паҳса ёки гувала девор билан ўралган, томи теп-текис, бари бир хилда эди. Фарғоналикларнинг яшаш тарзи ҳам ўзига хос эди. Одамлар бир-бирлари билан ахил ҳаёт кечиради. Қишлоқларда кексалар улуғланади, каттанинг гапи эркак ё аёллар, каттадир-кичикдир-бари учун қонун. Фарғона қишлоқларида яхши кунини ҳам, ёмон кунини ҳам ҳамма биргаликда баҳам кўришади. Бундай бирдамлик анъанасига Ўзбекистонда ҳозир ҳам амал қилиб келинмоқда»[7]. Унинг икки томони мавжуд. Миллий ҳарakterнинг консерватив томони аждодлардан авлодларга ўзгаришсиз ўтиб боради ва миллий анъаналарнинг мустақамлигини таъминлайди. Миллий ҳарakterнинг ўзгарувчан томони эса миллий таракқиётнинг асосини ташкил этади. Миллий ҳарakterнинг ўзгарувчанлиги миллат ривожини учун замин яратади, бу борадаги янгиликларни миллий онг ва тафаккурга киритади. Миллий ҳарakter – ўзбек ҳарakterи, миллий руҳияти, миллий ўзига хос томонлари асрлар давомида шаклланган. Умуман, «Миллий ҳарakter – миллий қувватни пайдо қилувчи, сақловчи ва миллат таракқиётига йўналтирувчи куч. Кучли миллий ҳарakter – катта-катта ишларга қодир маънавий қудратдир»[8]. Шунинг учун ҳам унга эътибор бериш муҳим.

Миллий қадриятлар миллат эҳтиёжи, манфаатлари, мақсадларига хизмат қиладиган моддий ва маънавий мерос мажмуасини ташкил қилади ва миллий мерос ўзликни англашнинг таркибий қисми ҳисобланади. Миллий маънавий меросда миллатга хос бўлган урф-одатлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Улар миллат тарбиясининг маълум тизимида аниқ урф-одат, анъана ва қадриятларни шакллантиришга қаратилган муайян, рамзий, маъсулиятли ҳаракат ҳисобланади. Миллий маънавий мероснинг муҳим таркибий элементлари урф-одат, анъана ва қадриятлар миллий ўзликни англашда асосий омил, ҳаракатлантирувчи куч бўлганлиги учун миллий ғоя тизимида муҳим ўрин тутишини эътиборга олиш зарур.

Афсуски, мустақиллик қўлга киритилгунча кўп миллий анъаналаримиз таҳқирланди, жуда кўп

халқ диний урф-одатлари ва байрамларига менсимай қаралди.

Республикамизнинг Биринчи Президенти тўғри таъкидлаганидек, - «Лекин ҳар қандай шафқатсиз таъқибларга қарамасдан, халқимиз барибир ўз муқаддас динига содиқ қолди. Шунинг ўзиёқ динни инсон, халқ ва жамият ҳаётидан асло ўчириб бўлмаслигидан яна бир бор далолат беради»[9].

Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб виждон эркинлигини таъминлаш масаласига устувор аҳамият берилди. Жумладан, муқаддас динимиз, миллий қадриятларимизни, буюк азиз-авлиёларимизнинг хотираси, меросини тиклаш, қадамжоларни обод қилиш бўйича жуда кўп иш қилинди ва қилинмоқда»[10].

Дарҳақиқат, бу борада юртимизда ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун биз халқимизнинг жуда бой анъана ва урф-одатлари бутунлайича жамиятнинг кундалик ҳаётида тўла-тўқис рўёбга чиқарилди, дея олмаймиз. «Қизил гул», «Лола сайли», «Бойчечак» қаба анъанавий байрамларни ўтказиш удумга айланганича йўқ. Халқимиз ўртасида қадимдан кенг тарқалган, аммо ҳозир қарийб унутилган анъаналаримиздан бири – Меҳржон байрамидир. У йилнинг кузги тенг кунлигига тўғри келиб, пишиқчилик айни авжига чиққан кузнинг саҳий дастурхони шаънига айтилажак шукрона қаби эъзозлидир. Республикаимизда кейинги йилларда атрофлича тарғиб этилган бу байрамни элимиз жамоатчилиги ва кенг оммаси мамнуният билан қабул қилиб ва нишонлаётганлиги қувонарли ҳолдир.

Бундан ташқари унутилиб бораётган байрамларимиз – «Ўқиш байрами» (қадимий номи «Сада»), «Сув сайли», «Анор сайли», «Қовун сайли», «Узум сайли» қаби байрамларимиз ҳам илгаритдан нишонланиб келинган. Афсуски, мазкур байрамлар тўқин-сочинлик, фаровонлик, тинчлик, осойишталик рамзи сифатида халқнинг эзгу орзу – умид, тилак – истақлари, интилиш ва режаларининг ифодаси ўларок яшаш ва ривожланиши мумкин эди. Аммо, бундай бўлмади. Миллий анъаналаримиз эъзозланаётган, унга янгича муносабат шаклланаётган бугунги кунда ушбу анъаналаримизни халқимиз турмушига кенг жорий этиш ватандошларимизнинг миллий ўзлигини англашига ёрдам беради деб ўйлаймиз.

Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 9-май Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган қабул маросимидаги нутқида «Мана шу улуг айём кунда ҳаммамиз энг аввало уруш майдонларидан қайтмаган минг-минглаб юртдошларимизнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб, уларнинг руҳи покларига ҳурмат бажо келтирамиз», -деб таъкидлади[11].

Дарҳақиқат, Ўзбекистон халқи тарихий – маданий ҳаётида, бугуни ва истиқболида урф – одатлар, анъаналар чуқур маъно ва аҳамиятга эга.

Унда ҳаёт фалсафаси, инсон дунёси, хурсандчилиги, ташвишлари мужассам ҳолда уйғундир.

Миллий меросимизнинг асосий таркибий элементлари буюк алломаларимиз қолдирган бой маънавий мерос ва уларнинг асарлари миллий маданий бойликлар ва тарихий ёдгорликлар халқимизнинг миллий ғояси тизимида миллий

ХУЛОСА. Юқоридаги фикрларни умумлаштириганда куйидаги хулосаларга келишимиз мумкин: Биринчидан, миллий ғоянинг негизи – миллий маданий меросга бўлган муносабат турли даврларда ўзгариб келган. Айниқса, мустақил бўлмаган шароитда, миллий-маданий меросдан бегоналаштиришга бўлган уринишлар ҳам, халқимизни миллий маънавий қадриятларидан, урф-одат ва анъаналаридан ажратиб қўйишга тўла муваффақ бўлмаган. Халқ доимо ўзининг миллий-маънавий қадриятларини сақлаб қолишга, уни тиклашга ва асраб-авайлашга интилиб яшаган.

Иккинчидан, мустақиллик туфайли Ўзбекистон халқи ўзининг маънавий қадриятларини

ўзликни шакллантирувчи ва ривожлантирувчи муҳим омиллар ҳисобланади. Шу асосда миллий мерос миллатимиз тарихий салоҳияти, куч-қудрати ва айниқса, келажагининг ўзга миллатлар ва жаҳон халқлари кўзгусида акс эттирувчи асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилади.

қайта тиклаш ва ривожлантириш имкониятига эга бўлди. Миллий ғоясини, унинг миллий маънавий негизларини тиклаб, янада ривожлантириб янгиламоқда. Бу соҳада амалга оширилган ўзгаришлар ибратлидир.

Учинчидан, дунёда халқларнинг миллий-маданий мероси, урф-одат ва анъаналарига қараш бир хил бўлмаган шароитда, уни «замондан орқада қолиш», «тараққиётга ҳалақит қилувчи омил сифатида қарашлар» миллий ғоя мақсадларига, негизлари бўлган урф-одат, анъаналарнинг ҳақиқий моҳиятига тўғри келмайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси.-Т: Ўзбекистон, 1998.-Б.8.
2. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси.-Тошкент: Ўзбекистон, 1998.-Б.12, 13.
3. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати.-Тошкент: Ғ.Ғулом, 2009.-Б.707.
4. Назаров Қ. Аксиология (Қадриятлар фалсафаси).-Тошкент: Академия, 2011.-Б.56
5. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати.-Тошкент: Ғ.Ғулом, 2009.-Б.392.
6. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати.-Тошкент: Ғ.Ғулом, 2009.-Б.407.
7. Айтматов.Ч. Болалигим.-Тошкент: Baktaria press, 2018.-Б.18.(2566).
8. Қурононов М. Ўзбек характери ва миллий ғоя.-Тошкент: Маънавият, 2005.-Б.14.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч.-Тошкент: Маънавият, 2008.-Б.94.
10. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд.-Тошкент: Ўзбекистон, 2017.-Б.466.
11. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд.-Тошкент: Ўзбекистон, 2017.-Б.395.



Хуррият ХУДОЙБЕРДИЕВА,

Самарқанд давлат чет тиллар институти эркин тадқиқотчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА САНЪАТ АСАРЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ

Аннотация

Мақолада ўзбек халқининг турли миллатлар билан биргаликда яшаб, асрлар давомида шаклланиб келган миллий менталитети асосида аجدодлар томонидан яратилган санъат асарларини авлодларга етказиб беришида ўзининг фалсафий-эстетик моҳиятини намоён этиши ёритилган. Миллат тафаккурида аждодлар томонидан яратилган санъат асарлари, жумладан, мусиқа, адабиёт, рассомчилик, тасвирий санъат, халқ амалий безак санъати ва бошқаларнинг юксак фалсафий тафаккур ривожиде жамиятда миллатлараро тотувликни таъминлашдаги роли кўрсатилган. Унда ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган, турли миллатларнинг манфаатларини ҳимоялайдиган барқарор тараққиёт ҳамда юрт тинчлигига хизмат қиладиган миллатларнинг маданияти, миллий кадриятлари, анъана ва удумлари асосида замонавий ўзбек санъат асарлари яратилиши ифодаланган. Шунингдек, жамият тараққиёти учун муҳим бўлган Ҳаракатлар стратегиясининг моҳияти, унда акс этган устувор йўналиш хавфсизликни таъминлаш, миллатлараро тотувликни таъминлаш масалалари, диний бағрикенглик тамойилининг ташқи сиёсатдаги ўрни очиқ берилган. Мақолада ёшларимизни барча соҳаларда фаол бўлишларига чорловчи санъатга бўлган қизиқишни кучайтириши ўртага ташланади. Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 ташаббуснинг биринчи бўлган адабиёт, рассомлик, мусиқа, театр ва санъатнинг бир қатор турларига ёшларни қизиқишини кучайтириши масаласи таҳлил этилган. Ушбу ташаббус доирасида ёшларни халқ амалий санъати намуналари, ўзбек маданияти билан таништириши, уларнинг борлигида адабиёт ва санъатга меҳр-муҳаббатни кучайтириши, турли театр сахна асарлари, ҳужжатли ва кинофильмларни кўпайтириши, юртимизнинг музейларига, санъат кўرғазмаларига доимий равишда таширфларни ташиқил этиши муҳим ижтимоий-фалсафий аҳамият касб этиши акс этган. Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлашда, санъат асарлари яратишида инсонлар ўртасида бўладиган инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат ва эстетик муносабатларда яққол намоён бўлиши, турли миллатлар, элатларнинг маънавияти ва санъати ҳақида ижобий таассуротларни миллий гоя руҳида камол топтириши юртимиз келажига хизмат қилиши тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: Миллатлараро тотувлик, миллий кадриятлар, санъат асарлари, мафкура, эстетик муносабат, санъат турлари, мусиқа, бадиий адабиёт, маданият, миллий гоя, стратегия, ташаббус, диний бағрикенглик.

THE PHILOSOPHICAL SIGNIFICANCE OF WORKS OF ART IN ENSURING INTERETHNIC HARMONY IN UZBEKISTAN

Abstract

The article reflects the philosophical and aesthetic significance of the Uzbek people in the transfer of original works of art based on the centuries-old national mentality that have coexisted with different peoples for centuries. The idea of the nation is reflected in the works of their ancestors, including music, literature, art, visual arts, folk crafts and crafts, as well as their role in ensuring interethnic harmony in society. It reflects the development of modern Uzbek works of art based on the culture, national values, traditions and customs of peoples, which promote interethnic harmony in all spheres of public life, promote sustainable development, which protects the interests of various peoples and promotes peace in the country. It also reveals the essence of the Action Strategy, which is important for the development of a society whose priority areas are security, issues of interethnic harmony and the role of religious tolerance in foreign policy. The purpose of the article is to increase interest in art, which encourages young people to be active in all spheres.

The first of five initiatives put forward by the President of the country was the analysis of issues of increasing youth interest in a number of literature, art, music, theater and art. As part of this initiative, it is important to acquaint young people with applied art and Uzbek culture, strengthen their love of literature and art, increase the variety of theater productions, documentaries and films, and regularly visit museums and art exhibitions of our country.

In Uzbekistan, humanity, love and aesthetic relations between people are studied in ensuring interethnic harmony, artistic creativity and positive impressions of the spirituality and art of various nationalities and ethnic groups in the spirit of national ideology.

Key words: interethnic harmony, national values, works of art, ideology, aesthetics, art, music, fiction, culture, national idea, strategy, initiative, religious tolerance.

ФИЛОСОФСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ИСКУССТВА В ОБЕСПЕЧЕНИИ МЕЖНАЦИОНАЛЬНОЙ УСТОЙЧИВОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Аннотация

В статье отражена философская и эстетическая значимость узбекского народа в передаче исконных произведений искусства, основанных на многовековом национальном менталитете, которое сосуществует с разными народами. Идея нации отражена в работах предков, включая музыку, литературу, живопись, изобразительное искусство, народные промыслы и ремесла, а также их роль в содействии межэтническому согласию в обществе. В нем отражает развитие современных узбекских произведений искусства, основанных на культуре, национальные ценности, традиции и обычаи народов, которые способствуют межэтническому согласию во всех аспектах общественной жизни, способствуют устойчивому развитию, которое защищает интересы различных народов и способствует мира в стране. Это также, раскрывает суть Стратегии действий, которая важна для развития общества, приоритетными направлениями которых являются безопасность, вопросы межнационального согласия и роль религиозной толерантности во внешней политике. Целью статьи является повышение интереса к искусству, которое побуждает молодежь проявлять активность во всех сферах. Первой из пяти инициатив, инициированных Президентом страны, стал анализ вопросов повышения интереса молодежи к ряду направлений литературы, искусства, музыки, театра и искусства. В рамках этой инициативы важно отражено познакомить молодежь с прикладным искусством узбекской культуры, укрепить их любовь к литературе и искусству, увеличение разнообразных театральных сцен, документальных фильмов, а также регулярное посещение музеев и художественные выставок в нашей стране. В Узбекистане изучается межнациональное соглашение, гуманизм, любовь и эстетические отношения между людьми в обеспечении межнациональной гармонии, художественного творчества и позитивных впечатлений о духовности и искусстве различных национальностей и этнических групп в духе национальной идеологии.

Ключевые слова: Межнациональное соглашение, национальные ценности, произведения искусства, идеология, эстетическое отношение, виды искусства, музыка, художественная литература, культура, национальная идея, стратегия, инициатива, религиозная толерантность.

Инсон маънавий оламининг камол топиб бориши жамиятдаги ахлокий ва эстетик тарбия жараёни билан уйғун тарзда ривожланиб боради. Бу жараён ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланиб келган миллий менталитети асосида аждоқлар томонидан яратилган санъат асарларини авлоқларга етказиб беришда ўзининг фалсафий-эстетик моҳиятини намоён этиб келган. Ўзбекистоннинг тарихий тараққиёти давомида ҳар бир давр ўзининг миллий тафаккури ва буюк аждоқлари томонидан яратилган ноёб санъат дурдоналари билан жаҳон саънати ривожига катта хисса қўшиб келган.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилиб келган. Натижада бу заминда дунёнинг бошқа минтақаларидан фарқ қиладиган ўзига хос миллатлараро тотувлик масалалари шаклланган. Шу асосда тарихий ривожланиш негизида “халқ санъатининг тарихан таркиб топган руҳий, бадиий, эстетик, маърифий, фалсафий ва тарбиявий имкониятлари шарқона ахлоқ-одоб ва миллий ҳаёт тарзини шакллантиришда жуда катта аҳамият касб эта бошлади” [1].

Ҳар бир миллатнинг келажаги бевосита ўтмиш билан уйғун ҳолда янгидан янги ғоя ва қарашлар асосида бойиб, муайян тиллар негизида сайқалланиб боради. Миллат тафаккурида аждоқлар томонидан яратилган санъат асарлари, жумладан, мусика, адабиёт, рассомчилик, тасвирий санъат, халқ амалий безак санъати ва ҳоказоларда тарих ва замон руҳи уйғунлашиб, миллатларнинг баҳамжихат яратган асарлари вужудга келади. Мана шундай юксак фалсафий тафаккур Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларни миллий ғоя атрофида

бирлаштириб, жамиятда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Бу борада давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев ўзининг фикрларини билдирар эканлар, “стратегияда давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоқ қилиш, иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинди. Мана шу стратегияга мувофиқ, барча соҳа ва тармоқлар қатори маданият ва санъат, адабиёт, оммавий ахборот воситалари равнақини янги босқичга кўтаришни биз ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз”, [2] деб таъкидладилар. Ушбу стратегиянинг бешинчи устувор йўналишида жамиятдаги миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Натижада ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган, чуқур ва пухта ўйланган, турли миллатларнинг манфаатларини ҳимоялайдиган ўзига хос ва мос бўлган Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти ҳамда юрт

тинчлигига хизмат қиладиган кўни-кўшничилик ислохотлари амалга оширилмоқда. Бунда турли миллатларнинг маданияти, миллий кадриятлари, анъана ва удумлари асосида замонавий ўзбек санъат асарлари яратилмоқда. Мазкур фаолиятда асосан хавфсизликни таъминлаш, миллатлараро тотувлик ғояларини кучайтириш, диний бағрикенглик тамойилини изчил амалга ошириш, ҳар томонлама пухта ўйланган, барча миллатларнинг манфаатини ҳимоя қиладиган, қолаверса, ташки сиёсатда ҳам ўзбек халқи манфатига мос тушадиган мустақил давлатнинг ислохотларини юритишга алоҳида эътибор берилмоқда. Аввало Ўзбекистон ўзининг кўшнилари билан аҳил кўшничилик сиёсатини амалга ошириб, миллий хавфсизликни таъминлаш, минтақада миллатлараро муносабатда ўзаро санъат соҳасида ҳамкорликларни ривожлантириш, мамлакатнинг жаҳондаги нуфузини юксак маданият дурдоналари орқали юксалтириш масалаларини кўзда тутмоқда.

Биз бугун ёшларимизни барча соҳаларда фаол бўлишларида давлатимиз раҳбарининг ғояларини жамиятда кенг кўламли амалга ошишини таъминлашимиз, айниқса, санъатга бўлган қизиқишларини янада кучайтиришимиз лозим. Чунки Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 ташаббуснинг биринчи бўлган ёшларнинг адабиёт, рассомлик, мусика, театр ва санъатнинг бир қатор турларига қизиқишини кучайтириш, уларнинг истеъдодини намоён қилади.

Ушбу ташаббус доирасида ёшларни халқ амалий санъати намуналари, ўзбек маданияти билан таништириш, уларнинг борлигида адабиёт ва санъатга меҳр-муҳаббатни кучайтириш, турли театр сахна асарлари, ҳужжатли ва кинофильмларни кўпайтириш, юртимизнинг музейларига, санъат кўргазмаларига доимий равишда ташрифларни ташкил этиш муҳим ижтимоий-фалсафий аҳамият касб этади. Бунда юртимизда камол топаётган турли миллатларнинг баҳамжиҳат фаолиятларини йўлга қўйиш, уларда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, бой маданий меросимиз ва тарихий анъаналаримизга, умуминсоний кадриятларимизга ҳурмат, Ватанга, миллий ғоямизга садоқат руҳини сингдиришда фалсафий тафаккурни шакллантириш даркор. Ташаббус доирасида ёшларнинг мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқувчиларнинг сонини кўпайтириш, жойларда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш масалалари ёш авлод онгида акс этиши лозим.

Санъат асарларида инсон ва жамиятнинг ўтмиши, ҳозир ва келажак ҳақидаги воқелик акс этади. Унда турли миллатлараро муносабатларнинг намоён бўлишини, инсоният маънавий оламининг камолат даражасини кўриш мумкин. “Шу муносабат билан миллатлараро тотувлик, жамиятдаги ижтимоий ва миллий гуруҳлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳурматни мустаҳкамлашга кўмаклашувчи партиялар ва ҳаракатлар, жамоат фондлари ва уюшмалар, диний конфессияларнинг тарбиявий саъй-ҳаракатлари йўналишининг ўзгариши билан

боғлиқ барча жараёнларни ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш зарурати туғилади” [3].

Жамиятда миллатлараро тотувликни таъминлашда диннинг ҳам ўзига хос таъсир кучи мавжуд бўлиб, санъат асарларида мана шу жараёнлар замон руҳини ифодалаб келади. Дин билан уйғунлашган санъат асарларида муайян диннинг инсонга эстетик завқ берувчи жиҳатлари ифодаланади. Масалан, ислом дини билан уйғунлашган меъморий обидалар, масжид ва мадрасалардаги ўзига хос жозибдорлик бошқа динга эътиқод қилувчиларнинг эътиборини қандай тортса, христианликдаги черковлар ҳам бошқа дин вакилларини шу тарзда юксак санъат намуналари орқали ўзига жалб этади. Аслини олганда, дин ҳам, санъат ҳам ижтимоий онг шакли сифатида миллатларнинг воқелик ҳақидаги бадий образли тасаввурларини идрок этиш асосида вужудга келади. Уларда инсоннинг юксак дид билан яратилган дунё ҳақидаги образлари, тимсоллари акс этиб, юксак санъат асари сифатида ҳаётнинг мақсад ва идеаллари ифодаланади.

Санъат асарларида турли миллатлараро муносабатлар воқеликни бадий образлар асосида ифодаланар экан, унда инсонларнинг шу ҳаётга бўлган муҳру муҳаббатларини жонлантириш, ҳаётдан лаззатланиш, турли тилларда сўзлашувчиларни саънат тилида бирлаштириш акс этади. Санъат асарларида илгари сурилган ғоя ва қарашларда инсонларни иччи кечинмаларининг поклиги ва табиийлиги, турли халқлар маънавий оламининг камолот даражалари ўзини намоён қилади. Санъат асарлари орқали одамларга инсон ҳаёти ва жамият ҳақида янги билимлар берилади. Унда бутун инсониятнинг гўзаллик оламини интилиши, юксак маънавият сари бориши, дунёнинг улғуворлигидан лаззатланиши, келажакка бўлган умидлари қайтадан ниш уриши, кўнгли тоғдек кўтарилиши, бу оламнинг нақадар кенг ва жозибдор эканлиги ҳақида мулоҳазали тасаввурлар шаклланади.

Санъат асарларининг турли кўринишлари воқеликни, ундаги нарса ва ҳодисаларни нисбатан муносабатларни хилма-хил тарзда акс эттириб боради.

Масалан, мусикадаги товушлар, уларнинг бир-бири билан ўзаро боғланиши содир бўлса, ҳайкалтарошликда эса тасвир, образлар асосида, халқ амалий безак санъатида нарса ва буюмларнинг эстетик киефаси орқали ифодаланади. Ушбу санъат асарларининг ўртасида ҳам муайян умумийлик жиҳатлари мавжуд. Булар шундан иборатки, уларнинг барчасида воқелик бадий тимсоллар ва образлар асосида яратилади. Шу боисдан санъат асарларида ҳар бир миллат ва элатга хос қарашлар, моддий ва маънавий ҳаёт намуналари изчиллик билан акс эттирилади. Бунда санъатнинг моҳияти, ижтимоий характери, миллий тафаккур тарзи, қайси миллатнинг турмуш тарзида рол ўйнаши ва ҳоказолар намоён бўлади.

Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлашда жамиятнинг ҳар бир фуқароси ўзига

хос роль ўйнайди. Айниқса, санъат асарлари яратишда инсонлар ўртасида бўладиган инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат ва эстетик муносабатларда яққол намоён бўлади. Агар жамият аъзолари қанчалик маънавиятли, маърифатли, маданиятли бўлса, ўзи билан яшаётган турли миллатлар, элатларнинг маънавияти ва санъати ҳақида ижобий таассуротларга бой бўлади. Тарихдан маълумки, миллатлараро муносабатларнинг мустақамлиги туфайли юртимизда миллий урф-одатлар, анъаналар, миллий қадриятларни асос қилиб санъат асарлари яратилган. Жамиятда миллатлараро тотувлик асосида турли миллат ва элатлар бирга яшаб, миллий ғоя руҳида юртимизга хизмат қилмоқдалар.

Юртимизда барча миллатларнинг миллий қадриятларни асраб-авайлаш, турли миллатларнинг ажодлари яратган миллий қадриятларини жамиятда кенг амалга оширишларига шарт-шароитлар яратилган бўлиб, айниқса, миллатлараро тотувликни мустақамлашда уларнинг қадимдан шаклланиб келган санъатларига ҳурмат билан қараш, миллий анъаналарини ривожлантириш учун зарур имкониятлар яратилган.

Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни санъат асарлари орқали таъминлашда қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, ҳар бир фуқарода инсонийлик, миллатпарварлик, меҳнатсеварлик сингари умуминсоний миллатлараро тотувликни шакллантиришда санъат турларидан оқилона фойдаланиш;

иккинчидан, ҳар бир миллат вакиллариининг бир-бирларини ҳурмат қилиши, бадиий адабиёт ва санъатга қизиқишларини кучайтириш, сабр-тоқатли қилиб тарбиялаш;

учинчидан, жамиятда миллий ғоя асосида барча миллатларнинг жипслигини таъминлаш, моддий ва маънавий ҳаётларини фаровон қилиш масалаларини кучайтириш;

тўртинчидан, барча миллат ва элатларнинг тарихини акс эттирувчи санъат асарларини яратиш ва халққа етказиб бериш.

Қайси бир жамиятда фуқаролар фаровон ва аҳил яшаса ўша жойда миллатлараро тотувликка, ҳамжихатликка эътибор қаратилади. Ҳар қандай салбий ҳолатлар ёки ички ва ташқи зиддиятларга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон бугун мана шундай тинчликни таъминлаётган давлат бўлиб, унда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила сифатида тотувлик, иноқ яшамоқда. Шу асосда маданият, санъат, мусиқа, театр ва бошқаларнинг кенг қамровли амалга оширилаётганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Тожикистон Республикаси Маданият вазирлиги билан маданият ва санъат соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустақамлаш бўйича Тожикистон Республикаси Садриддин Айний номидаги давлат академик опера ва балет театри томонидан 2019 йил 13-19 октябрь кунлари Самарқанд вилоятига гастроль сафари тақшиб этилди. Тожикистонлик актёрлар ўзбек адабларининг асарларини вилоят Мусикали драма

театрида намоён этиб, халқларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада мустақамлашди.

Санъат инсоннинг вужудига маънавий куч ва кўтаринкилик қайфиятини бахш этиш билан бирга санъат тили орқали бошқа миллатларнинг ҳам маданиятини ўрганишга хизмат қилади. Шу боисдан санъатнинг жамиятда ривожланиши халқларни бир мақсад сари юксак қадриятлар асосида инсонларни хотиржам яшашга чорлаб, мамлакатлар ва халқлар ўзаро ҳамжихатлигини, дўстлигини мустақамлайди. Давлатимиз раҳбари бу борада халқимиз учун муҳим аҳамият касб этадиган миллий-маданий марказлар фаолиятини кучайтириш муҳимлиги ҳақида ўзининг маъруза ва нутқларида таъкидламоқдалар. “Ана шу марказлар фаолиятини янги босқичга кўтариш, хорижий мамлакатлар билан маданий дўстлик алоқаларини янада ривожлантириш мақсадида биз яқинда муҳим бир қарор қабул қилдик. Унга биноан Республика байналмилал маданият маркази негизда Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди” [4], деб айтдилар.

Ҳар бир миллат тафаккурида миллатлараро тотувликка алоҳида эътибор қаратишда ва шакллантиришда оила муҳим аҳамият касб этади. Барчамизнинг онгу тафаккуримиз шаклланишида, жамиятга нисбатан соф ва беғубор туйғуларимиз камол топишида, дастлабки ҳаёт ҳақидаги қарашлар ва тасаввурларимиз шаклланишида оиланинг роли бекидир. Ана шу оилада нозик инсоний туйғулар камол топиб, санъатга ошно қалбларнинг характери, нозик кирралари ва дунёқарашини вужудга келади. Шу боисдан ҳам оила тарбиясида шаклланидиган қатталарга ҳурмат, кичикларга иззат, турли миллатларга нисбатан бағрикенгликнинг намоён бўлишини кўришимиз мумкин. Ҳар бир инсонда одадийлик фазилятларининг қарор топиши ва оиладаги муносабатларда меҳр-оқибатнинг камол топиши келажак авлоднинг ҳаётга, маънавий дунёқарашга, айниқса юксак санъат дурдоналарига бўлган завқий муносабатларни шакллантиради.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов таъбири билан айтганда “Ота-боболаримиз неча асрлар мобайнида шу бепоён минтақада қандай ҳамжихат бўлиб, қандай қадриятлар асосида яшаб келган бўлса, бугун ҳам таъбир жоиз бўлса, тарих ва ҳаёт гардиши, табиатнинг ўзи бизни – бутун Ўрта Осиё халқларини айнан ана шундай дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ҳаёт кечиршига даъват этмоқда. Бир сўз билан айтганда, тарихий воқеликка мана шундай қараш, жамулжам бўлиб яшаш туйғуси биз учун ҳаёт фалсафасига, яна ҳам аниқроғи, ҳаёт қондасига айланиб кетган. Замонавий тилда айтадиган бўлсак, бу миллий минталитетимизнинг асосини ташкил этадиган, бизни бошқалардан ажратиб турадиган шундай бир хусусиятки, уни сезмаслик, англамаслик, кўрмаслик умуман мумкин эмас” [5].

Жамиятда маънавий етук инсонни тарбиялаш масаласи Юртбошимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотларда муҳим аҳамият касб этиб, таълим-тарбиянинг инновацион ютуқлари

билан бойиб бормоқда. Ёшларнинг тарбия жараёнида комил инсон сифатида мафкуравий, ахлоқий, диний, эстетик ва сиёсий тарбиясида замонавий билим ва тафаккур масалаларига айна чоғда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мана шу жараёнда фуқароларимизнинг, айниқса ёшларнинг санъат ва унинг турларига нисбатан қизиқишларини кучайтириш долзарб масалага айланиб бормоқда. Чунки жамиятда санъат асарларининг кўпайиб бориши ва унга қизиқишнинг ортиши бевосита эстетик маданиятли, дидли, салоҳиятли кадрларнинг маънавий оламига кириб келишига хизмат қилади.

Давлатимизда маънавиятга эътиборнинг бир кўриниши сифатида ёшларимизнинг ҳар томонлама етук ва комил, бақувват, эпчил бўлиб вояга етишишлари борасида узлуксиз равишда фаолият олиб борилмоқда. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев бу борада сўз юритиб, “Бу борада фарзандларимиз учун зарур шароитлар яратиш, янги-янги таълим-тарбия, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш бўйича бошлаган ишларимизни янги, юксак босқичга кўтарамиз. Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз”[6] – деб алоҳида фикр билдирган эдилар.

Ҳозирга пайтда жамиятда миллатлараро тотувликни таъминлаш ва инсон манфаатларини амалга оширишда инсонпарварлик тамойилига асосланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз тарбия жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлган санъатни ёшларимизнинг онгу тафаккурига сингдириш ишларини ривожлантириб, миллий санъат намуналарини замонавийлик билан уйғунлаштиришга алоҳида фаолият тури сифатида қараб келмоқдамиз. Ўзбекистонда санъат асарларини яратишга бўлган қизиқишни миллатлараро тотувлик ғоялари негизида кенг жамоатчилик орасида тарғиб этиш, дунё аҳли эътиборида бўлган ноёб санъат турларини янги босқичга олиб чиқиш борасида ҳамиша инновацион фикр ва ғоялар асосида келажакка интиламиз. Бундай хайрли ва самарали фаолиятни йўлга қўйиш учун биз ўсиб келаётган авлоднинг қалбида умуминсоний кадриятларга нисбатан қўйидаги ишларни амалга оширишимиз лозим:

1) Юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг бир мақсад сари интилишида уларни ўзбек халқи деган буюк бир тушунча негизида ўзлари хоҳлаган диний эътиқодлари ва виждон эркинликларини ҳар томонлама таъминлашимиз ва бу борада фуқароларимизнинг юксак ҳуқуқий онгини камол топтириш;

2) Ўзбекистонда яшаётган миллатлар учун хизмат қиладиган юксак бадиий ва миллий санъат дурдоналарини миллий ғоямиз асосида шакллантиришимиз, унда ўзбек халқининг келажакнинг мазмун-моҳияти намён бўладиган эстетик тафаккурни қарор топтириш;

3) Санъат асарларига нисбатан завқий муносабатни юртимизда яшаётган миллатларнинг ҳам манфаатларига дахлдорлик туйғусини жамиятда таъминлашимиз ва уларнинг онгига сингдириб бориш;

4) Ҳар бир фуқарода ҳар бир миллат вакилига нисбатан бир-бирларини ўзаро ҳурмат қилиши ва юксак эҳтиром кўрсатиш ғояларини санъат билан боғлаб йўлга қўйиш;

5) Ҳар бир миллатнинг яратган санъат дурдоналарини уларнинг миллий кадриятлари сифатида эъзозлашни жамиятда кенг жорий қилиш ва бундай яқинликни ёш авлоднинг онгига сингдириш;

6) Ўзбекистонда яшаётган барча миллатларнинг тенг ҳуқуқли фуқаро сифатида, миллий, диний, сиёсий, ҳуқуқий жараёнларда иштирок этишларини таъминлашда халқ билан давлат бошқаруви тизимининг яқинлигини йўлга қўйиш;

7) Бугунги глобаллашув шароитида Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлашда айрим оммавий маданият кўринишидаги санъат асарларидан огоҳ, бўлиш, ўсиб келаётган авлод онгида уларга нисбатан мафкуравий иммунитетни ҳосил қилиш чораларини кўриш;

8) Юртимизда истиқомат қилаётган барча халқларнинг урф-одатларини ва кадриятларини асл ҳолича сақлаш, уларнинг маданияти ва санъатини салбий ҳолатлардан холи қилиш;

9) Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш асосида миллатлараро тотувликни кучайтириш, уларни санъатга ихлосмандлик туйғуларини барқарорлаштириш;

10) Ўзбекистонда яшашни хоҳлайдиган хорижий фуқаролар учун барча имкониятларни яратиш ва уларнинг миллий урф-одатлари ва ибодатларига зарур шарт-шароитларни яратиш.

Умуман олганда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб мақсади ўсиб келаётган ёш авлоднинг қалбида миллатидан, динидан қатъи назар инсон деб аталмиш олий зотга юксак ҳурмат туйғуларини шакллантириш, жамиятда миллатларнинг буюк санъат асарларини яратишлари учун барча имконият ва шарт-шароитларни қилиш, умуминсоний кадриятларни эъзозлаган ҳолда маънавий тараққиётнинг юқори чўққиларини бутун дунёга кўрсатиш лозим.

АДАБИЁТЛАР

1. Ғайбуллаев О. Шахс маънавий камолоти ва эстетик маданият. –Т.: Chashma print, 2008, 133-бет.
2. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. –Т.: Ўзбекистон, 2-жилд, 2018. 178-179-бетлар.

3. Мусаев О. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожини. Монография. – Т.: “Истиқлол нури”, 2016. 8-9-бетлар.
4. Мирзиёев Ш.. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 1-жилд, 2017. 465-бет.
5. И.Каримов Юксак маънавият – энгилмас куч//Тошкент, “Маънавият”, 2008, 10-бет.
6. Мирзиёев Ш.. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 1-жилд, 2017. 124-бет.



Санжар МАВЛЯНОВ,

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Илмий тадқиқотлар ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўлими муҳандиси

E-mail: movlanovsanjar@mail.ru

IDEOLOGICAL-SPIRITUAL ASPECTS OF RELATIONS BETWEEN COUNTRIES IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION

Abstract

The theoretical issues of studying the ideological and spiritual aspects of relations between countries during the globalization were analyzed in this article. Foreign policy is the framework and activity of the state to ensure national interests in international relations. In the context of globalization, the need for political alienation and the importance of many states in the globalization process, as well as the practicality of bowling, multicultural internationalization and globalization, the emergence of multiculturalism, are recognized, contributing to the fact that many political systems have long been established in the context of fragmentation of international countries. The modern world is not only complicated and complex, but also antagonistic. Despite this, the external unit of jellyfish, which served as the objective basis for the entire chain of international relations, is an important law in the modern world. Foreign policy has also been studied and commented on the strategy, tactics and specific steps of the department and other structures of the state towards the achievement of national development goals and objectives foreign policy in the international arena.

Key words: globalization, idea, spiritual, foreign policy, international relations, structure, international arena, strategy.

ИДЕОЛОГО-ДУХОВНЫЕ АСПЕКТЫ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ СТРАНАМИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Аннотация

В статье анализируются теоретические вопросы изучения идеологических и идеологических аспектов отношений, поддерживаемых странами в условиях глобализации. Политика - это государственная деятельность, которая обеспечивает национальные интересы в международных отношениях. В контексте глобализации признаются необходимость политического отчуждения и важность многих государств в процессе глобализации, а также практичность боулинга, мультикультурной интернационализации и глобализации, появления мультикультурализма, появления мультикультурализма, Способствуя тому, что в условиях раздробленности международных стран многие политические системы политики давно сложились. Современный мир не только сложен и сложен, но и антагонистичен. Несмотря на это, внешняя единица медуз, которая послужила объективной основой для всей цепи международных отношений, является важным законом в современном мире. Политика, тактика и конкретные шаги по реализации целей и задач национального развития на международной арене были изучены и обсуждены.

Ключевые слова: глобализация, идея, идея, политика, международные отношения, структура, общественное пространство, стратегия.

ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҒОЯВИЙ – МАФҚУРАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация

Мақолада глобаллашув шароитида мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг ғоявий – мафқуравий жиҳатларини ўрганишнинг назарий масалаларини таҳлил қилинган. Ташқи сиёсат — халқаро муносабатларда миллий манфаатларни таъминлаш бўйича давлатнинг фаолият доираси ва тутган йўли. Ҳозирги глобаллашув шароитида ташқи сиёсатни мафқурадан холи қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти жаҳондаги кўпчилик давлатлар томонидан эътироф этилмоқда ва бунинг учун амалий ҳаракатлар қилинётганлиги, кўп қамровли байналмилаллашув ва глобаллашув, давлатлар ҳамкорлиги ва биргаликда ҳаракат қилишнинг турли шакллари вужудга келиши, халқаро можароларнинг янги турлари, муносабатларнинг янги сифатлари пайдо бўлиши шароитида турли мамлакатлар халқаро сиёсий тизимнинг кўп қутбли жойлашувидан ўз ўрнини белгилаб олганлиги мақолада ёритиб берилган. Ҳозирги дунё нафақат турли-туман ва мураккаб, балки зиддиятли ҳамдир. Унда давлатлар ўртасида ҳам, уларнинг ичкарисида ҳам қарама-қаршиликлар ўзаро боғланиб кетган. Шунга қарамасдан, халқаро муносабатларнинг бутун тизими учун объектив асос бўлиб хизмат қилган унинг яхлит сифатдаги бирлиги ҳозирги дунёнинг муҳим қонунияти ҳисобланади. Шунингдек, ташқи сиёсат давлатнинг ташқи сиёсат идораси ва бошқа

структураларининг халқаро майдонда миллий ривожланишининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш йўналишидаги стратегияси, тактикаси ва аниқ қадами сифатидаги фикрлар ўрганилиб, мулоҳаза билдирилган.

Калит сўзлар: глобаллашув, ғоя, мафкура, ташқи сиёсат, халқаро муносабатлар, структура, халқаро майдон, стратегия.

КИРИШ. Ҳозирги сиёсий китобларда “глобаллашув” ибораси қатор универсал жараёнларни, жумладан, давлатлар ва жамиятлар ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликнинг ривожланиш жараёнини ифодалаш учун қўлланилади. Глобаллашув мураккаб, зиддиятли, диалектик жараён сифатида намоён бўлмоқда, шу билан бирга, жаҳон тараққиёти янги босқичининг, ижтимоий ривожланишнинг, ижтимоий жараёнлар ва социал алоқаларнинг сифат жиҳатдан янгича шаклланишининг асосий белгиси бўлиб, майдонга чиқмоқда.

Глобаллашувнинг юзага келиши тарихий тараққиётнинг барча бўғинларида намоён бўлди. У алоқа воситалари, транспорт тизимининг ривожланиши, либерализм сингари универсал мафкуравий концепцияларнинг тарқалиши билан бошланган байналмилаллашув жараёнини табиий равишда давом эттирмоқда. Саноат инқилоби, янги транспорт ва алоқа воситаларининг яратилиши, жаҳон бозорининг шаклланиши, оммавий миграция, халқаро алоқалар ва айирбошлашнинг жадаллашуви мамлакат ва халқларнинг ажралиб қолган ҳолда мавжуд бўлишига барҳам берди. Жаҳон хўжалик алоқалари шиддат билан ривожланиб бормоқда, халқаро муносабатларни тартибга солишнинг жаҳон миқёсидаги тизими яратилмоқда, маданий ўзаро таъсирлар жадаллашмоқда, замон шитоб билан ўзгармоқда, дунё яхлитликка эриша бошлади [1, С.60].

Ҳозирги глобаллашув шароитида ташқи сиёсатни мафкурадан холи қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти жаҳондаги кўпчилик давлатлар томонидан эътироф этилмоқда ва бунинг учун амалий ҳаракатлар қилинмоқда. Бундай ҳаракатлар давлатлар ташқи сиёсатининг йўналишларидан бири сифатида давлатлараро муносабатларнинг ривожиди муҳим аҳамият касб этмоқда [2, С.23].

Ғоявий муҳолифлик барча замонларда ҳам давлатлар ўртасидаги душманлик муносабатларининг кескинлашишига сабаб бўлиб келган. Ғоявий муҳолифликка асосланган давлат сиёсати ҳеч қачон самарали натижага олиб келмаган. Аксинча, бундай сиёсат айрим ҳолларда дунёни ҳалокат ёқасига олиб келган. Шунинг учун ҳам ғоявий курашдан воз кечиш ҳозирги кунда давлатлар ташқи сиёсатидаги муҳим йўналишларидан бирига айланиб қолмоқда. Ғоявий курашнинг зарарли оқибатларини Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов куйидагича таърифлаб кўрсатган: “Ғоявий муҳолифлик ўтмишда давлатлараро муносабатларга соя солиб, давлатларнинг бир-бирига қарши икки гуруҳга бўлинишига сабаб бўлди. Дунёни ҳалокат ёқасига олиб келди. Бундай келишмовчиликлар бугун ҳам давлатлараро ихтилофларни куч ишлатиш

йўли билан ҳал қилишга, беғуноҳ одамларнинг қурбон бўлишига, бутун-бутун халқларнинг фожиасига сабаб бўлаётир” [3, С.30].

Давлатлар томонидан олиб бориладиган ташқи сиёсатнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан давлатларнинг ташқи сиёсати соҳасида амал қиладиган тамойилларида ҳар бир давлатнинг бошқа давлатлар олдида бурчи ва масъулияти акс этади. Бунинг маъноси шундаки, давлатлар ўзининг ташқи сиёсати орқали жаҳон сиёсатида рўй берадиган ўзгаришларга баҳо беришни, ўзаро мажбуриятларни доимо ҳис қилиб туришни, ташқи сиёсат соҳасида кўпчилик давлатлар учун маъқул бўлган қоида ва нормаларга амал қилишни ўз фаолиятларининг асосий жиҳати деб билишлари талаб қилинади.

Одатда глобализацияга аввало иқтисодиёт ва ахборот соҳаларида рўй берадиган жараён сифатида ёндашилади. Лекин унинг жиҳатларини кўриб чиқишни айнан ғоялар ва маданият соҳасидан бошласак, ўринли бўлади, - деб ўйлаймиз, чунки глобализация тарафдорлари ва муҳолифлари ўртасидаги зиддият чегараси асосан шу ердан ўтади.

Ғоялар глобализацияси узоқ тарихга эга бўлган комплекс жараён. У ягона иқтисодий макондан ҳам олдин вужудга келган. Айтиш мумкинки, жаҳон динларининг барчаси глобализмга интилиш руҳи билан суғорилган. Ҳар бир қудратли цивилизация ўз тараққиётининг чўққисиди дунё миқёсида ўз тартибини ўрнатишга ҳаракат қилган. Унинг мақсади ўз ички қоида ва меъёрларини мумкин қадар кенг тарқатиш ва шу тариқа уйғунлик ва тартиб ҳукм сурган янги дунё қуришдан иборат бўлган [4, С.123]. Ғарбдаги кўпгина тадқиқотчилар бозор иқтисодиёти, вакиллик, дунёвий демократия, сиёсий плюрализм ва очик жамият ғоялари ҳозирги замон глобализациясининг негизидир, деган фикрга қўшилмоқдалар. Уларнинг фикрича, инсоният тарихида биринчи марта Ер қуррасида яшовчи кишиларнинг мутлақ кўпчилиги турмуш тарзининг асосий тамойилларини бир хилда тушуна бошламоқдалар. Бу глобализациянинг ғоявий негизини ташкил этади.

Ўтган асрнинг ўрталарида социализм Евросиёда кўпчиликка юксак тараққиётга эришиш учун миллат салоҳиятини сафарбар этишга кодир концепция бўлиб туялган эди. Социализм концепцияси ижтимоий адолат, гуруҳлар ва табақалар манфаатларининг муштараклиги тамойилларига асосланган жамият қуришнинг ғоявий негизи бўлиши мумкин, - деб тахмин қилинганди. Бугунги кунда социализм ғоя сифатида мутлақо лаёқатсизлиги аён бўлиб қолди. Шу боис у жамиятни уюштиришга, бирлаштиришга кодир бўлган етакчи ғоя бўлиб хизмат қила олмайди.

Миллатчилик эса, миллий истиқлол ва

мустақил давлатчилик ғояси бўлиб, аксинча, асосан ғалаба қилди. Евросиёда янги мустақил давлатларнинг вужудга келиши унинг кун тартибидаги барча масалалар деярли ҳал қилинганлигидан далолат беради. Шу боис у жамиятни мамлакат келажакни қуришга сафарбар этадиган ғояни илгари суришга қодир эмас.

Ислолизм, ёки жамиятни шарият қоидаларига асосан қуриш концепцияси изоляционизм ва антиглобализм мафқурасидан бошқа нарса эмас. Бу концепция соф кўринишда “Толибон” ҳаракати томонидан Афғонистонда амалга оширилди. Ўзбекистонда ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларида ислолизм ва антиглобализм экстремистик ғояларининг ашаддий тарқатувчиси “Хизб-ут-Таҳрир” ташкилотидир.

Маданий глобализация соҳасида ҳам шундай аёвсиз кураш кетмоқда. Бу фақат Ислом дунёси мамлакатларида кузатилаётгани йўқ. Ҳатто глобализация ғояларининг бешиги бўлган Европада ҳам “маданий империализм” ҳақидаги овозлар тобора баландроқ янграмоқда. Франциянинг собиқ маданият ишлари вазирларидан бири фильмлар ва теледастурлар орқали тарқатилаётган ва жамиятнинг анъанавий қадриятларига путур етказётган “Кока-кола–Мак-Дональдс–Микки-Маус” маданиятига қарши курашиш зарурлигини қайд этди. [5].

Ислом дунёси мамлакатларида, анъанавий қадриятларни эъзозлашга асосланган жамиятларда эса ўзга маданият унсурларининг бостириб кириши кишиларда нафақат норозилик уйғотмоқда, балки уларнинг кескин қаршилигига ҳам сабаб бўлмоқда. Ушбу жамиятларда ички ихтилофнинг яна бир йўналиши – ёт маданиятларни муайян даражада қабул қилган кишилар билан уларни хоин ва мунофиқ деб билувчилар ўртасида ихтилоф юзага келмоқда. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, кўр-кўрона “вестернизация”, одатда, реакцияга олиб келади – ислом ақидапарастларининг фаоллиги кучаймоқда.

Ҳозирги даврнинг энг муҳим муаммоси шундан иборатки, глобализациянинг ушбу унсурини унинг қолган унсурларидан ажратиш бўлмайди. Иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши, чет эл инвестицияларининг жалб қилиниши шу жумладан сиёсий, ҳуқуқий, ахборот тизимларининг халқаро андозаларга мослашуви билан белгиланади. Айни вақтда, хорижий бизнес ўзини қулай ҳис этиши учун мамлакатда тегишли шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан маданий муҳитни ҳам вужудга келтириш зарур. Марказий Осиё давлатлари олдида шу мушкул муаммони ҳал қилиш вазифаси турибди [6].

Маълумки, фан ва янги технологиялар иқтисодиётни, умуман, ижтимоий тараққиётни ҳаракатлантирувчи куч сифатида майдонга чиқади. Янги технологиялар ва ишлаб чиқарувчи кучлар дунёни тубдан ўзгартириб юбормоқда, сиёсий тизимларга таъсир этмоқда, нафақат хусусий технологик ва иқтисодий масалаларни, балки сиёсий масалаларни ҳал қилиш учун ҳам катта имкониятлар очилмоқда. Бу имкониятларни давлатларга,

жамиятлар, трансмиллий компаниялар ва алоҳида сиёсий кучларга ўз манфаатларини улар орқали рўёбга чиқаришлари учун замонавий фан-техника иқтисодий қудрат беради.

Бироқ илмий-техник ва иқтисодий тараққиёт тегишли давлатларга нафақат ижобий жавоб беради, балки таҳдид ҳам туғдиради. Бу таҳдидлар, аслини олганда, янги эмас. Улар ҳамини мавжуд бўлган, бугунги кунда у турли шакл ва мазмунга эга бўлмоқда:

- технология соҳасида Ғарб мамлакатларининг мутлақ устунлиги базасида бутун дунё микёсида трансмиллий олигопол тизимлар томонидан ресурслар ва иқтисодий фаолиятни глобал бошқарув тизими шаклланимоқда ва тобора мустаҳкамланиб бормоқда;

- даромади паст ва ўрта даражадаги мамлакатлар аҳолисига нисбатан бой мамлакатлар аҳолиси даромадларининг барқарор ўсиш тенденцияси сақланмоқда;

- ривожланаётган мамлакатлар ишлаб чиқариш ва экспорт тузилмасининг асосан хом ашёга йўналтирилганлиги сақланмоқда, бу жаҳон иқтисодиёти ва хом ашё нархи конъюктурасининг ўзгарувчанлиги чоғида, айниқса, хавфли, натижада барқарор иқтисодий ўсиш бўлмайди;

- глобал жараёнлар босимида мослаша олмайдиган мамлакатлар жиддий ижтимоий зиддиятлар ва фуқаролараро можаролар хавфига учрайди;

- дунёнинг иқтисодий ва ижтимоий ноўхшашлиги (бир хил бўлмаслиги) миграция оқими ўсишини юзага келтиради, бу ривожланаётган мамлакатларнинг малакали ишчи кучига ҳам тегишли;

- замонавий алоқа воситалари туфайли молиявий чайқовчилик бозорига айланган глобал молиявий бозорлар алоҳида хавф туғдиради;

- трансмиллий жиноий тузилмаларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши билан боғлиқ бўлган глобал жараёнлар кучаяди, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғ савдоси авж олади [7].

Маълумки, глобаллашув шароитида миллий хавфсизликка таҳдид ва қарши чиқишлар ўз мазмун-моҳиятига кўра ҳам (чунки бу янада кескинлашади), ўзининг турли-туманлиги жиҳатидан ҳам янада хавфли намоён бўлади. Глобаллашув ҳар қандай таҳдид ва қарши чиқишларни мураккаб ҳодисага айлантиради, унга қарши ҳаракат давлатнинг мафқуравий, иқтисодий, технологик, биринчи галда, ижтимоий-ҳуқуқий ривожланиши орқали анча юқори даражада таъминланган бўлиши лозим. Фақат минтақавий интеграллашган микёсда ҳозирги чақириқ ва таҳдидларнинг катта қисмига қарши туришга қодир иқтисодий ривожланиш, ўзаро ёрдам ва жамоавий хавфсизликнинг ишончли тизимини яратиш мумкин.

Глобал характерга эга, глобаллашувнинг бевосита самараси бўлган ёки у билан бирга юз берган янги қарши чиқиш ва таҳдидлар ҳар қандай давлатнинг миллий хавфсизлигига жиддий муаммо туғдиради, айнан улар минтақавий даражада қарши

ҳаракат қилиш воситасини топиш жараёнини тезлаштиради.

Ривожланган мамлакатлар учинчи дунё эга бўлган минерал хом ашё, ёқилғи-энергетика ресурсларига эҳтиёж сезмоқда. Чунки уларнинг захираси тугаб бормоқда. Табиий хом ашё ресурсларининг, айниқса, газ ва нефтнинг чекланганлиги яқин эллик йилда халқаро муносабатлар ривожланишининг бош омили ҳисобланади. Ушбу захираларни қўлга киритишга интилиш асосида можаролар авж олади, кучлар конфигурацияси (жойлашуви) ўзгаради. Муқобил энергия манбаларини биринчи бўлиб топган мамлакат нафақат миллий иқтисодиётини ривожлантириш, балки геосиёсий координатларнинг янги тизимини шакллантириш учун ҳам барча шароитларга эга бўлади.

Халқаро муносабатларнинг янги тизимини ривожлантиришнинг яна бир омили ички ва халқаро, минтақавий ва глобал можаролар (зиддиятлар) ўртасидаги чегаранинг йўқолиши ҳисобланади. Бир томондан, ушбу вазият давлатларни низоли тенденциялар ва мавжуд можароларга қарши ҳаракат қилишнинг жамоавий шакллари тизим билан топишга ундайди. Иккинчи томондан, вазиятни тартибга солиш бўйича жаҳон ҳамжамиятининг бирлашган фаолияти етарли даражада бўлмаганда, ушбу можаролар ва конфликтотенген вазиятлар зиддият сабабини (у қандай бўлмасин) ҳал қилиб бўлмайдиган қарама-қаршилик олиб келиб, давлатлар, халқлар, сиёсий кучлар, конфессиялар ўртасида ажралишни кучайтиради.

Натижада минтақавий экстремизм, этник тоқат қилолмаслик, қурол-яроғ, шу жумладан, ядровий қурол тарқалиши, халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддалар савдоси, экологик кризис кўринишидаги минтақавий ва глобал хавфсизликка потенциал таҳдидларнинг бўлиши табиий ҳолдир [8].

Агар муносабатлар катъий равишда ҳуқуқий асосга қурилса, халқаро муносабатларда “ўйинчи” синдромининг салбий кўринишлари оз бўларди.

Бу янги ҳақиқат эмас, афсуски, айнан унинг вақти-вақти билан рад этиб турилиши дунёни яна ва яна ўйин майдонига айланишига олиб келади.

Ҳар қандай компьютер стратегияси ўйини каби квази юқори ақлий ва мураккаб тузилишли сюжет чизиқларига қурилган янги таҳдидларга қарши геосиёсий, курашга киришиш муайян турдаги руҳий қарамликни келтириб чиқармайди. Бундай ўйин бу курашни ҳаётдан йироқлаштирамайди, унинг натижаларига нисбатан манфаатдорликдан маҳрум қилади. Бинобарин бундай ёндашув билан фанатизмни ёки “...дан бошқа йўқотадиган нарсаси йўқ”ларни енгиш амри маҳол. Шунингдек, моддий-молиявий ресурслар билан тажовузнинг руҳий базасини озиклантириб, бузғунчи кучларнинг шундай тоифаларини бошқаришни ўрганиб олганларнинг жиноятларини бартараф этиш ва улар билан курашиш мумкин эмас [9].

Маълумки, дунё глобал ижтимоий ҳалокат ёқасида турибди, у муқаррарлигига қарамай, айни қутилмаган пайтда қўққисдан юз бериши мумкин. Террорчиликка қарши иттифоқ тарқаб кетади, терроризмга муносабат янги мазмун касб этади. Янги дўқ-пўписали чиқиш ва таҳдидларни бартараф этиш борасидаги мамлакатларнинг глобал ҳамкорлиги оқсаб қолади. Фақат минтақавий ва минтақалараро доирада биргаликда ҳаракат қилишни кучайтиришга умид боғлашгина қолади. Бу ҳамкорлик дунёни ижтимоий-сиёсий силкинишлар гирдобига ва бўлиниб кетиш хавфига дучор қилувчи глобал муаммолар билан курашда мамлакатларнинг янгидан интеграллашуви учун асос бўлиши мумкин.

Кўп қамровли байналмилаллашув ва глобаллашув, давлатлар ҳамкорлиги ва биргаликда ҳаракат қилишнинг турли шакллари вужудга келиши, халқаро можароларнинг янги турлари, муносабатларнинг янги сифатлари пайдо бўлиши шароитида турли мамлакатлар халқаро сиёсий тизимнинг кўп қутбли жойлашувида ўз ўрнини белгилаб олмақда.

Учинчи мингйиллик оралиғида халқаро муносабатлар тизими, Ғарб адабиётида айтилаётганидек, халқаро тизим ўз ривожланишининг сифат жиҳатдан янги фазасига кирди. Унинг ҳозирги дунёга таъсирини инкилобий деб тавсифлаш мумкин. 1945-1990 йилларда мавжуд бўлган «совуқ уруш» давридаги халқаро тизим ёки Ялта-Потсдам тизими ном-нишонсиз кетди. Ялта-Потсдам тартиби ўрнига келган янги халқаро тизим туб ўзгаришларнинг гирдобли жараёнини бошидан кечирмоқда. 1980 йиллар охири 1990 йиллар боши давомида Шарқ ва Ғарб ўртасидаги қарама-қаршиликнинг тугаши, социалистик лагернинг кулаши, собик иттифоқнинг тарқаб кетиши, Евроосиё қитъасида ўнлаб янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши сингари бутунжаҳон-тарихий аҳамиятга молик воқеалар содир бўлди. Халқаро тизим “актёрлари”нинг миқдор ва сифати, улар муносабатларининг модели ва ўзини тутиш қоидалари бир неча йил ичида ўнлаб йиллар давом этган “совуқ уруш” давридан кўра анча чуқур ўзгаришларни бошидан кечирди. Дунё тартиблиликдан кўра тартибсизлик, можароларни тартибга солиш стратегиясидан кўра можаролар билан тавсифланади [10].

Шундай қилиб, ҳозирги халқаро тизим эндиликда тамомилан янги характерли белгиларига эга:

1. Миллий давлатлар аввалгидек унинг бош актори ҳисобланади, бу ўринда гап интеграция даражасига қарамасдан, ихтиёрийлик шарт билан давлатнинг турли давлатлараро минтақавий, минтақалараро ва глобал ташкилотларда иштироки ҳақида бормоқда. Сиёсий ҳокимият ҳудудий мустақиллик (суверенитет) тамойили асосида халқаро ҳуқуқнинг бошланғич субъектлари бўлиб қолаётган алоҳида давлатлар ихтиёрида сақланади. Бирок кўпайиб бораётган глобал муаммоларни ҳал қилишда уларнинг кучи камаяди. Европа ва

Осиёнинг улкан кенгликлариди “реал социализм” ғояси ва амалиётининг барбод бўлиши шунга олиб келдики, коммунистик утопия (хаёлот) ўрнини давлат-миллатни яратиш концепцияси эгаллади. Миллат, миллий қурилиш ғояси қирк ёки етмиш йил давомида тоталитаризм зулми остида қолган жамиятлар учун тенглаштириш объекти бўлиб хизмат қилади. Миллатчилик бу жамиятларда конструктив (асосий) куч ролини ўйнайди.

2. Халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар (ХХТ) каби халқаро ноҳукумат ташкилотлар (ХНТ) сонининг ҳам ўсиб бориши халқаро ташкилотлар сиёсий, иқтисодий ва социал соҳаларда давлатларнинг ўзаро боғлиқ манфаатларининг ортиши туфайли зарур бўлган халқаро тизимни бошқаришнинг алоҳида шаклини яратади. Халқаро Ташкилотлар трансчегаравий, сиёсий жараённинг институционал доирасини шакллантиради, унда кўп сонли давлат ва ҳамжамиятлардан давлат ёки нодавлат актёрлар иштирок этишади. Халқаро Ҳукуматлараро Ташкилот иккиламчи ва ясама бўлса ҳам, улар халқаро ҳуқуқнинг давлатлар томонидан тузилган, бирламчи субъектлари ҳисобланади. ХНТ эса халқаро хусусий ҳуқуқ институтидир. Умуман, Халқаро Ноҳукумат Ташкилот сиёсий соҳада давлат буткул ва тўлиғича ўзига ололмайдиган бошқарувнинг маълум функциясини ўз зиммасига олади.

3. Халқаро тизимдаги қарама-қаршилик (зиддият) глобаллашув билан бир вақтнинг ўзида кечган номарказлаштириш, минтақалаштириш ва кўпкүтблилиқ жараёнларида намоён бўлади. Шарқ ва Ғарб зиддияти конфигурацияси унинг биполярлилиги билан бирга энди халқаро тизим учун структур белгилувчи бўлмай қолди. Кучларнинг янги минтақавий марказлари ташкил топди. Энг муҳим минтақавий давлатлар сифатида Япония ва Германия, шунингдек, Хитой ва Бразилиянинг кўтарилишида кўпкүтблилиқ намоён бўлмоқда. Минтақавий гуруҳлар ва халқаро ташкилотлар (Россия, Европа Иттифоқи, НАФТА Ислом Конференцияси ташкилоти, АСЕАН ва ш.к. билан биргаликда “Катта еттилик”) халқаро тизимда давлатлар билан бирга етакчи актёрларга айланмоқда.

4. Халқаро тизимда қарама-қаршилик марказининг Шарқ-Ғарб нисбатидан Шимол-Жануб ўқига кўчиб ўтиши, содда қилиб айтганда, бой Шимол билан, камбағал Жануб ўртасидаги можаро (ихтилоф) индустриал ва ривожланаётган мамлакатлар ривожининг мутлақо турлича сиёсий, иқтисодий ва маданий имкониятларига асосланади. “77 лар гуруҳи»га бирлашган, ўзида 120 дан ортик давлатни қамраган ривожланаётган мамлакатлар катта гуруҳи ичида табақаланиш жараёни юз бермоқда. Унда ОПЕКга тегишли, сон жиҳатдан унча кўп бўлмаган бир неча бой ва ривожланаётган мамлакатлар ҳамда “янги индустриал мамлакатлар” ажралмоқда. Иккинчи томондан, ривожланган ва ривожланаётган, бой ва камбағал мамлакатлар ўртасидаги фарқ кенгайиб бормоқда.

“Совуқ уруш” тугагандан сўнг Шимол-Жануб ўқидаги кескинликнинг кучайишига кўп жиҳатдан цивилизацион омиллар сабаб бўлди.

5. Шарқ ва Ғарб можаросининг тугаши «куч» тушунчасининг мазмун ва ўлчамида драматик бурилиш ясади. Кучнинг мумтоз белгилари (давлат худуди ўлчамлари, аҳоли сони, геосиёсий ҳолати, қуролли кучлари сони ва ш.к.) ва давлатнинг худудий мустақиллиги кўп жиҳатдан энди ўз аҳамиятини йўқотди. Ғарб сиёсий тафаккури илмий муомалага “сезиларли куч” ва “сезилмас куч” тушунчаларини олиб кирди. “Сезиларли куч” категорияси ўз ичига юқорида қайд этилган анъанавий куч белгиларини олади. “Сезилмас куч” категорияси илмий-технологик база, иқтисодиётнинг саноат ва молиявий қуввати, валюта, инсон бойлиги (капитали), ижтимоий хавфсизлик кафолати, давлатнинг сиёсий ва ижтимоий тузилишини химоя қилишда аҳолининг сафарбарлик лаёқати сингари гўёки бир қарашда кўриб ва сезиб бўлмайдиган давлат кудратининг белгиларидан иборат. Кучнинг ушбу янги ўлчамлари давлатнинг ўрни, мақоми ва кудратини аниқлашда янада катта аҳамият касб этмоқда.

6) Дунё тизими “турларнинг айнаи бир пайтда бўлиши” (“баравар юз бериши”) билан, яъни “тарихий давр” ва “ижтимоий макон” каби фундаментал тушунчаларнинг айнаи бир пайтда мавжуд бўлиши ва бир-бирининг устига қўйилиши билан дуч келмоқда. “Жаҳон ўтиш жамияти»нинг ҳали етарлича аниқланмаган ва пишиб етилмаган шароитида, бир томондан, давлатлараро можароларнинг минтақавийлашуви ва марказдан узоқлашуви, иккинчи томондан, давлатлараро ҳарбий ва давлат ичкарисидаги ижтимоий-сиёсий можароларнинг ўзаро қўшилиб кетиши юз бермоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш Ташкилотига бирлашган Евроатлантика маконининг саноати ривож топган мамлакатларида Шарқ ва Ғарб можаросининг бартараф этилиши натижасида тинчлик барқарор ва хавфсиз бўлган бир вақтда дунёнинг бошқа минтақаларида беқарорлик ва кўтарилишлар кескин ортди. Халқаро муносабатларда глобаллашув жараёнларининг ёнма-ён бориши ва маҳаллий ҳамжамиятларнинг сақланиши, ўзаро қўшилиб кетиши ва табақаланиш, қисмларга ажралиш (фрагментизация) ва марказдан узоқлашиш, яқинлашиш ва бегоналашиш, мустақиллик ва ўзаро боғлиқлик халқаро тизим учун ҳарактерлидир” [11].

Ҳозирги халқаро муносабатлар тизимининг асосий тенденцияси унинг байналмилаллашувидир. Замоनावий байналмилаллашув нафақат халқаро алоқа ва алмашинувларнинг турли-туманлиги ҳамда ҳажмларнинг кенгайишида, фаолиятнинг янги соҳаларига уларнинг тарқалишида акс этади, балки халқаро ҳамкорликнинг (иттифоқлар, битимлар, ташкилотларнинг) мустақил, барқарор, мавжуд ва давлатдан автоном (мухтор) равишда ҳаракат қилувчи шакллари ҳам тўғдиради. Фаолиятнинг мақсади, соҳа ва йўналишлари шаклланмоқда, фақат халқаро ҳамкорлик бўлгандагина улар амалга

ошиши мумкин; иқтисодий етакчи мамлакатларнинг фаровонлиги ва ривож топиши ташқи бозор ва алоқаларга боғлиқ. Байналмилаллаштириш воситалари, унинг ҳаракатланувчи кучлари ўзгармоқда: ҳозирги пайтда у асосан иқтисодий ва илмий техник омиллар таъсири остида ривожланмоқда. Ишлаб чиқарувчи кучлар, иқтисодий алоқалар, технологиялар, илм ва техника ривожланиши билан байналмилаллашув жараёнлари кучли ва аҳамиятли бўлган жойда соҳалар ўзгармоқда.

Йирик сиёсий жараёнларга олинган натижалар бўйича жиддий, барқарор ва ишончли таъсир кўрсатиш, уларни самарали бошқариш мақсадида қўшилиш зарур. Халқаро барқарорлик йўналтирилган ва қутилаётган ўзгаришларнинг башорат қилинган жараёни сифатида фақат шундай ўзгаришларнинг иштирокчилари учунгина мумкин бўлади. Халқаро ҳаёт ва унинг муҳим жараёнларидан ўзни четга тортиш жаҳон иқтисодиёти, сиёсати ва тараққиётида мамлакатнинг ўрни, роли ва мавқеини йўқотиш эвазигагина мумкин бўлади.

Ниҳоят, халқаро ҳаётнинг сифат жиҳатидан янги ходисаси – алоҳида давлатлар – субъектлар томонидан ер шари (худудий), дунё иқтисодиёти ва сиёсати микёсида ўз ҳаётини фаолиятларини амалга ошириш имкониятлари ҳамда эҳтиёжларига эга бўлиши алоҳида аҳамият касб этмоқда. Глобаллашув асосий белги сифатида қандайдир муаммо ёки фаолиятни дарҳол глобал (умумжаҳон) даражага чиқаришни кўзда тутди. Шу билан бирга,

бундай фаолият иштирокчиларининг таркибига кўра, байналмилал бўлиши шарт эмас, балки битта давлат, ташкилот, фирма томонидан амалга оширилиши мумкин (бунинг учун улар тегишли имкониятларга эга бўлишлари лозимлиги шартли билан).

Шундай қилиб, Евросиёнинг марказида, Э.Бжезинский таъбири билан айтганда, «беқарорлик ёйи»да дунё микёсидаги оламшумул ўзгаришлар даврида вужудга келган минтақа мамлакатлари ўз мустақил тараққиёт йўлининг дастлабки босқичида қатта синовлардан ўтишларига тўғри келди. Глобализация талабларига жавоб бериш учун улар бир пайтнинг ўзида уч муҳим ички вазифани ҳал қилишлари – ўз давлатчилигини барпо этишлари, мустақил ижтимоий тизим ўрнига дунёвий демократия қуришлари, буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт ўрнида бозор иқтисодиётини шакллантиришлари лозим эди. Моҳиятан инқилобий бўлган бу туб ўзгаришлар босқичидан Марказий Осиёнинг барча давлатлари ҳам шикастсиз ўта олмади. Лекин XXI аср бошига келиб уларнинг барчаси жаҳон микёсидаги жараёнларда ўз ўрнини излаётган мустақил давлатлар сифатида қарор топди. Минтақавий интеграциянинг ва жаҳон иқтисодий жараёнларида янада фаолроқ иштирок этишнинг зарурлиги Марказий Осиё мамлакатларида умумий эътироф этилган. Лекин бунга бир қанча муҳим омиллар монелик қилиб турибди. Уларнинг асосийси – Марказий Осиёнинг географик жиҳатдан берклиги, яъни анклавлигидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Н.И. Петров, М.С. Гафарлы Казахстан. Курс на политическую стабильность и сотрудничество с соседями / Постсоветская Центральная Азия. Потери и обретения. – М.: Фирма Восточная литература РАН, – 1998. - 60 с.
2. Давыдов Ю.П. «Жёсткая» и «мягкая» сила в международных отношениях // Международные процессы-М, –2010 -№2, – 23 с. <http://www.intertrends.ru/four/006.htm>.
3. Каримов И.А. Миллий истиклол мафкуриси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир // Озод ва обод Ватан, эркин ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т. 8. – Т.: Ўзбекистон, – 2000. – 30 с.
4. Р.З.Жумаев, М.Қирғизбоев, С.А.Жўраев, И.Э.Эргашев, Б.О.Бердиев, Ҳ.Қирғизбоева, О.Р.Джумаев, А.И.Усмонов: Ўзбекистон: сиёсий ислохотлар стратегияси, эришилган натижалар ва истикболлар. –Т.: Академия, – 2009. – 123 с.
5. В. De Schutter and J. Pas, About Globalisation, Brussels, University Press, – 2004. – 34 p.
6. Ражабова М. Диний экстримизм ва террорчилик. - Т.: Янги аср авлоди, –2000. -50-54 с.
7. Холбеков А. Ўзбекистонда жамиятнинг демократлашуви жараёнида ижтимоий адолатни амалга ошириш муаммолари. Социология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.– Т., – 2001. – 27 с.
8. Пахрутдинов Ш. Таҳдид – ҳалокатли куч. – Т.: Академия. –2001. – 217с.
9. Каримов Т.К. Ижтимоий тараққиёт ва давримизнинг жаҳоншумул муаммолари. – Т.: Ўзбекистон. – 1997. – 38 с.
10. Эргашев Ш. Демократик -ғоя ва бошқарув тамойиллари. – Т.: F.Фулом нашр. – 2000. –13 с.
11. Кокошин А. Новый международный контекст // Независимая газета, М, 25 мая 2000. – 45 с.



УДК 81'246.1/2:81'242

Venera JUMABAEVA,
National University of Uzbekistan researcher of the department of English Philology.
E-mail: venera.joumabaeva@gmail.com

SOME TERMS OF LANGUAGE ACQUISITION (BILINGUALISM, MULTILINGUALISM AND PLURILINGUALISM)

Abstract

In the modern society majority of people try to become proficient in more languages than their native. Particularly, the population who live in the society where economic, political and cultural connections with other nations and countries are developed. Thereafter it is normal to acquire several languages at the same time. On discussing the acquisition of languages it should be clearly defined linguistic terms related to this part of linguistics. While the term bilingualism is used to describe a person who uses two languages to communicate, other terms like multilingualism and plurilingualism are used to describe a notion of person or community who speak several languages. What is the difference between these two units of linguistics? In this article it is given the exact definition of these and other terms related to acquisition of language.

Key words: monolingualism, bilingualism, multilingualism, plurilingualism, first language, native language, mother tongue, official language, communication, society.

ТИЛ ЭГАЛЛАШНИНГ АЙРИМ ТЕРМИНЛАРИ (БИЛИНГВИЗМ, МУЛЬТИЛИНВИЗМ ВА ПЛЮРИЛИНГВИЗМ)

Аннотация

Тил миллатнинг маданий меъроси ҳисобланади. Хар бир халқ, хар бир миллат ўз она тилини чуқур ўрганиши ва кейинги авлодга меърос қолдириши учун ҳаракат қилади. Шу билан бир қаторда, бошқа халқлар тилларини, яъни, сиёсий, иқтисодий ва маданий бозлиқ бўлган халқлар тилларини ўрганишига ва бир пайтнинг ўзида бир нечта тилни билишига ҳаракат қилади. Мазкур мақолада айнан замонавий тилишуносликда ишлатиладиган баъзи бир терминлар, яъни, билингуализм, мултилингуализм ва плурилингуализм атамалари олимлар фикрлари мисолида таҳлил қилинган. Билингуализм илмий атамаси тилишуносликда бир пайтнинг ўзида иккита тилни билиши даражасини билдирса, мултилингуализм ва плурилингуализм атамалари эса бирон бир шахс ёки миллатнинг бир пайтнинг ўзида бир нечта тилни, яъни уч ва ундан ортиқ тилларни билишини кўрсатади. Замонавий тилишуносликда мултилингуализм ва плурилингуализм атамалари маъно жиҳатдан бир-бирига жуда яқин бўлганлиги сабабли кўп баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу мақолада ушбу терминларнинг бир-биридан фарқи олимлар фикрлари мисолида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: монолингуализм, билингуализм, мултилингуализм, плурилингуализм, она тили, расмий тил, мулоқат, жамият

НЕКОТОРЫЕ ТЕРМИНЫ ОВЛАДЕНИЯ ЯЗЫКОМ (БИЛИНГВИЗМ, МУЛЬТИЛИНВИЗМ И ПЛЮРИЛИНГВИЗМ)

Аннотация

Язык является культурным наследием нации. Каждый народ старается глубоко изучить свой родной язык и оставить в наследство следующему поколению. Вместе с этим старается изучить наряду со своим языком, языки народов близких по культуре, политике, экономике и одновременно языки других народностей. В этой статье был проанализированы термины, такие как билингуализм, мултилингуализм, плурилингуализм, которые используются в современном языковедении. В языковедении термин билингуализм означает знание одновременно двух языков, а мултилингуализм и плурилингуализм показывает знание одним человеком или народом нескольких языков, т.е. трех и более. В современном языковедении возникает много споров и обсуждений по поводу близких по значению терминов мултилингуализм и плурилингуализм. В этой статье проанализированы различие вышеуказанных терминов на основании идей ученых.

Ключевые слова: монолингуализм, билингуализм, мултилингуализм, плурилингуализм, родной язык, официальный язык, общество.

INTRODUCTION. Nowadays in the modern more languages than their native. Notably, the society majority of people try to become proficient in population who live in the society where economic,

political and cultural connections with other nations and countries are developed. Thereafter it is normal to acquire several languages at the same time. On discussing the acquisition of languages it should be clearly defined linguistic terms related to this part of linguistics.

This article is devoted to the analysis of some terms of language acquisition, namely, bilingualism, multilingualism, plurilingualism and etc.

During the last years, interest in multilingualism has increased rapidly in modern society. Cenoz and Genese emphasized that multilinguals possess "a larger linguistic repertoire than monolinguals but usually the same range of situations in which to use that repertoire" [1], resulting in multilinguals having more "specific distributions of functions and uses for each of their languages" [1].

What is monolingualism? "*Monoglossism* or, more commonly, *monolingualism* is the condition of being able to speak only a single language". [6] *Monolingualism* usually related to first language, monolingual is a person who knows only his first language. "*First language* - this is a term used to describe the first language to which the learner is exposed. This may be different from the home language." [4] *Home language* is most commonly spoken by the members of a family for everyday interactions at home. *Family language* - children's mother tongue, first language home language, ancestral and/or heritage language [3] "*Mother tongue* is a term also used to describe the learner's first language and is often used in referring to the language of the home" describes Ch. Franson. "*Native speaker* is used to describe a person who speaks the designated language as their first language" [4] Also, "*Community language* - all languages used in broader social spheres (e.g. education settings, schools, institutions, community organisations)" [3] encompasses all terms pointed above.

In community language we can add other units of linguistics like bilingualism, multilingualism and plurilingualism. These terms also related to the language of community.

Leonard Bloomfield in his book "Language" describes *bilingualism* as "native-like control of two languages" [9] Carolina Cabezas-Benalcazar in her article named "Enacting bilingualism, multilingualism and language learning in the early years" states that "*Bilingualism* - an individual's ability to use two or more languages." [3] This term is widely defined by the words of Charlotte Franson: "This term is used to describe a learner who uses two or more languages to communicate. There are various interpretations with regard to attitude, proficiency and use" states Ch. Franson. She describes the term widely: "*Bilingualism* is the ability to use two languages. However, defining bilingualism is problematic since individuals with varying bilingual characteristics may be classified as bilingual. Definitions of bilingualism range from a minimal proficiency in two languages, to an advanced level of proficiency which allows the speaker to function and appear as a native-like speaker of two

languages. A person may describe themselves as bilingual but may mean only the ability to converse and communicate orally. Others may be proficient in reading in two or more languages (or *bi-literate*). A person may be bilingual by virtue of having grown up learning and using two languages simultaneously (*simultaneous bilingualism*). Or they may become bilingual by learning a second language sometime after their first language. This is known as *sequential bilingualism*. To *be bilingual* means different things to different people." [4] In the society where live various bilinguals may easily cause to turn to multilingual one.

Many societies today are discussing the place that different languages should have in their system. A multilingual system wants every language to have its place in society, regardless of whether these are regional, national, heritage or foreign languages [7] "In a true multilingual system, all languages can have their legitimate place: mother tongues, languages of regional, national and wider communication. English and all other world languages can play their role; they can be healer languages and not 'killer languages'" [9]

Multilingualism - a societal practice of multiple languages within a group, community, region or country. [3;9] emphasizes Carolina Cabezas-Benalcazar.

Multilingual - this term is used to describe contexts, such as urban schools, where there are speakers of many different languages. It is sometimes used to describe a person who speaks several languages but is increasingly being replaced with plurilingual. *Plurilingual* - this term is increasingly being used to describe speakers of more than two languages. Multilingual is still used to refer to entities such as society, cities or schools. [4]

The political history of the 19th and 20th centuries and the ideology of 'one state - one nation - one language' have given rise to the idea that monolingualism has always been the default or normal case in Europe and more or less a precondition for political loyalty. Facing this situation, it has been overlooked that the vast majority of the world's population - in whatever form or conditions - is multilingual. [10] Definitions of what *multilingualism* and *plurilingualism* denote are not clear-cut; discussions about these definitions are still going on. Therefore readers may find very different ideas about the term "multilingualism". The Council of Europe and the ECML have decided to use the following distinction between the terms "plurilingualism" and "multilingualism". While plurilingualism is the competence of an individual being able to use different languages, multilingualism is a feature of societies with members speaking different languages. "This leads to the distinction between plurilingualism as a speaker's competence (being able to use more than one language) and multilingualism as the presence of languages in a given geographical area: there is a shift, therefore, from a perspective focusing on languages (a state may be referred to as monolingual or multilingual) to one that focuses on speakers" [5].

Plurilingualism as a competence of speakers focuses on a slightly different aspect than

multilingualism. It is possible to have a multilingual society without having plurilingual inhabitants, as a society can incorporate a co-existence of different languages. The Council of Europe and hence the ECML seeks to increase the plurilingualism of citizens in countries with varying degrees of multilingualism. In recent years, the concept of plurilingualism has grown in importance in the Council of Europe's approach to language learning. *Plurilingualism* differs from multilingualism, which is the knowledge of a number of languages, or the co-existence of different languages in a given society. *Multilingualism* may be attained by simply diversifying the languages on offer in a particular school or educational system, or by encouraging pupils to learn more than one foreign language, or reducing the dominant position of English in international communication [11]

It is not only migration that leads to linguistic diversification in many countries. Countries may have linguistic minorities who have been living in a particular region for many, many years, and who form a regional majority. Plurilingualism wants to offer educational opportunities to manage different languages and linguistic varieties and give them a place to further develop. The plurilingual perspective may provide some answers to such problems: it recognises and accepts the diversity of all speakers; a principle of plurilingual education is that the management of plurilingual repertoires and their development should be differentiated. Techniques are available for establishing ways of teaching linguistic varieties which are not a matter of exclusive choices, but can be modulated (over time, for example) and are therefore negotiable. From this point of view, plurilingualism can enable both majorities and minorities to have a better understanding of the nature of their relationships and of their own aspirations [12]. As stated by the Council of Europe's Language Policy Division, all speakers' language skills should be developed, regardless of whether they are speakers of a majority or a minority language.

An official language is a linguistic variety which has the role, sanctioned by the Constitution or other legal instruments, of language of communication between state and citizens (government departments, the judicial system, schools, etc.). In national states the official language may become a factor of identity, i.e. of belonging to a national community. The term *national language* is, therefore, far more emotionally charged than official language [5]. The term *national languages* conveys national emotions that are rooted in the history of the country. If this national background is not to be focused on, the term *official languages* can be used [7] This supposes that in private communication citizens may use any linguistic varieties.

Normally, the existence of one or more national or official languages does not prevent people from using any other language in private contexts, although it can happen that the state wants to enforce the use of the national language. "National language does not coincide with citizenship, even if some knowledge of the official variety is expected or required of those applying for citizenship" [5;52]. The connection between citizenship and national language is widely discussed in many European countries. Some countries now actively require the applicants for citizenship to prove that they have reached a certain language level in the national language.

CONCLUSION. Baker states that "a language divorced from a culture is like a body without a soul" and suggests the importance of learning about the cultures associated with different languages [2]. However, society is monolingual, bi- or multilingual its language(s) and culture should be learned by others.

Having based on the literatures on language acquisition, the terms like bi-, multi-, plurilingualism and etc. have been analyzed and given varieties of definitions by researchers. There distinguished the term plurilingualism out of multilingualism as the word plurilingual is basically related to an identity and multilingual is mostly describes a society.

LITERATURE

1. Cenoz J., Genesee F. Psycholinguistic perspectives on multilingualism and multilingual education. In J. Cenoz, J & F. Genesee (Eds.), *Beyond bilingualism: multilingualism and multilingual education*. Clevedon, UK.: Multilingual Matters. 1998, 19 p.
2. Baker C. *Foundations of bilingual education and bilingualism* (4th ed.). Clevedon, England: Multilingual Matters. 2006
3. Cabezas-Benalcazar C. "Enacting bilingualism, multilingualism and language learning in the early years" A practice guide for early childhood educators. Early childhood Australia national conference 2018 – Be the difference for children and families. 9 p. veyldf@edumail.vic.gov.au and <https://www.vcaa.vic.edu.au/>
4. Franson Ch. "What is bilingualism?" 02/10/2011 <http://www.naldic.org.uk/ITTSEAL2/teaching/B1.cfm>
5. Jean-Claude Beacco and Byram M. *Guide for the Development of Language Education Policies in Europe: From Linguistic Diversity to Plurilingual Education. Main Version*, Language Policy Division, Council of Europe, Strasbourg. 2003
6. <http://en.m.wikipedia.org/wiki/Monolingualism>
7. Klaus Borge Boeckmann, Eija Aalto, Andrea Abel, Tatjana Atanasoska and Terry Lamb. *Promoting plurilingualism - majority language in multilingual settings*. © Council of Europe, 2011 Austria. 61 p.
8. Skutnabb-Kangas, Tove, Phillipson, Robert, Mohanty, Ajit K. and Panda, Minati (eds) 2009, *Social Justice Through Multilingual Education*, Linguistic Diversity and Language Rights, Multilingual Matters, Clevedon 5 p.
9. Leonard Bloomfield "Language" George Allen and Unwin LTD. 1933 London 56 p.

10. Kurt Braunmüller and Gisella Ferraresi (eds) "Aspects of Multilingualism in European Language History", *Hamburg Studies on Multilingualism 2*, John Benjamins Publishing Company, Philadelphia, 2003. 1 p.
11. Council of Europe *Common European Framework of Reference for Languages: Learning, Teaching, Assessment*, Cambridge University Press, 2001. 4 p.
12. Council of Europe "From linguistic diversity to plurilingual education. Guide for the development of language education policies in Europe", Language Policy Division, 2007. 71 p.



UDK: 811.512.133.1:811.113.1(575.1)

Навбахор КУЛДАШОВА,

Бухоро давлат университети таянч докторанти

E-mail: navbaxorkuldashova@mail.ru

MODERN LINGUISTICS AND TERMINOLOGY

Abstract

This article will provide an overview of modern linguistics and terminology and provide information on various theoretical perspectives and leading concepts in modern linguistic fields, as well as on the analysis of valence units in cognitive linguistics. Under the influence of linguistic and non-linguistic factors, various terminological systems and a new terminology system are rapidly developing. Such a process is, firstly, deliberate (the correct expression of terms), and secondly, in some cases, spontaneously presents various uncertainties in the interpretation of concepts. Occasionally, one or another term may have a completely new meaning in different spheres of human activity. This does not preclude the effective use of terms in consumption. This takes place at the beginning, at an early stage in the formation of terms. As a result, the task of regulating and standardizing terms, terminological systems, and others will be solved. This requires the large-scale creation of automated information retrieval systems. As a result, it is necessary to bring terminological systems into a focused, motivated and professionally formed form. Such work can be carried out only through the formation of meaning and structure of terms, an in-depth study of the laws governing the formation of terminological systems. This process is a large and complex task, and its development is important both from a linguistic and universal point of view. Because, according to V.V. Vinogradova, in the field of terminology there is a clear connection between the material and spiritual culture of people in the development of the language and its lexical system.

Key words: *terminology, term, concept, frame, cross, gender, cognition, prototype, categorization, conceptualization.*

СОВРЕМЕННАЯ ЛИНГВИСТИКА И ТЕРМИНОЛОГИЯ

Аннотация

В этой статье будет представлен обзор современной лингвистики и терминологии и предоставится информация о различных теоретических перспективах и ведущих концепциях в современных лингвистических областях, а также об анализе валентных единиц в когнитивной лингвистике. Под влиянием лингвистических и нелингвистических факторов быстро развиваются различные терминологические системы и новая система терминологии. Такой процесс, во-первых, осознанный (правильное выражение терминов), а во-вторых, в некоторых случаях самопроизвольно представляет различные неопределенности в интерпретации понятий. Изредка тот или иной термин может иметь совершенно новое значение в разных сферах человеческой деятельности. Это не исключает эффективного использования терминов в потреблении. Это имеет место в начале, на ранней стадии формирования терминов. В результате будет решена задача регулирования и стандартизации терминов, терминологических систем и других. Это требует широкомасштабного создания автоматизированных информационно-поисковых систем. В результате необходимо привести терминологические системы в целенаправленную, мотивированную и профессионально сформированную форму. Такая работа может быть осуществлена только путем формирования смысла и структуры терминов, углубленного изучения закономерностей формирования терминологических систем. Этот процесс является большой и сложной задачей, и его развитие важно как с лингвистической, так и с универсальной точки зрения. Потому что, по словам В.В. Виноградова, в области терминологии существует четкая связь между материальной и духовной культурой людей в развитии языка и его лексической системой.

Ключевые слова: *терминология, термин, концепция, фрейм, кросс, гендер, когниция, прототип, категоризация, концептуализация.*

ЗАМОНАВИЙ ЛИНГВИСТИКА ВА ТЕРМИНОЛОГИЯ

Аннотация

Мазкур мақолада замонавий тилишунослик ва терминология ҳақида фикр юритилади. Замонавий лингвистик йўналишларидаги турли назарий қарашлар ва етакчи концепциялар тўғрисида, шунингдек, когнитив тилишунослик ва лисоний бирликларни таҳлил қилиш ҳақида маълумотлар берилади. Ҳозирги пайтда лисоний ва нолисоний омиллар таъсирида хилма-хил терминологик тизимлар ҳамда янгидан-янги терминлар тизими жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бундай жараён, биринчидан, онгли (терминларнинг тушунчаларни тўғри ифодалаётганлиги), иккинчидан, баъзи ҳолатларда стихияли тарзда

кечмоқдаки, кейинги ҳолат тушунчаларни англатишида турли хил ноаниқликларни келтириб чиқармоқда. Баъзан у ёки бу термин инсон фаолиятининг турли соҳаларида бутунлай янги маъно касб этиши мумкин. Бундай ҳолат истеъмол доирасида терминларнинг самарали қўлланишини инкор этмайди, албатта. Чунки айни шундай ҳолат терминлар шаклланишининг дастлабки, илк босқичида рўй беради. Натижада терминларни, терминологик тизимларни тартибга келтириши ҳамда уларни стандартлаштиришидан иборат вазифалар кўндаланг бўлади. Бу автоматлаштирилган инфор­мацион-қидирув тизимларининг кенг қўламда яратилишини тақозо этади. Натижада терминологик тизимларни мақсадга йўналтирилган, мотивлаштирилган ва малакали шакллантирилган ҳолатга келтириши зарурати туғилади. Бундай ишлар эса фақат терминлар маънолари ва тузилишини шакллантириши, терминологик тизимлар ташкил топишининг қонуниятларини теран ва атрофлича тадқиқ этиши йўли билан амалга оширилиши мумкин. Бу жараён катта ва мураккаб вазифа ҳисобланадики, уни ишлаб чиқиши ҳам лисоний, ҳам умумбилиши нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Чунки академик В.В.Виноградовнинг таъкидлашича, терминология соҳасида тилнинг тараққиётида, унинг лексик тизимида халқнинг моддий ва руҳий маданияти билан боғлиқлик яққол кўзга ташланади.

Калит сўзлар: терминология, термин, концепция, фрейм, кросс, гендер, когниция, прототип, категоризация, концептуализация.

Маълумки, тил орқали инсон борлиқ ва воқелик ҳақидаги ахборотни қабул қилади, тўплайди, қайта ишлайди, тартибга солади ва идрок этади. Тил орқали инсон бошқа миллат вакиллари билан мулоқот қилади ва ўзга маданиятни ўрганади, тил нафақат мулоқот курули балки фикрни шакллантирувчи ва маданиятни ифода қилувчи восита ролини ўйнайди.

Тилшуносликда тил ва тафаккур, тил ва маданият, тил ва нутқ, тил ва маданиятлараро мулоқот муносабатлари муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, тилшунос Дж.Лакофф, М.Джонсон, В.фон Гумбольдт, Б. Уорф, Э.Сепир, А.А. Потебня, Леви-Стросс, Ф.И. Буслаев, Ю.С. Степанов, Н.Д.Арутюнова, В.Н. Телия, В.В. Воробьев Дж. Остин, Дж.Серль, Дж. Лич, Г. Грайс, Д.Ашурова, А. Абдуазизов, А.Маматов, Ў.Юсупов, Ш.Сафаров каби қатор олимларнинг назариялари катта аҳамиятга молик.

“Инсон онги тобора ривожланиб борар экан, унинг дунёқараши, фикри, нуқтаи назари ҳам такомиллашиб, кенгайиб бораверади. Ҳар бир фанда ривожланиш бўлгани каби тилшунослик ҳам кундан-кунга тараққий топиб, турли янги оқимлар, йўналишлар, янги илмий-назарий қарашларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда”[1].

Бунинг натижасида эса тилшуносликнинг янги турлари пайдо бўлди: психолингвистика, социоллингвистика, этнолингвистика, менталингвистика, нейролингвистика, когнитив лингвистика ва ҳ.з. Когнитив тилшунослик когнитология асосида вужудга келди. У тилнинг когнитив аспекти билан кизикади. Маълумки, когниция оламни билишда инсон билимларининг онгда пайдо бўлиш ва бойиб бориш жараёни экан, билимларни ўзгартириш эса бевосита ёки билвосита лисон билан алоқада бўлади, боғланади.

Когнитив тилшунослик эса чоғиштирма тилшуносликнинг вазифаларини кенгайтиради ва қуйидаги вазифаларни кўяди :

1) икки тилдаги концептлар ва уларнинг ифодаланишини қиёслаш;

2) қиёсланаётган тиллар бўйича оламнинг лисоний манзараларини қиёслаш;

3) икки миллатдаги нутқий онгни қиёслаш; 4) икки тилдаги бирликларнинг маданиятни акс эттириши билан боғлиқ хусусиятларини очиб бериш”[2].

“Когнитологияда фрейм, концепт, сценарий, скрипт, гештальт, прототип, категория каби тушунчалар инсоннинг ташқи оламни идрок этиш амалиёти ва тажрибасини акс эттирувчи билим тузилмаларини англатади ҳамда мазкур тушунчалар модаллик тушунчаси билан ўзаро уйғун боғланиб, кенг қўлланади[3]. “Концепт билан тушунчани айсбергга ўхшатиш мумкин. Агар концепт айсберг бўлса, унинг сувдан чиқиб турган қисми тушунчадир”[4].

“Концепт – бу ҳам сўз, ҳам тушунча орасидаги боғлиқлик, идрок этилаётган предмет-ходисалар ҳақида тушунчанинг пайдо бўлиши ва шаклланиши, нутқда миллий-маданий мулоқотни таъминловчи, халқаро хусусиятга эга, ўта мавҳум тафаккур доирасига кириб, билимлар мажмуасини, яъни инсон онгидаги ментал лексиконни, концептуал тизимни ва тил фаолиятини ифодаловчи кенг камровли категориядир”[5]. “Frame” (фрейм) – инглизча сўздан олинган бўлиб, “каркас” ёки “рамка” деган маъноларни англатади”[6]. “Фрейм – концептнинг негизини ташкил қилади ва айрим фреймлар туғма(табiiй) ҳисобланади. Концептларни тушунишни таъминлайдиган когнитив структуралар”[7]. Т.А.ван Дейк таъбирига кўра: “Фреймлар – концептуал фреймлар” ёки “сценарийлар” ҳисобланади[8]. “Фрейм – бу турли хил ахборот ва ситуацияларни универсал система тарзида баён қилувчи, когнитив структур типлари асосида стандарт билимлар мажмуини ҳар хил моделлар ва ҳар хил тил бирликлари ёрдамида ифода этувчи, кўп компонентли концептдир. Фреймлар тўғридан-тўғри нутқнинг мулоқот жараёнида иштирок этади ва экстралингвистик билимлар дунёсини ўзида акс эттиради. У инсон онгида маълумотларни сақлаш йўлидир. Фреймлар инсоннинг умри давомида йиққан ижтимоий-маданий маълумотларига асосланади”[9]. Гештальт – немисча «gestalt» (образ, структура, яхлит шакл) сўзидан олинган бўлиб, у руҳий тузилмалар образларининг ўзига хос

яхлитлигини таъминловчи белги ва хусусиятлар умумлашмасини англатади ва ҳ.к.

Равшанки, замонавий тилшуносликнинг тури бўлган когнитив тилшунослик тил ва тафаккур, тил ва онг, тил ва маданият, тил ва нутқ ўзаро муносабатларини, инсоннинг тилда намоён бўлувчи когнитив фаолиятини ҳар тарафлама ўргатишни назарда тутди, шунингдек, борлик, дунё ва воқеликни билиш ва уни тил орқали онгли идрок этишга имкон беради, тилшуносликда қўлга киритилган ютуқлар, ундаги тушунчалар ва терминлар, концепциялар ва назариялар коммуникатив тилшунослик, лингвопрагматика, психолингвистика, гендер тилшунослик, нейролингвистика, маданиятлараро мулоқот, лингвомаданиятшунослик каби тилшуносликнинг замонавий йўналишларида илмий изланишлар олиб боришга замин яратади.

Тарихда маълумки, дунёдаги ҳар бир миллат ҳам ақлий руҳий қиёфаси яъни миллий менталитети ўзига хос тарихий, этник табиий-иклимий шарт-шароитлар доирасида шаклланиб босиб, жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий ходисалар, тарихий жараёнларга бўлган муносабати ҳам турли бўлиши шубҳасиз. Зеро, миллий ўзига хосликлар узок; тарихий даврдаги ижтимоий – иқтисодий, сиёсий жараёнлар, табиий географик ўрнашув, ўзаро этномаданий алоқалар, диний мансубликлар асосида қарор топади ва айнан мана шулар ҳамда халқнинг руҳийпсихологик қарашлари негизида қадимий анъаналар, урф-одатлар ва маросимлар шаклланади.

Замонавий лингвистика замонавий лингвистик йўналишларидаги турли назарий қарашлар ва етакчи концепциялар тўғрисида тасаввурга эга бўлишни тақозо этади:

1) замонавий лингвистик йўналишларининг терминологик аппарати, қонуниятлари ва асосий тушунчалари, асосий тамойиллари ва уларнинг хусусиятлари;

2) маданий бирликлар ва уларнинг турлари, нутқий акт, концепт ва унинг турлари, фрейм назарияси ва унинг тахлили;

3) билим тузилмалари, ахборот, категоризация, концептуализация, когниция, прототип, концептуал ва лисоний дунё тасвири;

4) когнитив метафора, унинг турлари ва вербаллашув хусусиятлари; прагматикадаги кооперация тамойили, нутқий акт турлари, прагматик вазифалар, коммуникатив-прагматик ходиса, хушмуомалалик тамойили, нутқий актнинг семантик-прагматик хусусиятлари ва ҳ.к.

Замонавий лингвистика лисоний материал билан ишлаш, муайян назарий масалаларга оид фикрларни баён этиши, айни фикрларга нисбатан танқидий муносабатини шакллантириш ва ифодалаш; лисоний бирликларни тахлил қилиш методларини – кросс-маданий тахлил, концептуал тахлил, лингвопрагматик тахлил, фрейм тахлиллар қила билиш ва уларни амалиётда қўллаш, тил бирликларни когнитив ва маданий тахлилини турли структурал генератив, семантик каби ёндашувлардан фарқли жиҳатларини қиёсий тахлил

қилиш, тил бирликларда акс эттирилган миллий дунё тасвирини ифода этувчи миллий-маданий бўёқдор лисоний бирликларни ажрата олиш, илмий тадқиқот жараёнида долзарб масалаларни аниқлай олиши ва тил бирликларини тахлил қилишда уларнинг ечимини топа олиш демакдир.

Лингвомаданият – замонавий тилшуносликнинг йўналишларидан бири бўлиб, тилшунослик ва маданиятшуносликнинг туташган қисмини ўрганадиган соҳа ҳисобланади.

Тил менталитет, анъана ва одатларни ҳамда ўзига хос оламни тушуниш усулини айнан тил орқали қабул қиладиган инсонни шакллантирувчи қуролдир.

“Термин” грекча “terminos” сўзидан олинган бўлиб, чек, чегара маъноларини билдиради. Терминлар йиғиндиси ҳамда ана шу терминларни ўрганувчи соҳа эса “терминология” дейилади.

Сўз кўп маънога, яъни қўшимча маъноларга эга бўлади, лекин термин бундай хусусиятга эга эмас, у ҳам сўз, аммо у одатдаги сўзлардан маъносининг аниқлиги, бир маънолилиги билан фарқланади, шунингдек, термин маълум соҳада, шу соҳа вакиллари нутқида қўлланилади.

Масалан: концепт, фрейм, модус, диктум, геишталт, прототип, сценарий, концепция, кросс, гендер, когниция, категоризация, концептуализация ва ҳ.к. каби терминлар тилшуносликнинг тармоқларида учрайди. Бироқ ҳар қандай лексик тушунчаларни ифодалаш учун терминлар олдида маълум талаблар ва меъёрлар қўйилади. Бу эса албатта, терминнинг моҳияти ва табиатидан келиб чиқади.

Кейинги йилларда термин сўзи ўрнига атама сўзи қўлланыпти. Бундай қўллаш хато ҳисобланади. Чунки атама сўзининг маъноси термин сўзининг маъносига нисбатан кенг бўлиб, у барча нарсаларнинг номи сифатида тушунилади, термин эса муайян бир соҳада қўлланивчи расмийлашган сўздир.

Термин номинатив вазифани бажаради. Терминнинг маъноси адабий тил меъёрлари доирасида тушунчага тенг бўлади. Чунки бир терминологик тизимда термин бир маъноли (моносемантик) бўлгани учун унинг маъноси тушунчага тенг келади. Яъни терминлар бир маънони ифодаловчи махсус расмий сўзлардир. Кўп маъноли биргина сўз эса бир неча тушунчани ифодалайди. Масалан, *бош – киши аъзоси; бош – сўз боши; кўз – киши аъзоси, кўз – ёғочдаги белги* каби тушунчаларни англатади.

“Термин аниқ, конкрет тушунчаларни билдириб, ҳис-ҳаяжон маъноларидан холи бўлади. Маълумки, сўзнинг маъноси мураккаб бўлиб, унда тушунча қўшимча маъно ва услубий белгиларга эга бўлади. Шу боис тилда бир тушунчани англатадиган синонимлар турли маъно қирралари ёки услубий қўлланилиши билан бир-бирларидан фарқ қилади. Масалан, *юз, бет, турқ, афт, башара, чехра, жамол, ёноқ, рухсор, ораз* сўзлари бир умумий тушунчани билдириб, синонимлар ҳисобланса-да,

бирок турли маъно кирраларига кўра бир-бирдан фарқланади. Бир сўз бир неча соҳанинг термини бўлиши мумкин. Лекин бундай сўзлар фаннинг ҳар бир соҳасида алоҳида тушунчаларнинг номи бўлиб келади”[10].

Айтиш лозимки, терминларнинг яна бир ўзига хос белгиси шуки, терминлар расмийлашган сўзлар бўлганлиги сабабли республика миқёсида, ҳатто дунё миқёсида бир тушунчани англатади. Халқаро терминлар фикримизга мисол бўла олади: *президент, парламент, такси, демократия, республика, депутат, конституция* ва ҳ.к. Бундай терминлар ер юзининг барча қитъаларида бир хил маънода қўлланилади.

Шунингдек, терминлар муайян бир соҳага тегишли бўлиб, муайян мутахассислар томонидан махсус қабул қилинган, расмийлашган сўзлардир. Шунинг учун бир тушунчани ифодаловчи терминни

бошқа бир сўз билан алмаштириб бўлмайди. Термин соҳа терминлари тизимининг бир элементи бўлиб, ҳар доим бир тизим доирасида қўлланилади.

Хуллас, замонавий тилшуносликда етакчи ўринда тилни англаш эмас, балки тил, маданият ва шахснинг ўзаро муносабатларини ўрганиш тақозо этилади, бир-бирини тушуниш муаммоси ўртага тушади. Кўрсатилган учликнинг бир-бири билан бўлган ўзаро муносабатлари тилшунослик маданияти (лингвокультурология) соҳасида тилнинг миллий-маданий ўзига хослигини ўрганишда алоҳида муҳим жихатни касб этади. Шунингдек, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, “термин тушунчасини атама тушунчасининг ичига кирувчи илмий ва расмий маънога эга луғавий бирлик деб номлаш ўринли ҳисобланади” деб айтиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Жўраева М.М. Француз ва ўзбек тилларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. 2017. – Б.48
2. Юсупов У.К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. –Т.: Фан, 2007. – С.123
3. Жўраева М.М. Француз ва ўзбек тилларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. 2017. – Б.19
4. Юсупов Ў.Қ. Маъно, тушунча, концепт ва лингвокультурема атамалари хусусида. Стилистика тилшуносликнинг замонавий йўналишларида. Республика илмий-амалий конференцияси мақолалари тўплами. –Т.: ЎзДЖТУ, 2011. – Б.52–53.
5. Жўраева М.М. Француз ва ўзбек тилларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. 2017. – Б.84
6. Минский М. Фреймы для представления знаний. М.,1979.
7. Филлмор Ч. Фреймы семантика понимания. Новое в зарубежной лингвистике: Когнитивные аспекты языка. 1988.
8. Дейк Т.А. Язык. Познание. Коммуникация. – М.: Прогресс, 1989.
9. Жўраева М.М. Француз ва ўзбек тилларида модаллик категориясининг лингвокогнитив, миллий-маданий хусусиятлари. 2017. – Б.61
10. Жуманиёзов Р. Нуткий маҳорат. – Т.: Адолат, 2005.



Наргиза МУСУЛМАНОВА,
Қариш давлат университети катта ўқитувчиси, фил.ф.н.
E-mail.nargism@mail.ru

CATEGORICAL AND NON-CATEGORICAL MEANINGS AND MUTUAL RELATIONS OF GRAMMATICAL MEANS OF THE CATEGORIES OF PAST AND PRESENT TENSE

Abstract

The article discusses the existence of Uzbek language grammatical categories, complex by content of general grammatical meaning, categorical meaning, a substantial essence of category, together with accompanying and integrating meanings of other categories. Category of tense is one of the most widespread categories in Uzbek language. Source provide its three main types with many sub-types. For example, past tense - past continuous tense, past narrative tense, long past tense, recent past tense, etc. Differentiating such types in tense category is the result of not distinguishing vocabulary meaning - categorical and accompanying, speech meaning. It is true that categorical and accompanying meaning serves as basis for distinguishing forms of tense category. However, it is necessary not to forget that categorical and accompanying meaning can not be noticed easily often because of remarkable integrating meaning. "Tense" is a categorical meaning for general grammatical meaning of tense category; it cannot exist without various inclination meanings. In other words, in tense category, tense and inclination meanings are inter-related and not used separate from each other. As forms of tense category generated in the speech, these meanings are enriched by temporary, unstable speech meanings. These meanings are considered as complicating means of general grammatical meaning, and not dependent substantially. As integrating meaning, several meanings can be counted, such as "suspicion", "activity reality", "activity irreality", "desire", "goal", "condition", "duration".

Keywords: Grammatical mean, grammatical category, categorical meaning, accompanying meaning, integrating meaning, general grammatical meaning (GGM), specific grammatical meaning (SGM), intermediate grammatical meaning (IGM), general lexical meaning (GLM), grammatical meaning, substance, essence, event, lexical meaning, speech meaning, tense, inclination.

КАТЕГОРИАЛЬНЫЕ НЕКАТЕГОРИАЛЬНЫЕ ЗНАЧЕНИЕ И ВЗАИМООТНОШЕНИЕ ГРАММАТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ КАТЕГОРИЙ ПРОШЛОГО И НАСТОЯЩЕГО ВРЕМЕНИ

Аннотация

В статье идёт речь о грамматических категориях узбекского языка, являющихся сложносоставными по своим ОГЗ, в которых содержится их субстанциальная сущность. Это является обоснованием существования в них вместе с категориальным значением сопутствующих и сопряжённых значений, свойственных другими категориями. Категория времени является самым богатым грамматическими формами среди категорий узбекского языка. В источниках три его основных типа разделены на многие виды. Например, прошедшее время – многократно-длительное прошедшее время, очевидное прошедшее время, прошедшее причастное время, давно прошедшее время и т.д. Такое деление на различные типы само собой является результатом не различия категориального, сопутствующего и сопряжённого значений в категории времени. Правда, категориальные и сопутствующие значения могут быть основой для разделения форм категории времени. Но, не стоит забывать, что категориальные и сопутствующие значения в наблюдении часто не замечаются на фоне сопряжённых значений. Для общего грамматического значения категория времени содержание «время» является категориальным значением и оно не всегда существует без множества значений наклонения. Другими словами, в категории времени значение времени и наклонения являются в диалектической связи и друг без друга не могут появляться. Если формы категории времени проявляются в речи, то эти значения не постоянные, они обогащаются за счёт не устойчивых речевых значений. Эти значения являются усложняющими средствами ОГЗ времени речевого проявления и не имеют смысла субстанциональной взаимосвязи. К сопряжённым значениям можно внести значения, как «сомнение», «действие реальное», «действие ирреальное», «намерение», «цель», «условия», «продолжительность» и т.д.

Ключевые слова: Общее, частное, грамматическая форма, образ действия, категория, категориальное значение, грамматическое значение, сопряжённое значение, сопутствующее значение, общее грамматическое значение (ОГЗ), частное грамматическое значение (ЧГЗ), субстанция (основа), отражение, сущность, явление, время, наклонение.

ЎТГАН ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН КАТЕГОРИЯЛАРИ ГРАММАТИК ВОСИТАЛАРИНИНГ КАТЕГОРИАЛ ВА НОКАТЕГОРИАЛ МАЪНОЛАРИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

Аннотация

Мақолада ўзбек тили грамматик категорияларининг умумий грамматик маъноси мураккаб таркибли бўлиб, унда категориянинг субстанциал моҳияти бўлган категориал маъно билан биргаликда бошқа категорияга хос ёндош ва ҳамроҳ маъно қоришган ҳолда мавжудлиги ҳақида гап боради. Замон категорияси ўзбек тилида энг кўп шаклли категориялардан ҳисобланади. Манбаларда унинг асосий уч тури кўплаб турчаларга бўлиб берилади. Масалан, ўтган замон - ўтган замон давом феъли, ўтган замон ҳикоя феъли, узоқ ўтган замон феъли, яқин ўтган замон феъли каби кўринишларга бўлинади ва ҳ. Бундай турларни ажратиш ўз-ўзидан замон категориясида лисоний — категориал ва ёндош, нутқий ҳамроҳ маънони фарқламаслик натижасидир. Тўғри, категориал ва ёндош маъно замон категорияси шакллари ажратиш учун асос бўлади. Бироқ унутмаслик керакки, категориал ва ёндош маъно кўп ҳолларда бевосита кузатишда бўртиб турадиган ҳамроҳ маъно таъсирида бир назарда кўзга ташланмайди. Замон категорияси умумий грамматик маъноси учун «замон» маъноси категориал маъно бўлиб, у ҳар доим турли-туман майл маъноларисиз мавжуд бўлмайди. Бошқача айтганда, замон категориясида замон ва майл маънолари диалектик боғлиқликда ва бири иккинчисисиз юзага чиқмайди. Замон категорияси шакллари нутқда вокеланар экан, бу маънолар ўткинчи, беқарор нутқий маънолар ҳисобига яна бойийди. Бу маънолар замон умумий грамматик маъносининг нутқий вокеланишини мураккаблаштирувчи воситалар бўлиб, унга субстанциал боғлиқлик касб этмайди. Ҳамроҳ маънолар сифатида баҳоланувчи бу маънолар сирасига «гумон», «ҳаракат реаллиги», «ҳаракат ирреаллиги», «истак», «мақсад», «шарт», «давомийлик» каби қатор маъноларни киритиш мумкин.

Калит сўзлар: грамматик восита, грамматик категория, категориал маъно, ёндош маъно, ҳамроҳ маъно, умумий грамматик маъно (УГМ), хусусий грамматик маъно (ХГМ), оралик грамматик маъно (ОГМ), умумий луғавий маъно (УЛМ), грамматик маъно, субстанция, моҳият, ҳодиса, лисоний маъно, нутқий маъно, замон, майл.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида ўтган замон шакллари замон категориясининг «иш–ҳаракатнинг нутқ momentiга муносабатини ифодалаш» категориал маъносини «иш–ҳаракатнинг нутқ momentидан олдин юз бериши» тарзида хусусийлаштиради.


Маълумки, грамматик ўтган замонни тавсифлашга икки хил ёндашув мавжуд:

1. Тўғридан-тўғри шакллар орқали.

2. Парчаланган категориал маънони яна «парчалаш» асосида.

Лисоний ҳодиса нутқ сатҳига қараб қанча куйилса, ўзга ҳодиса ҳисобига «тўйиниб», шунча бойиб боради. Лисоний сатҳда субстанциал моҳиятга ёндош маънолар «ёпишса», у нутққа тушиши билан ҳамроҳ маънолар унга «эргашади». Замон категорияси умумий грамматик маъноси парчаланиши натижасида вужудга келган ўтган замон оралик грамматик маъно (нисбий умумий грамматик маъно)сининг анъанавий парчаланишида фарқловчи белгилар замон умумий грамматик маъносига дахлдор ҳам, дахлсиз ҳамдир. Одатда, «ўтган замон феъллари куйидаги турларга бўлинади:

«Узоқ ўтган замон» ни ифодалаш



+ О

-ган, эди, –ди

-(и)бди, -(а)рди

эмиш, экан

Бунда -ди узоқ ўтган замонни ҳам (а), яқин ўтган замонни ҳам (б) ифодалаши мумкин:

- 1) аниқ ўтган замон шакли;
- 2) узоқ ўтган замон шакли;
- 3) ўтган замон ҳикоя шакли;
- 4) ўтган замон давом шакли;
- 5) ўтган замон эшитилганлик шакли» [9].

Бу маъновий кўринишлардан биттаси – узоқ ўтган замон шаклида ўтган замон умумий грамматик маъно (УГМ)си парчаси (узоқ ўтган замон), қолган маъновий кўринишлардаги фарқлар (аниқ, ҳикоя, давом, эшитилганлик)нинг эса замон УГМсига ҳеч қандай дахли йўқ.

Ўтган замон шакли сифатида кўпчилик тилшунослар томонидан тан олинган, фан ва таълим мазмунида оммалашган -ди, -ган, -ибди, -ган+ди, -эди, -(и)бди, -(а)рди, экан, эмиш шаклини қабул қилдик.

Ўтган замон шакли «иш–ҳаракатнинг нутқ momentидан аввал содир бўлиши» категориал ва «иш–ҳаракатнинг реаллиги» ёндош маъносидан иборат умумий грамматик маънога эга. Бу иккала белги барча шаклларда мавжуд бўлиб, ҳар бир шаклда ўзига хос тарзда жузъийлашади.

а) 1. Бу воқеа бўлганига ўн беш йилдан **ошди**. (О.Ёқубов) б) 1. Гулсум опа Барнони кўрай деб **бухгалтерияга кирди**. Барно йўқ экан, бироз кутди,

келавермагач, ўтиришига сабри чидмай, идордан чиқди. (О.Ёкубов)

Бошқа шаклларда эса «иш–ҳаракатнинг бажарилиш вақти нисбатан узоқлиги билиниб туради». Биринчи зиддиятдаги белгили аъзолар ўзаро «бевосита кузатилмаганлик» белгиси асосида приватив зиддият ҳосил қилади. Бунда *-ган, -арди, -эди* шакллари белгисиз, *-ибди, -арди, эмиш, экан* шаклли кўрсаткичлар белгили аъзо сифатида намоён бўлади. Белгили шакллардан англашилган узоқ ўтган замонда бажарилган иш–ҳаракат сўзловчи томонидан бевосита кузатилган ҳам (а), кузатилмаган ҳам (б) бўлиши мумкин:

а) *Мен бу китобларни ўқиганман.* б) *Эшитишимга қараганда, Қўчқор туман марказига кетганича қайтиб келмабди.* (С. Анорбоев)

Демак, зиддиятнинг иккинчи қатори ёндош маъно – «иш – ҳаракат реаллиги»нинг кўриниши, «реаллиқнинг бевосита кузатилганлиги» асосида бўлади.

Иккинчи қатор зиддиятнинг белгисиз аъзолари тизими иккинчи хил ёндош маъно – ҳаракат тарзи категориясининг замон категорияси умумий грамматик маъносидаги акси – давомийлик - давомсизлик асосидаги зиддиятли муносабатда яшайди. Бу зиддият ҳам приватив табиатли бўлиб, бунда *-арди* шакли белгили, *эди* ва *-ган* шакллари белгисиз аъзо сифатида намоён бўлади. Чунки *-арди* шакли ҳар доим давомлиликни (а), *-ган* ва *эди* шакллари, асосан, давомсизликни (б), баъзан давомлиликни ифодалайди.

1. *Таёгини судраб, кўнгилсиз*

Пода ҳайдаб қирга кетарди.

Майса гиламларга етарди. (Уйғун)

2. *Сиз яхши пазандасиз, таърифингизни эшитганман.* (Ойбек)

3. *Мирҳайдар отанинг фойдасини кўп кўрганмиз.* (Ойбек)

Зиддиятга диққат қилинса, *-ган* ва *-ди* шаклларида давомийликни «баъзан» ифодалаши уларнинг УГМси таркибидаги шаклларга хос доимий хусусият эмас. Бу хусусиятга улар «баъзан» эга. Бу эса «давомийлик» маъноси уларнинг УГМсига хос эмаслигини, балки шаклларга хос ҳамроҳ маъно эканлигини кўрсатади. Чунки бу контекстда, боғлиқ қуршовдагина бўлади. *Кўрганмиз* феълидаги *-ган* шакли ифодалаётган «давомийлик» кўп сўзи таъсирида юзага чиқмоқда. *Ишлаган эди* сўзшаклидаги «давомийлик» эса *ишламоқ* феъли табиатига боғлиқ. Демак, тарз категориясининг «давомийлик-давомсизлик» маъноси айрим ўтган замон шакли (мас. *-арди*)да ёндош маъно сифатида юзага чиқса, бошқасида ҳамроҳ маъно бўлиб воқеланади. Ҳатто *-арди* шаклида қуршов натижасида «ўтган замон» категорияли маъноси ҳам, «давомийлик» ёндош маъноси ҳам кучсизланиб, ҳамроҳ уларни сиқиб чиқариши билан бирга бўш ўринни эгаллайди ва вақтинча, нутқий «хукронлик»га эга бўлади:

1. *Салим келса эди, мен борардим.*

2. *Укам ўқиса эди, тушунарди.*

Демак, *-са* шарт майли шакли *-арди* кўшимчасида категориал ва ёндош маънони сусайтирувчи ва ҳамроҳ маънони кучайтирувчи восита ҳисобланади.

-ган шаклидаги «ҳозир ҳам узлуксиз давом этиб турган ҳаракат (а), гумон, ноаниқлик маънолари» (б) [9, 335-б.] ҳам ҳамроҳ маънолардир:

а) *Феъли кенг, саховатли, меҳмондўст халқимизнинг донги оламга кетган.* (М. Исмоилий)

б) *Балки бу ерларда кўп дилбар*

Манзаралар жилва қилгандир.

Овламоқчи бўлиб кўнглингни,

Балки қушлар қанот қоққандир... (Уйғун)

в) *Сизнинг фикрингизни, эҳтимол,*

ходимларингиз сўзсиз тушунишига ўрганиб қолгандир, лекин мен тушунмадим. (В. Ажоев)

Чунки бу маъноларни ҳам контекстгина юзага чиқаради. Масалан, «бу вақтда гумон билдирувчи *эҳтимол*, балки каби сўзлар келади» [9, 335-б.].

-арди шаклининг турли қўлланишларида «давомийлик» ёндош маъноси яна жузъийлашиб, «узлуксиз давом этиб туриш», «галма-гал такрорланиб туриш» кўринишларини олади:

«а) ўтмишда маълум бир вақт узлуксиз давом этиб турган ҳаракатни билдиради:

1. *Ўқтам кўпирган, ўқирган сувда бўйнигача ботиб, ҳансираб ишлар эди. Ҳовуз бўйида, салқинда... катта ёғоч қаравотда бир неча киши дам олиб ўтиришар эди.* (Ойбек)

2. *Арава қатирлаб борар, гап мавзудан мавзуга кўچار эди.* (А. Қахҳор)

б) ўтмишда галма-гал такрорланиб турган ҳаракатни билдиради:

Дарёлардан куйлаб ўтардим,

Эртақларга қулоқ тутардим.

Ҳаммасини тинглардим, аммо

Ўқишини топмасдим асло.

(Ҳ.Олимжон)» [9, 338-б.]

Бунда маъно тавсифида «ўтмишда» унсурни ортиқча, албатта. У асарда ёзилган воқеаларнинг ўтмишга оидлигидан келиб чиқиб, тавсифга киритилган.

Бевосита ва билвоситалик белгилари асосида ажралиб чиққан ва «бевосита кузатилмаганлик» белгисига эга бўлган *-ибди* шакли «субъектив муносабат» маъносини ифодалайди. Шаклининг субъектив муносабат ифодалаши боғлиқ қуршовни талаб қилмайди ва шу боисдан уни ёндош маъно сифатида баҳолаш мумкин.

«Ноҳолис субъектив муносабат» белгиси асосидаги нотўлиқ зиддиятда *эмиш* белгили, *экан* ва *-ибди* шакллари белгисиз, мажхул аъзо сифатида юзага чиқади. «Тўлиқсиз феъл сифатида *экан* қатнашса, сўзловчининг диққати мавжуд бўлган ҳаракатнинг натижасига қаратилади: *Унинг оқ оралаган сочлари тамоман оқарганини Ўқтам тўй суронда пайқамаган экан.* (Ойбек)

Маълум бўладики, ўтган замон шакллари ўзаро категориал ва ёндош маънони хусусийлаштириши, ҳамроҳ маънони ифодалаши жиҳатидан ўзаро фарқли хусусиятга эга. Шакллар тизимида *-ди* кўрсаткичи умумий грамматик

маънодан кўпроқ «хисса» олиши, барча тарз–майл маъноларига бетарафлиги билан ажралиб туради. Шу боисдан тадқиқотларда унинг йигирмага яқин маъноси қайд қилинади[4, 35-б.].

Ҳозирги замон шакллари. Ҳозирги замон шакли замон категорияси умумий грамматик маъносини «иш–ҳаракатнинг нутқ momentiда бажарилаётганлиги» тарзида хусусийлаштиради. Бу категориал маъно шаклларнинг барчасига хос. Шу билан биргаликда, маънолар, албатта, замон учун категориал маънолар – «аниқлик» (майл) ва «давомийлик» (ҳаракат тарзи) ёндош маънолари билан юзага чиқади. Нутқий қўлланишида «давомийлик» ёндош маъноси шу даражада кучаядики, у қарийб категориал маъно билан тенглашади. «Давомийлик» маъноси ўз–ўзидан «иш–ҳаракатнинг бошланганлиги» ва шу билан бирга «туғалланганлиги» маъноларини ҳам ёндош маъно сифатида олиб чиқади. Уларнинг категориал маънога зичлашув даражасини қуйидагича бериш мумкин:

Давомийлик – бошланганлик – тугалланмаганлик.

Объектив реалликда эса бу учлик: 1.

Бошланганлик – давомийлик – тугалланмаганлик 2.

тарзида ўринлашади.

Ҳозирги замон шакллари «давомийлик» ёндош маъноси асосида айрим ўтган замон шакллари билан приватив табиатли зиддиятга киришади. Чунки, масалан, ҳозирги замон шаклларида «давомийлик» «туғалланмаганлик» билан юзага чиқса, ўтган замон шаклларининг айримларида «давомийлик» тугалланмаганлик (а) билан ҳам, тугалланганлик (б) билан ҳам наъён бўлади:

а) 1. Мен Салимдан хабар олдим, у йўлга тайёрланаётган экан.

2. Ҳозир кўрдим, келаётган эди.

б) 1. Вафотидан олдин заводда ишлаётган эди.

2. У сингисини бир йил олдин кўрган эди.

Ҳозирги замон феъл шакли маъно ва қўлланишида ўзига хосликка эга. У категориал ва ёндош маъно силсиласига кўра фарқланмайди. Айрим услубий фарқ, қўлланишдаги ўзига хослик ҳамроҳ маъно сифатида юзага чиқади. «Услубий хосланмаганлик» зиддият белгиси асосида бу шакллар ўзаро қаршиланиб, бу ҳамроҳ маънога –яп шакли ижобий муносабатда бўлса, бошқа шакллар (-*ётир*, -*ётиб*, -*моқда*, ҳаракат тарзи шакллари асосида) услубий хосланганлиги билан характерланади. «Сўзлашув услубига хос» ҳамроҳ маъноси ҳаракат тарзи воситалари билан ҳосил қилинган ҳозирги замон шакллари хос бўлиб, -*ётиб* диалектал, -*ётир* бадий, -*моқда* китобий (бадий, илмий, расмий, публицистик) услубларга хосланганлиги билан аҳамиятли. Бу маънонинг барчаси шакл умумий грамматик маъносига хос бўлмай, категориал ва ёндош маъно устида қаватланадиган ҳамроҳ маънодир.

Ҳозирги-келаси замон. Ҳозирги-келаси замон шакллари «ҳозирги» ёки «келаси» умумий грамматик маъно парчалари учун мажхул муносабат ифодалайди. Чунки бу шакллар:

а) келаси замонни ифодалайди;

б) ҳозирги замонни ифодалайди;

в) ўтган, ҳозирги, келаси замонга бетараф бўлади.

Тилшуносликда ҳозирги–келаси замон ифодаловчи «иккита ягона ва иккита қўшма шакл бор. Ясама шакллар -(a)й, -(a)рли равишдошдан қўшма шакллар мазкур равишдошдан *экан, эмиш* ёрдамида ҳосил бўлади».

-a/й+шахс–сон қўшимчалари бирикувидан ташкил топган шакл категорияси моҳиятидан кўпроқ улуш олади:

а) муайянлашмаган учала замонни умумлаштириб ифодалайди;

б) келаси замонни ифодалайди.

Бу маънолар шаклда юзага чиққан категориал маъно. Ҳаракатнинг доимийлиги умумий грамматик маънодаги ёндош маъно қуйидаги гаплардаги замон шаклида тўлиқ юзага чиқади:

Ўзбек қизлари севгисини айтмайди, бир умр пинҳон тутади.

Қуш уясида кўрганини қилади. (Мақол)

Ақтуаллаштирувчи воситалар таъсири натижасида «доимийлик» ёндош маъноси «давомийлик» касб этиб, категориал маънода муайянлашиш вужудга келади ва «ҳаракатнинг бажарилиши бевосита нутқ momentiга, ҳозирга оид бўлиши мумкин»;

Йигит ниҳоятда исиб кетган, пешонаси, юзларидан тинмай тер қуюди. (С.Аҳмад)

Ўша кунни бўлиб ўтган шов–шув ҳали ҳам қулоғим тағида шангиллайди, ҳали ҳам миямни гангитяпти. (Б.Кербобоев)

1-мисолдаги олдинги гап, 2–мисолдаги ҳали ҳам ақтуаллаштирувчи воситаси таъсирида «ҳозирги замон» маъноси уқилади. Агар гаплар бу воситалардан халос қилинса ё доимий замон маъноси ифодаланиб, «давомийлик» ёндош маъноси ўрнида «доимийлик» ифодаланади, ё келаси замон категориал маъноси «бошланмаганлик» ёндош маъноси уқилади. Дикқат қилинг:

1. *Ниҳоятда исиб кетса, пешонаси, юзларидан тер оқарди.* 2. *Шов – шув кучайса, қулоқлари шангиллайди.*

Келаси замон маъносида қўллашга эса мазкур феълларнинг луғавий маъноси монелик қилади. Демак, келаси замон категориал маъноси вокеланиши учун бирикаётган феълнинг –куршовнинг аҳамияти муҳим. «Ҳозирги замон» категориал маъноси «давомийлик» ёндош маъноси билан диалектик боғлиқ бўлганлиги туфайли бундай ҳолат юз беради. Аниқ ҳозирги замон маъноси мазкур шакл мансуб категорияга хос маънода бўлса–да, бу маънони ифодалаш a/й+шахс–сон қўшилган шакли учун хосланган маъно эмас. Хос бўлмаган категориал маънонинг кучайиши хос категориал маънонинг сусайишига олиб келган.

Демак, маълум бўладики, «*a/i+шахс-сон*» тузилиши шакл учун «умумзамон» ва «келаси замон» категориал маънолар бўлиб, унга «иш-ҳаракатнинг аниқлиги», «ирреаллик», «тугалланмаганлик» ёндош маънолари (модал маънолар) йўлдош бўлади. «Ҳозирги замон» эса шакл учун хос бўлмаган категориал маъно бўлиб, «давомийлик» (тарз-тус) ҳамроҳ маъно сифатида юзага чиқади. Ҳамроҳ маъно бошқа шаклларда бўлгани каби бунда ҳам боғлиқ қуршов асосида намоён бўлади.

(*a/p/мас+шахс-сон* кўрсаткичида замон умумий грамматик маъносининг «ҳозирги-келаси замон» категориал маъноси «гумон» ёндош маъноси (модаллик) билан муштарак ҳолда намоён бўлади.

1. *Қаердан биласан, балки ҳозир ҳам юқоридан қарарман.* (А.Қаххор) (Ҳозирги келаси замон – гумон).

2. *Шу атрофда юргандир, келиб қолар.* (С.Анорбоев) (келаси замон – гумон)

«Ҳозирги-келаси замон» ёки «келаси замон» категориал маъноларини фарқловчи омил билан – гап таркибидаги актуаллаштирувчи воситалар, шаклни бириктирувчи феъл билан белгиланади. Масалан, *қарамоқ* феълени умумзамон маъноси шакли билан қўлласса бўлади, бироқ *келмоқ* феъли *қолмоқ* кўмакчи феъли билан келиб, кўмакчи феъл

етақчи феълни шакл орқали умумзамон англатишга йўл қўймаган.

Қуршов натижасида «гумон» ёндош маъноси кучсизланиб, «қатъийлик» ҳамроҳ маъноси кучли тарзда ифодаланиши мумкин. «Ҳозирги-келаси замон гумон феъли орқали шарт эргаш гапли қўшма гапда бош гапни кесим вазифасида, кўпинча, фикрнинг қатъий ифодаси учун ҳам қўлланади: *Агар ўлган киши қайта тирилса, бундан ортиқ ажойибот бўлмас.* (А.Убайдуллаев)» [8,502]. Демак, бунда шарт эргаш гап ҳамроҳ маънони вужудга келтирувчи ва ёндош маънони кучсизлантирувчи қуршов.

Баъзан услубий омиллар ҳам гумон ёндош маъноси ўрнини аниқлик ҳамроҳ маъносига олиб бериши мумкин.

Бу шеъриятда, эски услубга хос нутқларда учрайди:

Яллалар айтиб кезарман,

Шу гўзал бўстонда мен.

(К.Яшин)

Демак, бу шакл маъноси «Категориал маъно + Ёндош маъно» эмас, балки «Категориал маъно + Ҳамроҳ маъно» кўринишига эга.

Замон категориясининг категориал, ёндош ва ҳамроҳ маъноларини иловадаги жадвалдагидек акс эттириш мумкин:

		Маъно турлари	Ўтган замон	Ҳозирги замон	Келаси замон
			-ди, -ган, -(и)б+эди, (-ган+эди, -(и)б+эди, -ётган+эди, -моқда+эди, -(а)р+эди,-мас+эди, -гувчи+эди)	-яп, -ётир, -ётиб, -моқда	-а,-й, -(а)р, (-мас)
Маъно типлари	Категориал маъно	Ўтган замон	+		
		Ҳозирги замон		+	
		Келаси замон			+
	Ёндош маъно	Ҳаракат реаллиги	+		
		Ҳаракат ирреаллиги			+
		Истак			+
		Мақсад			+
		Шарт			+
		Буйруқ			+
		Гумон			+
	Ҳамроҳ маъно	Давомийлик			+
		Гумон	+		
		Ҳаракат реаллиги		+	+
		Ҳаракат ирреаллиги	+	+	
		Шарт	+	+	

АДАБИЁТЛАР

1. Замонавий ўзбек тили: Морфология/ Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир Ҳ.Ф.Неъматов, Р.Р.Сайфуллаева. ЎзР Олий таълим вазирлиги. –Т.: Mumtoz so‘z, 2008. –468 б.
2. Зикриллаев Ғ.Н. Ўзбек тили морфологияси. /Филология ихтисосликлари учун қўлланма/.–Бухоро, 1994. 41, 50-б.

3. Қодиров З. М. Ўзбек тили грамматик категорияларини систем таҳлил этиш. / Келишик категорияси /: Филол. фанлари номзоди. дис... автореф.-Самарқанд, 1993. -26 б.
4. Мусулманова Н. Грамматик шаклларда категориал, ёндош ва ҳамроҳ маъно (замон ва майл категориялари мисолида). Монография. Т.: Фан, 2012. -96 б.
5. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. -164 б.
6. Султонсаидова С. Ўзбек тилида грамматик категорияларнинг ўзаро муносабати (ўтимли-ўтимсизлик, даража ва келишик категориялари мисолида). Филол. фанлари д-ри... дис. автореф. –Т., 1994. -56 б.
7. Сусов И. П. Введение в теоретическое языкознание. Из Интернет сайдов: WWW/ IPS. ru.
8. Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология / Масъул муҳаррир /А. Абдурахмонов ва б. -Т.: Фан, 1972. 501, 502-б.
9. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Дарслик.–Т.: Ўқитувчи,1980. 335-б.
10. Шукуров О. Ҳаракат тарзи шакллари парадигмаси: Филол. фанлари номзоди... дис. –Самарқанд, 2005. - 126 б.



Зилола НАМОЗОВА,
Қарши давлат университети таянч докторанти
E-mail: zilola1711@gmail.com

THE ANALYSIS OF SCIENTIFIC ATTITUDES TO THE CRITICAL TEXT FOR “KAZOYINU-L-MAONI”

Abstract

The study of the lyrical heritage of Alisher Navoi has always been an important issue. However, the study of the texts has been widespread in the last century. In particular, the textological study of the “Khazoyinu-l-Ma’ani” divan was initiated by Hamid Suleiman in the 20th century. The scientist conducted a great deal of research on the “Hazayinu-l-Ma’ani”, the first full-fledged scientific toolkit. In the introductory part of the study, it was pointed out that this publication should be clarified in determining the factors that led to great discrimination and objections in the literature. The aim of the research is to analyze the scientific findings of the first edition published by major scholars, and to clarify the role of the publication between published publications. This publication was created by A. Hayitmetov and N. Mallayev, for the sake of great difficulties. H. Sulayman distinguished 20 manuscripts from the cuneiform manuscripts and, by comparison, identified the issues of composition, genre classification, clerical editions and their compositions. Lenin has invented from the selected manuscripts. The manuscripts stored under the number 55 are the basis for this publication. Critical textbooks began in 1962 and they were based on four manuscripts “Garayibu-s-sigar” and “Navodiru-sh-shabab”. The other two critical texts were left untouched by the death of the scientist. The first publication for the research is not a critical text. The aim of the research was to achieve the historical, analytical and synthesis methods by means of summarizing and concreting methods. In the discussion of the research, H. Sulayman wrote the first edition of the first edition of the book, which was created by H. Sulayman, a great achievement of naval studies, the role of later publications, and at the same time critical remarks reasons for causing the cause. At the same time, scientists have analyzed the views expressed to the first edition. In the final part of the release, the Navoi Liras are created on the basis of this publication and it has been stated that the creation of a critical text that has been started by Hamid Suleyman has been created today, and that this issue is one of the most urgent issues facing the solution.

Key words: kulliyot, critical text, chronological chart, publications, textual differences.

АНАЛИЗ НАУЧНОГО ОТНОШЕНИЯ К КРИТИЧЕСКОМУ ТЕКСТУ ДЛЯ «КАЗОЙИНУ-Л-МАОНИ»

Аннотация

Изучение лирического наследия Алишера Навои всегда было важной проблемой. Однако изучение текстов было широко распространено в прошлом веке. В частности, текстологическое исследование дивана “Сокровищница мыслей” было начато Хамидом Сулейманом в 20 веке. Ученый провел большое количество исследований в отношении “Сокровищница мыслей”, первого полноценного научного инструментария. Во вводной части исследования было указано, что эта публикация должна быть уточнена при определении факторов, которые привели к большой дискриминации и возражениям в литературе. Целью исследования является анализ научных результатов первого издания, опубликованного крупными учеными, и выяснение роли публикации между опубликованными публикациями. Эта публикация была создана А.Хайитметовым и Н.Малалаевым ради больших трудностей. Х.Сулейман отличил 20 рукописей от клинописных рукописей и, для сравнения, выявил проблемы композиции, жанровой классификации, канцелярских изданий и их сочинений. Ленин придумал из отобранных рукописей. Рукописи, хранящиеся под номером 55, являются основой для этой публикации. Критические учебники были начаты в 1962 году и основаны на четырех рукописях «Чудеса детства» и «Редкости юности». Два других критических текста были оставлены нетронутыми смертью ученого. Первая публикация для исследования не является критическим текстом. Целью исследования было достижение исторических, аналитических и обобщающих методов с помощью методов суммирования и бетонирования. В ходе обсуждения исследования Х.Сулейман написал первое издание первого издания книги, созданного Х.Сулейманом, большое достижение военно-морских исследований, роль более поздних публикаций и в то же время критические замечания причины, вызывающие причину. В то же время ученые проанализировали мнения, высказанные к первому изданию. В заключительной части выпуска на основе этой публикации были созданы лиры Навои, и было заявлено, что создание критического текста, начатое Хамидом Сулейманом, было создано сегодня, и что эта проблема является одной из наиболее неотложных проблем, стоящих перед решением.

Ключевые слова: куллиёт, критический текст, хронологическая карта, публикации, текстовые различия.

“ХАЗОЙИНУ-Л-МАОНИЙ” ТАНҚИДИЙ МАТНИГА ИЛМИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация

Алишер Навоий лирик меросини ўрганиш ҳар бир даврда муҳим масала ҳисобланган. Бироқ текстологик ўрганиш ўтган асрда кенг тус олди. Айниқса, “Хазойину-л-маоний” девонларини текстологик тадқиқ этиши XX аср 50-йилларида Ҳамид Сулаймон томонидан бошланган эди. Олим “Хазойину-л-маоний” девонлари устида йирик тадқиқот олиб бориб, илмий аппаратлар билан таъминланган илк тўлиқ наирини амалга оширди. Тадқиқотнинг кириш қисмида ана шу наирнинг адабиётшунослигимизда тутган ўрни, унинг ўз давридаёқ катта эътирофларга ва эътирозларга сабаб бўлиши омилини аниқлаш масаласига ойдинлик киритиши лозимлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаси эса йирик матншунос олимлар томонидан билдирилган илк наир хусусидаги илмий фикрларни таҳлил қилиш ва наирнинг ҳозиргача амалга оширилган наирлар ўртасидаги ўрнини белгилашдан иборат. Ушбу наир, А.Ҳайитметов ва Н.Маллаевлар таъкидлаганидек, катта машаққатлар эвазига яратилди. Ҳ.Сулаймон куллиёт кўлэмлари орасидан 20 та кўлэмга манбани ажратиб олди ва ўзаро муқояса қилиб, куллиёт таркиби, жанрлар таснифи, девонлар редакциялари ва уларнинг композицион қурилиши масалаларини аниқлади. Олим танлаб олинган кўлэмлар ичидан Ленинградда инв. 55 рақам остида сақланаётган кўлэмани ушбу наир учун асос қилиб танлайди. Танқидий матн тайёрлаш ишлари 1962 йилда бошланиб, улардан “Ғаройибу-с-сизар” ва “Наводиру-и-шабооб” девонлари 4 та кўлэмга асосида тузилган. Қолган икки девон танқидий матн эса олимнинг вафоти сабабли яратилмасдан қолган. Тадқиқот мақсадида илк наирнинг танқидий матн вазифасини бажара олмаётгани таъкидланган. Тадқиқот мақсадида тарихийлик, анализ ва синтез, абстрактлаштириш ва конкретлаштириш методлари орқали эришилган. Тадқиқотнинг муҳокама қисмида Ҳ.Сулаймон томонидан яратилган 4 девондан иборат куллиётнинг илк тўлиқ наири қандай тамойиллар асосида яратилгани, унинг навоийшуносликнинг йирик ютуғи эканлиги, кейинги наирлар тараққиётида тутган ўрни, шу билан бирга, ўз давридаёқ бир қадар танқидий мулоҳазаларга сабаб бўлиши сабаблари муҳокама қилинган. Шу билан бирга, олимлар томонидан илк наирга билдирилган фикрлар таҳлил қилинган. Хулоса қисмида бугунгача яратилган Навоий лирикаси наирлари шу наир асосида яратилаётгани, Ҳамид Сулаймон томонидан тузилиши бошланган ва тугалланмасдан қолган танқидий матннинг бугунги кунда яратиши зарурияти пайдо бўлгани, ушбу масаланинг ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири экани таъкидланган.

Калит сўзлар: куллиёт, танқидий матн, хронологик жадвал, наирлар тақомили, матний тафовут.

А.Навоийнинг “Хазойину-л-маоний” куллиётининг композицияси, жанрлари, умумий ҳажмини аниқлаш, автор редакциясига яқин наирни яратишга қаратилган профессор Ҳ.Сулаймон тадқиқоти натижасида, 1959-60-йилларда куллиётнинг илмий аппаратлар билан таъминланган матн наир этилди[1].

Адабиётшунослигимизда катта ҳодиса сифатида эътироф қилинган ушбу илмий матнни тузишда, табиий ҳолда, олим бир қатор муаммоларга дуч келди. Бунинг бир қатор сабаблари бор, албатта. *Биринчи сабаби*, Навоий даври тилшунослиги беш юз йиллик тараққиёт йўлига эга бўлиб, Ҳ.Сулаймон даврида XV-XVI аср тилшунослиги, хусусан, фонетикаси ва лексикаси ўзбек тилшунослигида етарли даражада ўрганилмагандир. Натижада, Навоий асарлари тилига оид бир қатор муаммолар юзага келди. Бунга биргина унлилар миқдорининг Навоий даврида 8 та бўлганлиги, ўзбек ёзувида эса 6 та ифода этилганлигини ҳисобга олинса, муаммонинг мураккаблик даражаси ойдинлашади. Масалан, а ва о харфлари орасидаги унлини ифодалашда олим “о” харфидан фойдаланади: анго, манго, ато каби[2,27]. *Иккинчи сабаби*, кўлэмга манбалар насталиқ хатида яратилган бўлиб, котиблар томонидан онгли равишда харфлар усти ва остига қўйилувчи нукталар ва диакретик белгиларнинг қўлланмаганлиги табдил жараёнида мутахассисларни чалғитиб қўйди. Бу эса каби харфлар нуктасиз ёзилиши оқибатида, нукта билан

фарқланувчи бошқа шу шаклли харфларга ўхшаб қолиши, натижада, бошқа харф сифатида ўкилишига олиб келди. Ёки традиция ҳолига келиб қолган қиска унлиларнинг ёзувда ифодаланмаслиги, нукталарнинг бошқа харф усти ёки остидан қўллаш ёки умуман қўлламаслик натижасида, шаклан бир хил ёзилувчи бир неча сўзларнинг вужудга келиши: *бир, пир, бер* каби.

Учинчи сабаби, араб-форс тилидаги баъзи харфларни жорий ёзувимизда ифодалаш бир қатор мураккабликларни юзага келтирди (

). Зод ва з харфлари учун битта “з”, син, с, сод харфлари учун ягона “с” харфи ишлатилиши ва хокозо.

Тўртинчи сабаби, техник мутахасссарнинг етишмаси бўлиб, 60-йилларда араб-форс тилидаги баъзи харфларни ифодалашда нуксонлар пайдо бўлди.

Катта қийинчиликларга қарамасдан, Ҳамид Сулаймон томонидан Навоий куллиёти илк тўлиқ наирининг яратилиши ўз давридаёқ катта адабий ҳодиса сифатида баҳоланди. Жумладан, навоийшунос олимлар – Натан Маллаевнинг “Навоийшуносликнинг янги ва йирик маҳсулоти” ҳамда А.Ҳайитметовнинг “Хазойинул маони” ва “Болаликнинг шеърий ихтиролари” номли катта ҳажмли илмий мақолалари ана шу улкан тадқиқот эътирофи ва ҳақиқий баҳоси бўлди.

Қолаверса, “Хазойину-л-маоний” наирининг яратилишига Ҳамид Сулаймон томонидан амалга

оширилган тадқиқотлар ҳам илмий аспектда ўрганилди ва муҳокама қилинди.

Натан Маллаев ўзининг "Навоийшуносликнинг янги ва йирик маҳсулоти" номли мақоласида олимнинг бир қатор ютуқларини эътироф этади. Жумладан:

- Ҳ.Сулаймон қиёсий ўрганиш методи асосида иш олиб борди ва 3132 шеърнинг қиёсий таблицасини тузди;

- Навоий девонларини редакцияларга ажратди ва 5 та гуруҳга тақсимлади;

- Султонали Машҳадий томонидан тузилган инв.№ 564 қўлёзманинг "Илк Девон" экани аниқланди;

- Британия музейида сақланаётган 1482-83-йилларда кўчирилган "Бадоеъу-л-бидоя" девонини топди ва унинг яна 2 нусхасини (Тошкент ва Боку) аниқлади;

- Ўзбекистон Фанлар Академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган инв.№ 1995 қўлёзмаси "Наводиру-н-ниҳоя" экани исботланди;

- Профессор Ҳ.Сулаймон "Хазойину-л-маоний" девони текстологик тадқиқотини олиб боришда 4-редакцияси – "Хазойину-л-маоний" девони қўлёзмаларини асос қилиб олди. Натигада, 5-редакция – терма девонларнинг олимлар А.А.Семенов [1,221] ва Л.Волинлар фикрлари зидди ўларок, Навоий томонидан тузилмагани ойдинлашди. Улар турли жойда турлича тартибда адабиёт мухлислари томонидан тузилгани маълум бўлди;

- Девонлар ҳажми ва жанрлар миқдори аниқланди;

- "Хазойину-л-маоний" илмий нашрининг илк девони "Ғаройибус-сиғар" нашри сўзбошиси сифатида берилган олимнинг "Хазойину-л-маоний" текстларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари" номли мақоласида девон танқидий матнини яратишдаги принципларни келтириб ўтади;

- "Ғаройибус-сиғар" девонида танқидий матн тузишда фойдаланилган нодир қўлёзмалар факсемилелари, "Ғаройибус-сиғар" шеърлари хронологияси, вазнлари ва байтлар сони кўрсаткичи, радифлар кўрсаткичи, тарихий, адабий ва мифологик шахслар номи кўрсаткичи, географик ва этник номлар кўрсаткичи илова қилинган ва лугатлар берилган;

Н.Маллаевнинг "Навоийшуносликнинг янги ва йирик маҳсулоти" мақоласида ҳам матншунос олимнинг "Хазойину-л-маоний" куллиёти матншунослиги билан боғлиқ бир қатор ютуқларни эътироф этади:

- Қисқа вақт – 5 йил ичида "Хазойину-л-маоний" девонини илмий-танқидий ўрганиб, нашр этди;

- 200 дан ортиқ қўлёзмалар орасидан 20 та ишончлисини танлаб, қиёслаб ўрганди;

- Танқидий текст учун танланган қўлёзмаларнинг факат Собиқ Иттифок худудидаги кутубхоналардагина эмас, балки аксарияти

жаҳоннинг энг машҳур кутубхоналари фондида сақланиши;

- Таянч қўлёзмаларнинг аксарияти Навоий даврида, XV-XVI асрларда кўчирилган бўлиб, колофонда кўчирилган санаси мавжуд;

- Навоийнинг нодир девонларидан фотокопиялар олиб келинди;

- Куллиётни текстологик ўрганишда қиёсий методдан фойдаланилди;

- Навоий лирик асарларининг ёзилиш даври аниқланди;

- Шу билан бирга, қуйидаги жузъий камчиликларни ҳам келтириб ўтади ва баъзи таклифлар киритади; [8,135]

- "Хазойину-л-маоний"даги шеърларнинг умумий миқдорида хилма-хилликка йўл қўйилган;

- "Хазойину-л-маоний"даги нашрда муайян сабабларга кўра (цензура туфайли – изоҳ муаллифи З.Н.) 1-2-девлонларидан 4 ғазал, 3-девлондан 6 ғазал, 4-девлондан 3 ғазал, жами 13 ғазал атайин тушириб қолдирилган, "Бадоеъу-л-васат"да 509- ва "Фавойиду-л-кибар"даги 443-муламмаъ (ўзбекча-арабча) ғазаллар ўринсиз тушириб қолдирилган;

- Шеър хронологиясини кўрсатишда зидликлар мавжуд. Масалан, "Ғаройибус-сиғар"даги маснавий иловада қарилик даврида ёзилган деб кўрсатилган бўлса, III жадвалда йигитлик даври деб кўрсатилган. Олим А.Ҳайитметов эса уни йигитлик даврида яратилган деган таклифни беради;

- Хронологияси (ёзилган вақти), байтлар сони ва вазни китоб сўнгида эмас, ғазал тепасида (1948-йилги нашрда шундай – муаллиф) берилса, янада аниқроқ ва қулайлик бўлар эди, дейди олим; [8,136].

- Хронологик жадвал номларини янада аниқроқ аталишини таклиф этади. Масалан, III жадвални "Навоий ўзбек тилида яратган шеърларнинг нисбий хронологик даврларга ажралиши", IV жадвални эса "Хазойинул маони" девонининг нисбий хронологияси" каби.

- Ушбу нашр илмий-танқидий текст эмас, аммо илмий воситалар билан таъминланган илмий нашр эканлигини таъкидлайди;

Дарҳақиқат, илк тўлиқ нашр бир нечта қўлёзмаларнинг таққосланиши ва улардан мақбулини танлаш асосида тайёрланган. Бироқ танқидий матн асосида нашр этилмаганлиги сабабли юқоридаги каби камчиликлардан ҳоли бўлмаганлиги, А.Ҳайитметов таъкидлаганидек, илмий нашр эканлиги тўғридир. Бироқ олим Ҳ.Сулаймонов илмий-танқидий матнни ҳам тайёрлаш ниятида бўлган ва "Ғаройибус-сиғар"нинг илмий-танқидий матнини тузишни бошлагани, бироқ олимнинг вафоти туфайли бу иш якунланмай қолганини ҳам эътироф этиш лозим.

Натан Маллаев илмий матндаги баъзи жузъий камчиликлар ва тузатишларга оид бир қатор таклифлар киритади. Уларнинг асосийларини қуйида келтириб ўтамиз.

1. "Бадоеъу-л-бидоя" девони Хусайн Бойқаро тахтга чиққандан кейин 1969 йилда тузилган бўлиб, олим уни негадир 1979 йил деб эълон қилган;

2. "И" ва "Э", "Ў" ва "У", "А" ва "О" харфлари (турли ўринда қўлланган) бир сўзнинг ўзида турлича ёзилган: *дарвеш-дарвиш, асру-асру-ўсру; хуриед-хуриш* каби; [2,27]

3. Ал артиклининг ёзилишидаги турфа хиллик: *"Хазойнулмаоний", "Хазойин ал маоний", "Хазойин-ул-маоний", "Хазойинул маоний"* каби. Н.Маллаев уларнинг Х.С.нинг тўғри деб ҳисоблаган битта вариантдан фойдаланишни таклиф этади. Бироқ бизнингча, *"Хазойинулмаоний"* ёки *"Хазойину-л-маоний"* шаклида қўллаш мақбул.

4. Девонда тиниш белгилари ўз ўрнида ишлатилмаган;

5. Дебочадаги арабча матнлар таржималари берилмаган;

Олим Н.Маллаев бундай нуқсонларни бартараф этишда Навоий тили фонетикаси устида матншуносларгина эмас, тилшунослар ҳам тадқиқот ишларини амалга оширишлари лозим эканини таъкидлаб ўтади. Бироқ 50-йилларгача ҳам жаҳон тилшунослигида Навоий асарлари тили фонетикаси ва лексикаси устида тадқиқотлар қилинганлигини инобатга олганда, ушбу масалага ечим мавжуд эди дейиш мумкин. Бизнингча, рус тилшунослигидаги ютуқларга мурожаат этиш кифоя эди.

Ушбу девонни тўла нашрга тайёрлаш асосий вазифа бўлганлиги ва дастлабки нашр эканлиги сабабли, кўплаб транслитерацион нуқсонларнинг учраши табиий, албатта. Баъзи байтлар мазмунини тўғри тушунишга халал берувчи нуқсонли ўринларни А.Ҳайитметов № 677 инв. Қўлёзма билан солиштириб, тузатади. Масалан, *"Наводиру-ш-шабоб"* даги 548-ғазалдаги ушбу байт Х.Сулаймон нашрида куйидагича келтирилган:

Қушқа юнг маскан аро хушроқдурур озодлиг,

Бўлгонидин банд аро сайёди бебок дори била.

Қўлёзмада эса:

Қушқа юнг маскан аро хушроқдурур озодлиг,

Бўлгонидин банд аро сайёд ипак дори била.

Мазмуни: куш учун овчининг ипак тузоғига илиниб қолгандан кўра, чангалзорда озод юриб, макон тутиш яхшироқдир (А.Ҳайитметов шарҳи).

Ёки шу девоннинг 11-ғазалидаги "софин" сўзи "сочин", 39-ғазалдаги "фахр" сўзи "фарқ", 111-ғазалдаги "жавоб" маъносидаги "посух" сўзи "носух", 234-ғазалдаги "ўртар пари" сўзи "ўртар ёрин" деб бузиб ёзилганини таъкидлайди ва ўз фикрларини 50 дан ортиқ мисоллар билан далиллайди. Олим Х.Сулаймонов нашрни тайёрлашда А.Ҳайитметов тадқиқоти учун асос бўлган қўлёзмага кўп ҳам мурожаат этмайди. Париж, Туркия(Тўпқопи) ва Ленинградда сақланаётган куллиёт қўлёзмаларидан фойдаланади. Бироқ А.Ҳайитметов ўринли таъкидлаб ўтган тафовутлар мазмун ва шаклнинг мукаммалашувига хизмат қилганлиги нуқтаи назаридан айтиш мумкинки, XVI асрда кўчирилган мазкур қўлёзма ҳам, охириги варағи йўқлигини ҳисобга олмаганда, яхши сақланган. Қолаверса, Х.Сулаймон ҳам бу нусха билан таниш бўлган. Балки кўчирувчи ходимларнинг кичик эътиборсизликлари эвазига юз бергандир.

"Хазойину-л-маоний"нинг илмий танқидий матнини тузиш иши юқорида таъкидлаганимиздек, Х.Сулаймонов томонидан бошланган бўлиб, "Ғаройбу-с-сиғар" девони матнигина тайёрланган. Бироқ бу иш ҳам мукаммал бўлмаган. Аниқроғи, танқидий матн даражасида бўлмаган. Биз Навоийнинг "Ғаройбу-с-сиғар" девонини матний ўрганганимизда, девоннинг Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган инв. № 677 қўлёзмаси,[11] илмий-танқидий матнининг факсемил нашри [3] ҳамда мукаммал нашри ҳисобланган "Тўла асарлар тўплами" [4] ўзаро жиддий фарқланиши кўзга ташланди. Биз уларнинг мазмунга жиддий таъсир этаётган баъзи тафовутларини таҳлилга тортдик.

Девондаги 4-ғазалнинг 7-байти танқидий матнда мактаъ бўлиб келган. Муаллиф номи келтирилган байт яъни мактаъ эса юқорига чиқарилган. Бу қўлёзмада тўғри акс этган бўлишига қарамасдан, танқидий матнда хатоликка йўл қўйилган. Нашрда эса тўғирланган. 67-ғазалнинг 3-ва 5-байтлари ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Мукаммал композицияга эга ғазалларнинг бу тарзда бузилишини кўплаб учратиш мумкин.

Ёки танқидий матни кўздан кечирар эканмиз:

Тутульмиш эрди ғазабдин улусни қилди асир,

Қуёш тутулса, бале, фитнадуру анга таъсир

байти билан бошланувчи 7 байтли 145 ғазал танқидий матнда тўлиғича келтирилмаган. 144-ғазал эса такроран берилган. Қўлёзма ва нашрда эса мавжуд.

Ғарчи баъзи ўринлар нашрда тўғирланган бўлса-да, 11-ғазал 3-байт б мисраси тафовутланаётганини кўриш мумкин. Қўлёзма ҳамда танқидий матнда ўша байт куйидагича келтирилган:

Жузв-жузвумни фиғонким мунфак этти тийғи ҳажр,

Бир-биридин лек ўзидур жузви лоянфак манга.

Шу байт нашрда аслига мувофиқ берилмасдан, негадир ўзгартирилган:

Жузв-жузвумни фиғонким, мунфак этти тийғи ҳажр,

Ҳар-биридин лек ўзидур жузви лоянфак манга.

Мазмуни: фиғон қилурманки, ҳажр (бизни) бўлақларга ажратди, мен учун улар бир-биридан ажралмайдиган қисмларнинг ўзидир.

Ушбу ўринда шеърнинг поэтик хусусиятлари бузилган. 31-ғазал 1-байти қўлёзма ва нашрда куйидагича келтирилган:

Ҳам рамад теккан кўзунга чаими бедорим фидо,

Ҳам учуқ чиққан лабинга жони афгорим фидо.

Ушбу байтдаги "теккан" сўзи танқидий матнда "тикан" шаклида ёзилган. Ташдид белгиси ҳам ишлатилмаган. Баъзи ўринларда эса ташдид қўлланади. Бунда муайян принцип йўқлиги бугунги китобхонни чалғитиши мумкин. Мисра мазмунига эътибор берайлик: "Кўз оғриғи теккан кўзинга

бедор кўзларим фидо”. Энди тикан сўзини кўяйлик, “тикан кўз...” – мантик бутунлай бузилган.

161-ғазалнинг 6-байт а мисрасида кўлэзма ва танкидий матнда қўлланган “бокий” сўзи нашрда (2011) “бако” тарзида қўлланган. Бу ҳолда мазмун ўзгариши билан бирга, вазн талаби ҳам бузилган.

Бокий топар улки бўлди фоний,

Раҳравга бако фано бўлибдур.

байт тақтеъси: “мафъувлу мафоилун фаувлун” (– – v v – v – v – –). Унинг вазни шаклланишида “мафойилун” аслининг бир йўла учта – ахраб (мафъувлу), макбуз (мафоилун) ва маҳзуф (фаувлун) фарълари иштирок этган. Шунга кўра, бу байтнинг вазни «ҳазажи мусаддаси ахраби макбузи маҳзуф» деб аталади. “Бако”ни қўлласак, v- v v – v – v – – ҳосил бўлади. Бироқ бу афоилу тафоил ғазал вазнига мутлақо мос келмайди.

168 ғазалнинг 6 байти кўлэзма ва танкидий матнда куйидагича келтирилган:

Хуштурур жону жаҳон жонон била, жонон агар,

Бўлмаса жон ўйлаким ўлмак жаҳон зиндон эрур.

Нашрда эса:

Хуштурур жону жаҳон жонон била, жонон агар,

Бўлмаса жон ўйлаким, ўлмас жаҳон, зиндон эрур.

Фаркланаётган “ўлмак” ва “ўлмас” сўзлари бир қараганда кичик фарқдай туюлса-да, мазмуннинг жиддий ўзгаришга учраганини кўриш мумкин. Мазмуни: жон ҳам, жаҳон ҳам жонон билан хушдур, жонон йўқ бўлса, жон жаҳонда ўлган кабидир, жаҳон зиндон кабидир.

Агар “ўлмас” сўзини қўйсақ, мантиқан номукамаллик юзага келади яъни мазмун бузилади. Бундай ҳолатни 184-ғазалда ҳам кузатиш мумкин. Ғазалнинг 3-байт 6 мисрасидаги “ҳарж” сўзи танкидий матнда “ҳаж” шаклида нотўғри ёзилган. Гарчи ҳе ва жим ҳарфлари ўзаро боғланмай ёзилган бўлса-да, р ҳарфи йўқ.

Ёки:

193-ғазалнинг 2-байти кўлэзма, танкидий матнда куйидагича келган:

Базм эмас бог ичра майсизким, хунарвар илгидин,

Бўлди рангин мум ҳар қолаб била ҳайъатпазир.

Шу байт нашрда:

Шамъ эмас бог ичра майсизким, хунарвар илгидин,

Бўлди рангин мум ҳар қолаб била ҳайъатпазир.

Шамъ ва базм сўзлари ёзилишда ҳеч қандай ўхшашликка эга эмас. Негадир бу сўз нашрда ўзгартирилган.

195-ғазал 5-байтда қўлланган “нукта” (нозик) сўзи кўлэзмада “нуқта” (нуқат) шаклида қўлланади. Бизнингча, мазмуна нукта сўзи тўғри ишлатилган.

Баъзи ўринларда эса арабча, форсча бўлган ўзлашма сўзлар тарихийлик принципи асосида

ёзилмаган. Масалан, 59-ғазал 7-байтида қўлланган “тоат” сўзи танкидий матнда (т) билан ёзилган. Кўлэзмада, ҳаттоки луғатларда ҳам (то) билан ёзилган.

Бундан ташқари, бир қатор фонетик хусусиятларнинг нашр этишда инobatта олинмагани, натижада, давр тили сақланмаган ўринларни ҳам кўплаб учратиш мумкин. Масалан, т билан тугаган сўзларга кўлэзма ва танкидий матнда –тур, нашрларда эса –дур шаклидаги қўшимча қўшилган: Муҳаббатдур (180-ғ. 5-байт). Бундай мисолларни юзлаб келтириш мумкин.

А.Ҳайитметов шу девондаги яна бир қатор тафовутли жумла ва байтларни келтирар экан, транслитерация жуда машаққатли ва кўп меҳнат, тажриба ва илм талаб этишини алоҳида таъкидлайди. Бошқа бир ўринда эса А.Ҳайитметов олим Ҳ.Сулаймон томонидан ўрганилган “Илк Девон”даги шеърларнинг болалик даврида яратилганлиги ҳақидаги фикрига биров қўшимча киритади, яъни “Илк Девон”нинг 1464-65-йилларда кўчирилганига таяниб, бу пайтда Навоий 24-25 ёшда бўлганлиги, демак, бу девонда фақат болалик эмас, йигитлик даври (16 ёшдан кейин) шеърлари ҳам киритилганлигини эътироф этади. [9,6]

Олим А.Ҳайитметов Навоий лирикасидаги даврий чегараларни аниқлаш катта масала эканини таъкидлаб, бунда уч хусусиятни ҳисобга олишни таклиф этади: 1. Девонларни қиёсий ўрганиш; 2. Тарихий маълумотларга таяниш; 3. Шеърларнинг мазмун моҳиятидан келиб чиқиш; гарчи бу нисбий бўлишига қарамасдан, бир қатор лирик асарларининг даврий чегарасини аниқлашга ёрдам беради. Бироқ Ҳ.Сулаймон томонидан тайёрланган илк тўлиқ нашрнинг тайёрланиши учун 5 йил жуда қисқа фурсат эканлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Негаки, олимнинг асосий вақти Навоий девонлари кўлэзмаларини топиш ва тўплашга сарф бўлганини инobatта олганда, шоир лирикасини кенг планда ўрганиш учун олимнинг ҳар томонлама имконияти етарли даражада бўлмаган. Қолаверса, олим илк нашр танкидий матн вазифасини бажаришини назарда тутмаган.

А.Ҳайитметов дастлаб “Наводир-н-нихоя”, кейин “Фавойиду-л-кибар” девонларига киритилган “Қачон мактабда ул...” деб бошланувчи ғазалнинг мазмунига кўра болалик даврида яратилганлигини таъкидлайди. Ёки “Илк Девон”га киритилган “Хаста кўнглум ўртанур...”, “Ул париваш хурнинг...” каби ғазалларни ҳам Навоийнинг болалик йилларида, яъни 14-15 ёшга қадар ёзилганини айтади. Ҳ.Сулаймоннинг ўз олдига қўйган асосий мақсади эса Навоий куллиёти структурасини тиклашдан иборат эканини унутмаслик лозим.

Қизиғи шундаки, “Хазойину-л-маоний” девонларининг кейинги йилларда – Мустақилликкача бўлган давр нашрлари, яъни кирилл ёзувида босмаҳонада чоп этирилган нашрларининг ҳам асосий қисми терма девон шаклида. Фақат 1959-60-йиллардаги Ҳ.Сулаймон нашри (нисбатан тўлиқ) ва 20 жилдлик “Мукамал асарлар тўплами” бундан мустасно. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, шоир

лирикаси нашр этилган давр ва ундаги мафкура, сиёсий қарашларни сингдирган ҳолда таҳлил ва талқин қилинган. Бунинг исботи ўлароқ, девонлардаги ҳамд ва натъ шаклидаги ҳамда тасаввуфий ғоялар яққол кўзга ташланиб турган шеърлари нашрлардан тўлиқ олиб ташланган ёки байт ва мисралар ўзгаришларга учраган. Шоир асарларидаги тасаввуфий-фалсафий қарашларни мавжуд бўлган сиёсий мафкурага бўйсундирган ҳолда талқин этиш собиқ империя даврида кенг тус олди. Буни шоир лирик мероси нашрлари ва талқинларида кўриш мумкин.

Ҳамид Сулаймоннинг келтирган маълумотига кўра шоирнинг йирик девони “Ҳазойину-л-маоний” шу вақтларгача атиги икки маротабагина босмадан чиққан бўлса, унда ҳам девондаги шеърларнинг тўртдан бир қисмигина нашр этилган.[5,7] Натижада, китобхонларга Навоий яратган ўзбек тилидаги 3132 шеърдан 736 тасигина маълум бўлиб қолган. 2396 таси эса ҳатто 60-йилларгача кўпчилик адабиётшуносларга ҳам маълум бўлмаган. Девон илк бор тўлиқ ҳолда, Порсо Шамсиев таҳрири остида (сўзбоши муаллифи Ҳамид Сулаймон) 1959-60-йилларда нашр этилди ва девоннинг биринчи марта илмий аппаратлар билан таъминланган нашри яратилди. Бу нашр Порсо Шамсиев таҳрири остида нашр қилинган. Сўзбоши муаллифи Ҳамид Сулаймон девоннинг биринчи қисмида, яъни “Ғаройибу-с-сиғар”да Навоий лирик асарларининг илмий-танқидий текстини тузиш учун манба вазифасини ўтаган қўлэмаларнинг ҳам рўйхатини келтиради. Шу билан бирга, девондаги барча лирик асарларнинг вазни, автор редакциялари ҳақида ҳам қимматли маълумотларни келтириб ўтади. Шундай қилиб “Ҳазойину-л-маоний”нинг дастлабки икки девони 1959 йилда тўла ҳолда нашр этилди. Девоннинг учинчи ва тўртинчи қисмлари эса 1960 йилда нашр этилган.

Шоир девонидаги шеърларни текстологик жиҳатидан ўрганиш 1959-60 йилларда Ҳамид Сулаймоннинг “Ҳазойину-л-маоний”нинг илмий-танқидий матнини яратишга қаратилган тадқиқотлари билан боғлиқ.

Олим шоир қўлэмаларини ўрганиш натижасида, аввало, “Ҳазойину-л-маоний” девонларининг структурасини аниқлади. Иккинчидан, девонлардаги жанрлар ҳажми ва жойлашиш ўрнининг автор редакциясидаги ҳолатини тиклади. Танқидий матн тузиш учун эса танланган 10 қўлэзма манба орасидан Ленинградда сақланаётган инв.№ 55 куллиёт қўлэмасини таянч манба этиб белгилади ва қолган нусхаларга таянган ҳолда танқидий матн тузишни мақсад этиб белгилайди. Куллиётнинг дастлабки икки девонининг танқидий текстини тузиш бошланган. Бунда 4 қўлэзма ўзаро қиёсланади. Бироқ олимнинг бошлаган бу тадқиқоти баъзи сабабларга кўра ўз якунини топмасдан қолган.

Шунга қарамадан, олим Ҳ.Сулаймон “Ҳазойину-л-маоний”ни таянч ва қўшимча қўлэмаларга таяниб 2 марта нашр эттирди. Биринчи нашр 4 жилда “Ҳазойину-л-маоний” номи билан нашр этилган бўлса, иккинчиси 15 жилдлик Навоий

“Асарлар”ининг 1,2,3,4-жилдларида чоп этилди. Уларнинг биринчиси илмий нашр ҳисобланади. Унинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари бўлиб, қуйидагилар кўзга яққол ташланади:

Фонетик хусусиятлари:

1. Тарихийлик принципининг сақланганлиги: қаро (бошқа нашрларда қора), они (бошқа нашрларда ани);
2. “О” лашиш: сори (бошқа нашрларда сари);
3. “Э”лашиш: кеби (кейинги нашрларда киби);
4. Жарангсизлашув: -қ форманинг кенг ишлатилиши (бошқа нашрларда г ва ғ шакл кўп қўлланади);
5. Вазн талаби билан ундош ҳарфнинг ҳижога айланиши лозим ўринларда қисқа унли ёки чўзиқлик мақсадида –й орттирилиши (арабча-форсча сўзларда кузатилади): ифлосидин (ифлосдин), тийғ (тиғ);

Ҳ.Сулаймон Навоийнинг буюк ва бой лирик меросига бўлган ўзбеклар орасидаги оммавий кизиқишни бошлаб берган бўлса-да, девон илк маротаба тўлиқ нашр этилиши сабабли араб имлосидаги чалкашликлар, ҳатотлар йўл қўйган хатоликлар, шунингдек, нашрда йўл қўйилган камчиликлар ва бошқа бир қатор сабабларга кўра Ҳ.Сулаймон нашр эттирган танқидий матн академик нашр эмас эди. Хусусан:

- Эски ёзувда танқидий матни яратилмади. Кейинчалик, 2011 йилда фақат “Ғаройибу-с-сиғар”нинг жиддий нуқсонлардан холи бўлмаган танқидий матни нашрдан чиқди;[3]

- Давр нуқтаи назаридан нотўғри талқин қилинган баъзи шеърлар (ғазаллар) тўлиғича киритилмаган. Кейинги нашри эса қискартирилган нашр бўлиб, дастлабки нашрдан туширилган шеърлар бу нашрдга ҳам киритилмаган;

- Байтлар, мисралар, сўзларнинг тушиб қолиши ва сўз қўллаш билан боғлиқ хатоликларга йўл қўйилган. Аксарият нашрий нуқсонлар иккинчи нашрида тузатилган. Бироқ бу нашр тўлиқ ҳажми камраб олмайди;

- Транслитерацион, орфографик ва пунктуацион хатоликларга йўл қўйилган ва ҳоказо.

Ҳамид Сулаймон маълумотларига қараганда, шоир девонларининг 27 та қўлэзма манбаси маълумлиги ҳамда уларнинг баъзилари бугунгача тўлиқ сақланмаган. Ҳамид Сулаймон Алишер Навоийнинг ўзбек тилидаги девонлари редакцияси классификацияси, илмий-танқидий тексти ва транслитерацияси учун фойдаланилган қўлэмалар ва уларнинг қиёсий таблицасидаги хронологик тартибини келтириб ўтар экан, Илк девон, “Бадоеъу-л-бидоя”, “Наводиру-н-нихоя”, “Ҳазойину-л-маоний” ҳамда терма девонларнинг қўлэзма нусхалари ҳақида аниқ маълумот келтиради (шулардан 11 таси “Ҳазойину-л-маоний” қўлэзма нусхаларидир).[2]

Умуман олганда, Ҳ.Сулаймон адабиётшунослигимизда, хусусан, ўзбек манбашунослиги ва матншунослигида Навоийнинг катта ҳажми

“Хазойину-л-маоний” девонини илмий ўрганиб, шоир лирик меросининг умумий ҳажми, фойдаланган жанрлари, вазнлари, хронологияси ва бошқа муҳим масалаларнинг ечимини топди ва Навоий девонлари қўлёзма манбаларини назарий аспектда тадқиқ этди.

Мухтасар айтганда, Навоий лирикаси матнлари ва манбаларини текстологик ўрганиб, куллийёт манбашунослиги ва матншунослигида улкан ютуқларга эришилди. Навоий лирик меросининг XV-XIX асрдаги қўлёзмалари текширилди ва куллийётнинг автор редакцияси аниқланди. Қўлёзмаларни солиштириш жараёнида шоирнинг илк девони, “Бадоеъу-л-бидоя” ва

”Наводиру-н-нихоя” девонлари аниқланди, ёшлик лирикасининг куллийёт таркибидаги тақсимоти аниқланди. Шу билан бирга, ”Хазойину-л-маоний” девонлари илмий-танқидий матн учун асос бўлувчи қўлёзмалар ажратилди ва ушбу қўлёзмалар асосида илк тўлиқ нашр яратилди ва жаҳоннинг бир қатор тилларида таржима асосида нашр этирилди. Юқорида саналган куллийёт нашрини мукаммаллаштириш билан боғлиқ камчиликлар эса танқидий матн тузиш принципларини ишлаб чиқиш ва уни жорий ёзувга мослаштириш билан боғлиқ бўлиб, бугунги кун ўзбек матншунослиги олдидаги ўз ечимини кутаётган муҳим масалалардан биридир.

АДАБИЁТЛАР

1. С.Л.Волин. Описание рукописей произведений Навои в Ленинград ских собраниях. –Москва – Ленинград, 1946. –221 бет.
2. Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. 4 томлик. I том. – Тошкент, Фан, 1959. 832 бет.
3. Алишер Навоий. Ғаройибус-сиғар. Илмий-танқидий матн. –Ташкент, "Мумтоз сўз", 2012. –782 бет.
4. А.Навоий. Ғаройибус-сиғар. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. Ж.1. – Ташкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2011. – 804 бет.
5. Алишер Навоий. Чор Девон (нашрга тайёрловчи: Собир Абдулла ва Уйғун). –Тошкент, "Гостехиздат", 1939.
6. Уйғун. Алишер Навоий. – Тошкент, "Фан", 1942. –24 бет.
7. Навоий. Девон (нашрга тайёрловчи: С. Мирзаев анд Ф.Каримов). – Тошкент, "Ўзбекистон давлат нашриёти, 1948. – 200 бет.
8. Ҳайитметов А. Хазойинул маони // Шарқ юлдузи. 1962.№ 1. Б.133-135.
9. Ҳайитметов А. Болаликнинг шеърий ихтиролари.// Фан ва турмуш. 1991. № 2. Б. 5-7.
10. Маллаев Н. Навоийшуносликнинг янги ва йирик маҳсулоти. // Ўзбекистон маданияти. 1960. 20-август сони.
11. “Хазойину-л-маоний. Қо‘люзма. FASHI, inv.№ 677.



*Азизахон РАХМАНОВА,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети таянч докторанти
E-mail: Aziza26101981@mail.ru*

ПРИМЕНЕНИЕ ЛИНГВИСТИЧЕСКИХ КОРПУСОВ В МЕТОДИКЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ

Аннотация

Использование лингвистических корпусов в практике изучения английского языка показало высокие результаты эффективности в последние годы. В большинстве случаев в практике изучения английского языка отмечено использование интернет ресурсов в видео словарных корпусов, которые представляют собой безграничный источник различных типов словообразований и структур. Языковые корпуса как эффективный лингвистический метод в изучении английского языка могут быть использованы в грамматическом и лексическом формате обучения. Лингвистические корпуса значительно облегчают студентам процесс изучения новых слов и словообразований в английском языке. Эта методика, приведенная в исследовании дает возможность реализации эффективных качеств корпусного обучения в лексическом контексте. Данная статья имеет своей целью обосновать эффективность применения лингвистических корпусов в изучении английского языка посредством классных занятий с лексической тематикой в медицинском вузе. В статье дается краткий обзор теории лингвистических корпусов, а также практика реализации данного метода в изучении английского языка. Эффективность данного подхода была доказана высоким рейтингом посещаемости и повышением успеваемости во время промежуточного контроля по словарным текстам в экспериментальной группе по сравнению с остальными группами студентов ТашФарми. Примеры упражнений, разработанные специально для студентов медицинских вузов, показывают необходимость использования корпусных программ, в которых конкордансы представлены в виде оригинала и с помощью преподавателя можно научиться провести обобщения этих слов. Также следует отметить роль корпусного подхода совместно с конкордансером в изучении иностранного языка, в данном случае английского, благодаря чему повышается уровень лексической грамотности, словарного анализа научных текстов.

Ключевые слова: методика преподавания английского языка, лингвистические корпуса, конкорданс, лексический формат, словообразование, компьютер, Интернет-ресурс.

XORIJIY TILLARNI O'QITISH METODIKASIDA LINGVISTIK KORPUSLARDAN FOYDALANISH

Annotatsiya

Ingliz tilini o'rganish amaliyotida lingvistik korpuslardan foydalanish so'nggi yillarda yaxshi natijalar berdi. Ko'pgina hollarda, ingliz tilini o'rganish amaliyotida, turli xil so'z shakllari va tuzilmalarining cheksiz manbaini ifodalovchi so'z majmui shaklida Internet resurslaridan foydalanish qayd etiladi. Ingliz tilini o'rganishning samarali lingvistik usuli sifatida til korpuslari grammatik va leksik ta'lim shaklida qo'llanilishi mumkin. Lingvistik korpus ingliz tilida yangi so'zlar va so'z birikmalarini o'rganish jarayonini sezilarli darajada osonlashtiradi. Tadqiqotda taqdim etilgan ushbu metodika korpus o'rganishning leksik jihatlardagi samarali xususiyatlarini amalga oshirish imkonini beradi. Ushbu maqola tibbiyot institutida leksik mavzularda sinfiy saboqlar orqali ingliz tilini o'rganishda lisoniy korpuslardan foydalanish samaradorligini oqlashga qaratilgan. Ushbu yondashuv samaradorligi ToshParml talabalarining boshqa guruhlari bilan taqqoslaganda, tajriba guruhidagi so'zlashuv matnlarini oraliq nazorat qilish paytida yuqori ishtirok etish reytingi va akademik ko'rsatkichlarning ortishi bilan isbotlandi. Maqolada lisoniy korpuslar nazariyasiga qisqacha nazar, shuningdek, bu usulni ingliz tilini o'rganishda qo'llash amaliyoti, tibbiyot talabalari uchun maxsus ishlab chiqilgan mashqlarning misollari, konsepsiyalarning original shaklida taqdim etilgan korpus dasturlarini ishlatish zarurligini va o'qituvchi yordamida ushbu so'zlarni qanday qilib umumlashtirishni o'rganishingiz mumkinligini ko'rsatib beradi. Shuningdek, korpus yondashuvining xorijiy tilni o'rganish bilan shug'ullanuvchi sherik bilan o'zaro ta'siri, shuningdek, ingliz tilini o'rganish va ilmiy matnlarni leksik savodxonlik va lug'aviy tahlil qilish darajasini oshirishi ham e'tiborga loyiqdir.

Kalit s o'zlar: ingliz tilini o'qitish metodikasi, lingvistik korpus, konkordans, leksik format, so'z yasalishi, kompyuter, internet-resurs.

THE USE OF LINGUISTIC CORPUS IN THE METHODOLOGY OF TEACHING FOREIGN LANGUAGES

Annotation

The use of linguistic corpora in the practice of learning English has shown high effective results in last years. In most cases, in the practice of learning English, the use of Internet resources in the form of vocabulary corpuses, which represent an unlimited source of various types of word formations and structures, is noted. Language corpuses as an effective linguistic method in learning English can be used in the grammatical and lexical format of education. Linguistic corpus greatly facilitate the process of learning new words and word formations in the English language. This methodology, presented in the study, makes it possible to implement the effective qualities of corpus learning in a lexical context. The effectiveness of this approach was proved by a high attendance rating and an increase in academic performance during intermediate control of vocabulary texts in the experimental group compared to other groups of TashPharmI students. Examples of exercises designed specifically for medical students show the need to use corpus programs in which concordances are presented in the original form and with the help of a teacher you can learn how to summarize these words. Also noteworthy is the role of the corpus approach in conjunction with the concordancer in learning a foreign language, in this case English, which increases the level of lexical literacy and vocabulary analysis of scientific texts. This article is intended to show the effectiveness of the use of linguistic corpuses in the study of English through classroom lessons with lexical topics in medical school. The article covers a brief overview of the theory of linguistic corpuses, as well as the practice of implementing this method in learning English.

Key words: methods of teaching English, linguistic corpus, concordance, lexical format, word formation, computer, Internet-resource.

Введение Эффективность применение лингвистических корпусов в изучении английского языка в последнее время обуславливается следующими факторами:

- 1) Широкий доступ к компьютерным базам данных в интернет ресурсах
- 2) Инновационные методы (лексический подход в обучении).

Целью статьи является обоснование эффективности применения лингвистических корпусов в изучении английского языка посредством аудиторных занятий с лексической тематикой в медицинском вузе.

До недавнего времени лексический подход в изучении английского языка считался трудоёмким и однообразным процессом уступая грамматическому по значимости и необходимости (Biber D. Representativeness in Corpus Design // *Literary and Linguistic Computing*. 1993. Vol. 8, N. 4. P. 243–258), студенты предпочитают изучать грамматический строй языка, лексические же нормы изучались в рамках синтаксических правил согласно предпочтениям и пожеланиям студентов. На сегодняшний день, в век коммуникативных технологий, изучение английского языка приобретает более информативный характер что создаёт необходимость обогащения словарного запаса посредством поиска лексических и словарных методов (Leech G. Corpus Annotation Schemes // *Literary and Linguistics Computing*. 1993. Vol. 8. N. 4. P. 275–281). Изучение работ исследователей в данной области (Sharoff S. Towards Basic Categories for Describing Properties of Texts in a Corpus. In *Proc. of Language Resources and Evaluation Conference (LREC04)*. May, 2004, Lisbon, Portugal // <http://www.comp.leeds.ac.uk/ssharoff/texts/lrec-04.pdf>.) показало что, словарная компетенция

играет важную роль в общении коммуникабельных способностях учащихся. Для успешного общения на английском языке студентам в соответствии необходимо знать как можно больше слов и словарных идиом. И здесь возникает вопрос, каким образом студенту разобраться в бесчисленном количестве слов и словообразований, как облегчить свой путь в изучении новых и незнакомых слов. Применение словарного подхода в изучении английского языка имеет следующие преимущества для решения вышеуказанного вопроса:

- 1) Умение составить правильное соотношение формы и значения слова
- 2) Умение различать значения омонимов и фоновимов
- 3) Умение грамотно использовать в речи идиомы и словарные структуры

Чтобы достичь вышеуказанных результатов владения лексическими параметрами английского языка студенту предлагаются следующие способы:

- 1) Изучить как можно большее количество слов и словообразований английского языка
- 2) Запомнить и использовать новые слова в речевой практике
- 3) Разнообразить собственную речь идиомами и фразеологизмами

В данной работе мы исследовали метод языковые корпуса на практике изучения английского языка для достижения вышеуказанных свойств словарного подхода корпусных единиц.

Применение словарных корпусов, которые на сегодняшний день становятся все более доступными, помогает студентам определить возможность соотношения слов. Для преподавателей языковые корпуса становятся полезным источником лингвистической информации при подготовке к занятиям. Информация, взятая с языковых корпусов, помогает

определить критерий словарный ассоциаций в словосочетаниях. К примеру АткинсС., КлеарДж., ОстлерН. (Corpus Design Criteria // Literary and Linguistic Computing. 1992. Vol. 7, N. 1. P. 1–16) приводя анализ языкового корпуса отметили что глагол «cause» имеет словосочетания с именами существительными имеющие значение неприятности, например, такие как проблема, беспокойство, опасность, а глагол «provide» связан с большинством слов со значением позитивности, такие как помощь, подмога, поддержка, забота.

Языковые корпуса в обучении лексики в английском языке.

Анализ данных корпуса выступает в качестве нового уникального средства в обучении лексики. Данный анализ обеспечивает ценной информацией как для учащегося, так и для учителя при помощи создания реальных ситуационных задач.

Корпус это собрание аутентичных текстов (в письменном и устном виде), которое хранится в электронном виде. Размер собрания может состоять из пары предложения до миллионов слов. Лингвистическая информация обычно представляется в виде конкордансов. Конкорданс это перечень всех словообразований и словосочетаний слова или предложения в лингвистическом корпусе, представленных вне контекста (обычно представлен в виде двух колонок). Конкорданс создаются при помощи компьютерной программы классификатор конкордансов[11].

Например:

Классификация корпусов

Признак	Типы корпусов
Тип данных	Письменные Речевые Смешанные
Язык текстов	Русский Английский и т.д.
«Параллельность»	Одноязычные Двуязычные Многоязычные
«Литературность», специфичность	Литературные Диалектные Разговорные Терминологические Смешанные
Доступность	Свободно доступные Коммерческие Закрытые
Назначение	Исследовательские Иллюстративные
Динамичность	Динамические (мониторные) Статические
Разметка	Размеченные Неразмеченные
Объем текстов	Полнотекстовые «Фрагментнотекстовые»
Хронологический аспект	Синхронические Диакронические

«Общность»	Общие Одного писателя
------------	--------------------------

Методы исследования. Исследование проводилось в группе с 12 студентов 1 курса медицинского вуза Ташкентского Фармацевтического Института – на занятии практического английского языка на кафедре «Языки». Уровень знаний по английскому языку у студентов соответствовал В2 (то есть пороговый продвинутый уровень). Общее время проведения исследования составило 6 часов, согласно расписанию учебного занятия 2 раза в неделю. Языковой корпус включал 10 исследовательских статей из медицинских журналов. Все тексты написаны в оригинале на английском языке. Задачей экспериментальной группы был анализ текста, в частности поиск и применение ключевых лексических терминов.

Перед началом эксперимента преподаватель провел беседу со студентами экспериментальной группы о сущности и значении конкордансов, состав лингвистического корпуса. Со студентами была проведена объяснительная беседа по работе со тезисами при помощи корпусов. Студенты работали попарно с тезисами наряду с набором языковых учебных упражнений, разработанных на кафедре «Языки» в ТашФарМИ. Целью этих упражнений являлось научить студентов анализу и работе с наиболее существенными словарными единицами, представленными в тексте. Эти упражнения представлены в виде интерактивов, которые повышают мотивацию и интерес к функциям и формам, также ассоциациям по языковым единицам. Открытые вопросы, заполнение пропущенных слов, соответствие словосочетаний, заполнение таблиц с категориями слов по ключам и т.д. Студенты работали с компьютерной программой конкордансов во время эксперимента. Преподаватель проводил мониторинг и контроль экспериментальной группы. Также студенты в конце эксперимента составили свои мнения и пожелания по поводу работы с конкордансами.

Результаты и заключение

Данная методика, приведенная в исследовании дает возможность реализации эффективных качеств корпусного обучения в лексическом контексте. Примеры упражнений, разработанные специально для студентов медицинских вузов, показывают необходимость использования корпусных программ, в которых конкордансы представлены в виде оригинала и с помощью преподавателя можно научиться провести обобщения этих слов. Эффективность данного подхода была доказана высоким рейтингом посещаемости и повышением успеваемости во время промежуточного контроля по словарным текстам в экспериментальной группе по сравнению с остальными группами студентов ТашФарМИ. По отзывам студентов экспериментальной группы,

данный метод изучения новых слов и лексического материала стал для них полной неожиданностью, положительным опытом в работе со словарем, а также помог им в изучении сложных медицинских текстов.

В заключение, хотелось бы отметить роль корпусного подхода совместно с конкордансером в изучении иностранного языка, в данном случае английского, благодаря этому повышается уровень лексической грамотности, словарного анализа научных текстов.

Приведем следующие положительные качества корпусного метода изучения английского языка, на основе выводов эксперимента на кафедре «Языки» в ТашФарМИ:

1. Открытый доступ к словарным единицам в интернет корпус-ресурсов

2. Применение данного метода в анализе текстов –оригиналов (научно-исследовательские журналы), которые часто перегружены научными терминами

3. Создание собственного словаря терминов, на основе отдельно взятого текста

4. Лингвистические корпуса отличаются своим многообразием словарной лексики, обеспечивают частоту и соответствия языковых единиц в научных текстах

5. При помощи компьютерных программ-конкордансов данный метод общедоступен не только лингвистам, но и студентам непрофильных вузов в изучении иностранного языка.

ЛИТЕРАТУРА

1. Доклады научной конференции «Корпусная лингвистика и лингвистические языки данных» / Под ред. А.С. Герда. СПб., 2002. (Reports of the scientific conference "Corpus linguistics and linguistic data basics" / Ed. A.S. Gerda. SPb., 2002)
2. Лотте Д.С. Основы построения научнотехнической терминологии: Вопросы теории и методики. – М.: Изд-во Академии Наук СССР, 1961.
3. Лейчик В.М. Терминоведение: Предмет, методы, структура. – М., 2006
4. Шаров С.А. Параметры описания текстов корпуса. // <http://bokrccorpora.narod.ru/header.html>. (Sharov S.A. Parameters of the description of texts of the body)
5. Шевчук В.Н. Электронные ресурсы переводчика: Справочные материалы для начинающего переводчика. – М.: Либрайт, 2010. – 136 с.
6. Atkins S., Clear J., Ostler N. Corpus Design Criteria // *Literary and Linguistic Computing*. 1992. Vol. 7, N. 1. P. 1–16.
7. Biber D. Representativeness in Corpus Design // *Literary and Linguistic Computing*. 1993. Vol. 8, N. 4. P. 243–258.
8. D. Lee. Bookmarks for Corpus-based Linguists (<http://devoted.to/corpora>)
9. Leech G. Corpus Annotation Schemes // *Literary and Linguistics Computing*. 1993. Vol. 8. N. 4. P.275–281
10. Sharoff S. Towards Basic Categories for Describing Properties of Texts in a Corpus. *In Proc. of Language Resources and Evaluation Conference (LREC04)*. May, 2004, Lisbon, Portugal // <http://www.comp.leeds.ac.uk/ssharoff/texts/lrec-04.pdf>.
11. Шаров С.А. Параметры описания текстов корпуса, 2016.



Дилфуза САГДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти.
E-mail: djmarufjon@mail.ru

**THEMATIC CLASSIFICATION OF ARABIC ACQUISITIONS USED IN THE WORK
“KISASY RABGUZY”**

Abstract

This article analyzes the separated thematic groups of words and phrases of Arabic origin, defined in the work of Kysasi Rabguzi by Nasuriddin Rabguzi, first written in Turkic language based on Islamic sources in the XIII-XIV centuries in Khorezm. The study of Arabic borrowings in manuscripts in the diachronic aspect includes not only in determining the methods of developing linguistic facts, but also studying the history of the people who created it. One of the common ways of the historical development of a language and its vocabulary is the analysis of the words of a language in separated subject groups. The definition of affiliation of Arabic words to certain areas, the thematic grouping will give a complete picture of the spirituality, the legal level of the peoples of that era, and partnership relations with neighboring and fraternal peoples. The study revealed and analyzed 24 thematic groups of Arabic borrowings given in the work and made a scientific analysis of these words. In addition, there were indicated the researches which performed an analysis of the vocabulary of the language in separated subject groups. Several kinds of proper names, being effectively used in the language of the work, were identified. It was also concluded that borrowed and exotic anthroponyms, ethnonyms, theonyms and toponyms and religious vocabulary are the most frequently used groups in the language of the work. This research plays an important role in the study of the historical development of the process of borrowing Arabic words and lexical composition in the language of the Turkic peoples of the XIII-XIV centuries.

Key words: lexical content, arabic borrowings, thematic groups, vocabulary, lexical groups, classification, linguistic method, anthroponym, ethnonym, toponym.

**ТЕМАТИЧЕСКАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ АРАБСКИХ ОВЛАДЕНИЙ,
ИСПОЛЗОВАННАЯ В РАБОТЕ «КИСАСИ РАБГУЗИ»**

Аннотация

В данной статье анализируются разделенные тематические группы слов и словосочетаний арабского происхождения, определенные в произведении «Кысасы Рабгузи» Насирулдином Рабгузи, впервые написанном на тюркском языке на основе исламских источников в XIII-XIV веках на территории Хорезма. Изучение арабских заимствований в рукописях в диахроническом аспекте заключается не только в определении методов развития языковых фактов, но и для изучения истории людей, которые его создали. Одним из распространенных способов исторического развития языка и его словарного состава является анализ слов языка в разделенных тематических группах. Определение принадлежности арабских слов к определенным сферам, тематическая группировка дадут полное представление о духовности, правовом уровне народов той эпохи и партнерских отношениях с соседними и братскими народами. В результате исследования было выявлено и проанализировано 24 тематические группы арабских заимствований, данных в произведении и сделан научный анализ этих слов. Кроме того, были указаны исследования, которые проделали анализ словарного состава языка по разделенным тематическим группам. Было определено несколько видов собственных имен, которые были эффективно использованы на языке произведения. Также было сделано заключение о том, что заимствованные и экзотические антропонимы, этнонимы, теонимы и топонимы и религиозная лексика являются наиболее часто используемыми группами в языке произведения. Это исследование играет важную роль в изучении исторического развития процесса заимствования арабских слов и лексического состава в языке тюркских народов XIII-XIV веков.

Ключевые слова: лексический состав, арабские заимствования, тематические группы, лексика, лексические группы, классификация, лингвистический метод, антропоним, этноним, топоним

**“ҚИСАСИ РАБГУЗИЙ” АСАРИДА ҚЎЛЛАНГАН АРАБИЙ ЎЗЛАШМАЛАРНИНГ
ТЕМАТИК ТАСНИФИ**

Аннотация

Мазкур мақолада XIII–XIV асрларга оид Хоразм худудидан Носирулдин Рабгузий томонидан исломий манбалар асосида илк бор туркий тилда яратилган “Қисаси Рабгузий” асари луғати таркибида аниқланган арабий ўзлашмалар мавзуйи гуруҳларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинган. Асар тилидаги арабий ўзлашмаларни диахрон аспектда ўрганиш тил фактларининг тараққий этиш усулларини аниқлаш учунгина

эмас, балки уни яратган халқ тарихини тадқиқ қилиш учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Тилнинг тарихий ривожланиш жараёни ва луғат бойлигини ўрганишнинг кенг тарқалган усулларидан бири тилдаги сўзларни мавзуй гуруҳларга ажратиб таҳлил қилишдир. Асарда келтирилган арабий сўзларнинг қайси соҳа тармоқларига оидлигини аниқлаш, мавзуй жиҳатдан гуруҳлаштириш асар яратилган давр халқларининг маънавияти, ҳуқуқий савияси, кўшни ва қардош халқлар билан олиб борган ҳамкорлик муносабатлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имкониятини ҳам беради. Тадқиқот натижасида асарда келтирилган арабий ўзлашмаларнинг 24 та мавзуй гуруҳи аниқланиб, илмий асосда таҳлил қилинди. Тилнинг луғат бойлигини мавзуй гуруҳларга ажратиб таҳлил қилиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар юзасидан тўхталиб ўтилди. Асар тилида фаол тарзда қўлланилган атоқли отларнинг бир неча турлари аниқланди. Жумладан, ўзлашма ва экзотик антропонимлар, этноним, теоним ва топонимлар ҳамда диний лексика асар тилида энг кўп қўлланилган гуруҳлар сифатида хулоса қилинди. Мазкур тадқиқот XIII–XIV асрлар туркий халқлар тилида арабча сўзларнинг ўзлашиш жараёни ва луғат бойлигини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: лексик таркиб, арабий ўзлашмалар, мавзуй гуруҳлар, лексика, лексик гуруҳ, тасниф, лингвистик метод, антропоним, этноним, топоним.

XIII–XIV асрлар туркий халқлар ва туркий тиллар тарихида алоҳида ва мураккаб даврни ташкил этади. Бу даврда Марказий Осиё ва Олтин Ўрда музофотларида тил хусусиятлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи кўпгина асарлар яратилган [13]. Шундай асарлардан бири “Қисаси Рабғузий” бўлиб, унинг луғат таркибида кўпгина арабий жумла, ибора ва ўзлашмалар мавжуд. Тилнинг тарихий ривожланиш жараёни ва луғат бойлигини ўрганишнинг кенг тарқалган усулларидан бири тилдаги сўзларни мавзуй гуруҳларга ажратиб таҳлил қилишдир. Манбаларда келтирилган сўзларнинг қайси соҳа тармоқларига оидлигини аниқлаш нафақат тилшунослик учун балки бошқа фанлар учун ҳам муҳим маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, ёзма манбалар тилидаги лексемаларни мавзуй жиҳатдан гуруҳлаштириш асар яратилган давр халқларининг маънавияти, ҳуқуқий савияси, кўшни ва қардош халқлар билан олиб борган ҳамкорлик муносабатлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш имкониятини ҳам беради [2, 55].

Тилдаги сўзларнинг шу асосда тасниф қилиш тилшуносликда сўзларнинг мавзуй гуруҳлари ёки сўзларнинг мавзуй қаторлари деб номланади. Тилдаги лексикани у ёки бу мавзуй гуруҳга мансуб деб билиш сўзлар орасидаги маъно муносабатларига, предметлилик хусусиятига ва номинацион белгиларига боғлиқ. Сўзларнинг мавзуй гуруҳларига маъно жиҳатдан бир йўналишдаги сўзлар (масалан, бир сўз туркумига оид сўзлар) ёки аралаш типли сўзлар кириши мумкин. “Мавзуй гуруҳлар” термини сўзларни тасниф қилишнинг лингвистик методларидан бирини ва ушбу методда тасниф қилинган тил материалининг лексик гуруҳларини англатади [4, 120]. Ўзлашма қатлам лексикасини мавзуй гуруҳларга бўлиш ва уларни қиёсий ўрганиш ўз қатламда қандай соҳаларга оид сўзлар сақланганини, қайси соҳаларга оид сўзлар тарихан чиқиб кетгани ва улар ўрнини қандай ўзлашган сўзлар эгаллаганини аниқлашга йўл очади.

“Қисаси Рабғузий” асаридаги арабий ўзлашмаларни мавзуй гуруҳларга ажратиб тадқиқ қилиш араб тилининг XIII–XIV асрлар туркий халқ ҳаёти билан боғлиқ хусусиятлари, жумладан, ижтимоий, сиёсий, маданий турмуш, диний қарашларга оид маълумотларни намоён қилиш

имкониятини беради. Шунингдек, асарда қўлланилган арабий ўзлашмаларнинг ҳажми ва салмоғини белгилашда ҳам мазкур қатламга мансуб сўзларни мавзуй қаторларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда асарда учраган арабий ўзлашмалар *атоқли отлар, диний лексика, этнографияга оид тушунчалар, вақт тушунчасини англатувчи сўзлар, табиий бойлик ва қимматбаҳо тошлар номлари, таълим-тарбияга оид сўзлар, адабиётшунослик атамалари, хусусият ва белгилари билдирувчи сўзлар, касб-ҳунар номларига оид сўзлар, егулик ва ичимликларга оид сўзлар, мавҳум тушунчаларни ифодаловчи сўзлар, ижтимоий-сиёсий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар, ҳайвонот ва наботот оламига оид сўзлар, тана аъзолари номлари, табиат ҳодисаларини ифодаловчи сўзлар, йўналиш ва томонни билдирувчи сўзлар, қавм-қариндошлик муносабатларини ифодаловчи сўзлар, космогоник объектларни ифодаловчи сўзлар, ой номлари, мусиқа асбоблари номлари, иқтисодий муносабат ва тушунчаларни ифодаловчи лексик бирликлар, ҳарбий лексика, китобатчиликка оид терминлар* каби гуруҳларга ажратилди. Қуйида мазкур гуруҳлар юзасидан тўхталиб ўтамыз.

1. Атоқли отлар. Асарда арабча атоқли отлар салмоқли миқдорда қўлланилган бўлиб, уларнинг қуйидаги типлари аниқланди.

Антропонимларга арабий исм, куня (кишини фарзанди номи билан чақириш) ва лақаблар киради. *Муҳаммад Мустафо* [10, 2г/8], *Носиру-д-дин* [10, 2г/19], *Абдуллоҳ ибн Аббос* [10, 4в/14–15], *Яҳё ибн Масъаф Ар-Розий* [10, 11г/10], *Абду-л-муғийс* [10, 15в/1], *Мазийд ибн Саъд* [10, 29в/15], *Луқмон ибн Од* [10, 29в/16], *Қайл ибн Умар* [10, 29в/16], *Малик ибн Сулаймон ал-Ҳаровий раҳматуллоҳи алайҳи* [10, 24в/22] шулар жумласидандир.

Б. Абдушукуров ўз тадқиқотида антропонимларни лексик-семантик хусусиятларига кўра, диний антропонимлар, тарихий шахслар исми, лақаб, тахаллуслар, ҳайвонларга қўйилган исмлар, бутлар номи тарзида таснифлайди [1, 52–53].

Н. Улуқов эса ўзининг диний матнлар экзотик лексикасига бағишланган тадқиқотида юқорида келтирилган антропонимларнинг ўзлашган ва экзотик турларини келтиради. Муаллиф фикрича,

экзотик антропонимлар –ўзлашмаган арабча атоқли отлардир. Антропонимлар атоқли отларнинг энг катта бир типи бўлиб, диний матнларда учрайдиган экзотик лексика доирасида алоҳида бир мавзуий гуруҳни ташкил қилади. Экзотик антропонимлар гуруҳига араб халқларига хос киши исмлари, лақаблар, нисбалар, кунялар, тахаллуслар киради. Экзотик антропонимларга хос яна бир хусусият – киши отаси исми олдида эркак бўлса “ибн”, яъни ўғил аёл бўлса “бинт”, яъни қиз сўзлари келтирилади [13, 88–90]. Асарда келтирилган *Мазийд ибн Саъд* [10, 29v/15] – Саъднинг ўғли *Мазийд*, *Умар ибн Хаттоб* [10, 190v/5] – Хаттобнинг ўғли *Умар*, *Варақа ибн Навфал* [10, 191v/18] – Навфалнинг ўғли *Варақа*, *Оиша бинт Абу Бакр Сиддиқ* [10, 198r/21] – Абу Бакр Сиддиқнинг қизи *Оиша*, *Савдо бинт Ромиъа* [10, 198r/21] – Ромиъанинг қизи *Савдо*, *Омина бинт Ваҳҳаб* [10, 198r/11] – Ваҳҳабнинг қизи *Омина* каби кунялар шулар жумласидандир. Баъзан экзотик антропонимлар олдида “*абу*”, яъни “ота” ёки “*умму*”, яъни “она” маъносидаги сўзлар келади. Асарда бу турга мансуб бўлган *Абу Толиб* [10, 191vг/21] – Толибнинг отаси, *Абу Бакр* [10, 190r/15] – Бакрнинг отаси, *Абу-л-Ос* [10, 198r/20] – Оснинг отаси, *Абу Суфён* [10, 198r/1] – Суфённинг отаси, *Умму Кулсум* [10, 198r/20] – Кулсумнинг онаси, *Умму Ҳабиба* [10, 198r/1] – Ҳабибанинг онаси каби исмлар учрайди.

Баъзан “*абу*”, “*умму*”, “*бинт*” ва “*ибн*” сўзлари бирга келиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Бунда нафақат исм, балки насаб ҳам ифодаланadi. Масалан: *Умму Ҳабиба бинт абу Суфён* [10, 198r/1] – Суфён отасининг қизи Ҳабибанинг онаси ёки *Али ибн Абу Толиб* [10, 198r/20] – Толиб отасининг ўғли *Али* каби.

Этнонимлар – уруғ, қабила, элат, халқ ва миллат номлари бўлиб, ўз моҳиятига кўра турдош отга яқин туради. Илмий анъанага кўра, этнонимлар атоқли от аспектида ўрганилади [7, 18–28]. Асарда “*Қурайш*” [10, 95r/3], “*араб*” [10, 27r/12], “*Бани Исроил*” – “Исроил қавми” [10, 62r/4], *Бани Умаййа* – “Умаййа қавми” [10, 242r/7], “*жухуд*” [10, 13r/2] –

“*яхудий*”, “*сурёний*” [10, 2v/12] каби этнонимлар мавжуд.

Теонимлар – афсонавий мавжудотлар, диний тушунча ва тасаввурлар, пайғамбар ва авлиёлар, диний адабиётлар номларидир. Асардаги теонимларни қуйидаги кичик гуруҳларга ажратиш мумкин [2; 14]:


1. Аллоҳнинг номлари: *Ҳақ субҳанаху ва Таоло* [10, 3r/6], *Ҳақ Таоло* [10, 3r/9], *Аллоҳ жалла жалаалуху* [10, 9v/8], *Мавло Таоло* [10, 2v/12], *Мавло азза ва жалла* [10, 13r/19], *Роб* [10, 2v/9].

2. Пайғамбар ва саҳобаларнинг ном ва лақаблари: *Одам алайҳи-с-салом* [10, 6r/1], *Мухаммад соллаллоху алайҳи васаллам* [10, 15r/4], *Али карамаллоху ваҷҳаху* [10, 14v/5].

3. Фаришталар номи: *Жаброил алайҳи-с-салом* [10, 2r/15], *Иблис* [10, 4r/1].

4. Диний адабиётлар ва сураларнинг атоқли отлари: *Қуръони карим* [10, 2v/7], *Сурату-л-аср* [10, 22r/18], *Сурату-л-бақара* [10, 66r/14], *Сурату-л-анфол* [10, 66r/17], *Сурату-л-ихлос* [10, 66r/19], *Сурату-л-анъом* [10, 66r/19].

Топонимлар – куруқлик ва сувликдаги табиий географик объектларга берилган номлардир [4, 25]. *Маккаи мукаррама* [10, 6r/5], *Каъба* [10, 3r/13], *Тоиф* [10, 6r/5] – “Саудия Арабистони ғарбидаги шаҳар”, *Басра* [10, 13r/2] – “Ироқдаги шаҳар”, *Байту-л-мақдис* [10, 2r/14] – “Фаластиндаги шаҳар” сингари. Шунингдек, асарда *Арафот* [10, 14r/17] – “Арафот тоғи”, *Жидда* [10, 13r/2] – “Арабистондаги тоғ”, *Тур* [10, 120v/15] – “Фаластиндаги тоғ”, *Уҳуд* [10, 120v/15] – “Мадинадаги тоғ” **оронимлари** ва *Кавсар* [10, 133v/21] – ислом динига кўра жаннатдаги ажиб бир дарё ёки ҳовузнинг номи [11], *Замзам* [10, 17r/12] – “Макка шаҳридаги “Масжиду-л-харом” саҳнидаги мукаддас булок” **гидронимлари** ва *Масжиду-л-харом* [10, 7r/11] – Каъба атрофидаги масжид, *Масжиду-л-Ақсо* [10, 209v/16] – “Қуддус шаҳридаги масжид” номлари ҳам келтирилган. Юқорида келтирилган атоқли отларни қуйидаги график кўринишда тасвирлаш мумкин.



Расм 1. Арабча атоқли отлар таснифи.

2. Диний лексика. “Қисаси Рабғузий” асари ислом динининг муқаддас манбалари Қуръони карим ва Ҳадиси шариф, шунингдек, бошқа диний манбалар асосида яратилганлиги боис, асардаги арабий сўз ва ибораларнинг аксарияти диний соҳага оиддир. Кузатишлар натижасида асарда диний лексикага оид қуйидаги арабий сўзлар аниқланди: *ҳамду сано* [10, 1v/2], *авлиё* [10, 2r/5], *алайҳи-с-салом* [10, 1v/4] – “унга саломлар бўлсин”, *анбиё* [10, 2r/7] – “набийлар”, *набий* [10, 2r/7] – “пайгамбар”, *ҳидоят* [10, 1v/6], *шаҳодат* [10, 2r/3], *ибодат* [10, 2r/4], *ишорат* [10, 2r/5] – “белги, ишора”, *башират* [10, 2r/6], *уммат* [10, 2r/7], *қибла* [10, 2r/7], *дин* [10, 2r/9], *шариат* [10, 2r/9], *кофир* [10, 2r/9], *шафоат* [10, 2r/10] – “ёнини олиш, тарафдор бўлиш”, *қиймат* [10, 2r/11], *осий* [10, 2r/12], *муслмон* [10, 2v/1], *мўъмин* [10, 2v/1], *расул* [10, 2v/6] – “элчи, юборилган”, *тоат* [10, 2v/6], *тасбиҳ* [10, 2v/7], *сирот мустақийм* [10, 2r/5] – “тўғри йўл”, *муҳаф* [10, 2v/6], *валлоҳу аълам* [10, 3r/4] – “Аллоҳ билгувчироқдир”, *муаззин* [10, 215r/10] – “азон айтувчи”, *сажда* [10, 4v/4], *маъсият* [10, 5r/3] – “гуноҳ”, *мазҳаб* [10, 6r/12], *наъзу биллаҳи фи залика* [10, 7r/6] – “Аллоҳ бундан асрасин!”, *жазакаллоҳу хайран* [10, 14v/10] – “Аллоҳ яхшилик билан муқофотласин!”, *минбар* [10, 17r/9] – “масжид минбари”, *имом* [10, 82v/7], *шайх* [10, 11r/1], *хатиб* [10, 143r/9] – “хутба айтувчи”, *имоматлиг* [10, 236v/1] – “имомлик қилиш”, *халифа* [10, 9v/19], *коҳин* [10, 38r/1] – “руҳоний; ғойибдан хабар беришни, фол очишни даъво қилувчи, сеҳргар [15, 415]”. Мустақилликдан сўнг мазкур диний сўз ва ибораларнинг баъзилари кундалик ҳаётимизда кенг қўлланила бошлади.

3. Этнографияга оид тушунчалар: *ийд* [10, 75v/2] – “хайит, байрам”, *одат* [10, 75v/2], *қоида* [10, 226r/4], *урф* [10, 75v/2] – “расм, таомил”.

4. Вақт тушунчасини англатувчи сўзлар: *тарих* [10, 2v/13] – “сана”, *вақт* [10, 5r/4], *замон* [10, 6v/6], *соат* [10, 7v/2], *умр* [10, 4v/9].

5. Табиий бойлик ва қимматбаҳо тошлар номлари: *нафт* [10, 41r/14] – “нефть”, *руҳом* [10, 62v/7] – “мармар тош”, *зумуррад* [10, 3v/11] – “зумрад”, *ёқут* [10, 3v/14] – қимматбаҳо тош, *ақиқ* [10, 50v/8] – “қизил тусли қимматбаҳо тош”, *жавоҳир* [10, 3r/9]. Мазкур гуруҳга кирувчи сўзларнинг аксарияти “Сулаймон бин Довуд алайҳи-с-салом” киссасида учрайди.

6. Таълим–тарбияга оид сўзлар: *китоб* [10, 2r/17], *китобат* [10, 2v/14,] – “ёзув”, *қалам* [10, 2v/17], *таълим* [10, 3v/7], *устоз* [10, 4v/7], *дарс* [10, 20r/21].

7. Адабиётшунослик атамалари: *ҳикоят* [10, 18v/16], *қисса* [10, 15r/21], *қисас* [10, 3r/4] – “қиссалар”, *байт* [10, 50v/10], *вазн* [10, 222v/5], *шеър* [10, 16v/10]. “Қисаси Рабғузий” асари насрий асар бўлиши билан бир қаторда, унда кўплаб туркий ва араб тилида битилган байт ва шеърлар мавжуд. Адабиётшунослик атамалари асарда тез-тез учраб туради.

8. Хусусият ва белгини билдирувчи сўзлар: *заиф* [10, 1v/8], *мутеъ* [10, 2r/6], *олий* [10, 2r/9], *осиу* [10, 2r/12] – “гуноҳкор”, *мустақим* [10, 2v/15] – “тўғри”, *лойиқ* [10, 2v/19], *оғиз* [10, 3v/8], *мискин* [10, 3v/9] – “ғариб, бечора”, *маккор* [10, 4r/17], *маиғул* [10, 4r/21] – “банд”, *муқаррам* [10, 5v/4], *вофеъ* [10, 5v/5] – “вафодор”, *азиз* [10, 5v/19], *фозил* [10, 6r/9] каби.

9. Касб–ҳунар номларига оид сўзлар: *уламо* [10, 2r/20] – “олимлар”, *муфассир* [10, 9v/6] – “тафсирчи”, *шайх* [10, 11r/2], *муаллим* [10, 11v/14], *ҳирфа* [10,

18г/3] – “касб”, *хайёт* [10, 20г/1] – “тикувчи”, *табиб* [10, 181г/14].

10. Егулик ва ичимликларга оид сўзлар: *шароб* [10, 160г/14] – “ичимлик”, *шарбат* [10, 5в/10], *неъмат* [10, 5в/10], *таом* [10, 6в/19], *асал* [10, 12в/14], *хамр* [10, 16в/21]– маст қилувчи ичимлик. Асарда “хамр” сўзи қуйидаги жумла таркибида келади : *Қобил Ҳобилини ўлдурди эрса, Иблис келиб Қобилга сўзлади: Мавло Таоло не учун сенинг қурбонингни қабул қилмади, анинг учунким сен ўтга топунмазсен, бутга топунмазсен, хамр ичмазсен...*

11. Мавҳум тушунчаларни ифодаловчи сўзлар: *зулмат* [10, 2г/9], *ният* [10, 2г/21], *ақл* [10, 2в/2], *разбат* [10, 2в/14], *мақсуд* [10, 2в/16], *илтимос* [10, 2в/18], *тавфиқ* [10, 2в/21] – “омад”, *савол* [10, 5г/9], *жавоб* [10, 5г/10], *маъно* [10, 5г/18], *узр* [10, 5г/19], *қаҳр* [10, 51в/11], *бахт* [10, 120в/2].

12. Ижтимоий–сиёсий тушунчаларни англатувчи сўзлар:

Ижтимоий-сиёсий тушунчаларга оид терминларнинг батафсил таснифини Ҳ. Дадабаевнинг тадқиқотларида кузатамиз [6]. Асарда ижтимоий–сиёсий тушунчаларни англатувчи қуйидаги арабий сўзлар аниқланди: *мамлакат* [10, 97г/20], *вилоят* [10, 60г/12], *мулк* [10, 43в/21] – “давлат”, *миллат* [10, 184г/14], *фармон* [10, 52в/16], *ҳукм* [10, 192г/4], *муҳр* [10, 236г/9]– “муҳр, тамға”, *нишон* [10, 35в/21], *қози* [10, 148г/20], *фитна* [10, 76г/14], *жазо* [10, 51в/21], *қисас* [10, 127в/20] – “ўч, қасос”, *малик* [10, 32г/4], *султон* [10, 45в/15], *ҳожиб* [10, 45г/21]– “эшик оғаси”, *валий* [10, 65в/17] – ҳоким, *вазир* [10, 58в/1], *халифа* [10, 9в/19], *ноиб* [10, 235г/17], *ҳадия* [10, 27в/21], *садақа* [10, 8г/20] каби.

13. Ҳайвонот ва наботот олами билан боғлиқ сўзлар: *тут* [10, 120г/20], *набат* [10, 23в/14]– “ўсимлик”, *товус* [10, 12в/19], *қаранфул* [10, 13г/8] – “қалампирмунчоқ”, *сунбул* [6, 13г/8] – “пиёзгуллилар оиласига мансуб, лола баргига ўхшаш узун баргли ўтсимон манзарали ўсимлик ва унинг гуж бўлиб”, *табл* [10, 141в/14]– “ноғора”, *нафир* [10, 106в/7]– “карнай”, *сур* [10, 177г/12], *най* [10, 221г/15], *нағора* [10, 106в/7], *танбур* [10, 177г/7] каби.

21. Иқтисодий муносабат ва тушунчаларни ифодаловчи лексик бирликлар: *қофила* [10, 216м/15] – “қарвон”, *работ* [10, 179г/13] – “қарвонсарой”, *тижорат* [10, 186в/13], *омонат* [10, 6м/14], *зарар* [10, 25г/1], *анбар* [10, 42в/10] – “омбор”, *дуккан* [10, 171м/9] – “дўкон”, *шариш* [10, 72в/18] – “ҳамкор”, *даллол* [10, 10г/9] – “даллол”, *хирож* [10, 46в/19] – “деҳқончилик маҳсулотларидан олинадиган солиқ”, *закот* [10, 83г/17], *насиб* [10, 138г/13] – “улуш”, *ушр* [10, 45г/12] – “ўндан бир”. Диний-иқтисодий мазмундаги *ушр* сўзи “*ашр*” ўзагидан ясалган. *Ашара* феъли “*ўнта бўлмоқ; ушр олмоқ*” маъноларини англатади. *Ушр* сўзи ўзбек адабий тилидаги *муашишар* (ҳар банди ўн мисрали мумтоз шеър шакли), *ашуро* (муҳаррам ойининг ўн кунли) сўзлари, шуниингдек, *Ашур*//*Ашир* антропонимлари билан ўзакдошдир[15].

22. Ҳарбий лексика. Асарда мазкур гуруҳга оид бир қатор сўз ва сўз бирикмалари қўлланилган бўлиб,

очиладиган хушбўй ва чиройли гули [15, 587]”, *ҳино* [10, 13г/8] – “хина”, *худҳуд* [10, 13в/3] – куш номи, *аънқо* [10, 147г/12] – афсонавий куш номи. Асарда бу гуруҳдаги ўзлашмалар қуйидагича келтирилади: *Андин сўнг Сулаймон турнани, бургутни, аънқони йиборди, боринг худҳудни келтуринг.*

14. Тана аъзолари номлари: *садр* [10, 2г/7] – “кўкрак қафаси”, *аъйн* [10, 74в/8] – “кўз”.

15. Табиат ҳодисаларини ифодаловчи сўзлар: *тўфон* [10, 13в/7].

16. Йўналиш ва томонни ифодаловчи сўзлар: *машиқ* [10, 37г/9] – “шарқ”, *мағриб* [10, 156г/4] – “ғарб”, *жануб* [10, 179в/7].

17. Қавм– қариндошлик муносабатларини ифодаловчи сўзлар. Асарда келтирилган қавм– қариндошлик муносабатларини ифодаловчи лексемаларни қуйидагича таснифлаш мумкин [2]:

1. Умумий тарзда “қариндош” тушунчасини билдирувчи лексемалар:

қавм [10, 34г/10]– “уруғ, аймоқ”, *насл* [10, 192г/2] – “авлод”, *аҳл* [10, 192г/4]- “оила”.

2. Қариндошлик тушунчасини индивидуал тарзда ифодаловчи сўзлар:

аб [10, 172в/11] – “ота”, *аммузода* [10, 128в/20] – “амаки”, *амма* [10, 191г/8], *хола* [10, 68г/10], *жадд* [10, 242в/9] – “бобо”.

18. Космогоник объектларни ифодаловчи сўзлар: *бадр* [10, 2г/8] – “тўлин ой”, *олам* [10, 3г/20], *дунё* [10, 2в/4], *фалак* [10, 3в/1], *самовот* [10, 3в/10] “осмонлар”, *асмо* [10, 8в/10] – “осмон”.

19. Ой номлари. Асарда ҳижрий таквимнинг *Ражаб* [10, 25г/14] - “еттинчи ой”, *Муҳаррам ойи* [10, 232г/18] – “биринчи ой бўлиб, маҳаллий тилда Ошур ойи деб номланади”, *Рамазон* [10, 248в/8] – “тўққизинчи ой бўлиб, маҳаллий тилда Рўза ойи деб номланади” ва мелодий таквимдаги ойларнинг сурёний номларидан *Таммуз* [10, 232г/17] – “июль ойи” келтирилган.

20. Мусиқа асбоблари номлари: *даф* [10, 192в/3] – “тамбурин, ноғорага ўхшаш мусиқа асбоби уларнинг баъзиларини келтириб ўтаман. *Амира-л - мўъминин* [10, 241г/ 7]– “мусулмонлар амири”, *муҳолиф* [10, 218в/4,] – “душман, ғаним”, *ҳарб* [10, 117в/1]– “жанг, уруш”, *қалъа* [10, 134в/3] – “қалъа”.

23. Китобатчилик терминлари [2, 58]: *китоб* [10, 53г/20–] – “китоб”, *китобат* [10, 2в/14]– “кўчириб ёзиш”, *тафсир* [10, 9в/10] – “шарҳ”, *даваат* [10, 99г/8] – “сиёҳдон”, *лавҳа* [10, 119г/17/] – “ёзув тахтаси”, *наққош* [10, 138г/13].

24. Ўлчов бирликлари номлари: *ботмон* [10, 23г/4] – “оғирлик ўлчов бирлиги бўлиб, 898.5 граммга тенг”, *миққол* [10, 80в/60] – “4.35-4.86 граммга тенг оғирлик ўлчов бирлиги”, *аср* [10, 52в/5] – “юз йил” каби.

Асар тилидаги арабий ўзлашмаларни диахрон аспектда ўрганиш тил фактларининг тараққий этиш усулларини аниқлаш учунгина эмас, балки уни яратган халқ тарихини тадқиқ қилиш учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ҳар бир тилнинг тарихи шу тилга мансуб халқ ўтмиши билан боғлиқ. Халқ тарихида юз берган воқеа–ҳодиса тилга албатта ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бу эса дастлаб

тилнинг луғат бойлигида содир бўлади. Шу нуқтаи назардан, айтиш мумкинки, “Қисаси Рабғузий” асарида қўлланилган арабий ўзлашмаларни тематик таснифлаш орқали таҳлил қилиш натижасида 24 та мавзуй гуруҳга мансуб арабча сўзлар қўлланилганлиги маълум бўлди. Ўрта аср туркий халқлари тилига ўзлашган арабча сўзлар ўша давр ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларида фаол қўлланган.

Тематик гуруҳларга бўлиш ҳар қандай ўзлашма қатлам таркиби ҳақида умумий тасаввур бериши аниқ. “Қисаси Рабғузий” асарида ҳам турли

мавзу ва соҳаларга оид арабий сўз ва иборалар қўлланилган бўлиб, асосан салмоқли миқдорда атоқли отлар ҳамда диний соҳага оид сўз ва иборалардан фойдаланилганлиги маълум бўлди. Бу эса халқ ҳаётининг ислом дини билан чамбарчас боғлиқ бўлганлигидан далолатдир. Асар исломга оид манбалар асосида яратилганлиги сабабли унда ислом динига оид лексик қатлам ўзига хос ўринга эга. Шунинг учун ҳам диний сўзларнинг асосини ташкил қилган арабий ўзлашмалар муайян лексик мавзуй гуруҳлардан таркиб топган диний кадрятларни очиб берувчи лексик восита сифатида аҳамиятлидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдулхайров М. “Девони Мунис” тилининг лексик қатламлари. Филол. фан. ном. дисс. автореф. – Т.: 1996. – Б.16
2. Абдушукуров Б.Б. “Қисаси Рабғузий” лексикаси. Филол. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 2017. – 259 б.
3. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Т.: ФАН, 1983. – Б.3.
4. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Тошкент, 1985. – Б.120.
5. Гольдин В.Е. Об одном аспекте изучения тематических групп слов // Языки общества. Вып.2. – М.: 1970. – С.163
6. Дадабаев Х. Общественно–политическая и социально–экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI–XIV вв. –Т.: Ёзувчи, 1991. –168с.
7. Кармышева Б.Х. Следы средневековых этнонимов и антропонимов в узбекских теологиях// Ономастика Средней Азии. Фрунзе.1978. – С.18–28.
8. Казакбаева Г.А. Арабизмы в узбекском языке в прикладном и теоритическом аспектах : дис. ... канд. филол. наук : – М., 2009. – 102 с.
9. Муталлибов С. Морфология ва лексика тарихидан қискача очерк. – Т.: Фан, 1959. –Б.133–134.
10. Nāsirūd-din bin Burhanūd-din Rabguzi. Kisasül-enbiya. I cilt. – Ankara, 1997. – 616 s.
11. Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий. Биринчи китоб – Т.: Ёзувчи, 1990. –Б.6.
12. Носируддин Бурҳонуддин Рабғузий. Иккинчи китоб – Т.: Ёзувчи, 1990. – 272 б.
13. Улуқов Н.М. Ўзбекча диний матнлар экзотик лексикаси. – Дисс. ...филол. фан. ном.: – Т., 1997. – 137 б.
14. Хусанов Н. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик–семантик ва услубий хусусиятлари. Филол. фан. док. ...дисс. – Тошкент, 2000. – 243 б.
15. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Иккинчи жилд. Т.:, 2006. – 672 б.



Вазира ХОЛМАТОВА,
Қариши Муҳандислик иқтисодиёт институти ўқитувчиси
E-mail: suxrobbek_1988@mail.ru

THE UNITS DEMONSTRATING THE CONFIDENCE OF THE SPEAKER IN THE PROPOSITIONAL EXACTNESS

Abstract

In this article it is enlightened the author's scientific researches and relatively opinions about the usage of the modal words and units showing the confidence of the speaker in the propositional exactness in the composition of the speech structure in Linguistics. The usage of modal words and units showing the confidence of the speaker in the propositional exactness in the speech structure informs that the information given to the addressee is exact, besides, alternative propositions have already been foreseen by the speaker and there is no "need" for the addressee to think of this matter any more. The units containing the meaning of the speaker's confidence in the exactness of the information that is being passed "really" in their meanings lower the significance of the emphasis of modal words, because in the further case the proposition is directly compared with reality, occurrence consequently the emphasis that is being expressed gains objective essence. In the cases in which used modal units containing the meanings of belief, exactness and naturalness the emphasis is fully based on the subjective factors confirming the rightness and truth of the proposition.

Key words: speech, modal words, pragmatic content, speech structure, proposition, exactness of the proposition.

ЕДИНИЦЫ, ВЫРАЖАЮЩИЕ УБЕЖДЕННОСТЬ ГОВОРЯЩЕГО В ТОЧНОСТИ ПРОПОЗИЦИИ

Аннотация

В статье автор комментирует и исследует использование модальных слов и выражений в языковой структуре говорящего как выражение уверенности в пропорциональности говорящего. Использование модальных слов и фраз в речевой структуре для убеждения говорящего в точности пропозиции означает, что сообщение адресованное адресату является точным, а также тот факт, что говорящий уже представил альтернативные пропозиции адресату не нужно снова «думать» над этим. Единицы уверенности говорящего в точности передаваемой информации уменьшат ценность акцента на модальных словах, которые имеют значение «действительно», потому что в последнем случае пропозиции напрямую сравниваются с реальностью, а полученное утверждение является объективным. В случаях, когда используются модальные единицы доверия, точности и естественности, акцент делается исключительно на субъективных факторах, которые подтверждают точность и достоверность пропозиции.

Ключевые слова: Речь, модальные слова, прагматическое содержание, речевая структура, пропозиция, точность пропозиции.

ПРОПОЗИЦИЯ АНИҚЛИГИГА СЎЗЛОВЧИНИНГ АМИНЛИГИНИ КЎРСАТУВЧИ БИРЛИКЛАР

Annotatsiya

Мақолада муаллифнинг тилшуносликда нутқий тузилма таркибида сўзловчининг пропозиция аниқлиги ишончини кўрсатувчи модал сўз ва ибораларнинг ишлатилиши юзасидан фикр-мулоҳазалари ва илмий изланишлари ёритилган. Нутқий тузилмада сўзловчининг пропозиция аниқлиги ишончини кўрсатувчи модал сўз ва ибораларнинг ишлатилиши адресатга берилган хабарнинг аниқлиги, шунингдек, муқобил пропозициялар аллақачон сўзловчи томонидан фикран тасаввур қилинганлиги ва адресатнинг яна шу масалада “бош қотиришига” хожат йўқлигидан дарак беради. Сўзловчининг узатилаётган ахборот аниқлиги ишончи маъносидаги бирликлар “ҳақиқатдан ҳам” мазмунидаги модал сўзларга нисбатан таъкид қийматини пасайтиради, чунки охирги ҳолатда пропозиция бевосита воқелик, ҳаққонийлик билан қиёсланади ва натижада билдирилаётган таъкид объектив асосга эга бўлади. Ишонч, аниқлик, табиийлик мазмунидаги модал бирликлари қўлланилган ҳолатларда таъкид тўлиғича пропозициянинг ҳаққонийлиги ва ростлигини тасдиқловчи субъектив омилларга асосланган.

Калит сўзлар: Нутқ, модал сўзлар, прагматик мазмун, нутқий тузилма, пропозиция, пропозиция аниқлиги.

КИРИШ. Сўзловчининг пропозиция аниқлиги ишонини тасдиқловчи модал воситалар таркибига “аминлик”, “ойдинлик”, “равшанлик” мазмунидаги модал сўз ва иборалар, шунингдек,

билиш, ишониш ва маълум бўлиш модулари бирликлари қиради: I know, It is known, I'm sure, I'm certain, I'm positive, I'm convinced, I have no doubt, I don't doubt, It is evident, It is obvious, It is natural.

Бизнинг фикримизча, сўзловчининг узатилаётган ахборот аниқлигига ишончи маъносидаги бирликлар “ҳақиқатдан ҳам” мазмунидаги модал сўзларга нисбатан таъкид қийматини пасайтиради, чунки охири ҳолатда пропозиция бевосита воқелик, ҳаққонийлик билан қийсланади ва натижада билдирилаётган таъкид объектив асосга эга бўлади. Ишонч, аниқлик, табиийлик мазмунидаги модал бирликлари қўлланилган ҳолатларда таъкид тўлиғича пропозициянинг ҳаққонийлиги ва ростлигини тасдиқловчи субъектив омилларга асосланган. Шундай қилиб, сўзловчининг пропозиция ҳаққонийлигига ишончини ифодаловчи модал воситалар гуруҳи туб модал бирликларга нисбатан камроқ кўламда фаоллашади. Ушбу ҳолат олиб борилган бошқа тадқиқотларда ҳам ўз исботини топган [1].

Ишонч мазмунидаги модал сўзлар семантик умумийликка асосланган ҳолда алоҳида гуруҳларга ажратилади. Ушбу гуруҳга *surely, certainly, of course, sure, undoubtedly* модал сўзлари ва *no doubt, for sure, for certain, to be sure, without doubt* нутқий тузилмалари мансуб. Ушбу гуруҳдаги модал сўзлар мазмунида иккита маъно компоненти ажралди: 1) субъектив ишонч, сўзловчининг аминлиги ва 2) баҳоланаётган фикрнинг ҳақиқатга мослигига асосланган объектив ишонч. Шунингдек, ишонч мазмунидаги модал сўзларнинг кўпчилиги ихчамлаштирилган предикация сифатида намоён бўлади: *I'm sure --- Surely, I'm certain --- Certainly; I have no doubt --- Undoubtedly*. Констатив нутқий акт мундарижасига ишонч мазмунини киритиб, ушбу гуруҳ модал сўзлари ва нутқий тузилмалар пропозицияга ҳаққонийлик, ростлик табиатини беради ва шу билан биргаликда, унга таъкид тусини беради. Демак, *certainly* модал сўзининг асосий семаси 1) шубҳа билдирмаслик, 2) объектив маълумотларга асосланган ишонч ҳисобланади. Шу билан биргаликда, Гринбаумнинг фикрича, *certainly* модал сўзи сўзловчининг ишончини хозирги лаҳзада берилаётган хабар доирасида чегаралаб қўяди [2].

Surely модал сўзининг мазмунидаги асосий семалар 1) ишонч, 2) шубҳасизлик, 3) ҳақиқат ҳисобланади. *Surely* модал сўзи орқали бериладиган ишонч маъноси сўзловчининг субъектив маълумотларига, туйғуларига асосланади ва сўзловчи қайсидир жихатда адресатни ўзининг фикрига қўшилишга чорлайди.

Undoubtedly, no doubt модал сўзлари нутқий тузилма модал доирасига шубҳа йўқлиги ва ишонч (*undoubtedly*) ёки эҳтимолнинг мавжуд эмаслиги мазмунларини киритади. *No doubt* модал иборасининг киритилиши адресатда туғилиши эҳтимоли бўлган шубҳаларни ифодалаш учун мулжалланган. *Of course* модал сўзи пропозиция билан воқеалар ривожининг табиий кечиши билан ходисалар табиийлигини боғлайди.

Келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, *certainly* модал сўзи энг юқори таъсир кучига эга. *Certainly* оператори воситасида киритиладиган ишонч мазмуни, одатда, объектив маълумотларга асосланганлиги сабабли, ушбу оператор пропозицияни воқеликдаги ходисаларга

мослаштирувчи, яъни *really, actually, indeed* модал сўзларига кўп жихатдан ўхшаб кетади. Қуйидаги мисоллар билан ҳам юқоридаги хулосаларни тасдиқлаш мумкин:

- You can't even ride a horse.

- Who can't? Sure I can. Certainly I can [3];

“Then your mother didn't have any romantic attachment for Fleetwood whatever?” “Of course not, certainly not” [4].

Мазмунни кучайтирувчи бирликлар каторининг энг юқорисида *surely* модал сўзи, ундан кейин *of course, undoubtedly* ва *сўнг эса, Гринбаумнинг фикрича, less суффиксининг мавжуд бўлишига қарамадан гумон, ишончсизлик тусига эга бўлган doubtless* модал сўзига яқинроқ турган *no doubt* ибораси жойлашган [2].

Келтирилган гуруҳдаги модал сўзлар семантикасида ишончнинг умумий семаси мавжудлиги уларнинг умумий прагматик вазифаларга эга эканлигидан дарак беради. Бу бирликлар сўзловчининг пропозиция ростлиги ва ҳаққонийлигига амин эканлигини билдиради, ҳамда улар адресатни сўзловчи нуқтаи назарини қабул қилишга ундайди. Констатив мазмунини кучайтириш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

